

ISSN 2010-5517

Jahon **ADABIYOTI**

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



May – 2020



Марианна Норт.
"Ҳинд дала гули"

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



Жамоатчилик кенгаши:

Сирождин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иномжон МАЖИДОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДҮСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал

1997 йил июнда
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖҮРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Холу хаттинг. (*Матназар Абдулҳаким шарҳи*).3

НАСР

Федор ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман.
(*Рус тилидан И. Фафуров тарж.*). 9
Иброҳим ан-Носир ал-ҲУМАЙДОН. Зулматдаги нур. Роман.
(*Араб тилидан Муртазо Сайдумаров тарж.*). 68
Ойсулув АХАН кизи. Оккушлар армони. Қисса.
(*Қозоқ тилидан М.Исломқул ўғли тарж.*). 112

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

XX аср поляк шеъриятидан. (*Рус тилидан Д. Ражаб тарж.*). 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

С. СОТИБОЛДИЕВА. Араб олами тадқиқотчиси. 64
У. ЭЛОВА. Генри Лонгфелло ижодида инсон руҳияти манзаралари. 167

ЭССЕ

Чарли ЧАПЛИН. Тўлик метражли ҳаёт.
(*Рус тилидан М. Муҳаммадаминова тарж.*) 146

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Шарлотта БРОНТЕ. Жейн Эйр. Роман. (*Рус тилидан Ш. Ахророва тарж.*) 171
Муковамизда. 204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206





Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ХОЛУ ХАТТИНГ

*Матназар АБДУЛҲАКИМ
шарҳи*

Баъзан мавҳум фикрлаш орқали муайянликдаги чувалашиқлар ечилса, гоҳида муайянлик воситасида мавҳумликдаги чалкашлиқлар ҳал қилинади. Бундай тафаккурий синоатни айниқса шеърятда, хусусан Алишер Навоий ғазалиётида кўп кузатиш мумкин. Шу жумладан бобокалон шоиримизнинг “Холу хаттинг” ғазалида ҳам бундай ҳол яққол намён бўлган.

Умуман, биз ҳар бир меҳрдан янги, “теша тегмаган” фикрлар излашга ўрганиб қолганмиз. Бу назаримда нотўғри. Шеърятнинг асосий вази-фаси “теша тегмаган” фикр айтиш эмас, балки бирон-бир фикрни “теша тегмаган” тарзда айтишдир. Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ҳам Навоий илгари кўп маротаба қалам сурган, дейлик “қора кўзум” ғазалида ҳам фикр юритган мавзу – соғиниш мавзусидир. Лекин боя айтганимиздек, гап мавзунинг эски ёки янгилгида эмас, балки талқиннинг бетакрорлигидадир. Бинобарин, мавзу ҳам худди муҳаббатдек эски бир нарса, лекин ҳар бир шоирнинг қалами, худди муҳаббатни ҳар бир кўнгил янгилагандек, мавзуни янгилайди.

*Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулузор.
Гаҳе кўзумга хол тушубтур, гаҳе зубор.*

Халқимизда бировга узоқ тикилиб қолган одамга “нима бало, юзига хол қўймоқчимисан”, дейдилар. Халқ даҳосининг далили бўлмиш бу қочирим айтиш мумкинки, деярли фотографик бир сирни ифода этади: узоқ тикилиш натижасида инсон кўзининг қораси гўё бошқа бир инсоннинг юзига кўчиб ўтиши мумкинлиги айтилади. Бир қарашда, буни муболаға деб ўйлаш мумкин. Лекин муболағамикан? Маълум бир ирққа мансуб кишиларнинг бошқа ирққа қарашли халқ орасида узоқ яшаганидаги ҳолатини ё кузатган, ё эшитган бўлсангиз эҳтимол. Бундай ҳолларда бир ирқ кишиси иккинчи ирққа хос ташқи белгиларни у ёки бу даражада ўзига қабул қилиб олади. Бу физиологик хусусиятнинг, албатта, ишқ-муҳаббатга алоқаси йўқ. Бу – судралувчиларда эмас, балки инсонда ҳам

маълум маънода буқаламунлик хусусияти. (Биз бу ерда кўп гапириладиган маънавий-ахлоқий буқаламунликни эмас, балки ғайри ихтиёрий бир жисмоний буқаламунликни назарда тутмоқдамиз, албатта) мавжуд эканлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазалида эса муболаға нафосати юқорида биз гапирган бўрттиришдан ҳам ошиб тушган, тўғрироғи, бу нафисликдан ҳам ингичкароқ назокат билан изҳор этилган муштоклик шаймоилидир.

Бу байтда, матлаъда сенинг хаттингни, мийикингдаги мўйларни ўйлайберишдан, кўзим худди ўша хатлардек хиралikka гирифтор бўлди, холингни соғинишдан эса, кўзимга хол тушди деб айтмоқда. Бу биз мақоламизнинг кириш қисмида айтиб ўтганимиз халқ иборасидаги муболағадан ҳам ортикрок бўрттириш шундан иборатки, бунда ўз ҳузуридаги ёрнинг холу хаттидан эмас, балки олисдаги, ҳали ўзи васлига мушарраф бўлмаган гўзалнинг холу хаттидан ошиқнинг кўзига хол тушиб, гоҳи ғубор кўнмоқда. Бу байтда тагин бир жиҳатга ҳам эътиборни қаратмоқ жоиз – бу шундан иборатки, одамнинг кўзларига, аксар, ғубор кексайганда келади. Бундан англаниладики, ошиқ ўз маъшукасини, унинг холу хаттини узоқ вақт мобайнида, балки умр бўйи ўйлайберган, кексаликдаги кўз хиралашувини, кўзга хол келганлигини ана шу муштокликнинг оқибати деб билмоқда. Шунини унутмаслик керакки, ғазал оҳангида бу муштокликдан, умр бўйи давом этган бу фироқдан шоир ўз руҳида ўксиниш эмас, балки ифтихор сезаётганлиги яққол англашилади. Шу нуқтада тасаввуфий бир оҳангни ҳам уқиб олиш мумкин. Бу ҳолда биз “хат”ни – Куръони карим ҳарфлари, холни эса шу ҳарфлардаги нуқталар деб тушунмоғимиз керак бўлади. Ошиқнинг эса ўша хатдек ғубор, ўша нуқталардек хол тушган кўзлари ва бу кўзлар мансуб бўлган айрилиқзада жисми тобора висолга яқинлашиб бормоқда, яъни унинг вафот этадиган фурсати. Аллоҳ даргоҳига ноил бўладиган дамларига оз вақт қолаётир... Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш ҳам керак – Алишер Навоий талқинидаги муҳаббатда илоҳийлик ва инсонийлик бир-бирини инкор эмас, балки тақозо этадиган тушунчалардир.

Алишер Навоий ҳар гал ўз ғазалини мана шундай авж пардаларда бошлайди. Матлаънинг ўзидаёқ мукамал бадий гўзаллик, фикрий бемиқёсликка эришадими, гўё бу байтдан кейин бу мавзуда гап айтишга ўрин қолмагандек туюлади. Лекин туюлади, холос. Навоий ўз тафаккур торларини мана шу авж пардадан кейин яна авжлантира борадики, бу юксаликка шоир қаламига эргашиб кўтарилмоқ улкан бир маънавий қанот бахш этади кишига.

*Юзида хол саҳифада томган каби қаро,
Холинг малоҳати, туз эрурким, қарода бор*

Бу ўринда беихтиёр пайғамбаримиз Расулиллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаламнинг Билол Ҳабаший ҳақидаги лутфлари эсга тушади. Қора танли бу инсоннинг исломга юксак эътиқодини таъкидлаб, Муҳаммад алайҳиссалом айтган эканларки, келажакда барча гўзалларга холлар Билол Ҳабашийнинг вужудидан улашилғайдир... Бинобарин, гўзаллар рухсоридаги холлар фақат гўзаллик тимсоли эмас, шунинг билан бир-

га эътиқоднинг мукамаллигига ҳам ишорадир. Англашиладики, Навоийнинг гўзалликдан мақсади гўзалликкина эмас, балки Аллоҳ таолога ихлос ҳамдир. Шунинг учун ҳам Навоий бу мисрада тагин матлаъдаги сингар қоғоз ва унга томган сиёҳ ташбеҳини тараққий топтиради, ўқувчи идрокини қутлуғ саҳифаларга йўналтиради.

Юзингда хол сафҳада томган киби қаро...

Бу – инсон гўзаллигини ифодалашда бетимсол бир гўзал мисрадир. Лекин Алишер Навоий бу ифода билан қаноатланиб қолмасдан, ўзининг қаламига хос муболаға чексизлиги билан бизни ҳайратлантиришда давом этади.

Холинг малоҳати, туз эрурким, қарода бор.

“Қаро” бу қайғу белгиси, “қаро” бу ғам тимсоли, Навоий “қаро” у кулфатнинг қайси хили бўлишидан қатъий назар, бемақсад бўлса, таъмсиз бўлади, сенинг шу қайғу билан, алам билан рангдош холинг изтиробларимга мазмун бахш этади, уни тотлиғ қилади, демоқчидек. Тагин бир мушоҳада келади ҳаёлга – “туз” сўзи, агар у ингичка “у” билан талаффуз этилса, туркийда тўғри, рост, деган маънони ҳам ифодалайди. Бундай ҳолда, бошқа бир дилбар муболағани ҳам идрок этиш мумкин – сенинг холинг қаролиғда шу қадар қуюқки, оқ саҳифага томган сиёҳ қандай яққол бир тарзда мавжуд бўлса, холинг қаро сатҳда ҳам шундай малоҳатли, гўзал бир тарзда кўзга ташланади. Тўғрироғи, бу ерда Навоийнинг сонсиз маҳорат кирраларидан бири бўлмиш, бу мақсадга қаратилган кўп маънолилик, яъни шоир айтган гапни ҳар хил нуқтаи назардан талкин қилиш мумкин, лекин буларнинг барчаси асосий ғояни ҳар тарафлама ёритишга хизмат қилади, холос. Навоийнинг бу байтдан чиқадиган марказий хулосаси, инсон ва унинг юзидаги хол – инсоннинг илоҳиёт билан чамбарчас эканлигига ишора ҳамда шу саодатнинг рамзи эканлигидир.

Мавриди келдики, қаро рангнинг маънавиятимиз тарихида тутган бошқача ўрнига ҳам мухтасар тўхталсак. Маълумки, “Сабъаи сайёр” достонида биринчи иқлимнинг дарвени шу иқлим подшоси томонидан қурилган қора қасрда Баҳромга Ахий бил Фарруҳ ҳақидаги афсонани гапириб беради. Мазкур ҳикоятдаги барча нарсалар қора тусда тасвирланади. Бу ҳақда батафсил баёнга ўтиш ҳозир бизнинг мақсадимизга кирмайди. Лекин шуни эслатиб ўтиш жоизки, йўл қўйган хатолари учун жазо бўлароқ, қора ранг Баҳром учун кулфат рамзига айланади.

*Бошига солиб ул қаро жу,
Ҳар туки сою бир қаро қайғу.*

Ахий ва Фарруҳларга эса дўстлик ва муҳаббатдаги садоқатлари учун қаро ранг бахт келтиради. Навоий ўз “Хамса”сида муборак қаро ранг ҳақида қуйидагича хулоса чиқаради:

*Қаро ранг элга тожи торақдур,
Ким бу ранг ичра дур муборакдур.*

Ушбу ғазалда тавсифланаётган гўзалнинг холидаги ранг ана шу ёвузлик учун кулфат, эзгулик учун бахт келтирадиган қарода бор, демоқда шоир. Бинобарин ёрнинг холидан андоза олмиш ҚАРО фақат ҳусн эмас, балки адолат рамзи ҳамдир. Бу ҳақда кўпроқ билишни истаганлар эътиборини “Сабъайи сайёр”га ҳавола қиламиз-да, ғазал ҳақида фикрлашда давом этамиз.

Навоий тафаккури ғазалда мисрадан мисрага худди қуюндек ҳам чарх ура, ҳам юксала боради. Энди Алишербек ҳазратлари бу юз ва бу холнинг яна ҳам аниқроқ мажозларини аҳтариб топишга ва бу аҳтариб топиш орқали бу юз ва бу холнинг мангуликка, ҳаққа нисбатини аниқлашга ўтади, фикримизча.

*Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.*

Нега шундай? Нега илгари юз ва хол-хат ва саҳифа, оппоқ қоғоз ва унга томган сиёҳ-қуронга ишора, мангуликка дахлдорлик эди-ю, энди бундай? Яъни, юз ва холингнинг яна ҳам аниқроқ таърифини билмоқчи бўлсанг, бу ёниб турган ўт ва ундаги сўниб қолган бир чўғ, демакда шоир.

Айтадиларки, Алишер Навоий ҳазратлари тасаввуфнинг фано мақомига эришган зот эканлар. Бу дегани шоир бутун борликни Аллоҳ қошида муваққатлигини, инсон эса Ҳақ сари йўл олган бир ўткинчи эканлигини юрак-юракдан ҳис қилган ва ўзининг ҳам бу холини чуқур идрок этиб, мана шу “ўткинчиликда” собит, яъни худога интилишда тўхтовсиз ҳаракатда бўлганлар. Эътибор қилинг, “жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг” дейди шоир. “Ўртамак” бу “ёқмоқ” дегани. Навоий талқинича инсоннинг юзу холи Худо томонидан яратилганлиги билан илоҳий, лекин яратгувчи қошида вақтинчалик бир вужуд. Лекин улар мана шу абадий бир мўъжизани, яъни жонни ёқади. Эҳтимол, юз ва холнинг олов ва ундаги учган учқунга ўхшатилишида, шу юздан айрилиқдаги изтиробларга ишора бордир. Бу айрилиқнинг ўткинчилиги дийдор оловининг боқий эмаслиги билан чамбарчасдир. Изтироб ва ҳусннинг умрида ҳикматли бир тенглик мавжуддир. Хуллас, нима бўлганда ҳам, бир ҳақиқат аниқ-муҳаббатда юз ва хол, яъни инсоний гўзалликнинг ўзигина бош мақсад бўлиб қолса, инсоннинг юзи, унинг жисмоний борлиги фанога, ўткинчиликка иқрор бўлмаса, гўзаллик ҳақ йўлида эмас, гўзаллик гўзаллик йўлидагина мавжуд бўлса, бундай ҳусндан кўрккуликдир, ундан дўзах ҳиди келади. Яна илоҳийлик. Яна инсонийлик...

Маълумки, юракка, шоир таъбири билан айтганда, “кўнгул”га салгина бир ёт жисм, бирон-бир бегона зарра тушса ҳам, у яшашдан тўхтайдди, урмай қўяди. Бу ҳодисадан Навоий навбатдаги байтда муҳаббатнинг фавқулудда кучини намоёйиш этиш учун фойдаланади.

*Билмам, кўнгулда холларинг ҳаёлидир,
Ё киприкинг тиканларин айблабсен устувор.*

Эсласангиз, ғазалнинг биринчи байтида, яъни матлаъда шоир ошиқнинг ўз суюқлиси холини ҳаёл қилаверишидан кўзига хол тушганини айтган

эди, биз бундан хайратлангандик. Лекин ушбу байтда кўрамизки, матлаъда изҳор этилган азоб бунисининг ёнида ҳали ҳеч гап эмас экан.

Маълумки, чинакам кўз, тасаввуфий маънода бу – кўнгилдир (Ҳазрати Жалолиддин Румийни эсланг “Кўзни юмғил, кўзга айлансин кўнгул...”). Бу байтдан маълум бўладики, шоир матлаъда айтган кўзга тушган ҳол бу – кўнгилдаги ҳолларнинг кичик бир нишонасидир. Чинакам ҳоллар – ошиқ кўнглидаги саноқсиз доғлар ёр ҳолларини ўйлайверишдан пайдо бўлганми ёхуд ёр киприклари билан “тиканлар” санчганми ошиқ кўнглига.

Нима бўлганда ҳам, бир мўъжиза аниқ – шоирнинг юраги мана шундай доғлар, ёр киприкларининг «тиканлари» устивор қилаётган бесанок жароҳатларга қарамай, ҳамон яшамокда, ҳамон севмокда. Бу юрак сиртдан қараганда, тирикликнинг биз юқорида айтиб ўтган оддий қонунига зид равишда ҳаёт кечирмокдаки, бу ҳам муҳаббат туфайли содир бўлаётган мўъжизадир, бу ҳам руҳнинг жисм устидан ғалабасидир, бу ҳам инсон меҳрининг илоҳийлигига бир ишорадир.

*Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзим тийра бўлмогин
Билгай бировки ёри эрур ишуху холдор.*

дейди ўз фикрини давом эттириб шоир. Бунинг билан Навоий муҳаббатнинг ноёб бир туйғу эканлигини, тансиқ бу бахт ҳар ким – ҳар кимга ҳам насиб бўлавермаслигини таъкидлайди. Биласиз, дардли одам ҳамдардга зор бўлади. Айниқса, муҳаббат дардига гирифтор бўлган одам ўзига ҳаммаслак, ҳамдард излайди, унга сирларини очгиси, тотли андуҳларини ўзига ўхшаган бир ошиқни топиб, баҳам кўргиси келади. Шоир ушбу байтида ўз муҳаббатининг бетимсоллиги сабабли ана шундай ҳамдарднинг, эҳтимол, йўқлигини таъкид этади, балким, бундай ошиқнинг қайлардадир борлигини тахмин қилади, шунинг учун ҳам бу байтда номуайян бир истак билан, ҳали топилмаган ҳамдарднинг мавжудлиги мумкинлиги эканлиги ҳақида нола қилиш билан кифояланади.

*Машшотаи қазо безамиш холу хаттини
Беихтиёрликда манго борми ихтиёр.*

Инсоннинг измидаги воқеалар бор, измидан ташқари ҳодисалар бор. Қазо бу – илоҳий бир қисмат, ёзғит, машшота дегани маликаларни, аслзода аёлларни ясантирадиган ходима. Навоий ўзининг юқоридаги байтларида батафсил изҳор этган улуғвор ҳамда фожиавий кечинмаларига маҳкумлиги, бу маҳкумлик ўз ихтиёридан ташқарида юз бераётганини, бу Худонинг хоҳиши эканлигини айтади. Бу билан, ўзи гирифтор бўлган кулфатнинг, ўзи мушарраф бўлган бахтнинг илоҳийлигига энди очикдан очик ишора қилади. Инсон қазо ҳукмига банд, инсон илоҳий дийдорга эришгандагина (вахдат) узил-кесил мурод-мақсадга етади. Навоийнинг қайта ва қайта таъкидлашича, одамзот ўзининг мана шу маҳкумлигига икром бўлмоғи зарур, ана шундагина у фано мақомига доҳил бўлади, ана шундагина у ҳақ йўлидан бораётган бир ўткинчи бўлади. Ёдингиздами,

*Навоий, чорадан кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш.*

Демак, чинакам дийдор бу – илоҳий муҳаббат орқали эришиладиган дийдордир. Бундай дийдорга муносиб одамнинг унга эришмоғи муқаррардир. Шунинг учун ҳам мактаъ мана шу икки дийдор ҳақидаги илтижо билан тугайди:


*Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди суваати холига, эй нигор.*

Навоий ўзининг инсон маъшуқасига, “нигор”ига айтмоқдаки, Навоий худо яратган гўзалигига мафтунлик билан яшаб ўтади. “Жон бериш” дегани шоир фикрича, бу – яшаб ўтиш, умрбод лабинг холига муҳаббат билан ҳаёт кечириш, дегани. Ана энди биз эътибор беришимиз, алоҳида эътибор беришимиз зарур бўлган ибора келади.

Боқсанг не бўлди суваати холига, эй нигор.

Навоий холимни суваатига, яни ташқи кўринишига боқ, демоқда. Англашиладики, бу ҳолнинг сийрати, яъни унинг асли ўзи илоҳий ва унга нигорнинг боқишга бу ҳолни англашга қурби етмайди. Бу ҳолнинг суваатини эмас, балки моҳиятини англаши мумкин бўлган “Нигор” – бошқа. У– Аллоҳдир.

Алишер Навоийнинг ғазалларида инсоний ва илоҳий муҳаббат наволари аралаш келади, дейлик, Шайх Фаридидин Аттор, Аҳмад Яссавий ижодида сўфийлик соф, ёмби холида учраса, Навоийнинг меросида Аллоҳга ва Инсонга муҳаббат ва бу муҳаббатнинг мўъжизавий тароналари чамбарчас боғланиб кетадики, бобомиз меросидаги бу хусусият ўз зиммамиздаги инсонлик маъсулиятимизнинг бир лаҳза бўлсин унутишга маънавий ҳуқуқимиз йўқлигини қайта таъкидлаб, бизни қутлуғ бир тарзда безовталантириб туради.





Федор ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман¹

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси*

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Ўн биринчи китоб

БИРОДАР ИВАН ФЕДОРОВИЧ

III

ЗИНҚАРЧА

Алеша Лизанинг қошига кириб, уни аввал юролмаган пайтларида ўтирадиган юмшоқ креслосида ёнбошлаб ётганини кўрди. Қиз унга пешвоз турмади, лекин хушёр, ўткир кўзлари йигитнинг кўксига қадалди. Нигохидан бирмунча ҳарорат ёғилар, юзи сарғайганди. Алеша уч кун ичида унинг бунчалар ўзини олдириб қўйгани, ориқлаб қолганига ҳайрон бўлди. Қиз унга қўлини узатмади. Йигитнинг ўзи унинг кийими устидаги қимир этмаган нозик узун бармоқларига қўлини босиб қўйди, кейин индамай рўпарасига ўтирди.

– Биладан, сиз турмага шошиб турибсиз, – кескин деди Лиза, – сизни икки соат онам тутиб қолди, сизга мен билан Юлияни гапириб берди.

– Сиз каердан билдингиз? – сўради Алеша.

– Қулоқ солиб тургандим. Нега менга бакраясиз? Қулоқ солгим келса, қулоқ солавераман, бунинг нимаси ёмон? Узр-маъзур сўраб ўтирмайман.

– Бирон нарсадан хафа бўлдингизми?

– Аксинча, жуда хурсандман. Ҳозиргина ўттинчи марта бўлса керак, ўйлаб ўтиргандим: рад жавоби бериб тўғри қилган эканман, сизга хотин бўлмайман. Сиз эрлик қилолмайсиз: сизга тегсаму бирдан сизга хат тутказиб буни мен энди яхши кўриб қолган одамга элтиб бер, десам, хатни

¹ Давоми. Романнинг бошланиши журналнинг ўтган 2018 йил 8, 9, 10, 11, 12; 2019 йил 9, 10, 11; 2020 йил 4-сонларида.



оласизу албатта, ўшанга олиб бориб берасиз, яна жавобини ҳам олиб келасиз. Сиз ёшингиз қирққа чикқанда ҳам шунақа хатларни ташиб юрасиз.

У бирдан шарақлаб кулиб юборди.

– Сиз қаҳру ғазаб отига минибсиз, бунинг устига, ғўрлигингиз ҳам бор, – унга жилмайиб қаради Алеша.

– Ғўрлигимга келсак, сиздан ҳеч уялмайман. Уялмаслигим ҳам кам, ҳатто уялишни хоҳламайман, айти сизнинг олдингизда, айти сиздан, Алеша. Нега мен сизни ҳурмат қилмайман? Мен сизни жуда яхши кўраман, лекин ҳурмат қилмайман. Агар ҳурмат қилганимда уялиб гапирмаган бўлардим, шундайми ахир?

– Шундай.

– Сиздан уялмаслигимга ишонасизми?

– Йўқ, ишонмайман.

Лиза яна асабий хихилади; у тез, лаби лабига тегмай гапирмоқда эди.

– Мен акангиз Дмитрий Федоровичга турмага ширинликлар юбордим. Алеша, сиз қанчалар яхшисиз! Сизни севмайман, десам, дарров рози бўла қолдингиз, шунинг учун сизни жонимдан ҳам яхши кўраман.

– Сиз мени бугун нима учун чақирдингиз, Лиза?

– Сизга бир истагим борлигини айтмоқчийдим. Мени кимдир далвадалва қилиб ташлашини истайман, менга уйланишини истайман, кейин дабдала қилиб ташласин, алдасин ва йўқ бўлиб, қочиб кетсин. Мен бахтли бўлишни хоҳламайман!

– Тартибсизликни яхши кўриб қолдингизми?

– Оҳ, мен тартибсизликни хоҳлайман. Уйни ёқиб юборсам дейман. Халлимда шундоқ бораману секингина, албатта, секингина ёқиб юбораман. Ҳамма ўтни ўчириш билан овора, уй эса ёнаверади. Мен биламану индамайман. Оҳ, аҳмоқчилик! Қанчалар зерикарли ҳаммаси!

У нафратланиб қўлини силтади.

– Тўқликка шўхлик, – секин деди Алеша.

– Нима, йўқчилик яхшими?

– Яхши.

– Буни сизга валий чол айтган. Бу тўғри эмас. Мен бойман, бошқалар эса камбағал, мен ширинликлар ейман, қаймоққа нон ботираман, уларнинг ҳеч қайсисига бермайман. Оҳ, ҳеч нарса деманг, ҳеч нарса деманг, – қиз қўлларини силтади, холбуки, Алеша оғиз очмаганди, – сиз менга буларни аввал айтгансиз, менга ҳаммаси ёд бўлиб кетган. Зерикдим. Агар мен қашшоқ бўлсам, кимнидир ўлдириб қўяман, агар бой бўлсам ҳам кимнидир ўлдирардим балким, шундоқ ўтиравераманми! Биласизми, мен йиқилсам дейман, тиғ урсам, туғсам дейман. Мен сизга турмушга чиқаман, сиз ҳақиқий эр бўласиз, чин эр бўласиз, тойчоғимиз бўлади, хоҳлайсизми? Сиз Калгановни биласизми?

– Биламан.

– У орзу қилиб юргани юрган. Ростакамига яшаб нима қилади, – дейди, – орзу қилган яхши. Энг ажойиб нарсаларни орзу қилиш мумкин, лекин яшаш жуда зерикарли. Ўзи тезда уйланмоқчи, менга ҳам севги изҳор қилди. Сиз пирилдоқ ясай оласизми?

– Ясайман.

– У ана шунақа пирилдоқ; айлантириб қўйиб юборсангиз, бас. Кейин камчи уриб айлантираверасиз, айлантираверасиз; агар унга турмушга чиқсам, бир умр айлантираман. Сиз мен билан ўтиришдан уялмайсизми?

– Йўк.

– Мен муқаддас нарсалар ҳақида гапирмайман, жаҳлингиз чиқади. Мен авлиё бўлишни истамайман. Нариги дунёда энг катта гуноҳ учун нима қилишади? Сиз буни аниқ-таниқ билсангиз керак.

– Худонинг қаҳри келади, – қизга диққат билан тикилиб деди Алеша.

– Мен мана шунақа бўлсам девдим. Мен келсам-да, мени ҳукм қилишса, сўнг бирдан уларнинг ҳаммаларининг кўзларига қараб туриб кулиб юборсам. Мен уйни ёмон ёқиб юборгим келяпти, Алеша. Бизнинг уйимиз, сиз менга ҳалиям ишонмаяпсизми?

– Нега? Шунақанги болалар бор ўн икки яшар, уларнинг нималарнидир ёқиб юборгилари келади, ёқадилар. Бу худди касалликка ўхшаган нарса.

– Нотўғри, нотўғри, майли, болалар бўлсин. Лекин менинг гапим бу ҳақда эмас.

– Сиз ёвузликни яхшилик деб қараяпсиз: бу бир зумлик танглик. Бунда сизнинг аввалги касалингизнинг таъсири бўлса керак.

– Сиз, барибир, мени ёмон кўрасиз! Мен, барибир, яхшилик қилишни хоҳламайман, мен ёвузлик қилмоқчиман, бу ерда ҳеч қанақа касаллик йўк.

– Ёвузлик қилиш нимага керак?

– Ҳеч ерда ҳеч нарса қолмаслиги учун. Оҳ, қандай яхши бўларди ҳеч ерда ҳеч нарса қолмаса! Биласизми, Алеша, баъзан жуда кўп ёвузлик ва ёмонлик қилгим келади, узоқ вақт ҳеч кимга билдирмай буни қиламан ва бирдан ҳамма билиб қолади. Ҳамма мени ўраб олади ва мени кўллари билан кўрсатишади, мен эса ҳаммага қараб тураман. Бу жуда маза. Бу нега шундай маза, Алеша?

– Шунақами. Бирон эзгу нарсани мажаклаб ташлаш ёки бўлмаса, ўзингиз айтмоқчи, ёндириш эҳтиёжи. Бу ҳам бўлиб туради.

– Мен куруқ гапирганим йўк, мен буни қиламан.

– Ишонаман.

– Оҳ, мен сизни қанчалар севаман ишонаман деганингиз учун. Сиз ҳеч, ҳеч ёлғон айтмаяпсиз-ку. Балки ғашимга тегиш учун атай шунақа гапларни айтяпти, деб ўйлаётгандирсиз?

– Йўк, ундаймасдир... балки шунақа эҳтиёж ҳам андак бўлса бордир.

– Андаккина бор. Ҳеч қачон сизнинг олдингизда ёлғон сўзламайман, – деди қиз кўзларида қандайдир ўт чакнаб.

Алешани кизнинг жиддий сўзлаётгани ҳайратга солмоқда эди: энди унинг юзида на кулонғичлик ва на ҳазил-мазах ифодаси кўринар, ҳолбуки, авваллари энг “жиддий дамлар”да ҳам шўхлик-қувноқликни асло тарк этмасди.

– Шундай дамлар бўладики, одамлар бунда жинойтга мук кетадилар, – ўйчан деди Алеша.

– Ҳа, ҳа! Сиз айна менинг фикримни айтдингиз, мук кетади, доим муккасидан кетади, “дамларда” дейиш бунда хато. Биласизми, бунда гўё қачонлардир ҳамма ёлғон сўйлашга келишиб олгандай ва ўшандан буён ёлғонлайдилар. Ҳамма ёмон нарсани ёмон кўраман дейди, аммо ичида яхши кўради.

– Э, сиз яна олдингидай бемаъни китобларни ўқияпсизми?

– Ўқияпман. Ойим ўқийди-да ёстик тагига беркитади, мен ўғирлаб олиб ўқийман.

– Сизга нима керак ўзингизни абгор қилиб?

– Мен ўзимни абгор қилмоқчиман. Бу ерда битта болакай бор, у вагонлар ўтиб кетаётганда темир излар орасида ётган. Бахтиёр бола! Менга қаранг, мана энди сизнинг акангизни отасини ўлдирган деб суд қилишмоқчи, уни ҳамма отасини ўлдирган деб яхши кўради.

– Отасини ўлдиргани учун яхши кўришадими?

– Яхши кўришади, ҳамма яхши кўради! Ҳамма буни даҳшатли дейди, ammo ичларида шуни яхши кўришади. Биринчи бўлиб мен яхши кўраман.

– Сизнинг ҳамма ҳақидаги сўзларингизда андак ҳақиқат йўқ эмас, – оҳиста деди Алеша.

– Оҳ, қандай фикрлар-а бу! – чийиллаб юборди қувониб Лиза, – бу роҳиб кишимнинг гапини қаранг-а! Сизни қанчалар ҳурмат қиламан десам, ишонмайсиз, Алеша, ахир, сиз ҳеч қачон ёлғон сўзламайсиз. Оҳ, мен сизга ўзимнинг бир кулгили тушимни айтиб бераман: гоҳида тушимга жинлар кириб чиқади, кечасимиш, мен шам ёқилган хонамдан, кутилмаганда ҳамма ёқда жинлар, бурчакларда, столлар тагида, эшикларни очишади, эшик орқасида тўда-тўда бўлиб юришади, улар ичкарига кириб мени ушлаб олмоқчи бўлишади. Ана ушлади, мана ушлади. Мен бирдан чўқинаман, ҳаммаси бирдан ортга тисарилади, кўркиб туради, лекин бутунлай кетмайди, эшик олдида туришади, бурчакларда кутишади. Мен тўсиндан овозимни баланд чиқариб худони ёмонлай бошлайман, жинлар яна тўда-тўда бўлиб атрофимга йиғилишади, жуда хурсанд бўлиб кетиб мени тутишади, мен эсам яна чўқинаман – улар ҳаммаси орқага чекинади. Жуда ёмон қизиқ, нафасинг бўғзингга тикилади.

– Мен ҳам шундай туш кўрганман, – деди бирдан Алеша.

– Наҳотки? – қичкириб юборди Лиза ажабланиб. – Қулоқ солинг, Алеша, кулманг, бу жуда ҳам муҳим: иккита ҳар хил одамда бир хил туш бўлиши мумкинми?

– Тўғри, мумкин.

– Алеша, сизга айтаяпман, бу жуда муҳим деб, – қандайдир ҳаддан ташқари ҳайратга тушиб давом этди Лиза. – Туш муҳим эмас, сиз айнан шу тушни худди менга ўхшаб кўргангиз муҳим. Сиз ҳеч қачон менга ёлғон гапирмагансиз, энди ҳам ёлғон гапирманг, шу ростми? Кулмаяпсизми?

– Рост.

Лиза нимадандир қаттиқ ҳайратга тушган, у ярим дақиқача лол туриб қолди.

– Алеша, менинг олдимга тез-тез келиб турунг, тез-тез, – деди қиз ёлворган оҳангда.

– Мен бир умр доим сизнинг олдингизга келиб тураман, – қатъият билан деди Алеша.

– Мен ахир, фақат сизга айтаяпман, – яна бошлади Лиза. – Мен ёлғиз ўзимга ва сизга айтаман. Дунёда ёлғиз сизга дейман. Ўзимдан кўра ҳам сизга кўпроқ ишониб айтаман. Мен сиздан ҳечам уялмайман, Алеша. Нега мен сиздан ҳеч уялмайман? Алеша, шу гап тўғрими, жухудлар ҳайитда болаларни ўғирлаб сўйишадими?

– Билмадим.

– Менда битта китоб бор, аллақерда суд бўлганини ўқиганман, унда бир жухуд тўрт яшар болакайни аввал кўлларидаги барча бармоқларини кесган, сўнг деворга ёпиштириб михлаган, кейин судда болакай тўрт соат

ўтиб тезда ўлди деган. Тўрт соат тез эмиш, ол-а! Болакай нуқул инграб йиғлармиш, золим эса унинг тепасида туриб томоша қилармиш. Бу яхши!

– Яхшими?

– Яхши. Баъзан болакайни мен ўзим михлагандай бўламан. У деворда осилиб йиғлайди, мен эса унинг қаршисида ўтириб, ананас шарбатини ичаман. Мен ананас шарбатини жуда яхши кўраман. Сиз яхши кўрасизми?

Алеша индамай унга қараб турди. Қизнинг оқ-сарик юзи бирдан бужмайди, кўзларида ўт чакнади.

– Биласизми, жухуд ҳақида ўқиганимдан кейин тун бўйи йиғлаб қалтираб чиқдим. Болакайнинг йиғлаганлари, инграганлари кўз ўнгимга келади (тўрт яшар болакайлар ахир, ҳаммасини тушунишади), хаёлимни эса ҳеч ҳалиги шарбат ҳақидаги фикр тарк этмайди. Эрталаб бир одамга хат жўнатдим, албатта, менинг олдимга келинг, деб ёздим. У келгандан кейин болакай билан шарбат тўғрисида сўйлаб бердим, ҳаммасини, ҳаммасини сўйладим ва “бу яхши” дедим. У кишим кулиб юборди ва бу ҳақиқатан ҳам яхши деди. Кейин ўрнидан туриб кетиб қолди. Бор-йўғи беш дақиқа ўтирди. У мендан нафратланди, нафратландими? Айтинг, айтинг, Алеша, у мендан нафратландими, йўқми? – қиз ётган жойидан гавдасини кўтарди, кўзлари йилтирарди.

– Айтинг-чи, – деди ҳаяжонланиб Алеша, – ўша кишини сиз ўзингиз чақирдингизми?

– Ўзим.

– Унга хат юбордингизми?

– Хат юбордим.

– Болакай ҳақида сўрамоқчи бўлдингизми, ё?

– Йўқ, бу ҳақда эмас, йўқ. Лекин у кириб келиши билан дарров шу ҳақда сўрадим. У жавоб берди, кулди, кейин кетди.

– У одам сизга виждонан муносабатда бўлибди, – оҳиста деди Алеша.

– Мендан нафратландими? Устимдан кулдими?

– Йўқ, чунки унинг ўзи ҳам ананас шарбатига ишонса керак. Унинг ўзи ҳам ҳозир жуда оғир касал, Лиза.

– Ҳа, ишонади! – кўзлари ёниб деди Лиза.

– У ҳеч кимдан нафратланмайди, – давом этди Алеша. – Фақат у ҳеч кимга ишонмайди. Ишонмагандан кейин, албатта, нафратланади.

– Демак, мендан ҳамми? Мендан ҳамми?

– Сиздан ҳам.

– Бу яхши, – қандайдир тиш ғижирлатди Лиза. – У чиқиб кетиб кулгандан кейин мен нафратга сазовор бўлиш яхшилигини сездим. Бармоқлари кесилган бола ҳам яхши, нафратга учраш ҳам яхши...

У қандайдир қаҳр-ғазаб ва иситма ичида хириглади Алешанинг кўзига қараб туриб.

– Биласизми, Алеша, биласизми, мен нима истардим... Алеша, мени кутқаринг! – у бирдан ётган жойидан дик этиб турди, унга ўзини отиб, қўллари билан маҳкам қучоқлаб олди. – Мени кутқаринг, – ингранди қиз. – Мен дунёда бирон зотга айтармикинман сизга нима деганимни? Мен эса рост, рост, рост гапирдим! Мен ўзимни ўлдираман, чунки менга ҳаммаси ёмон! Мен яшашни истамайман, чунки менга ҳаммаси ёмон! Менга ҳаммаси ёмон, ҳаммаси ёмон! Алеша, нега сиз мени ҳечам, ҳечам яхши кўрмайсиз! – деб тугатди у сўзини жазавага тушиб.



– Йўқ, яхши кўраман! – оташи чиқиб деди Алеша.

– Мени ўйлаб йиғлайсизми, йиғлайсизми?

– Йиғлайман.

– Мен сизнинг хотинингиз бўлишни истамаганим учун эмас, шунчаки менинг ўзимга йиғлайсизми, шунчаки?

– Йиғлайман.

– Ташаккур! Менга фақат сизнинг кўз ёшларингиз керак. Бошқалар ҳаммаси, майли, мени ўлдиришсин, оёқлари билан эзиб ташлашсин, ҳаммаси, ҳаммаси, истисносиз ҳаммаси! Чунки мен ҳеч кимни яхши кўрмайман. Эшитяпсизми, *ҳе-еч кимни!* Аксинча, нафратланаман! Алеша, боринг энди акангизнинг олдига! – у бирдан Алешанинг кучоғидан чиқди.

– Сиз қандай қилиб бир ўзингиз қоласиз? – қўрқиброқ деди Алеша.

– Акангизнинг олдига боринг, турмани ёпиб қўйишади, боринг, мана шляпангиз! Митяни ўпиб қўйинг, боринг, боринг!

Қиз шунда Алешани куч билан эшикка итариб юборди. У нима қилишини билмай алам билан қаради, бирдан ўнг қўлида хат пайдо бўлганини пайқади, хат кичкинагина, букланган ва муҳрланганди. У шундоқ бир қарашда хат унвонини ўқиди: Иван Федорович Карамазовга. У ялт этиб Лизага қаради. Қизнинг чеҳраси қаҳрли эди.

– Топширинг, албатта, топширинг! – жазавага тушиб, титраб-қалтираб буюрди у, – бугун, ҳозир топширинг! Бўлмаса, мен заҳар ичаман! Мен сизни шунинг учун чақирганман!

У эшикни тез ёпди. Лўкидон шарақлади. Алеша хатни чўнтагига солди-да, тўғри пиллапоёга қадам ташлади, Хохлакова хонимнинг қошига кириб ўтирмади, ҳатто у эсидан ҳам чиқди. Лиза Алешанинг қадамлари узоклашиши биланоқ лўкидонни бураб туширди, эшикни зигирча қия очди, тирқишга ўз бармоғини қўйди ва эшикни ёпиб, кучи борича босди. Ўн сониялардан сўнг бармоғини тирқишдан олди, жойига қаддини тик тутиб секин-оҳиста ўтирди-да, қорайиб кетган, тирноғи тагидан кон силкиб чиққан бармоғига диққат билан қаради. Унинг лаблари қалтирарди, қиз тез-тез ўзига ўзи пичирларди:

– Ярамас, ярамас, ярамас, ярамас!

IV

ҲАМД ВА СИР

Алеша турманинг дарвозасини тақиллатаётганда, анча кеч тушиб қолганди (ноябрнинг кунлари шунчалик қисқа-да). Говгум туша бошламишди. Аммо уни Митянинг қошига тўсиқ қўймай ўтказиб юборишларини Алеша биларди. Бизнинг шаҳарчамизда ҳаммаси худди бошқа ерлардагидай ўша-ўша. Албатта, авваллари – дастлабки тергов пайтларида Митя билан қариндош-уруғлари ва бошқа баъзи бир кимсаларнинг кўришиши айрим зарур расмиятчиликлардан холи эмасди, лекин кейинчалик Митянинг ҳузурига келувчи айрим шахсларга расмиятчиликлар биров энгиллашиб, қандайдир истиснолар ҳам пайдо бўлди. Шундайки, баъзида ҳатто ҳибсда ўтирган шахс билан белгилаб қўйилган хонадаги кўришув тўрт кўз иштирокида рўй берарди. Дарвоқе, бундай шахслар у

қадар кўп эмасди: бор-йўғи Грушенька, Алеша ва Ракитин. Грушенькага полис бошлиғи Михаил Макарович ғоятда кўнгилчанлик билан қарарди. Қариянинг кўксига Мокроеда қизга қаттиқ бақиргани тошдек юк бўлиб ётарди. Воқеанинг асл моҳиятини билганидан сўнг у Грушенька ҳақидаги фикрини батамом ўзгартирди. Яна шуниси ҳам ғалати эдики, Митянинг жиноят содир этганига ишончи комил бўлса-да, у қамокқа тушгандан кейин вақт ўтган сайин унга нисбатан кўнгли юмшай бошлади: “Кўнгли тоза одам экан чоғи, мана ичкиликбозлик ва бузукчиликка берилиб кетиб хонавайрон бўлди!” Олдин унинг аҳволини кўриб даҳшатга тушган бўлса, энди қалбини ачиниш эгаллаб олди. Алешага келганда эса полис бошлиғи уни анчадан бери яхши кўрар, кўп вақтлардан бери таниш-билиш эдилар. Кейинчалик махбус ҳузурига бот-бот келиб турадиган Ракитин эса исправник қизойимларининг (Ракитин уларни шундай атарди) энг яқин хушгорларидан бўлиб, кунда-шунда деса ҳам бўларди. Турманинг оқкўнгил, лекин хизматиға пишиқ назоратчисининг қизларига эса у уйда дарслар ўтарди. Алеша ҳам назоратчи чолнинг эски ошналаридан бўлиб, у Алеша билан ҳақимларнинг таълимотлари ҳақида суҳбатлашишни яхши кўрарди. Назоратчи, мисол учун, Иван Федоровичга иззат-икром кўрсатар, ўзи катта файласуф бўлишига қарамасдан, унинг фикр-мулоҳазаларидан ҳайиқиб турар, лекин ўзига етгунча ақли бало, масалаларни мустақил тушуниб, англаб етарди. Алешага юрагида енгиб бўлмас бир муҳаббат ўрнашганди. Кейинги йил ичида назоратчи қария эски инжил нусхаларини ўрганишга муккасидан кетган, барча таассуротларини ёш дўстига дам-бадам маълум қилиб турарди. У илгари ҳатто монастирға ҳам борар, Алеша ҳамда бошқа иеромонахлар билан соатлаб диний китоблар устида чорсуҳбат қуларди. Бир сўз билан айтганда, Алеша турма кўрғонига мабодо кеч қолиб бориб қолса ҳам, назоратчи бобога кўриниш бериб кўйса, иш дарров ҳал бўларди. Бундан ташқари, турмадаги барча қоровуллар, соқчилар ўрганиб қолишганди. Бошлиқларнинг изни бўлса, қоровуллар ҳеч тўскинлик қилишмасди. Митяни чақиришганда, у ўзининг хужрасидан пастга тушиб келар, учрашув жойида бемалол ўтиришарди. Алеша учрашув хонасига кириб, Митянинг олдидан туриб кетаётган Ракитин билан рўпара келиб қолди. Митя ҳам, Ракитин ҳам баланд овоз билан сўйлашмоқда эдилар. Митя Ракитинни кузатаркан, нимадандир хохолаб қуларди, Ракитин эса қандайдир тўнғилларди. Ракитин, айниқса, кейинги пайтларда Алеша билан бақамти келишни ёқтирмас, ҳатто у билан гаплашмас, зўр-базўр салом-алик қиларди. Ҳозир кириб келаётган Алешани кўриб, у қошларини уйди ва кўзларини четга олиб қочди, ўзининг мўйна ёқали катта иссиқ пальтосининг тугмасини гўё қадаётгандай бўлди. Кейин дарров соябонини қидиришга тушди.

– Бирон нарсам эсимдан чиқиб қолмасин, – тўнғиллади у азбаройи нимадир дейиш учун.

– Сен бировникини эсингдан чиқарма! – ҳазиллашди Митя ва хохолаб қулди. Ракитиннинг дарров жаҳли чиқди.

– Сен буни ўзингни карамазовларингга бориб айт, эй, қулдорларнинг оқаваси, Ракитинга жағингни оча кўрма! – бирдан қичқирди Ракитин ғазабидан титраб-қақшаб.

– Сенга нима бўлди, мен ҳазиллашдим! – бақирди Митя, – вой шайтоней! Улар ҳаммаси мана шунақа, – деди у Алешага қараб тез кетиб бо-

раётган Ракитинга ишора қилиб, – бинойидай ўйнаб-кулиб гаплашиб ўтирувди, кара, дарров жиззакилиги тутди! Сенга ҳатто бошини ҳам кимирлатиб қўймади, нима, бутунлай аразлашиб қолдингларми? Нега жуда кеч қолдинг? Сени кўзим тўрт бўлиб кутаётгандим. Майли, ҳечқиси йўқ. Етказиб оламиз!

– Нега у олдинга тез-тез келадиган бўлиб қолди? У билан оғайни бўлиб қолдингми? – сўради Алеша Ракитин чиқиб кетган эшикка имо қилиб.

– Михаил билан ошно бўлиб қолдингми, деяпсанми? Йўқ, унчалармас. Нимасини айтасан, ғирт чўчка! Мени... аблаҳ деб ҳисоблайди. Ҳазилни ҳам тушунишмайди – турган-битгани шу буларнинг. Ҳеч қачон ҳазилни билишмайди. Юраклари қакрок, саёз ва қакрок, мен турмага кириб келадиганим-да турманинг кўрғонларига қараб туриб ўзимни шундай ҳис қилганман. Аммо ақли бало, ақли. Ана, Алексей, бошгинамга бало орттирдим!

У ўриндикқа ўтириб, ёнига Алешани ўтқизди.

– Ана, эртага суд. Нима, ака, ҳеч умид қиладиган жойи қолмадими? – ботинмайгина сўради Алеша.

– Сен нимани айтяпсан? – унга қандайдир тушунмай қаради Митя, – оҳ сен суд деяпсан-а! Оҳ, жин урсин! Сен билан шу пайтгача маза-матрасиз нарсаларни гаплашиб ўтирдик, ҳаммаси ана шу суд тўғрисида, мен эсам энг асосий гапни сенга ҳали айтганим йўқ. Ҳа, эртага суд, фақат мен суд ҳақида сўйламадим, бошимни йўқотиб қўйдим. Бошимни эмас, бошимнинг ичидаги нарсани йўқотиб қўйдим. Нега сен менга бундай норози бўлиб қараяпсан?

– Сен нимани айтяпсан, Митя?

– Фикрлар, фикрлар, фақат ана шу! Эфика! Нима дегани у эфика¹?

– Эфика дейсанми? – ҳайрон бўлди Алеша.

– Нима биронта илми?

– Ҳа, шунақа илм бор... фақат... мен сенга нима деб тушунтиришни билмайман.

– Ракитин билади, Ракитин кўп нарсани билади, жин урсин уни! У роҳиб бўлмайди. Петербургга жўнамоқчи. У ерда танкид бўлимига ўрнашмоқчи, аммо яхшилик йўлида. Майли, балки фойдаси тегиб қолар, мансаби ҳам ошар. Ўҳ, улар амалга минишни қойиллатишади! Эфикали шайтон! Мен эса тамом бўлдим, Алексей, мен адо бўлдим, эй, худонинг бандаси! Мен сени ҳаммадан ҳам яхши кўраман. Юрагим ларзага тушади сенга қараб, жигарим, ҳа. Карл Бернар қанақа одам эди?

– Карл Бернар? – ҳайрон бўлди Алеша.

– Йўқ. Карл эмас. Шошма, янглишдим, Клод Бернар². Бу нима экан-а? Кимёми, нима бало?

– Бу бир олим бўлса керак, – деб жавоб берди Алеша, – тан олиб айтаманки, уни яхши билмайман. Олим деб эшитганман, аммо қандай олим-лигидан хабарим йўқ.

– Майли, жин урсин уни, мен ҳам билмайман, – деб сўкинди Митя. – Биронта аблаҳдир-да, ана шуниси тўғрироқ, умуман, ҳаммаси аблаҳлар. Лекин Ракитин ўрмалаб чиқиб кетади, Ракитин каваклардан сирғалиб ўтиб кетади, уям Бернар-да. Ўҳ, Бернарлар-а! Роса урчиб кетди-да булар!

– Э, ўзи сенга нима бўлди? – зик бўлиб сўради Алеша.

¹ Эфика – ахлоқ ҳақидаги илм.

² Клод Бернар (1813–1878) – машҳур француз физиологи. Унинг тадқиқотларида ҳар қандай ҳодисадан моддий сабабларни излаш ғояси етакчилик қилади.

– У мен ҳақимда мақола ёзмоқчи, менинг ишимни баён қилмоқчи, адабиёт оламида шу билан ўзига йўл очмоқчи, шунинг учун кетимдан юрибди. Олдига бир мақсад қўйган: “унинг қотиллигида муҳит айбдор” демоқчи. Менга шундай деб тушунтирди. Бундан социализмнинг иси келиб туради, деди. Э, жин чалсин уни, иси-миси келса келибди-да, менга фарқи йўқ. Укам Иванни ёмон кўради – кўргани кўзи йўқ, сенга ҳам олайиб қарайди. Мен унга тоқат қилиб юрибман, ақлли одамнинг садағаси кетсанг, арзийди. Аммо жуда бурни кўтарилган. Мен ҳозиргина унга шу гапларни айтдим: “Карамазовлар аблаҳ эмас, улар файласуфдирлар, чунки барча ҳақиқий рус кишилари файласуфлардир, сен эса ўқиган бўлсанг ҳам файласуф эмассан, сен сассиқ уфунатсан”. Кулади, ёвузларча. Унга яна шуни дедим: де мислибус non est disputandum¹, зўрми бу гап, қалай? Ҳар қалай мен ҳам классицизм соҳасига кириб боряпман, – бирдан хоҳлаб кулиб юборди Митя.

– Сен нимага тамом бўлдим дединг, ака? Мана, ҳозир айтдинг-ку? – унинг гапини бўлди Алеша.

– Тамом бўлганимми? Ҳм! Моҳиятан... ҳаммасини яхлит ҳолда олсак – худойимга ачинаман, ана шунга!

– Худога нега ачинасан, бу нима деганинг?

– Мундай тасаввур қилгин-а: бошимдаги асаб толалари, яъни миянинг ичидаги толалар (э, жин урсин уларни!)... уларнинг шунақа бир думчалари бўлади, толаларнинг думчалари, ана шу думчалар титраб кетса... яъни мен бир нарсага кўзим билан бундай қарайман, мана шундай, кейин думчалар шундай титраб кетади... титраши билан бирдан сиймо пайдо бўлади, дарров пайдо бўлмайди-ю, жиндак вақт ўтади балки сония, кейин шундай бир дам келади, яъни дам эмас, жин урсин дамни, сиймо, яъни нарса ёки ҳодиса, э, қуриб кетсин, мен шунинг учун аввал хаёл қиламан, кейин ўйлайман, чунки бу ўша думчалар, лекин ҳеч қўнглим бўлгани учун эмас ва мен қандайдир сиймо ё шунга ўхшаш бир нарса бўлганим учун эмас, булар бари аҳмоқлик. Ука, буни менга кеча Михаил тушунтириб берди, юрагимга ўт тушгандай бўлди. Бу илм дегани жуда ғаройиб-да, Алеша. Янги одам пайдо бўлади, буни-ку тушунаман... Лекин, барибир, худога ачинаман!

– Бу ҳам ёмон эмас, – деди Алеша.

– Нима, худо ачинарлими? Кимё бу, укам, кимё! Ҳазратлари, сал нарирок туринг, кимё келаётир! Ўх, Ракитин худони севмайди, ўх, севмайди! Уларнинг энг нозик жойи шу! Аммо яширишади. Ёлғон сўйлашади. Найранг қилишади! “Нима, танқид бўлимида шунақа нарсаларни ёзасанми?” деб сўрадим. “Бунга йўл қўйишмаса керак”, деб кулади. “Фақат ундан кейин одамнинг ҳоли нима кечади? Худо бўлмаса, келажак бўлмаса, қандоқ бўлади? Демак, энди ҳамма нарсани қилса бўладими, ҳаммасига рухсат этилганми?” “Э, сен ҳали билмаганмидинг?” деб кулади. “Ақлли одамга ҳамма нарса мумкин, – дейди, – ақлли одам қаловини топиб қорни ҳам ёндиради, сен эса одам ўлдириб мана қўлга тушиб қолдинг, энди умринг турмада чириб кетади!” Менга шундай дейди-я! Вой, тўнғиз-ей! Мен мунақаларни илгари улоқтириб ташлардим, энди эса кулоқ солиб ўтираман. Кўп маъқул гапларни ҳам айтади. Ақлли нарсаларни ёзади. Бир ҳафта олдин менга бир мақолани ўқиб берди, уч қаторини атай ёзиб олдим, мана, шошма, ҳозир.

¹ фикрлар ҳақида баҳслашмайдилар (лот.).

Митя нимчасининг чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб ўқиди:

– “Бу саволни ечиш учун ҳаммадан олдин киши ўз шахсини воқеликнинг кесимига қўймоқлиги шарт”. Тушунасанми буни, йўқми?

– Йўқ, тушунмайман, – деди Алеша.

У Митяга қизиксиниб қарар ва гапларини диққат билан эшитарди.

– Мен ҳам тушунмайман. Қоронғи ва ноаниқ, лекин ақллига ўхшайди. “Ҳамма ҳозир шунақа ёзади дейди, чунки муҳит шунақа дейди”... Муҳитдан кўркишади. Шеър ҳам ёзади аблаҳ. Хохлакованинг оёғини васф қилиб таърифлабди, ҳа-ҳа-ҳа!

– Мен эшитдим, – деди Алеша.

– Эшитдингми? Шиғирини эшитдингми?

– Йўқ.

– Менда бор, ўқиб бераман. Сен билмайсан, сенга айтганим йўқ эди, антика воқеа. Вой, хумпар! Уч ҳафта бурун менинг қитиғимга тегиб юрди: “Сен, мана, уч мингни деб қопқонга аҳмоқ бўлиб тушиб ўтирибсан, мен эсам битта бой тул хотинга уйланаману бир ярим мингни қўлга киритаман ва Петербургда ғиштин уй сотиб оламан”. Кейин менга қандай қилиб Хохлаковани қўлга олаётганини айтиб берди, хонимни ўзи ёшлигида ҳам худо ақлдан қисган эди, қирққа кирганда эса умуман ақл-хушини бой берди. “Жуда ҳиссиётга берилган аёл, шундан фойдаланиб қўлга оламан. Уйланиб олгач Петербургга олиб кетаман, у ерда газета чиқараман” дейди. Лабларидан сўлақлари оқади, Хохлаковага эмас, унинг бир ярим мингига. Мени бирам ишонтиради, ишонтиради-ей; ҳар куни олдимга келади, кўндирыпман, дейди. Оғзи қулоғида. Бирдан хоним уйдан ҳайдаб чиқарибди: Петр Ильич Перхотиннинг қўли баланд келибди, яшасин азамат! Бу тентакни ҳайдагани учун ўша жиннисанғи хотинни яхшилаб ўпиб қўйгим келди. У олдимга келиб юрганида ўша шиғирини ёзган. “Биринчи маротаба шиғир ёзиб қўлимни булғаяпман, – дейди, – хонимни илитмоқчиман, бир фойдали иш қилмоқчиман, аҳмоқ хотиннинг пулини олиб, кейин фуқаро сифатида фойда келтирмоқчиман”. Улар бўлар-бўлмас нарсаларни ҳам фуқаролик билан оқламоқчи бўлишади, ярамаслар! “Бари-бир сенинг Пушкинингдан кўра тузукроқ ёзганман, нега деганда ҳазил-мазах шиғирга ҳам фуқаролик дардини сингдирганман”. Мен Пушкинни-ку тушунаман, нима бўпти, одам ҳақиқатан қобилиятли бўлса, аёл оёқларини ҳам бошлаб тасвирлайверади! Шиғирлари билан қандай мақтанади! Ўзларини жуда яхши кўрадилар-да булар! “Маъшуқамнинг оёқлари соғайиб кетишига бағишлов” – шиғирига шунақа сарлавҳа топиб қўйибди – вой хумпар!

*Оёқмисан бир оёқ,
Шишиб кетмишиди бироқ!
Докторлар келиб-кетар,
Ўраб-чирмаб чарчашар.
Оёқмас сўйлаганим,
Пушкин уни куйлаган:
Дейманда нега боши,
Ҳеч нарса ўйламаган.
Балки жиндак ўйлаган,
Лекин оёқ қўймаган.*

Яхши бўлсин оёқлари
Ўй ўйлаган чоғлари.

Чўчка, ғирт чўчка, аблаҳ анча шўх ёзган! Ростдан ҳам фуқаролик ҳиссиётини жойлаган. Уни ҳайдаб юборишганда ёмон жаҳли чикди. Тишларини ғижирлатди!

– У ўчини олди, – деди Алеша. – У Хохлаковани мақола қилиб ёзди.

Шунда Алеша “Слухи” газетасидаги мақола ҳақида шоша-пиша гапириб берди. – Бу унинг худди ўзи! – тасдиқлади Митя хўмрайиб, – аини ўзи! Э, бу мақолалар... мен ахир биламан... қанчадан-қанча тубан гаплар ёзилмади, мисол учун, Груша ҳақида!.. Яна анавиниси, Катя тўғрисида ҳам... Хм!

У ташвишга ботиб хона ичида айланди.

– Ака, мен бу ерда узоқ қолмайман, – деди Алеша андак жим тургач. – Эртага жуда оғир кун, тақдиринг бир ёқлик бўладиган кун: сенга худонинг ҳукми ўқилгай... шунинг учун мен жуда ҳайронман, сен бундай юриб, худо билади, нималарни сўйлайсан...

– Йўқ, ҳайрон бўлма, – жўшиб деди Митя. – Мен, нима, нуқул шу сассиқ тўғрисида гапиришим керакми? Қотил ҳақида? Буни сен билан хўб етарлича чайнадик. Бошқа Сассиқ ва унинг ўғли Сассиқвой ҳақида гапирмайман! Худо унинг жонини олади, ҳали ўзинг кўрасан, жим бўл!

У тўлқинланиб Алешага яқин келди ва бирдан уни ўпиб қўйди. Унинг кўзлари ўтдай чакнади.

– Ракитин буни асло тушунмайди, – деди у қандайдир хурсандчиликка берилиб, – сен, сен эса ҳаммасини тушунасан. Шунинг учун сени интизор бўлиб кутдим. Биласанми, сенга мана шу пўст ташлаган деворлар ичида кўп нарсаларни айтмоқчи эдим, аммо асосий гапни шу пайтгача тилга олмадим. Назаримда, ҳали вақти келмаганга ўхшаб туюлди. Охириги фурсатгача кутдим, сенга юрагимни очсам девдим. Укам, мен шу кейинги ойлар ичида ўзимча янги одамга айланиб қолгандай бўлдим. Менда янги бир одам бунёд бўлди! У менда яшарди, лекин ана ўша чақмоқ бўлмаса, ҳеч қачон юзага чикмасди. Қизик! Менга конларда йигирма йил тош қазидан нима азият бор дейсан, мен бундан асло кўрқмайман. Мен энди бошқа бир нарсадан хавотирдаман: менда тирилган одам энди мени асло тарк этмаса дейман! Ер остидаги конларда ўзингга ўхшаган сургундаги қотил ёнида инсон қалбини топиш ва у билан ҳамроз бўлиш мумкин, чунки ўша ерларда ҳам яшаш, севиш ва дард чекиш мумкин! Ана шу сургундаги қотил музлаган юрагини янгидан яратиш мумкин, унинг кетида йиллаб юриш мумкин ҳамда бу маҳшаргоҳдан юксак ва аъло юракни ёруғ оламга олиб чиқиш мумкин. Азобгир онг, фаришта ва қаҳрамонни қайта бино қилиш мумкин! Улар ахир жуда кўп, улар юзларча ва биз ҳаммамиз улар олдида айбдоримиз! Нега унда шундай бир пайтда тушимга чақалоқ кириб чиқади? “Чақалоқ нега қашшоқ” деган савол янграйди? Ўша дамларда бу менга башорат эди! Мен “чақалоқ” учун йўлга чиқаман. Чунки ҳамма учун ҳамма айбдор. Барча “чақалоқлар” учун, чунки жужук болалар бор ва катта болалар бор. Ҳаммаси “чақалоқ”. Мен ҳаммаси учун бораман, ахир кимдир уларнинг ҳаммалари учун бориши керак-ку. Мен отамни ўлдирганим йўқ, аммо мен боришим керак. Қабул қиламан! Мен бу фикрларнинг ҳаммасига шу ерда етиб келдим... мана шу сувоғи

кўчган хоналарда. Э, ахир ер остидаги зимистон конларда улар юзларча, ҳаммасининг қўлларида болғалари бор. О, биз кишанларда бўлмаймиз, эркимиздан айрилмаймиз, лекин ўшанда ўз чексиз азобимиз ичида биз яна шодлик учун яралмаймиз, бусиз инсон асло яшай билмамай, худони таний билмамай, зеро, худо шодлик ато этмай, бу унинг изни ва амрида... Худойим, одамни дуога турғаз! Мен ер остида қандай қилиб худосиз яшагум? Ракитин каззоб: агар худойимни ер юзидан қувсалар, уни биз ер остидан топмаймиз! Сургундаги одам худосиз қайга бормай? Сургунда бўлмаган одам буни асло қилолмамай. Ана ўшанда биз, ер остидаги одамлар ер қаърларидан худойимга қасидаи фоже айтурмай, зеро, шодлик худойимнинг ҳукмидадир! Яшасин худойимнинг қасидаси ва шодлик! Уни севаман!

Митя ўзининг ваҳшиёна нутқини ирод этаркан, хансираб қолди. Унинг ранги оқарди, лаблари қалтирар ва кўзларидан дувуллаб ёш оқарди.

– Йўқ, ҳаёт тўлғиндир, ҳаёт ер остида ҳам тўлиқдир! – деб давом этди у яна. – Сен ишонмайсан, Алексей, мен энди қанчалар яшашни истайман, менинг қалбимда мана шу олапес деворлар ичида қанчалар яшаш иштиёқи барқ урмоқда, мен буни қанчалар теран англамоқдаман! Ракитин каззоб буни тушунмайди, фақат уй курса-ю ижарачиларни қўйса, бас, аммо мен сени кутдим. Умуман, азоб дегани недир? Ул чексиз бўлган тақдирда ҳам мен ундан кўркмайман. Энди кўркмайман, аввал кўрқардим. Биласанми, мен балки судда ҳатто жавоб бериб ҳам ўтирмасман... Энди менда ўша куч шунчалар кўпки, ҳаммасини, барча азобларни енгиб ўтаман, фақат ўз-ўзимга шу сўзларни баралла айтаман ҳар дамда: мен мавжудман! Минглаб азобларда – мен мавжудман, қийноқларда – мен борман! Қозикда ўлтирсам-да мен борман, куёшимни кўриб турибман, куёшимни кўрмай қолсам-да, мен аниқ биламан, у бор, у мавжуд. Куёш мавжуд эканлигини билиш – бу энди тугал ҳаётдир! Алеша, сен, менинг фариштам, мени турли-туман фалсафалар адои тамом қилаётир, уларни жин чалсин! Укам Иван...

– Нима укам Иван? – унинг сўзини бўлмоқчи эди Алеша, аммо Митя эшитмади.

– Биласанми, мен илгари бунақа шубҳа-гумонларни билмас эдим, лекин буларнинг ҳаммаси юрагимда яшириниб ётган экан. Баайни ана шундай номаълум мубҳам фикрлар юрагимда туғён ургани учун ҳам мен ичиб маст бўлардим, жанжаллашардим, қутурардим. Уларни қондириш учун уришардим, уларни енгмоқчи, улардан устун келмоқчи бўлардим. Укам Иван Ракитин эмас, унинг кўксига фикр кўмилган. Укам Иван сфинкс (Абу Ҳавл)га ўхшайди, у жим, доим жим. Менга эса худойим азоб беради. Фақат шу менга азоб беради. Агар мабодо Унинг ўзи бўлмаса-чи? Инсоният бунга сохталик билан амал қилиб юрган бўлса-чи? Ракитин ҳақ бўлиб чиқса-чи? Агарда Унинг ўзи йўқ бўлса, унда инсон ер юзининг, оламларнинг ягона эгасидир. Кўп ғаройиб! Унда худоси бўлмаса инсон қандай қилиб эзгу, олижаноб бўлолади? Ана савол! Эрта-кеч шуни ўйлайман. Зеро, одам унда кимни севади? Кимдан миннатдор бўлади, кимга қасида айтади? Ракитин қулади. Ракитин инсониятни худо бўлмаса ҳам севиш мумкин, дейди. Э, бу мишиқи кўзиқорингина шунақа гапларни айтиши мумкин, мен эса бунга тушунмайман. Ракитинга осон: “Сен, – дейди у бугун менга, – инсоннинг фуқаролик ҳуқуқларини кенгайтириш устида

кўпроқ ўйла, яхшиси, лоақал мол гўштининг нархи кўтарилиб кетмаслик устида қайғур, бу билан одамзотга кўпроқ яқин бўласан, фалсафанг билан эмас, мана шу ишинг билан муҳаббат қозонасан”. Бу гапига унга шундай жавоб бердим: “Сен, худодан юз ўгириб мол гўштининг нархини кўтаришга хизмат қиласан, қўлингдан бошқа нима келади, тийинни сўмга урасан, холос”. Жаҳли чикди. Сен менга жавоб бер, Алексей, яхшилиқ, эзгулик дегани ўзи иима? Менинг яхшилигим бир бошқа, хитойнинг яхшилиги бошқа – демак, бу нисбий бир нарса. Шундай эмасми? Нисбий эмасми? Масала чигал, маккор! Шуни ўйлаб икки кеча ухламадим, деб айтсам қулмассан. Мен энди шундан ҳайрон бўламан, одамлар шундай яшашади-ю буни сира ўйлашмайди. Турмуш уринишлари! Иваннинг худоси йўқ. Унинг ғояси бор. Ақлим бовар қилмайди. Аммо жим. У масон бўлса керак¹. Мен ундан сўрадим – индамайди. Унинг булоғидан сув ичмоқчийдим, индамайди. Фақат бир марта биттагина сўз айтди.

– Нима деди? – шошилиб сўради Алеша.

– Ундок бўлса ҳамма нарсага рухсат экан-да, дедим? У қовоғини солди. “Федор Павлович, бизнинг отагинамиз хинзирвачча эди, лекин тўғри фикрларди”. Топган гапини қара. Бор-йўқ айтган гапи шу. Ракитиндан ҳам ўтиб кет-е.

– Шундок, – аччиқ алам билан тасдиқлади Алеша. – У қачон олдинга келувди?

– Кейин айтаман, ҳозир бошқа бир гап. Мен укам Иван ҳақида шу пайтгача сенга ҳеч гап айтмагандим. Кейинроқ айтарман, деб юргандим. Менинг манави ишим бу ерда тугасин, ҳукм ўқилсин, ўшанда сенга баъзи гапларни айтаман, ҳаммасини айтиб бераман. Бунда жуда кўркинчли бир гап бор... Сен эса бу ишда менга ҳакам бўласан. Ҳозир бундан оғиз очма, жим юр. Мана, сен эртага суд дейсан, ишонасанми, мен бу ҳақда ҳеч нарса билмайман.

– Сен анави адвокат билан гаплашдингми?

– Адвокат ҳам гапми? Мен унга ҳаммасини айтдим. Юмшоқ муттаҳам, пойтахтлик-да ҳар қалай. Бернар! Фақат менга сарик чақачалиқ ишонмайди. Мени ўлдирган деб ишонади, ўзинг тасаввур қил – мен эса кўриб турибман. “Унда нега шунча жойдан мени химоя қилгани келдингиз?” – дедим. Тупурдим буларга. Яна докторлар чақиртиришибди, мени жиннига чиқаришмоқчи. Йўл қўймайман! Катерина Ивановна “ўз бурчи”ни охиригача адо этиш ниятида. Бехуда зўр беряпти! – Митя аччиқ қулди. – Мушук! Тош юрак! Ҳолбуки, менинг у ҳақда Мокроеда айтган гапимни билади, эшитган, “мислсиз дарғазаб хотин” деганман! Етказишган. Бу кўрсатмалар ҳам худди денгиз қуми каби кўпайиб боряпти! Григорий айтганим-айтган деб турибди. Григорий виждонли одам, лекин аҳмоқ. Жуда кўп одамлар виждонли-ю лекин аҳмоқ бўлади. Аҳмоқ бўлгани учун виждонли. Бу Ракитиннинг гапи. Григорий менга ғаним бўлиб қолди. Баъзи дўстлардан душман яхшироқ. Буни Катерина Ивановна ҳақида айт-япман. Ох, кўркаманки, у судда тўрт ярим мингдан кейин анави ер букилиб таъзим қилиш воқеасини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб беради! Охиригача, охирги чақагача тўлайди. Истамайман унинг қурбонлигини! Мени судда шарманда қилишади! Амаллаб чидайман. Унинг олдига бор, Алеша, судда шу нарсаларни гапирмасин. Ё, иложи йўқми? Э, жин урсин.

¹ Масонлар – инсониятнинг диний йўлда тинчлик-омонлик билан биродарларча бирлашуви тарафдорлари.

барибир, чидайман охиригача! Унга ачинмайман. Ўзининг хохиши шу. Ўғри азобини ўзи кўтаради. Мен, Алексей, ўзимнинг сўзимни айтаман. – У яна аччиқ кулди. – Фақат... фақат Груша-чи, Груша нима бўлади, о, худойим-ей! Нега энди бу азоб юкини елкасига ортиши керак экан! – хитоб қилди у йиғламсираб. – Груша мени адои тамом қилди, уни ўйласам, жон ҳалкумимга келади, мени у ўлдирди! У боя олдимга келувди...

– У менга айтиб берди. Бугун у сендан каттик хафа бўлибди.

– Биладан. Шу феъл-атворим куриб кетсин. Рашк қилдим! Кетаётганда пушаймон бўлдим, уни ўпиб қўйдим. Кечирим сўрамадим.

– Нега сўрамадинг? – сўради Алеша.

Митя бирдан шўхлик билан кулиб юборди.

– Укам. Сен бир яхши ёкимтой йигитчасан, сени худойим қачонлардир ўзинг яхши кўрган аёлдан кечирим сўрашлиқдан асрасин! Айниқса, у сенинг севган, ғоятда севган аёлинг бўлса, унинг олдида қанчалар гуноҳкор бўлма, ҳеч қачон ундан айбинг учун кечирим сўрама! Чунки укам, билмадим, аёл кишининг нималигини худонинг ўзи билади, мен уларни миридан-сиригача ўрганганман! Лекин қилган гуноҳинг учун ундан бўйнингни эгиб кечирим сўраб кўр-чи, “олдингизда айбдорман, кечиринг, бошқа қилмайман”, деб кўр-чи, ана ундан кейин биласан нима бўларкин, бошингга таъна-дашномлар дўлдай ёғилади! Ўла қолса бўлди, кечирдим демайди, сени латгадай эзади, таҳқирлайди, аслида бўлмаган нарсаларни бўлди деб юзингга солади, ҳеч нарсани унутмайди, яна ўзидан анча нарсаларни ҳам ёнига қўшади, ана ундан сўнг балки кечиргандай бўлар. Яна буни уларнинг энг яхшиси қилади! Ҳамма нарсаларни қириб-қиртишлаб бошингдан ағдаради – улар ҳаммаси шунақа, терингни шилиб олади, бу фаришталарнинг ҳаммаси битта қолмай худди мана шунақа. Аммо уларсиз биз бечораларга кун йўқ! Азизим, сенга очиғини айтай, ҳар қандай ўзини таниган-билган, рисоладаги одам, ким бўлмасин, қандайдир бир аёлнинг товони остида яшаши керак. Менинг эътиқодим шу; эътиқод эмас, ҳиссиёт. Эркак кенг бағирли олижаноб бўлмоғи даркор, бу эркакни асло пастга урмайди. Жасур қахрамонни ҳам ерга урмайди, Цезарни ҳам пастга урмайди! Шундай бўлса ҳам, барибир, кечирим сўрама, ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолда сўрама. Бу қоида эсингда турсин, буни сенга аканг Митя айтяпти, у хотинлар туфайли ҳалокатга гирифтор бўлди. Йўқ, мен, яхшиси, Грушани бошқа бир нарса қилиб кўнглини оларман. Уни эъзозлайман, Алексей, эъзозлайман! У фақат буни билмайди, буни кўрмайди, йўқ, унга барибир, ҳар қанча севсанг ҳам оз. У мени эзади, севгиси билан эзади. Олдин қандоқ эди! Олдин оҳанрабо бир жойлари ўзига тортар, эзарди, энди мен унинг бутун юрагини ўз юрагимга жойладим ва у туфайли одам бўлдим! Бизни никоҳдан ўтказишармикин? Бусиз мен рашк қилавериб ўлиб қоламан. Ҳар куни шунга ўхшаган нарсалар тушимга киради... У сенга мен тўғримда нима деди?

Алеша боя Грушенькадан эшитганларини оқизмай-томизмай тақрорлади. Митя батафсил эшитди, қайта-қайта сўраб олди ва охири кўнгли жойига тушди.

– Рашк қилганим учун жаҳли чикмабди, – хитоб қилди у. – Ҳақиқий аёл! “Ўзим ҳам раҳмсизман”. Ўх, мана шунақа раҳмсизларини яхши кўраман-да, лекин мени рашк қилсалар, жоним чиқиб кетади, чидолмайман! Жанг қиламиз. Аммо уни севаман – чексиз севаман. Бизни никоҳдан

ўтказишармикин? Сургун қилинганларни никоҳ қилишармикин? Мен усиз яшай олмайман...

Митя тумтайиб хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Хона ичи қоронғи тортиди. У бирдан қаттиқ ташвишга ботди.

– Шунақа сир дедими, сир эканми? Учовлон бир бўлиб унга қарши фитна қилишибдими? “Катъка” ҳам бунга аралашган эканми? Йўқ, азиям Грушенька, бу ундақа эмас. Сен бу ерда янглишибсан, аёлларча янглишибсан! Алеша, азизим, нималар бўляпти-я! Мен сенга ўз сиримизни очаман!

У ҳар томонга кўзларини аланг-жаланг қилди, кейин тезгина олдида турган Алешага жуда яқин келди ва гарчи уларнинг гапларини ҳеч ким эшитмаётган бўлса-да, хуфиёна тарзда шивирлади. Қоровул чол бурчакдаги ҳужрада мудраб ўтирар, кўриқчи аскарларга эса уларнинг сўзлари умуман етиб бомасди.

– Мен сенга бутун сиримизни очаман, – шоша-пиша пичирлади Митя. – Асли кейинроқ айтмоқчийдим, ахир сенсиз мен нимани ҳам ҳал қила олардим? Бор-йўғим ўзингсан. Мен гарчи бизнинг бошимизда Иван укамиз бор десам ҳам, лекин сен бизнинг фариштамизсан. Фақат сен ҳал қиласан буни. Балки энг олий зот Иван эмас, сендирсан. Кўрдингми, бу ерда ҳаммаси виждон-диёнатда, энг олий диёнатда – бу сир шунчалар муҳимки, мен бир ўзим уни эплолмайман ва ҳаммасини ҳал қилишни сенга кўйдим. Лекин, барибир, ҳозир ҳал қилиш учун эрта, чунки ҳукми кутишга тўғри келади. Ҳукм чиққач, сен тақдиримизни ҳал қиласан. Ҳозир индама; мен сенга ҳозир айтаман, сен эшитасан, аммо ҳал қилмайсан. Индама, жим тур. Мен сенга ҳаммасини очмайман. Сенга тафсилотларсиз фикрнинг ўзини айтаман, сен эса жим тур. Савол ҳам берма, ҳайрон ҳам бўлма, маъкулми? Э, куриб кетсин, бу сенинг кўзларингни мен ахир қаёққа кўяман? Сен мабодо индамай турсанг ҳам кўрқаманки, кўзларинг қарорингни билдириб тургай. Ўҳ, кўрқаман! Алеша, кулоқ сол: укам Иван менга қочишни тақлиф қиляпти. Тафсилотларини айтиб ўтирмай: ҳаммаси кўриб чиқилган, ҳаммаси амалга ошиши мумкин. Индама, ҳал қилма. Америкага Груша билан бирга жўнаш. Мен ахир, Грушасиз яшолмайман! Нима, уни менинг олдимга у ёқда кўйишмайдими? Сургун қилинганларни никоҳ қилишадими? Укам Иван никоҳ қилишмайди, дейди. Грушасиз мен у ерларда ер остида чўқмор кўтариб нима қиламан? Фақат у билан ўзимнинг бошимни мажақлашим мумкин, холос! Бошқа бир томондан, виждон-чи? Азобдан ахир, қочиб кетдим-ку? Кўрсатма бўлувди – кўрсатма рад этилди, тоза йўл бор эди – сўл томонга айланиб орқага бурилдик. Иваннинг гапи шундайки, Америкада “хулқ-атворинг яхши бўлса”, кўпроқ фойда етказишинг мумкин экан ер тагида юргандан кўра. Хўп, унда бизнинг ер остидаги қасидамиз қаерда янграйди? Америка нима, Америка ҳам нари тур-бери кел-да! Қалбакилик ҳам тўлиб тошиб ётибди Америкада. Хочга тортилишдан қочдим! Шунинг учун ҳам сенга айтаманки, Алексей, буни фақат сен тушунишинг мумкин, бошқа ҳеч ким, бошқаларга булар бари аҳмоқчилик, алжираш, сенга қасида ҳақида айтганларимнинг ҳаммаси мана шулардан иборат. Ақлдан озган ёки ўта аҳмоқ дейишар. Мен эса ақлдан озганим йўқ, аҳмоқ ҳам эмасман. Қасидани Иван ҳам тушунади, ўҳ тушунади, фақат бунга жавоб бермайди, индамайди. Қасидага ишонмайди. Гапирма, гапирма, кўриб турибман-ку

қандай қараётганингни: сен аллақачон ҳал қилиб қўйдинг! Ҳал қилма, мени ая, мен Грушасиз яшолмайман, суд бўлишини кут!

Митя жазавага тушгандай тўхтади. У Алешани иккала қўли билан елкасидан тутиб турар, ўзининг ташнаком, бўғриқиб қизарган кўзларини унга қаттиқ тикканди.

– Сургундагиларни ахир никоҳдан ўтказишадими? – деб такрорлади у учинчи бора ёлворган овозда.

Алеша хориқуллода бир ҳайрат билан тинглар ва чуқур ларзага тушганди.

– Менга бир нарсани айт, – деди у. – Иван бу гапида маҳкам турибдими ва буни ким биринчи бўлиб ўйлаб топди?

– У, у ўйлаб топди, шундай қилиш керак деяпти! У олдимга ҳеч келмасди, бирдан бир ҳафта аввал келиб қолди ва гапни шундан бошлади. Гапида туриб олган. Сўрамаяпти, буюряпти. Гапимга киради деб ўйлаяпти, сенга ўхшаб унга ҳам юрагимни очдим, қасида ҳақида ҳам гапириб бердим. Буни қандай уюштиришини айтди, барча керакли маълумотларни тўплабди, аммо буни кейин гаплашамиз. Жуда жазавага тушган. Асосий гап пулда: ўн минг қочишга, йигирма минг Америкага, ўн мингга бошлаб қочириб юборамиз сени дейди.

– Менга буни айтмасликни тайинладими? – яна қайтадан сўради Алеша.

– Ҳеч кимга айтма деди, айниқса, сенга айтмасликни буюрди! Мени виждонли бўлишга ундайсан, деб ўйладими? Сенга айтганимни унга билдирма. Сираям билдирма!

– Сен ҳақсан, – деди Алеша, – суд ҳукм чиқармасдан бурун ҳал қилиб бўлмайди. Суддан кейин ўзинг ҳал қиласан; унда ўзинг ҳам янги одам бўлиб қоласан, ўшанда бир қарорга келасан.

– Янги одам ал-Бернар бўлади, у ўзи бернарчасига ечади! Шунинг учун мен ҳам ўзимга-ўзим Бернар бўлиб кўриняпман! – алам билан тишининг оқини кўрсатди Митя.

– Лекин наҳотки, наҳотки, ака, ўзингни оқлашнинг ҳеч иложи бўлмаса?

Митя қалтираб елкаларини юқорига учирди ва йўқ дегандай бошини чайқади.

– Алеша, укажоним, кетадиган вақтинг бўлди! – бирдан шоширди у. – Назоратчи ҳовлида бақиряпти, ҳозир бу ерга келади. Кеч бўлиб қолди, тартиб бузилади. Мени тезроқ қучоқлаб қўй, ўпиб қўй, азизим, мени чўқинтир, эртан катта синов...

Оғайнилар қучоқлашиб, бир-бирларини ўпиб қўйдилар.

– Иванни қара-я, – деди Митя бирдан, – қочишни таклиф қиляпти, ўзи эса мени ўлдирган деб ишонади!

У маъносиз илжайди, лаблари титради.

– Сен ундан сўрамадингми, ишонасанми, йўқми, деб? – сўради Алеша.

– Йўқ, сўрамадим. Сўрамоқчи бўлдим, лекин тилим айланмади. Э, ба-рибир эмасми, мен кўзларидан биламан. Бўпти, хайр энди!

Яна бир қарра шоша-пиша бир-бирларини ўпиб қўйдилар, Алеша энди чиқмоқчи бўлган эди, бирдан Митя уни яна чақириб қолди:

– Менинг олдимда мана бундай тур, ана шундай.

У шунда Алешанинг елкаларини иккала қўли билан маҳкам тутди. Унинг башараси бирдан оқариб кетди, бу ҳатто қоронғида ҳам ёмон би-линарди. Лаблари қийшайди, кўзлари Алешага ўқдай қадалди.

– Алеша, ўзингни худди худо олдида тургандай ҳис қилгин-да, менга тўла ҳақиқатни айт: мен ўлдирганимга сен ишонасанми ёки ишонмайсанми? Сен, сен ўзинг ишонасанми, йўқми? Бор ҳақиқатни айт, фақат ёлғон гапирма! – деб қичқирди унга жазавага тушиб.

Алеша бирдан чайқалиб кетгандай бўлди, юрагини ўткир бир нарса тешиб ўтгандай туюлди, у буни ҳис қилди.

– Қўй-е, нима деяпсан... – минғирлади у ўзини йўқотиб.

– Бор гапни айт, бор гапни, алдама! – тақрорлади Митя.

– Сен ўлдирганингга заррача ҳам ишонганим йўқ, – бирдан қалтирок бир товуш отилиб чиқди Алешанинг кўксидан, у сўзларига худди худойимни гувоҳ қилмоқчи бўлгандай ўнг қўлини юқори кўтарди. Митянинг юзини бир зум мамнунлик шуъласи ёритди.

– Минг раҳмат сенга! – узоқ сўлиш олиб айтди у худди ҳушдан кетишдан олдин охирги марта хўрсингандай. – Энди сен мени қайта тирилтирдинг... Ишонасанми, шу пайтгача сендан сўрашга кўрқдим, сендан-а, сендан-а! Бўпти, бор, бор! Эртанинг олдидан кўнглимни кўтардинг, худо хайрингни берсин! Бўпти, энди боравер, Иванни сев! – охирги сўзи отилиб чиқди Митянинг оғзидан.

Алеша юм-юм йиғлаб акасининг олдидан чиқди. Митянинг ҳатто ўз укаси Алешага бу даражада шубҳаси, ишончсизлиги – шўрлик акасининг юрагида алам-умидсизлик қанчалар адоқсиз тарзда ўрнашгани – бирдан Алешанинг кўзларини очди, у бундай бўлиши мумкинлигини олдин ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Уни бирдан теран, бепоён бир дард-кашлик чулғади ва зумда азоб чоҳига ташлади. Найза тешиб ўтгандай юраги туйкус оғриди. Қулоғида ҳозиргина айтилган: “Иванни сев!” деган сўзлар янграгандай бўлди. Ҳа, энди у Иванни кидириб бормоқда эди. Ҳали эрталабоқ у Иванни кўриши керак эди. У Иванни деб Митядан кам бўлмаган тарзда қийналарди. Ҳозиргина акаси билан кўришгандан сўнг қийноқ ҳар қачонгидан кўра ҳам ортмишди.

V

СЕН ЭМАС, СЕН ЭМАС!

Акаси Иванникига бораркан, унга Катерина Ивановна яшайдиган уйнинг ёнидан ўтишга тўғри келди. Деразалардан ёруғ тушиб турарди. У бирдан тўхтади ва ичкарига киришга қарор берди. У Катерина Ивановнани бирон ҳафтадан бери кўрмаган эди. Унинг хаёлига шундоқ кун арафасида Иван акам шу ерда бўлса керак, деган фикр келди. Алеша кўнғироқни жиринглашиб ичкарига кирди, хитой фонари билан хира ёритилган пиллапояда тепадан тушиб келаётган кишини кўрди, у билан бараварлашгач, акасини таниди. Демак, у Катерина Ивановнаникидан чиқиб келяпти.

– Эҳ, бу сен экансан-да, – қуруққина қилиб деди Иван Федорович. – Бўпти, хайр. Сен унинг олдидами?

– Ҳа.

– Бемаҳал келибсан, у “ҳаяжонда”, сен уни баттар хафа қилиб қўясан.

– Йўқ, йўқ! – юқорида зум ичида очилган эшикдан туриб бирдан қичқирди овоз. – Алексей Федорович, сиз унинг олдидан келяпсизми?

– Ҳа, унинг олдида эдим.

– Менга бирор нарса айтиб юбордими? Уйга киринг, Алеша, сиз ҳам Иван Федорович, албатта, албатта, киринг. Э-шит-дин-гизми!

Катянинг овозида шундай бир амрона оҳанг эшитилдики, Иван Федорович бир зумгина товсилланиб, охири Алеша билан бирга яна юқорига кўтарилишга қарор қилди.

– Эшитиб турган экан! – жаҳли чиқиб пичирлади у ичида, аммо Алеша буни эшитди.

– Устимдаги пальтони ечмасам майлими, – деди Иван Федорович залга кадам кўйиб. – Мен ўтирмайман. Бир дақиқага кирдим, холос.

– Алексей Федорович, ўтиринг, – деди Катерина Ивановна ўзи ҳамон тик турган ҳолда. У ўтган вақт ичида кўп ўзгармабди, аммо қора кўзларидан қаҳрли ўт чақнарди. Алеша кейин эслаб юрди, ўша дамларда қиз унинг кўзларига бағоят жозибали, мафтункор кўринди.

– У нима деди?

– Фақат бир нарсани сўради, – деди Алеша қизнинг кўзларига тик қараганча, – сизни ўзини аясин, суд пайтида илгари бўлиб ўтган, ўргангиздаги... – Алеша бироз тутилиб қолди, – биринчи танишган чоғларингиздаги... ўша гапларни эслаб юрмасин, деди...

– Э, ўша пуллар учун эгилиб таъзим қилишми? – илиб кетди у аччиқ кулиб. – Нима бу, мендан кўрқяптими ёки ўзиданми, а? Ўзини аясин, дедими? Меними? Ўзиними? Гапиринг, Алексей Федорович.

Алеша қизни тушуниш учун унга диққат билан разм соларди.

– Ўзини ҳам, сизни ҳам, – оҳиста деди у.

– Шу-шу, – деди қиз қандайдир қаҳр билан, кейин бирдан қизариб кетди. – Сиз мени ҳали билмайсиз, Алексей Федорович, – деди зарда билан қиз, – мен ҳали ўзимни ҳам билмайман. Балки эртанги сўроқдан сўнг сиз мени оёғингиз тагига олиб топташни истаб қоларсиз.

– Сиз ҳалол гапни айтсангиз, бас, – деди Алеша, – фақат шу керак, холос.

– Аёлнинг ҳалол бўлиши қийин, – тишини ғижирлатди қиз. – Мен бундан бир соат олдин бу ярамас баттолга қўл узатишим қийин деб ўйлаб ўтиргандим... бу газанда... мана энди қаранг, ҳалиям бўлса уни одам-ку деб хаёл қиламан... У ўлдирганми? Ўлдирганми? – деб асабий тарзда кичкирди у шитоб билан Иван Федоровичга қараб. Алеша худди мана шу саволни қиз боя Иван Федоровичга берганини дарҳол англади, биринчи марта эмас, мен келмасимдан сал бурун балки юз марта бергандир бу саволни, кейин уришиб қолишгандир...

– Мен Смердяковнинг олдига бордим... Сен, сен менга отамни у ўлдирган, дединг. Мен фақат сенинг гапингга ишондим! – деб давом этарди у ҳамон Иван Федоровичга мурожаат қилиб. Иван эса зўраки бир тарзда иршайарди. Алеша қизнинг Иванни *сенлаганини* эшитиб сесканиб тушди. У бундоқ муносабатларни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди.

– Хўп, бас, бўлар, – гапни кесди Иван. – Мен борай. Эртан келаман. – У дарҳол бурилиб хонадан чиқди ва тўғри пиллапоя томонга ўтди. Катерина Ивановна бирдан қандайдир ҳукмпармо ҳаракат билан Алешанинг иккала қўлидан тутди.

– Боринг кетидан! Унга етиб олинг! Бир зум ҳам ёлғиз қолдирманг, – тез шипшиди у. – Ҳуши ўзида эмас. Эси оғиб қолганини биласизми? Тутқанок тутяпти уни, тутқанок! Менга доктор айтди, боринг, орқасидан югуринг...

Алеша сакраб ўрнидан турди ва Иван Федоровичнинг орқасидан югурди. Акаси ҳали эллик қадам ҳам узоқлаб кетмаган экан.

– Нима дейсан? – бирдан ўгирилиб қаради у Алешага орқасидан етиб келаётганини кўриб, – орқасидан югур, аканг эсини йўқотиб қўйди, деди-ми? Ёддан биламан бу гапларни, – гаши келиб, тажанглиги тутиб деди у.

– Балки у адашаётгандир, лекин сени ростдан касал деяпти, – деди Алеша. – Мен ҳозир унинг уйида юзингга қарадим, касал эканинг кўриниб турибди, Иван!

Иван тўхтамай кетиб борарди. Алеша унинг орқасидан қолмасди.

– Э, сен биласанми, Алексей Федорович, қандай ақлдан озишларини? – деб сўради Иван бирдан жаҳлидан тушиб жуда оҳиста овозда. Саволида кутилмаганда жуда содда кизиқиш оҳанги акс этди.

– Йўқ, билмайман, менимча, ақлдан озишнинг турлари кўп бўлса керак.

– Ақлдан озаётганингни ўзинг кузатишинг мумкинмикан?

– Менимча, бундай ҳолда ўзингни аниқ-равшан кузатолмасанг керак, – хайрон бўлиб жавоб қилди Алеша. Иван ярим дақиқалар жим бўлиб қолди.

– Сен мабодо мен билан гаплашмоқчи бўлсанг, мавзуни ўзгартир, – деб қолди у бирдан.

– Э, эсимдан чиқмасин, сенга хат бор, – ботинмайгина деди Алеша ва чўнтагидан Лизанинг хатини олиб унга узатди. Улар бу пайтда фонарь тагига етган эдилар. Иван дарҳол хатни таниди.

– Э, бу анави зинқарчаданми? – қаҳри келиб қулди у ва хатжилдни очмаёк уни парча-парча қилиб йиртди ва шамолга совурди. Парчаларни шамол тортқилаб кетди. – Ҳали ўн олтига кирмагану лекин ўзини бозорга солади! – нафратланиб деди у ва кўчадан йўлида давом этди.

– Қандай бозорга соляпти? – хитоб қилди Алеша.

– Бузук аёллар ўзларини қандай бозорга солишлари маълум-ку.

– Қўй-е, Иван, қўй-е! – алам билан қизгин рад қилди Алеша. – У ёш қизча ҳали, сен ёш қизчани хафа қиляпсан! У касал, ўзи жуда касал, у ҳам балки ақл-хушини йўқотаётгандир... Унинг хатини келтириб беришга йўқ деёлмадим... Мен, аксинча, сендан бир гап кутган эдим... уни кутқармоқчи эдим.

– Мендан нима гап кутасан. Агар у ёш қизча бўлса, мен унга энага эмасман. Жим бўл, Алексей. Бошқа гапирма. Мен буни ҳатто ўйлаганим йўқ.

Бир дақиқача жим қолишди.

– У энди кечаси билан худойимдан ёлвориб сўрайди эртага судда нима қилиши кераклигини, – кескин ва қаҳр билан яна сўз бошлади у.

– Сен... Катерина Ивановнани айтяпсанми?

– Ҳа. Митенькани кутқарсаммикин ё ҳалок қилсаммикин, деяпти? Юрагига мужда тушишини кутяпти. Қаранг-а, ўзи ҳали билмасмиш, тай-ёрланиб улгурмаганмиш. Буниси ҳам мени энага деб билади, устида алла айтиб ўтиришимни истайди!

– Катерина Ивановна сени яхши кўради, ака, – маъюс тортиб деди Алеша.

– Эҳтимол. Фақат менинг унга сира хушим йўқ.

– У қийналади. Нега сен унга... баъзида... шундай сўзлар айтасан, у кейин ишониб юради? – ботинмайгина таъна қилди Алеша, – мен ахир биламан-ку, сен уни ишонтиргансан, кечир бу сўзларимни, – деб қўшиб қўйди у.

– Мен бу ерда лозим бўладиган бир иш қилолмайман, ўртани очик қилиб, унга ростини айтолмайман! – зарда билан деди Иван. – Қотилга ҳукм чиқишини кутиш керак. Агар мен ҳозир ўртани очик қилсам, қиз мендан ўчини олиб, эртага анави ярамасни судда ҳалок қилади, чунки уни кўргани кўзи йўқ, кўролмайти. Барча ёлғон шу ерда, ёлғон устига ёлғон! Ҳозир эса мен орани очик қилмасам, қиз ҳамон умид қилади ва анави золимни ҳалок қилмайти. Мен уни кулфатдан кутқармоқчи бўлаётганимни билади. Қачон ўқиларкин-а ўша лаънати ҳукм!

“Қотил” ва “золим” деган сўзлар Алешанинг юрагини аламли тилиб ўтди.

– Акамни нимаси билан у ҳалок қилоларди? – сўради у Иваннинг сўзлари устида ўйланаркан. – У акамни ҳалок қилиши мумкин бўлган нимани ҳам кўрсата оларди?

– Сен буни ҳали билмайсан. Унинг қўлида Митеньканинг қўли билан ёзилган битта ҳужжат бор, унда “Федор Павловични мен ўлдирдим” деган аниқ-равшан сўзлар ёзилган.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилди Алеша.

– Нега мумкин бўлмасин? Мен ўзим ўқидим.

– Бундай ҳужжатнинг бўлиши ҳеч мумкин эмас! – қайтарди Алеша жизғанаги чиқиб. – Бўлиши мумкинмас, чунки қотил у эмас. Отамни у ўлдирганмас, у қотил эмас!

Иван Федорович бирдан тўхтади.

– Сизнингча ким бўлмаса? – қандайдир совуқ бир оҳангда сўради Иван ва ҳатто такаббуруна бир оҳанг ҳам эшитилди унинг сўзида.

– Кимлигини сен ўзинг биласан, – оҳиста ишонч билан деди Алеша.

– Ким? Анави тутқаноғи бор жиннини айтяпсанми? Смердяковни?

Алеша бутун аъзойи бадани қалт-қалт тираётганини сезди.

– Сен ўзинг биласан кимлигини, – секин оғзидан учиб чиқди унинг. У ҳансираб нафас оларди.

– Хўп, ким, ким? – энди кутуриб қичқирди Иван. Унинг бутун вазминлигидан асар ҳам қолмади.

– Мен фақат бир нарсани биламан, – ҳамон шивирлаб деди Алеша. – Отамни сен ўлдирган эмассан.

– “Сен эмас!” У нима деганинг? – шамдек қотди Иван.

– Отамни сен ўлдирмагансан, сен эмас! – қатъият билан деди Алеша.

Ярим дақиқа жимлик чўқди.

– Мен ўзим ҳам биламан мен эмаслигимни, нима, сен алахлаяпсанми? – ранги оқариб, лаби қийшайиб илжайиб деди Иван. Унинг назари Алешага ўқдай қадалганди. Икковлари фонарь тагида туришарди.

– Йўқ, Иван, сен ўзинг бир неча маротаба мен ўлдирдим, дегансан.

– Қачон айтган эканман?.. Мен Масковда эдим... Қачон айтганман? – тамомила ўзини йўқотиб мингирлади Иван.

– Шу кейинги даҳшатли икки ой ичида кўп марта бир ўзинг ёлғиз қолган пайтларингда ўз-ўзингга такрор-такрор айтгансан буни, – худди олдингидай секин-оҳиста дона-дона қилиб давом эттирди Алеша. Аммо у худди ҳуши ўзида эмасдай сўзлар, худди инон-ихтиёри ўзида эмасдай, қандайдир енгиб бўлмас амрга итоат этаётгандай сўйларди. – Сен ўзингни айбладинг ва ўзингни мен ўлдирдим деб ишонтирдинг. Аммо сен ўлдирмадинг, сен янглишяпсан, сен ўлдирмагансан, эшитяпсанми, сен эмас! Сенга буни айтишни худо кўнглимга солди.

Ҳар икковлари жим бўлиб қолишди. Узоқ бир дақиқа давом этди бу жимлик. Икковлари ҳамон бир-бирларига тикилиб туришарди. Икковларининг ранглари ўчганди. Бирдан Иван қаттиқ ларзага келди-да, Алешанинг елкасидан маҳкам ушлади.

– Сен меникида бўлгансан! – тишларини ғижирлатиб шипшиди у. – У келган пайтда сен меникида бўлгансан... Бўйнингга ол... Сен уни кўрдингми, кўрдингми?

– Кимни айтяпсан... Митяними? – ажабланиб сўради Алеша.

– Уни эмас, жин урсин у золимни! – қутуриб бўқирди Иван. – Ахир, сен биласанми у менинг олдимга келиб туришини? Сен қандай қилиб билдинг, гапир!

– Ким у? Кимни айтяпсан, мен билмайман, – деди Алеша энди кўркиб-писиб.

– Йўқ, сен биласан... бўлмаса сен қандай қилиб... мумкин эмас, сенинг билмаслигинг...

Аммо бирдан у қандайдир ўзини тутиб олди. У тик турганча худди ниманидир ўй-мулоҳаза қиларди. Ғалати бир илжайиб, лаблари ажабтовур қийшайди.

– Ака, – қалтираган овоз билан яна давом эттирди Алеша, – мен сенга буни шунинг учун айтдимки, сен менинг сўзларимга ишонасан, мен буни биламан. Мен сенга бир умрга шу сўзларни айтдим: *сен эмас!* Эшитяпсанми, бир умрга. Бу йўлни менга худойим кўрсатди, кўнглимга солди, гарчи сен худди ушбу соатдан бошлаб мени бир умрга ёмон кўриб қолган бўлсанг-да, илло...

Аммо Иван Федорович энди, чамаси, бутунлай ўзини тутиб олганди.

– Алексей Федорович, – деди у совуқ тиржайиб, – мен пайғамбарлар ва тутқаноқларни тан олмайман. Айниқса, худонинг элчиларини, сиз буни жуда яхши биласиз. Шу дамдан бошлаб мен сиз билан алоқани бутунлай узаман, чамаси. Сиз хозирок, мана шу чорраҳада кўзимдан йўқолинг. Уйингизга ҳам мана бу тор кўчадан яқинроқ чиқасиз. Айниқса, бугун менинг хузуримга киришдан жуда эҳтиёт бўлинг! Эшитдингизми?

У ўгирилиб, шаҳдам қадам ташлаб тўғри йўлдан кетди, орқасига қарамади.

– Ака, – деб қичқирди унинг изидан Алеша, – агар бугун сенга бирон нарса бўлса, ҳаммадан олдин мени эсингга ол!..

Аммо Иван жавоб бермади. Иван қоронғилик ичида кўринмай кетгунча Алеша чорраҳада фонарь тагида қараб турди. Кейин орқасига қайрилди-да, аста ўзи тор кўчасидан йўлга тушди. У ҳам, Иван Федорович ҳам турли квартираларда ижарада туришарди: ҳеч қайсиси Федор Павловичнинг хувиллаган уйида туришни истамади. Алеша шаҳарлик кишининг жиҳозланган уйида ижарада турарди; Иван Федорович эса ундан анча олисда яшарди, у бир ўзига тўқ оиланинг ҳовлидаги уйида кенг ва жуда қулай хоналарда истикомат қилар, уй ўлган бир амалдорнинг бевасига қарашли эди. Ҳовли саҳнидаги кенг уйда унга ёши жуда қартайган, қулоғи оғир, бод азобига гирифтор бир кампир қарар, кампир кеч соат олтида уйқуга ётар, эрталаб олтида уйғонарди. Иван Федорович шу кейинги икки ой ичида ғалати бўлиб ўзига қарамай қўйган ва ёлғиз қолишни жуда яхши кўрарди. Турадиган хонасини ўзи йиғиштирар, унинг бошқа хоналарига эса камдан-кам кирарди. У уйининг дарвозаси-

га етиб борди-да, кўнғирокқа кўлини узата туриб, яна тўхтаб қолди. У ҳамон қаҳру ғазаб исканжасида дағ-дағ қалтираётганини пайқади. Бирдан кўнғирокни кўйди, тупурди ва орқасига қайрилди-да шаҳарнинг бутунлай нариги қарама-қарши томонига тез-тез қадам ташлаб йўл олди. Бу ердан икки чақиримлар нарида бир қийшайиб қолган, эски ёғоч харилардан қурилган уй бўлиб, бунда Федор Павловичнинг қадим кўшниси Марья Кондратьевна яшар, ўша пайтлар у Федор Павловичнинг ошхонасида овқатланар, Смердяков эса унга гитарада куйлар чалиб, кўшиқлар айтиб берарди. У олдинги уйини сотиб юборган ва энди онаси билан ёғоч уйда турар, оғир касал, тиригидан ўлиги яқин Смердяков эса Федор Павловичдан кейин шу ерга жойлашмиш эди. Иван Федоровичнинг хаёлига қутилмаган ва ҳеч енгиб бўлмас бир фикр ўрнашиб, тинчлик бермай шу томонларга йўл олмишди.

VI

СМЕРДЯКОВ БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Иван Федорович Масковдан қайтгандан бери учинчи маротаба Смердяков билан гаплашишга бормоқда эди. Биринчи марта Масковдан келган куни у билан кўришиб гаплашганди. Кейин яна икки ҳафтадан сўнг унинг хузурида бўлганди. Лекин шу иккинчи кўришганидан сўнг у Смердяков билан бошқа учрашмаган, мана, бир ойдан ортиқ вақт мобайнида уни кўрмаган, қулоғига ҳеч қандай гап-сўз чалинмаганди. Ўшанда Иван Федорович отасининг ўлимидан кейин бешинчи кун деганда қайтиб келган, ҳатто тобутини ҳам кўришга улгурмаганди. Отаси унинг келиши арафасида кора тупрокқа кўйилганди. Иван Федоровичнинг кечга қолиши сабаби шунда эдики, Алеша унинг Масковдаги жойини аниқ билмагани сабабли телеграмма жўнатишда Катерина Ивановнадан ёрдам сўраган, у ҳам беҳабарлигидан ўзининг холаси ва опасига мурожаат қилган, Иван Федорович Масковга борган заҳоти қариндошларимизникига кириб ўтади, деб мўлжаллаганди. Лекин Иван Масковга келганининг фақат тўртинчи кунигина у ерга ўтганди ва телеграмма билан танишгач, оёғини қўлга олиб дарҳол йўлга чиққанди. Шаҳарчамизга етиб келгач, ҳаммадан бурун Алешани учратди ва у билан гаплашиб, ҳайрон бўлиб қолди. Алеша ҳатто Митядан шубҳаланмас, Смердяковни тўғридан-тўғри қотил деб кўрсатар, бу шаҳримиздаги барча фикрларга тамомила қарама-қарши бўлган фикр эди. Кейин Иван полис бошлиғи, прокурор тўра билан кўришди, кўйилган айб ва қамаш ҳолати билан танишди-ю янада Алешага ҳайрати ошди, бу акасини жуда қаттиқ яхши кўрганидан, раҳми келганидан бўлса керак, деб ўйлади. Алеша акасини қанчалар яхши кўришини биларди. Айтганча, ўрни келганда Иваннинг акаси Дмитрий Федоровичга бўлган туйғулар ва муносабати ҳақида икки оғиз сўз билдириб ўтишга мажбурият сезамиз: у акасини мутлақо яхши кўрмасди, гоҳида кўп-кўп ачиниб, раҳми келиб юрар, лекин шунга ҳам нафрат-ижирғаниш аралашиб кетган, ундан жирканарди. Митя бутун туриш-турмуши, ҳатто қадди-қомати билан ҳам унга сира ёқмасди. Катерина Ивановнанинг уни яхши кўришига ғазаби келиб қарар, тоқат қилолмасди. Маҳкамага тортилган Митя билан Иван келганининг биринчи куни учрашди. Митянинг айбдор эканига ишончи шоён

ортди. Акасини харосон ва оғир бетоб ҳолда кўрди. Митя тинмай гапирар, хаёли паришон, ўзини ўтга-чўққа урар, кескин сўзлар айтар, Смердяковни айблар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Тинмай ўша отаси ундан беркитган уч мингни тилидан қўймас, “Улар менинг пулларим эди, менинг пулларим”, деб такрорлар, – агар уларни ўғирлаб олганимда ҳам мен ҳақ бўлиб чиқардим”, дерди яккаш. Ўзига қарши қўйилаётган барча далилларни шубҳа остига олмас, далил ва исботларни ўз фойдасига талкин қилганида ҳам чалкашиб кетар, тутилиб қолар, умуман, Иваннинг олдида худди ўзини оқлагиси келмаётгандай кўринар, бировнинг олдида ўзини оқлашни истамаётгандай, аксинча, жуда тажанглиги тутар, қўйилаётган айбларга менсимамай қарар, кеккаяр, сўкинар, қайнаб-тошарди. Григорийнинг очиқ қолган эшик ҳақидаги гаплари устидан кулар, ижирғанар, “эшикни жин очиб кетган”, дерди. Лекин худди шу далилга қарши ҳеч қандай аниқ-таниқ тушунтириш беролмасди. Шу биринчи учрашувлари чоғида у укаси Иванни таҳқирлади, “ҳамма нарсани қилиш мумкин” дея ҳисоблайдиганларнинг мени сўроқ қилиш, мендан шубҳаланиш ва тергашга ҳақлари йўқ”, деди. Умуман, шу сафар Иван Федоровични бағоят хушламай қарши олди. Митя билан мана шу кўришувдан кейин Иван Федорович дарҳол Смердяковни кўргани жўнади.

Ҳали темир йўл вағонида йўл босаркан, у Смердяков ҳақида ўйлаб келди, йўлга тушадиган куни окшомда дарвоза олдида бўлган гапларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Уни кўп нарсалар хижолатга солар, кўп нарсалар шубҳа гирдобига ташларди. Лекин суд терговчисига кўрсатмаларини бераркан, у ўша гап-сўзларни тилга олмади. Барини то Смердяков билан кўришмагунча ортга сурди. Ўшанда Смердяков шаҳар касалхонасида ётарди. Доктор Герценштубе ва касалхонада дуч келиб қолган врач Варвинский Иван Федоровичнинг такроран берган саволларига Смердяковнинг тутқаноқ касали ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, деб аниқ, қатъий жавоб бердилар ва: “Фожиа рўй берган куни у ўзини касалга солмаганми?” деган сўроқдан ҳатто ажабланиб қолишди. Улар тутқаноқ жуда кучли бўлганлигини тасдиқлашди, бир неча кун давом этди ва доим такрорланиб турди дейишди. Касалнинг ҳаёти хавф остида турган, фақат энди, кўрилган чора-тадбирлар натижасида беморнинг ҳаёти сақланиб қолди, деб ишонч билан айтиш мумкин. “Лекин (кўшиб қўйди доктор Герценштубе) унинг ақли бир умрга зойил бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас”. Иван Федорович: “Нима, энди у ақлдан озган ҳисобланадими?” деб шоша-пиша сўраганида, “ҳозирча тўла маънода ундай деб бўлмайди, лекин қандайдир носоғлом аломатлар кўзга ташланмоқда”, деб жавоб беришди. Иван Федорович бу қанақа носоғломлик экан деб буни ўзи билмоқчи бўлди. Касалхонада уни дарҳол бемор олдига олиб киришди. Смердяков алоҳида хонада ётган экан. Унинг ёнига яна битта каравот қўйилган бўлиб, унда шаҳарлик ожиз бир кимса ётар, у сув касалидан шишиб кетган, чама-си, санокли кунлари қолганди; унинг гапга халал берадиган ҳоли йўқ эди. Смердяков Иван Федоровични кўриб, ишонқирамай иршайди ва дастлаб юраги пўк тушгандай бўлиб кўринди. Балки Иван Федоровичга шундай кўрингандир. Бироқ бир зумгагина бу шундай туюлди, аксинча, бошқа вақт Смердяков ўзининг хотиржам кўриниши билан ҳайратга солди. Иван Федорович бир қараганидаёқ аҳволи анча оғирлигини пайқади: у жуда ҳам ҳолдан тойган, тили гапга базўр айланар, секин қийналиб сўйлар,

жуда озиб, сарғайиб кетганди. Кўришганларидан буён йигирма дақиқа давомида боши қаттиқ оғриётганидан нолиди, аъзойи баданим қақшаб оғрийди, деди. Ахта қилинган одамларникидай қақшаган, оби қочган башараси кичкинагина бўлиб қолган, чакка сочлари тўзғиган, бошининг тепа қисмида бир толагина сочи тиккайиб турарди. Аммо қандайдир қисилган, нимагадир ишора қилаётгандай бўлиб туюлган чап кўзи аввалги Смердяковдан дарак берарди. “Ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди”, дарҳол эсига тушди Иван Федоровичнинг. У беморнинг оёқ томонидаги курсига ўтирди. Смердяков бутун вужудида оғриқ сезиб тўшагида кўзғалди, аммо ўзи бошлаб гап очмади, жим тураверди. Қарашлари ҳам анча сўник эди.

– Мен билан гаплашишга қурбинг келадими? – сўради Иван Федорович, – чарчатиб қўймайман сени.

– Жоним билан, – минғирлади Смердяков зўр-базўр. – Анча бўлдим келганингизга? – қўшиб қўйди у кўнгилчанлик билан меҳмонни хижолатдан қутқариш учун.

– Мана бугун келдим... иплар чувалашиб кетибди бу ерда.

Смердяков хўрсинди.

– Нега хўрсинасан, ахир, сен билардинг-ку? – тўғри ғўдинглади Иван Федорович.

Смердяков вазмин индамади.

– Билмасликнинг иложи бормиди? Олдиндан маълум эди. Фақат бундай бўлишини ким билибди?

– Нега билмасин? Гапни айлантирма! Ўзинг башорат қилган эдинг-ку омборга тушишинг билан тутқаноқ тутишини? Омбор деб аниқ қилиб айтудинг.

– Сиз буни сўроқ пайтида айтдингизми? – хотиржам қизикди Смердяков. Иван Федоровичнинг бирдан жахли чиқди.

– Йўқ, айтмадим, лекин, албатта, кўрсатма бераман. Сен, биродарим, менга кўп нарсаларни тушунтириб беришинг керак, кейин билиб қўй, азизим, менга ҳазил-мазах, ўйин-найранглар кетмайди!

– Менинг бутун умидим сиздан, менга ўйиннинг нима кераги бор. Ёлғиз худойимдан мадад тилайман! – деди у яна худди ўшандай вазминлик билан фақат бир зумга кўзларини юмиб.

– Биринчидан, – деди сўзини бошлаб Иван Федорович, – мен биламан, тутқанокни олдиндан айтиб бўлмайди, мен суришгирдим, сен найранг қилма. Куни ва соатини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Сен қандай қилиб менга ўшанда куни ва соатигача айтдинг, яна ертўлани ҳам қўшиб қўйдинг? Агар сен ўзингни атай тутқаноққа солмасанг, шу ертўлага қулашингни қаердан билардинг?

– Ертўлага шусиз ҳам тушардим, кунига неча маротаба тушиб чиқаман, – шошилмай чўзилиб деди Смердяков. – Худди шунга ўхшаб бир йил олдин мен болохонадан йикилиб учиб тушганман. Шубҳа йўқ, тутқанокни олдиндан куни ва соатини башорат қилиб бўлмайди, аммо буни сезиш мумкин.

– Сен эса куни ва соатини башорат қилувдинг!

– Ҳазратим, менинг тутқаноқ касалим ҳақида шу ерлик врачлардан сўраб билиб олсангиз бўлади: ҳақиқий тутқаноқ бўлганми ё бошқа, сизга айтиб беришади. Бу борада сизга айтадиган бошқа гапим йўқ.

– Ертўла-чи? Ертўлани сен қандай билдинг?

– Ертўла миянгизга ўрнашиб қолибди! Ўшанда ертўлага тушганим-да ёмон кўрққан, юрагим орқага тортиб кетганди; кўрққаннинг боиси сиз ёнимда эмасдингиз, бутун дунёда мени ҳимоя қиладиган ҳеч кимим йўқ эди. Ўшанда шу ертўлага тушиб бораяпману хаёлимда: “Мана ҳозир тутиб қолади, думалаб кетаманми, йўқми?” деган гап ўтади. Шу гумон қилишим биланок бўғзимдан бир нарса каттиқ қисгандай бўлди... Пастга учиб тушдим. Шуларнинг ҳаммасини, сиз билан дарвоза олдидаги кечкурунги гапларимиз, ертўла ва кўрққанларим – буларнинг барини мен жаноб доктор Герценштубе ва терговчи Николай Парфеновичга оқизмай-томизмай сўйлаб берганман, баённома қилиб ёзиб олишган. Ўзимизнинг шу ерлик врач жаноб Варвинский кўрққанидан, кўп ўйлаганидан бу нарса рўй берган, бу кўпроқ гумонсирашдан бўлади, деб ҳаммани ишонтирган, “йиқиламанми, йиқилмайманми” деявергандан кейин, албатта, бу рўй беради-да, деган. Қоғозга ҳам шундай деб ёзиб қўйишган, кўрққанидан тутқаноғи тутган дейишган.

Смердяков шуларни айтиб, камоли ҳолдан тойиб қийналганидан жуда чуқур нафас олди.

– Э, сен буни кўрсатма қилиб айтиб бердингми? – бироз талмовсираган ҳолда сўради Иван Федорович. Ўшандаги гапни ошкор қиламан, деб уни кўрқитмоқчи бўлганди, маълум бўлдики, унинг ўзи ўша гапларни ошқора айтиб қўйибди.

– Мен нимадан кўркаман? Майли, бор ҳақиқатни ёзишсин, – ишонч билан деди Смердяков.

– Икковимизнинг дарвоза олдидаги гапларимизни ҳам тўла айтиб бердингми?

– Йўқ, сўзма-сўз айтмадим.

– Менга ўшанда ўзимни тутқаноқ тутгандай тута оламан, деб мақтанган эдинг, шунга айтиб бердингми?

– Йўқ, буни айтмадим.

– Энди менга айт-чи, нега сен мени ўшанда Чермашняга жўнатмоқчи бўлдинг?

– Масковга кетиб қоласиз, деб кўрқдим, Чермашня ҳар қалай яқинроқ.

– Алдаяпсан, сен ўзинг мени жўнаб кетишга ундадинг: кетинг, гуноҳдан қочинг, дегансан!

– Сизга ёлғиз дўстлик қилмоқчи бўлдим, садоқатимни кўрсатмоқчи эдим. Хонадонда кулфат юз беришини сезувдим, сизга ачингандим, лекин сиздан ортиқ ўзимга ачингандим. Шунинг учун гуноҳдан нари бўлинг девдим, отангизни ҳимоя қиламан деб қолсангиз, чатоқ бўларди.

– Шу гапингни тўғриси айтиб қўя қолмайсанми, аҳмоқ! – қизариб кетди бирдан Иван Федорович.

– Мен қандай қилиб ўшанда тўғриси айтишим мумкин эди? Юрагим кўркувга тўла, сизнинг ҳам жаҳлингиз чиқиши мумкин эди. Мен Дмитрий Федорович жанжал чиқаришларидан хавфсирардим, ўша пулни олиб кетмасалар эди дердим, у пулни, барибир, ўзларининг пуллари деб ҳисоблардилар, лекин кимнинг хаёлига келибди дейсиз бунинг ўлим билан тугаши? Охири шу уч мингга олиб чиқиб кетсалар керак-да, деб ўйлардим, қоғоз жилдга солинган пул бойотанинг тўшаги тагида эди, у кишим эса ўлдирди-қўйди. Сиз бундоқ бўлишини туш кўрибсизми, тақсирим?

– Сен ўзинг бундоқ бўлишини билиб бўлмасди, деяпсан, унда мен қандай қилиб қолишим мумкин эди? Нега чалкаштиряпсан? – ўйга ботиб деди Иван Федорович.

– Сизни Масковга эмас, Чермашняга жўнатмоқчи бўлганимдан буни сезсангиз бўларди.

– Ахир, сезиш мумкинмиди буни?

Смердяков қаттиқ ҳолдан тойганга ўхшарди, у яна бирпас жим қолди.

– Сизни Масковга эмас, Чермашняга ундаганимдан сезсангиз бўларди, сизга бу билан шу яқинроқда бўлинг демоқчи эдим, нега деганда Масков узок, Дмитрий Федорович эса сиз шу ўртада эканингизни билиб, сал ўзини тиярмиди, деб ўйловдим. Бир қор-қол рўй бера қўйса, мени ҳам химоя қилишингиз осонроқ эди. Зотан, сизга Григорий Васильичнинг қасал эканлигини, тутқанокдан кўркишимни айтгандим. Сизга отангизнинг олдиға киришға йўл очадиган анави тақиллатишларни, улар ҳақида Дмитрий Федоровични хабардор қилганимни ҳам маълум қилгандим. Шулардан сиз нималарнидир фаҳмлаган бўлсангиз керак деб ўйловдим, албатта, у кишим бирон қори-қолға қўл урса керак, деб сиз ҳатто Чермашняга ҳам бормасиз ва шу ернинг ўзида қоларсиз, дегандим.

“Унинг ҳамма гаплари бир-бирига боғланган, – деб ўйланди Иван Федорович, – лекин жуда ямланади-да; Герценштубе қобилиятларнинг издан чиқиши деганда нимани назарда тутди экан?”

– Мени, барибир, лақиллатмоқчи бўласан-да, жин урсин сени! – хитоб қилди у жаҳли чиқиб.

– Мен эсам ўшанда сиз фаҳмлаб етдингиз деб ўйлабман, – ўзини ғоятда соддаликка солиб жавоб берди Смердяков.

– Агар билганимда, қолган бўлардим! – деб қичқирди Иван Федорович яна қизариб кетиб.

– Шу-у, мен ўйлабманки, сиз ҳаммасини тушуниб, кулфатдан нарироқ қочдингиз, ҳойнаҳой, ҳамманинг жони ўзига ширин.

– Ҳаммани ўзингга ўхшаган кўрқок деб биласанми?

– Маъзур кўринг, сиз ҳам менга ўхшагансиз дебман.

– Албатта, бу нарсаларни пайқаш лозим эди, – ҳаяжонланарди Иван, – ҳа, мен сендан бир пасткашликни кутгандим... Фақат сен яна ёлғон гапиряпсан, ёлғон, – деб қичқирди у ненидир эслаб. – Эсингдами, жўнамоқчи бўлиб турганимда арава олдиға келдинг-да, “Ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди”, деб айтдинг. Мақтаганингга қараганда, мен кетаётганимдан хурсанд бўлгансан-да?

Смердяков бот-бот чуқур хўрсинди. Башарасига қизиллик югурди.

– Агарда хурсанд бўлсам ҳам, – деди у бироз бўғилиб, – Масковга эмас, Чермашняга боришға рози бўлганингиз туфайли, барибир, ораси яқинроқ-да; лекин мен ўша сўзларимни сизни мақташ учун эмас, сизга таъна тариқасида айтувдим. Сиз буни тушунмагансиз.

– Қанақа таъна?

– Шунақа кулфат рўй беришини сезиб туриб, отангизни ташлаб кетаётган эдингиз, мени ҳам химоясиз қолдираётган эдингиз, чунки мени ўша уч мингни деб жавобгар қилишлари мумкин эди, сен ўғирлагансан деб.

– Жин урсин сени! – яна сўқинди Иван. – Тўхта, сен анави тақиллатишлар, белгилар ҳақида терговчи билан прокурорға айтдингми?

– Бор гапни айтиб бердим.

Иван Федорович яна ичида хайрон бўлди.

– Ўша пайтда мен ўйлаган нарсам шу бўлдики, – деб бошлади у яна, – сен ярамас бирон иш қилиб қўясан. Дмитрий ўлдириши мумкин эди, лекин унинг пул ўғирлашини хаёлимга ҳам келтирмаганман... Сен пасткашлик қилиб қўясан, деганман. Ўзинг айтгансан: ўзимни тутқаноқ тутганга солишим мумкин дегансан, нега бундай дегансан?

– Фақат соддалигимдан. Ҳаётда ҳеч қачон ўзимни тутқаноқ тутаётгандай кўрсатмаганман, фақат сизнинг олдингизда мақтаниш учун айтганман. Бир аҳмоқлик-да. Ўша пайтлар сизни жуда яхши кўриб қолгандим, ўзимни соддалик билан яқин олгандим.

– Акам тўғридан-тўғри сени айбляпти, сени ўлдирди деяпти, пулни ҳам ўғирлаган дейди.

– У киши энди шундан бошқа нима ҳам дейди? – аччиқ иршайди Смердяков, – энди шунча далолатлардан кейин ким у кишига ишонади? Григорий Васильевич эшикни очик ҳолда кўрган экан. Шулардан кейин яна нимаси қолди? Ҳе, нима ҳам қилдик, худо хайрини берсин! Жонини куткараман деб қалтирайди-да...

У бирдан секин жим қолди, кейин ўйланиб кўшиб қўйди:

– Мана ахир, яна ўша нарса: улар менинг устимга ағдариш пайидалар – ҳаммасини шу қилган дейдилар, – мен анчадан бери шуни эшитаман, – мана яна ахир ўша: гўё мен усталлик билан ўзимни тутқаноққа соламан, нима, мен шуни била туриб сизга тутқаноққа устаман, деб олдиндан айтоламанми, отангизга нисбатан ниятим бузилган бўлса, асло шундай дейманми? Ўлдиришни ният қилган кимса шундай дейдими? Яна унинг ўғлига-я? Ўзига қарши ўзи далолат топиб берадими? Э, омон бўлинг-е! Шу ҳеч бир ақлга сиғадими? Ҳеч қачон шундай бўлмайди бу. Мана ҳозир иккимизнинг бу гапимизни ҳеч кимса эшитаётгани йўқ. Агар кўзга кўринмас шарпалар демасангиз. Ана шуни сиз прокурор билан Николай Парфеновичга айтсангиз эди, мени ҳимоя қилган бўлардингиз; зolim олдиндан шундоқ гўл бўлади деб ким айтади! Буларнинг ҳаммасини фикрлаб кўришлари, табиий.

– Менга қара, – Смердяковнинг охири далилидан кейин хайрати ортиб ўрнидан туриб кетган Иван Федорович гапни бўлди, – мен сени асло шубҳа остига олаётганим йўқ, хатто сени айблашни кулгили деб биламан... аксинча, сендан миннатдорман, кўнглимни жойига туширдинг. Энди борай, лекин яна келаман. Ҳозирча хайр, соғайиб кет. Бирон нарса керакмасми?

– Ҳаммаси учун раҳмат. Марфа Игнатъевна мени унутмай, ғамхўрлик қиялпти, ёрдамини аямаяпти, аввалгидек меҳрибон. Ҳар куни яхши одамлар келиб хабар олиб туришади.

– Кўришгунча хайр. Ўзингни сохта тутқаноққа солишингни айтиб ўтирмайман... ўзинг ҳам буни кўрсатиб юрма, – негадир огоҳлантириб деди кутилмаганда Иван.

– Жуда яхши тушунаман. Агар сиз буни айтмасангиз, мен ҳам ўшанда дарвоза олдида ўртамизда бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини айтиб ўтирмайман...

Бу пайтда Иван Федорович эшикка қадам ташлаган эди, фақат йўлакда ўн одимларча юриб боргандан сўнг у бирдан Смердяковнинг охириги жумласи қандайдир ўзига оғир ботганини ҳис қилди. У орқага қайтмоқчи

бўлди, лекин бу дам лип этиб ўтиб кетди ва “э, аҳмоклик!” деди-да жаддаллаганча касалхонадан чиқди. Муҳими, унинг кўнгли жойига тушган ва бунинг боиси – Смердяков эмас, акаси Митянинг айбдорлиги маълум бўлгани эди. Аслида эса бу аксинча бўлиши керак эди. Нега бундай бўлди – ўшанда буни у таҳлил қилиб ўтирмади, ўз хиссиётларини чувалаштириб ўтиришни истамди, ижирғанди. У тезроқ алланимани нутишни истарди. Кейинги бир неча кун мобайнида у Митянинг айбдор эканига тўла ишонч ҳосил қилди, юрагини ғаш қилган барча далолатлар билан яқиндан асосли тарзда танишиб чиқди. Майда, тубан кишиларнинг кўрсатмаларини кўрди, Феня билан унинг онасининг кўрсатмаларидан ларзага тушди. Перхотиннинг кўрсатмалари билан танишди, ковоқхона, дўкон, Плотниковлар, Мокроедаги гувоҳларни эса ҳатто гапириб ўтирмаса ҳам бўларди. Барча тафсилотлар кўнгилни ғаш қиларди. Эшикни яширин тарзда тақиллатишлар ва Григорийнинг очик қолган эшик ҳақидаги маълумоти терговчи билан прокурорни ҳайратга солди. Григорийнинг хотини Марфа Игнатъевна Иван Федоровичнинг сўраган саволига жавоб бериб дедик, Смердяков бизнинг уйимизда “биздан уч қадам нарида” тўсиқ орқасида кечаси билан қимирламай ётди, мен ўзим қаттиқ ухлаб қолган бўлсам ҳам, унинг инграганини эшитиб, бир неча маротаба уйғониб кетдим: у тинмай инграр, тўхтамай инграрди. Иван Федорович доктор Герценштубе билан ҳам гаплашди, Смердяков менга ақлдан озган одамдай кўринмади, фақат жуда ҳолдан тойган эди, деб ўз иштибоҳини билдирди, бунга жавобан қари доктор билинар-билинемас кулиб кўйди. “Сиз биласизми, у ҳозир нима билан машғул? – сўради у Иван Федоровичдан. – У французча бўғинларнинг талаффузини ўрганапти; ёстиғининг тагидаги битта дафтарга французча сўзлар русча ҳарфлар билан аллаким томонидан ёзиб кўйилган, хи-хи-хи!” Иван Федорович охири барча иштибоҳларини бир чеккага йиғиштириб кўйди. Акаси Дмитрийни ўйласа ижирғанарди. Фақат бир нарса ҳамон ғалатилигича қолмокда эди: укаси Алеша отамни Дмитрий ўлдирмаган, “чамаси” уни Смердяков ўлдирган, деб қаттиқ туриб олганди. Иван доим Алешанинг фикрини кадрларди, шунинг учун ҳозир жуда боши қотганди. Яна шуниси ҳам ажабланарли эдики, Алеша у билан ҳеч Митя тўғрисида сўз очмас, гаплашмас, фақат Иван савол берсагина жавоб берарди. Бу ҳам Иванга анча очик аён бўлиб қолди. Дарвоқе, у ўша вақтда ўзининг бошқа бир ўта шахсий иши билан ғоятда банд ва овора бўлиб қолмишди: Масковдан келгандан кейин биринчи кунлар Катерина Ивановнага бўлган муҳаббатининг телбасаро, алангали, ортга қайтмас хирсу эхтиросларига бош-кети билан шўнғиди-кетди. Бу ўринда унинг кейинги бутун ҳаётида жуда чуқур из қолдирган янги саҳифани кенг очиш имкони йўқ: бу бошқа бир ҳикоя, бошқа бир романнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо билмадимки, уни кейин давом эттирармикинман, алоҳал. Лекин ҳар қалай шуни бу ерда ташлаб ўтиб кетолмайманки, бир кун кечаси Иван Федорович Алеша билан Катерина Ивановнаникидан қайтаётганларини баён қилган эдим. Ўшанда Иван Алешага: “Менинг у кизга тобим йўқ”, деган эди. Ва ёмон ёлғон гапирганди, ҳолбуки, у кизни жуда қаттиқ яхши кўрарди, яна шуниси ҳам борки, гоҳи-гоҳи кизни шу қадар ёмон кўриб кетардики, ҳатто ўлдириб кўйиши мумкин эди. Бу ерда жуда кўп сабаблар

бир-бирига боғланиб кетарди: Митянинг бошига тушган кўргиликлардан қаттиқ ларзага тушган Катерина Ивановна бирдан ўз олдига қайтиб келган Иван Федоровичга худди халоскоридай боқди. Қиз ҳақоратланган, таҳқирланган, камситилган, ҳиссиётлари вайрон бўлган бир алфозда эди. Шунда уни аввалда яхши кўрган йигит қайтиб келди, қиз унинг ўзини яхши кўришини биларди, бу йигитнинг ақлу заковати, юрагини ўзидан кўра анча юқори кўярди. Аммо маҳпора қиз ўзини йигитга бутунлай қурбон қилмади, ўз ошиғининг карамазовча тийиқсиз истаклари, хаёлини омонсиз ўғирлаганларидан ақлини бутунлай йўқотиб қўймади. Шу билан бирга у Митяга хиёнат қилиб қўйдим, деб тўхтовсиз азоб чекиб пушаймон бўлар ва Иван билан оғир жанжаллашиб қолган чоғларида (жанжаллар тўхтовсиз такрорланиб турарди) буни унинг бетига соларди. Иван Алеша билан гаплашганда “ёлғон устига ёлғон” деганда, эҳтимол, шуни назарда тутганди. Ҳақиқатан ҳам, бунда орага анча-мунча ёлғон аралашганди ва бундан Иван ҳаммадан ҳам ортиқроқ ғижинарди... аммо булар ҳаммаси кейин... Хуллас, шундай вақт бўлиб ўтдики, Смердяков унинг эсидан чиқди. Аммо биринчи марта борганидан икки ҳафта ўтгач, уни яна аввалгидек ўша-ўша ғалати хаёллар азоб исканжасига ола бошлади. Шуни айтиш етарли бўлардики, у тўхтовсиз ўзидан-ўзи сўрарди: отаси Федор Павловичнинг уйда ётган охири кечани эсларди, ўшанда у эртасига жўнаб кетмоқчи эди, нега ўшанда худди ўғридай пиллапоя сахнига пусиб чиқиб, пастда отаси нима қилаётганига қулоғини динг қилиб тинглади, нега? Нега буни кейин ғоятда нафратланиб эслаб қолди, нега эртасига эрталаб йўлда юраги жуда сиқилди, нега Масковга кириб бораётганда ўзига-ўзи: “Мен аблаҳман!” деди. Бир куни у ўйланиб қолди, мана шу музтар, азобли фикрлар исканжасида ҳатто энди Катерина Ивановнани ҳам унутишга тайёр эди, шунчалар қисти-бастига оларди бу ўйлар! Худди шуларни ўйлаб бораркан, кўчада Алешани учратиб қолди. У дарров уни тўхтатди ва бирдан шундай савол берди:

– Эсингдами, тушдан кейин Дмитрий уйга бостириб борди ва отамни урди, кейин ҳовлига чиққанимизда мен сенга “хоҳишларим ҳақи”ни ўзимда олиб қоламан дедим, қани, менга айт-чи, мени ўшанда отамнинг ўлимини истаяпти, деб ўйладингми, йўқми?

– Ўйловдим, – оҳиста жавоб берди Алеша.

– Ҳар қалай, ўшанда шундайроқ бўлганди, буни жумбоқ қилиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Лекин ўшанда “бир газанда бошқа бир газандани еса нима қилибди”, деб ўйлаётгандир демадингми. Ишқилиб, Дмитрий тезроқ отамни ўлдирсин, деб хоҳлаяпти... ўзи ҳам бунга кўмаклашмоқчи бўлиб турибди, деб хаёлингга келтирмадингми?

Алешанинг ранги бироз оқаринқиради, у акасига индамай қараб турди.

– Гапир ахир! – хитоб қилди Иван. – Сен ўшанда нима деб ўйлаганингни жоним борича билгим келади. Ҳақиқатини айт, ҳақиқатини! – У оғир сўлиш олди, қандайдир олдиндан Алешага қаҳру ғазабга тўлиб қаради.

– Мени маъзур кўр, ўшанда буни ҳам ўйловдим, – шивирлади Алеша ва жим бўлиб қолди, бошқа “аҳволни енгиллатадиган” бир оғиз ҳам сўз қўшмади.

– Раҳмат! – сўзни кесди Иван ва Алешани шундоқ қолдириб, шитоб билан ўз йўлига кетди. Ўшандан бери Алеша пайқаб қолдики, Иван акаси

қандайдир ундан жуда тез узоклашиб кетди, ҳатто балки уни ёмон кўриб қолди, шунинг учун кейин ўзи ҳам уникага бормай қўйди. Аммо ўша учрашувдан сал фурсат ўтмаёқ Иван Федорович уйига ҳам кириб ўтирмай, бирдан яна Смердяковнинг қошига йўл олди.

VII

СМЕРДЯКОВ БИЛАН ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Бу пайтга келиб Смердяков касалхонадан чиқди. Иван Федорович унинг янги турадиган жойини биларди: бу ёғоч харилардан қурилган ёнма-ён солинган иккита чоғроқ уй бўлиб, ўртасидан даҳлиз билан ажратилганди. Уйларнинг бирида онаси билан Марья Кондратьевна, бошқасида Смердяков жойлашишганди. Худо билади қандай асосларда у бу ерга ўрнашди: текин яшармиди ё пулини тўлармиди? Кейинчалик айтиб беришларича, бу ерга у Марья Кондратьевнанинг қаллиғи сифатида жойлашган ва ҳозирча текинга турарди. Қизи ҳам, онаси ҳам уни жуда ҳурмат қилишар, ўзларидан кўра баланд мавқедаги одам каби қарашарди. Эшикни тақиллатиб Иван Федорович даҳлизга ўтди ва Марья Кондратьевнанинг кўрсатгани бўйича тўғри “оқ уйга” кирди, Смердяков шу ерда тураркан. Хонада кошинкор печь бўлиб, у қаттиқ иситилганди. Деворлар мовий қоғозлар билан қопланган, уларнинг кўп жойлари йиртилиб кетган, ораларида уймаллашиб сувараклар ғимирлашар, тинимсиз шитирлаган товуш эшитиларди. Жихозлар кўп эмас: икки девор ёқалаб ўриндиклар қўйилган, стол ёнида иккита курси турарди. Стол устига пушти йўл-йўл дастурхон тўшалганди. Хонанинг иккита кичкина дарчасида биттадан ёронгул туваклари кўзга ташланарди. Бурчакдаги чорчўпда санам кўринарди. Стол устида мўъжазгина, анча пачақ мис самовар ва патнисда иккита чашка. Аммо Смердяков чойни ичиб бўлган, самоварнинг ўти ўчганди... Ўзи стол ортидаги сўричада ўтириб, дафтарга нималарнидир чизарди. Шундоқ ёнида сиёҳдон, унинг ёнида чўяндан ясалган пастак шамдон шами билан жойлашган. Иван Федорович Смердяковнинг чеҳрасига бокиб, касалдан анча тузалиб қолганлигини пайқади. Юзи анча тиник, текис, тепа сочи кўпириб турар, чакка сочлари силлиқ таралганди. У жуда эски, яғири чиқиб кетган ола-була пахталик халат кийиб ўтирар, бурнининг устига кўзойнак қўндирилган. Иван илгари унинг кўзойнак таққанини кўрган эмасди. Бу арзимаган нарса Иван Федоровични икки баравар ғашига тегди: “Вой бу махлуқнинг ойнак тутиб олганини қаранг!” Смердяков секин бошини кўтарди ва ойнақдан кириб келувчига разм солиб қаради. Кейин ойнагини олди ва аста ўрнидан кўзғалди, унчалар ҳам ҳурмат кўрсатмади, ҳатто ғоят эринчоклик билан, азбаройи одобсизлик бўлмаслиги учун турди. Бу бир зум ичида Иваннинг кўз ўнгидан ўтди ва ҳаммасига эътибор берди, баридан ҳам Смердяковнинг нигоҳи қаҳрли, нохуш, ҳатто кибрли эди: “нима қилиб изғиб юрибсан, ўшанда ҳаммасини келишиб олган эдик-ку, яна нега келдинг?” деётгандай бўларди. Иван Федорович ўзини зўрға босди.

– Хонанг жуда иссиқ экан, – деди у хали тик турган ҳолда пальтосининг тугмаларини ечаркан.

– Ечинг, – деб рухсат берди Смердяков.

Иван Федорович пальтони ечди ва уни сўри устига ташлади, кўли титраб стулни ўзига тортди, стол яқинига суриб ўтирди. Смердяков ўзининг сўрисига ундан олдин ўтирди.

– Биринчидан, биз ёлғиз ўзимизми? – жиддий шитоб билан сўради Иван Федорович. – Гапимизни у томонда эшитишмайдами?

– Ҳеч ким ҳеч нарсани эшитмайди, ўзингиз кўрдингиз, у ёғи дахлиз.

– Кулоқ сол, азизим, мен ўтган сафар касалхонадан чиқиб кетаётганим-да сен бир нарса дединг, мен ўзингни тутқанокқа солишингни айтмасам, унда сен ҳам ўшанда кечкурун дарвоза олдида бўлиб ўтган ўртамиздаги гапнинг ҳаммасини айтмайман, дединг. “Гапнинг ҳаммаси” деганинг нима ўзи? Нимани назарда тутяпсан? Менга пўписа қилдингми, нима бало? Нима, мен сен билан бирон нарса устида аҳду паймон қилибманми сендан кўрқсам, шундайми?

Иван Федорович бунинг ҳаммасини қаттиқ дарғазаб ҳолда сўзлади, ҳар қандай шама ва қочиримни йиғиштириб қўйди, дангалини айтди, очикчасига гапираётганини билдирди. Смердяковнинг кўзлари қаҳрли йилтираб кетди, чап кўзи пириллаб учди ва у ўзининг одати бўйича босиклик билан чўзилиб бўлса-да жавобини берди, “Очикчасини хоҳлайдиган бўлсанг, мана сенга очикчаси”, дегандай бўлди.

– Ўшанда мен айтмоқчи бўлган гап шу эдики ва шунинг учун ҳам ўша гапни айтдимки, сиз падарингизнинг ўлдирилишини била туриб, уни тўғридан-тўғри қурбон қилиб қолдирдингиз, одамлар кейин ёмон хаёлга бормасин дедингиз, балки бунда бошқа бир нарсаларни ҳам ўйлагандирсиз – мана шуларни мен бошлиқларга айтмоқчи эмасдим.

Смердяков буларни шошмай, бамайлихотир, ўзини вазмин тутганча айтган бўлса-да, унинг гап оҳангида қандайдир дангаллик, қатъият, қаҳрли бир кин янграб кетди. У Иван Федоровичга дангал, ҳатто кўрслик билан тик қаради. Бошида Иваннинг кўз ўнги жимирлашиб ҳам кетди.

– Қандай? Нима? Э, ақлинг жойидами, йўқми?

– Ақлу ҳушим тўла ўз жойида.

– Э, ахир, мен унда ўлимни *билиб ўтирибманми*? – кичқирди Иван Федорович ва столни қаттиқ муштлади. – “Бошқа бир нарсаларни ҳам” деганинг нимаси, гапир, пес!?

Смердяков индамас ва ҳамон ўша кўрс назар билан Иван Федоровичга сарасоф соларди.

– Гапир, эй, ярамас қўланса, “бошқа бир нарсанг” нимадир? – бўкирарди Иван.

– “Яна бошқа нарсалар” деганимни ҳозир тушуниб қолдим, сиз, чама-си, ўзингиз ўшанда падарингиз ўлишини хоҳлардингиз.

Иван Федорович сакраб туриб, бор кучи билан унинг елкасига мушт туширди, Смердяков девор томонга қийшайиб қолди. Бир зум ичида башараси кўз ёшларидан ҳўл бўлди ва: “Ожиз одамни уриш уят, таксир!” – деб кичқирди. У бирдан ўзининг кўски яшил катак дастрўмоли билан юзини яширди ва оҳиста ёш тўкиб йиғлай бошлади. Бир дақиқача вақт ўтди.

– Бас қил! Овозингни ўчир! – буюрди ниҳоят Иван Федорович яна стулга ўтираркан. – Тоқатимни тоқ қилма.

Смердяков кўзидан дастрўмолини туширди. Унинг буришган башарасининг ҳар бир чизиғи алам-оғриқни ифодаларди.



– Сен аблаҳ ўшанда мени Дмитрий билан бирга отасини ўлдирди, деб ўйлаган экансан-да?

– Сизнинг ўша пайтдаги фикрларингизни билмаганман, – озурда бўлиб деди Смердяков, – дарвозадан кириб бораётганингизда тўхтатганимнинг боиси мана шу нуқтада сизни синаб кўриш эди.

– Нимани синайсан? Нимани?

– Худди мана шу аҳволни-да: падарингиз тезроқ ўлдирилишини истармидингиз ёки истамасмидингиз?

Иван Федоровични ҳаммадан ҳам мана шу сурбетлик билан қилинаётган кўрслик ғазабини келтирар. Смердяков эса бундан заррача ҳам орқага чекинмаётганди.

– Уни сен ўлдиргансан! – бақирди бирдан Иван Федорович.

Смердяков нафратомуз иршайди.

– Мен ўлдирмаганимни сиз аниқ биласиз. Мен ўйлаган эдимки, ақлли одамга буни гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

– Унда нимага, нимага мендан шубҳа пайдо бўлди сенда?

– Сизга маълумки, булар ҳаммаси кўрққанимдан. Зеро, ўшанда шундай бир аҳволда эдимки, кўрққанимдан дағ-дағ қалтираб, ҳаммадан шубҳаланардим. Сизни ҳам синовдан ўтказмоқчи бўлдим, зеро, сиз ҳам ўша нарсани деб турган бўлсангиз, яъни акангиздай ўйлаётган бўлсангиз, унда ҳаммаси барбод бўлади деб ўйладим, мен ҳам ўртада пашшадай ўлиб кетаман, дедим.

– Менга қара, сен икки ҳафта бурун бошқача гапирганинг.

– Касалхонада ҳам сиз билан гаплашганда шуни назарда тутганим, фақат сиз ортиқча сўзларсиз тушуниб етасиз деб чамалаганим, ақлли одам сифатида сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деганим.

– Ана холос! Лекин жавоб бер, жавоб бер, мен талаб қиламан: менинг борамда сенинг қабих кўнглингда нима мунча шубҳа уйғотди?

– Ўлдириш ҳеч қачон сизнинг қўлингиздан келмасди, буни истамасдингиз ҳам, бошқа бир одам ўлдирилишини эса балки истардингиз, ҳа, истардингиз.

– Бамайлихотир, бамайлихотир гапираётганингни қара! Ахир, нимага мен буни истарканман, нима боисдан истарканман?

– “Нима боисдан” деганингиз нимаси? Мерос-чи? – заҳархандалик билан худди ўчини олаётгандай сўради Смердяков. – Ахир, падарингиздан кейин ҳар учала оға-инига сал кам қирқ мингдан пул тегиши мумкин эди, балки ундан ҳам кўпроқ. Ўша пайтда агар Федор Павлович анави ойимқиз Аграфена Александровнага уйланганда, кўринг, унда бутун сармоя никоҳдан сўнг дарҳол аёлнинг қўлига ўтиб кетарди. Зеро, у анча ақлли-хушли аёл, унда кўринг, учала оға-инига падардан сўнг икки чақа ҳам тегмасди. Никоҳ эса ана-мана ўқилмоқчи эди, орада қилча ҳам вақт қолмовди: ойимқиз агар шундоқ жимжилоқларининг учи билан ишора қилганларида, бас, хўжайин тилларини осилтириб кетидан черковга чопардилар.

Иван Федорович ичидан қиринди ўтиб ўзини босди.

– Бўпти, – деди у охири, – мана, кўриб турибсан, сакраб сенга ёпишмадим, дўппосламадим, ўлдириб қўймадим сени. Гапингни давом эттир, демак, сенинг назарингга, мен акам Дмитриини ўша ишга мўлжаллаган эканман-да, а? Унга орқа қилган эканман-да, а?

– Унга орқа қилмай иложингиз бормиди, у киши падарни ўлдирсалар, дворянликнинг барча ҳуқуқларидан маҳрум бўлардилар, унвонлару мол-мулкни йўқотардилар, сургун бўлиб кетардилар. Ахир, ана шулардан кейин у кишининг барча улуши ҳам падардан сўнг сиз билан укангизга, Алексей Федоровичга қоларди-да, унда ҳар бирингизга қирқ мингдан эмас, олтмиш мингдан мерос пули тегарди. Шунинг учун сиз Дмитрий Федоровични кўз остига олмаслигингизнинг сира иложи йўқ эди, рост айтаман!

– Тоза жонимга тегдинг-да! Менга қара, пасткаш, агар ўша пайтда кимнидир мабодо кўз остига олган бўлсам, албатта, сени кўз остига олардим, асло Дмитриини эмас, ҳатто қасам ичиб айтаманки, сендангина аллақандай қабихликни кутгандим... ўшанда... мен буни сезганман!

– Мен ҳам ўшанда бир зум ўйлаганман мени кўз остига олган деб, – кинояомуз иршайди Смердяков, – шу билан олдимда ўзингизни росманна фош қилгансиз, зеро, мени назарда тутган ҳолда яна жўнаб кетаркансиз, бу билан менга: падарни сен ўлдиришинг мумкин, сенга тўсқинлик қилмайман, деб аниқ айтгандай бўлгансиз.

– Аблах! Сен шундай тушунганмидинг!

– Э, ҳаммаси ўша Чермашня орқали. Инсоф қилинг! Масковга жўнамоқчисиз ва отангизнинг Чермашняга бориб келиш ҳақидаги барча илтимосларини рад этмоқдасиз! Буни қаранг, менинг бир оғиз аҳмоқона сўзим билан бирдан рози бўлдингиз! Нима қилардингиз ўшанда Чермашняга боришга рози бўлиб? Токи Масковгамас, Чермашняга ҳеч сабабсиз, менинг бир оғиз сўзим билан кўнганингиз, демак бу – мендан бир нарсани кутганингиз.

– Йўқ, қасам ичаманки, йўқ! – бўқирди тишларини ғижирлатиб Иван.

– Йўқ деманг? Аксинча, менинг ўша пайтдаги сизга, отасининг ўғлига айтган сўзларим учун мени бўлмага олиб бориб хўб калтаклатишингиз мумкин эди... ё шу ернинг ўзида афту башарамни уриб пачақласангиз бўларди. Сиз эса, вой барака топкур-е, аксинча, заррача жаҳлингиз чиқмай, дарҳол менинг сўзим билан дўстона сафарга отландингиз, буни сиздан ҳеч кутмагандим, зеро, сиз қолишингиз керак эди, падарнинг жонини қўриқлаб... Янаям мен хулоса чиқармайинми?

Иван иккала муштини тиззасига титроқ ҳолда тираб қовоғини уйиб ўтирарди.

– Э-ҳа, афт-ангорингни бежаб урмаган эканман-да, афсус, – аччиқ тиржайди у, – сени ўшанда бўлмага элтиб бўлмасди, ким менга ишонарди, калтаклашга келганда... Эҳ, аттанг, эсимга келмабди, гарчи калтаклаш тақиқланган бўлса ҳам башарангга ўйнаб қўярдим.

Смердяков унга роҳатланиб қараб ўтирарди.

– Ҳаётнинг одатий ҳодисалари-да, – деб бошлади у бир пайтлар Федор Павловичнинг дастурхони устида Григорий Васильевич билан дину имон борасида баҳслашгандаги манманларча қоидапарастлик оҳангида сўзлаб, – ҳаётнинг одатий ҳодисаларида калтаклаш ҳақиқатан қонун бўйича тақиқланган, сўнг ҳамма уришни бас қилди, аммо шу, ҳаётнинг алоҳида ҳодисаларида, фақат биздагина эмас, балки бутун дунёда, ҳаттоки француз республикасида, барибир, ўша-ўша калтаклаш давом этяпти, худди Одам Ато ҳамда Момо Ҳаво замонларидагидек ва лекин ҳеч қачон бу тўхтамайди, сиз эса ўшанда алоҳида бир ҳодиса бўлиб, журъат қилмадингиз.

– Нима, французча сўзлашни ўрганияпсанми? – столда ётган дафтарни имо қилиб кўрсатди Иван.

– Нега энди мен буни ўрганмай, маълумотимни оширмай, ноумид шайтон, ўша Европанинг бахтиёр мамлакатларида бўлишга тўғри келганда балки асқатар дейман-да...

– Қулоқ сол, баттол, – кўзлари ялт-юлт ёниб, дағ-дағ титраб деди Иван, – айблашларингдан кўркмайман, мен ҳақимда нима кўрсатма берсанг беравер, агар сени ҳозир ўласи қилиб урмаган бўлсам, бирдан-бир сабаби – бу жинойтни сен қилгансан деб гумон қилаётганим, сени судга бераман. Барини фош қиламан!

– Яхшиси, жим юринг. Мен бутунлай бегуноҳман, менга нима ҳам айб кўярдингиз, сизга ким ҳам ишонарди? Фақат сиз бошласангиз, мен ҳам барини айтиб бераман, ахир ўзимни-ўзим ҳимоя қилишим керак-ку?

– Мени сендан кўрқади деб ўйлайсанми?

– Майли, ҳозир сизга айтган барча сўзларимга судда ишонишмасин, аммо одамлар ишонишади ва сиз қаттиқ уятга қоласиз.

– Бу яна ўша гапми: “ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди”, шундайми? – тишларини ғижирлатди Иван.

– Айни нуқтасига урдингиз, ақлли бўлинг.

Иван Федорович дарғазаб бўлиб, қалтираб ўрнидан турди, пальтосини кийиб, Смердяковга жавоб бермай, ҳатто унинг афтига ҳам қарамай, уйдан тез ташқарига чиқди. Кечки тоза ҳаводан енгил тортди. Кўкда ой ёрқин нур сочарди. Юрагида даҳшатли фикрлар ва туйғулар кўпириб тошарди. “Бориб Смердяковнинг устидан шикоят қилсамикин? Лекин нима деб айтади, у, барибир, айбдор эмас. У, аксинча, мени айбдор қилади. Ҳақиқатан, мен нега ўшанда Чермашняга бордим? Нега? Нега? – сўрарди Иван Федорович. – Ҳа, мен ниманидир кутган бўлсам керак, бунда у ҳақ...” У яна, худо билади, юзинчи мартадир отасининг уйидаги охирги кеча пиллапоя сахнига чиқиб отаси ётган хона томонга қулоқ солиб турганларини эслади. Эслаши ҳам шу қадар азоб бўлдики, у турган жойида қозикдек қотиб қолди: “Ҳа, мен буни ўшанда кутган эдим, бу рост! Мен ўлимни, баайни ўлимни кутгандим! Истаганмидим ўлимни, истаганмидим?.. Смердяковни ўлдириш керак!.. Мен энди Смердяковни ўлдиролмасам, унда яшашнинг ҳам ҳожати йўк!..” Иван Федорович уйига кириб ўтирмай тўғри Катерина Ивановнаникига ўтди ва бирдан пайдо бўлиб кизни кўрқитиб юборди: у худди ақлдан озганга ўхшарди. Унга Смердяков билан ўрталарида бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай сўйлаб берди. Қиз қанчалик таскин бермасин, ҳеч уни юпатолмасди. Хона ичида тўхтамай у ёқдан-бу ёққа юриб, узук-юлуқ қилиб ғалати гапирарди. Ниҳоят ўтирди, столга тирсақларини тиради, бошини қўллари билан чангаллади ва ажаб-товур бир сўзни айтди:

– Агар Дмитрий эмас, Смердяков ўлдирган бўлса, мен унга хайрихоҳман, зеро, унинг юрагига фитна солганман. Фитна солганмикинман – буни ҳали билмайман. Лекин Дмитрий эмас, у ўлдирган бўлса, унда, албатта, мен ҳам қотилман.

Катерина Ивановна бу гапларни эшитгач, индамай ўрнидан турди-да, ўзининг ёзув столи олдига борди, у ерда турган кутичани очди, қандайдир қоғоз олиб Иваннинг олдига қўйди. Бу ўша, Иван Федорович Алешага айтган, отамни Дмитрий ўлдиргани ҳақидаги “зўр далил” деган ҳужжат эди.

Эсингизда бўлса, бир вақтлар Митя оқшом тушганда Алеша билан кўчада учрашиб қолган, Алеша Катерина Ивановнаникидан қайтаётган, ўшанда Грушенька ойимқизни хўб таҳқирлаганди. Шу кеча Митя ғирт маст ҳолда Катерина Ивановнага хат ёзган, бу ана ўша хат эди. Ўшанда Митя Алеша билан хайрлашиб, Грушеньканинг қошига югурмоқчи бўлганди; у киз билан кўришдимиз, номаълум, лекин тун тушганда “Пойтахт шаҳар” деган қовоқхонага бориб қолди, бу ерда маст-аласт бўлиб ичди. Маст ҳолда ўзига қоғоз, қалам беришларини талаб қилди ва ўзига қарши жуда муҳим бир хужжатни битди. Хат ўта жазавага тушиб ёзилган, сўзлари алмойи-алжойи, ҳаддан ортиқ эзма, чиндан ҳам, “мастона” эди. Ичиб ўлардай маст бўлган одам уйига қайтгач, хотиними ё бошқа бир кимсага ошибтошиб, тупукларини сочиб, ўзини ҳозир қандай ҳақоратлаганлари, унинг қанчалар аблаҳлиги, ўзининг эса қанчалар ақлли, олижаноб инсон эканлиги, ҳали аблаҳнинг бошлаб адабини бериб қўйиши ҳақида кўпириб тошади, гап-сўзи пойинтар-сойинтар, охири йўқ, дам-бадам столга муштлиди, ора-орада хўнграб кўзёши ҳам тўкиб қўяди. Унга қовоқхонада берилган бир варақ қоғоз ифлосроқ, сифатсизроқ, орқа томонига эса қандайдир ҳисоб-китоб қайд қилинганди. Бадбахт мастнинг жағи очилиб кетган, шекилли, қоғозда ёзгани жой етмай қолиб, ёзувини қаторлар орасига тикиштириб жойлаганди. Хатнинг мазмуни шундай: “Бўйингдан ўргилай, Катя! Эртага пул топаман ва сенга уч мингингни бераман, шу билан алвидо, эй, дарғазаб хотин, алвидо, яна менинг муҳаббатим! Бас қилайлик! Эртага барча одамлардан сўрайман, агар одамлардан олмасам, сенга чин сўз бераманки, отамнинг олдига бораман, унинг бошини мажаклайману ёстиғи тагидаги пулни оламан, фақат Иван жўнаб кетса бўлгани. Сургунга кетсам кетаманки, сенга уч мингни топиб бераман. Сенга алвидо. Олдинда ер ўпиб таъзим қилгайман, зеро, сенинг олдинда аблаҳлик қилдим, мени кечир. Йўқ, яхшиси, кечирма: сенга ҳам, менга ҳам яхши! Сенинг севгингдан сургун яхши, зеро, бошқасини севиб қолдим, уни бугун ўзинг кўрдинг, қандай қилиб кечирасан? Ўғрини ўлдираман! Ҳаммангизни ташлаб Шарққа кетаман, ҳеч ким керак эмас. У ҳам керакмас, зеро, азоб чекаётган ёлғиз сен эмас, у ҳам азобда. Алвидо!

Боқий: лаънатлаб ёзаётирман, сени жонимдан ҳам ортиқ кўраман! Кўксимдан садо келаётир. Битта тор узилмай қолган, шу жаранглаб турибди. Яхшиси, юракни икки паллага бўламан! Ўзимни ўлдираман, аммо олдин кўппакни кийратаман. Ундан уч мингни суғуриб оламан-да, оёғинг тагига ташлайман. Сенинг қошингда аблаҳ бўлсам-да, лекин ўғри эмасман! Уч мингни кут. Кўппак тўшагининг остида, пушти тасма билан ўралган. Мен ўғри эмасман, аммо ўғрини ўлдираман. Катя, менга нафрат билан карама: Дмитрий ўғри эмас, қотил! Отасини ўлдирди ва ўзини ҳалок қилди, сенинг кибринг олдида дош беролмади. Сени севишни ҳам истамади.

Боқий: оёқларингни ўпаман, алвидо!

Боқий: Катя, худодан сўра, одамлар менга пул берсин. Унда қонга булғанмайман, пул бермаса, қонга беланаман! Ўлдир мени!

Кулинг ва ганиминг Д.Карамазов”.

Иван бу “хужжат”ни ўқигандан кейин ишончи комил бўлиб ўрнидан кўзгалди. Демак, акаси ўлдирган экан, Смердяков эмас экан. Смердяков бўлмагач, унда Иван ҳам эмас. Бу хат унинг кўз ўнгида зўр ҳисоб-китоб

тусини олди. Митянинг айбдор эканига унда ҳеч қандай шубҳа қолмади ҳисоб... Дарвоқе, Митя Смердяков билан бирга тил бириктириб ўлдирган бўлиши мумкин деган гумон унда ҳеч қачон бўлмаганди, бу далиллар билан ҳам тасдиқланмаганди. Иван бирмунча хотиржам тортди. Эртасига эрталаб Смердяковни, унинг кинояларини фақат нафрат билан эслади. Бир неча кундан сўнг эса унинг шубҳаларидан нега мунча хафа бўлганига ўзи ажабланди. Уни кўнглидан чиқариш ва унутишга қарор қилди. Шу тарика бир ой ўтди. У Смердяковни бошқа ҳеч кимдан сўрамади, лекин бир-икки марта у қаттиқ оғриб ётганлиги, хуши ўзида эмаслиги кулоғига чалинди. “Телба бўлиб қолади”, деди бир сафар у ҳақда ёш врач Варвинский, Иван буни эслаб қолди. Шу ойнинг охирги ҳафтасида Иван ўзини ёмон сеза бошлади. Суд бўлиши олдидан Масковдан Катерина Ивановна томонидан чакирилган шифокорга кўриниш учун борди. Худди мана шу пайтга келиб унинг Катерина Ивановна билан муносабатлари ўта кескинлашиб кетди. Улар худди бир-бири билан севишиб қолган иккита ғанимга ўхшардилар. Катерина Ивановнанинг Митя томонга қисқа, аммо жуда кучли таъсирчан қайтишлари Иванни қаттиқ жазовага соларди. Алешанинг Митянинг олдидан чиқиб, Катерина Ивановнанинг хузурига келганлиги ҳақидаги охирги воқеамизни биз ўқувчимизга тасвирлаб ўтган эдик, қизиғи шундаки, Иван шу бир ой мобайнида Катерина Ивановнадан Митянинг айбдорлиги борасида шубҳа-гумонлар эшитмади, ҳолбуки, Катя Митянинг қошига бот-бот қатнаб турар ва бу Иванни қаттиқ ғазаблантирарди. Лекин Иваннинг ғазаби ва нафрати Катянинг Митяга “қайтаётгани” боисидан эмасди, тўғри, Иван Митяни кун-кундан баттар ёмон кўриб бораётган бўлса-да, бу унга Катянинг “қайтаётганидан” эмас, балки айнан у *отасининг қотили эканлигидан эди!* У буни ҳис қилар ва тўла англарди. Шунга қарамасдан, суд бўлишидан ўн кун олдин у Митянинг олдига бориб, қочиш режасини маълум қилди, афтидан, бу режа анча илгаридан тайёрланганди. Уни бундай қадам ташлашга ундаган асосий сабабдан ташқари, Смердяков айтган битта сўздан қолган юракдаги битмайдиган яра ҳам айбдор эди, у Иванга акангизни айбдор деб топиш сизга фойдали, чунки шунда сиз билан укангиз Алешага қоладиган мерос миқдори қирқ мингдан олтмиш мингга кўтарилади, деб оғир писанда қилганди. Иван Митянинг қочишини уюштириш учун ўз улушининг ўттиз мингини ажратишга жазм қилди. Ўшанда у Митянинг қошидан қайтаркан, ғоятда маънос ва паришон кўринарди, назарида, акасининг қочишига ўттиз минг ажратиши фақат яранинг битишигагина хизмат қилмай, балки бошқа бир нарсани ҳам мўлжаллаб қилинаётгандай эди. “Чунки юрагимда мен ҳам шундай қотил эмасмикинман?” деган савол берди у ўзига-ўзи. Юрагини қандайдир узоқ бир алланима жазиллатиб куйдирарди. Асосийси, мана шу бутун бир ой давомида унинг ғурури даҳшатли бир тарзда поймол бўлганди, аммо буни кейинроқ айтармиз... Иван Федорович, Алеша билан бўлиб ўтган гапдан кейин ўз уйининг олдига бориб, кўнғирокқа қўл узатиб, бирдан фикри ўзгариб, Смердяковни кўришга йўл олишининг сабаби – юрагида бирдан қутилмаганда бош кўтарган ғазаб, норозиликнинг қайнаб-тошгани эди. У бирдан ҳозиргина Катерина Ивановна Алешанинг олдида қутилмаганда ўзига қичқирганини эслади: “Сен, фақат сен биргина ўзинг мени “Митя – қотил!” деб чиппа-чин ишонтирмоқчи бўлдинг!” Шуни эслаб, Иван бирдан тахтадек қотди: у ҳеч қачон қизни

Митя қотил деб ишонтиришга уринмаганди, аксинча, Смердяковнинг қошидан куфрга тўлиб қайтганида ўзини ҳатто қотилга шерик қилмоқчи бўлиб сўйлаганди. Ахир, қизнинг ўзи унга бирдан “хужжат”ни тутқизди ва Митянинг айбдор эканлигини исботлади! Мана энди яна бақириб айтаяптики, “Мен ўзим Смердяковнинг олдига бордим!” Қачон борган? Иван бундан бутунлай беҳабар эди. Демак, қиз Митянинг айбдорлигига тўла ишонмас экан-да. Смердяков унга нима деган? Нима, нима деган айнан? Унинг кўксига даҳшатли бир ғазаб аланга олди. У ярим соат илгари нега унинг бу сўзларини инкор қилмаганини тушунмади, нега тўполон кўтармади? У эшик қўнғироғини қўйиб, Смердяков томон йўл олди. “Балки бу сафар мен уни ўлдирарман”, деб ўйлади у йўлда кета туриб.

VIII

СМЕРДЯКОВ БИЛАН УЧИНЧИ, ОХИРГИ УЧРАШУВ

Ярим йўлга борганда кучли, қуруқ шамол турди, эрта тонг пайтида ҳам шундай изғирин эсганди, майда, қалин, қуруқ қор урди. У соврилиб тушар ва ерга қўнмасди, шамол бу қорни шопирарди. Кўп ўтмай изғирин бўрон қўзғалди. Шаҳримизнинг Смердяков турадиган томонларида кечки фонарлар йўқ эди. Иван Федорович кўз очирмас бўронда йўлни чамалаб топиб борар, қоронғилик тушганди. Унинг боши оғрир ва икки чаккаси қаттиқ лўкилларди. Қўллари совуқда акашак бўлиб қотиб қолмоқда эди. Марья Кондратьевнанинг ёғоч уйига ҳали етмасдан Иван Федоровичнинг рўпарасидан бўйи паст, қирқ ямоқ чакмон кийган ёлғиз маст одам чиқиб қолди, у гандирақлаб борар, нималарнидир пўнғиллар ва сўкинар, кейин бирдан сўкинишни қўйиб, ширақайф ғириллаган овоз билан ашула айтарди:

*Оҳ, Ванька кетди Питерга,
Кутмайман энди уни!*

Аммо у шу иккинчи қатордан нарига ўтмас ва яна аллакимнидир сўқар, сўнг яна ҳалиги ашуласини давом эттирарди. Иван Федорович уни кўргандан бери ёмон ғаши келиб бормоқда эди, уни ҳали ўйламай туриб, буни бирдан англаб қолди. Шу заҳоти бу занғарни мушти билан уриб ерга киргизиб юбормоқчи бўлди. Айни шу пайтнинг ўзида улар йўлда бақамти келдилар, шунда бадмаст киши қаттиқ чайқалиб кетиб, Иванга келиб урилди. Иван кутуриб уни улоқтириб юборди. Маст киши учиб кетди ва музлаган ерга худди ғўладай қулади, у “о-о!” деб ингради-да, сўнг жим бўлиб қолди. Иван унга томон қадам ташлади. Бадмаст юз тубан ётар, қимир этмас, ҳушидан кетганди. “Музлаб қолади!” деб ўйлади Иван ва яна Смердяковнинг уйига қараб йўл олди.

Марья Кондратьевна қўлида ёниб турган шам билан унга эшикни очгани чиқди ва ҳали даҳлиздаёқ Павел Федорович (яъни Смердяков) оғир ётиб қолдилар, ётгани ҳам майли, ақли-ҳуши ўзида эмас, ҳатто чойга қарамадилар, ичгилари келмади, деб шипшиди.

– Нима, тўполон қиялпими? – қўполроқ қилиб сўради Иван Федорович.

– Унақамас, аксинча, жуда ҳам ювош, фақат у билан кўп узоқ гаплашиб ўтирманг... – илтимос қилди Марья Кондратьевна.

Иван Федорович эшикни очиб ичкари қадам қўйди.

Уй аввалгидек яхши иситилган, аммо хонада баъзи ўзгаришлар ҳам рўй берганди: илгариги ён томондаги сўрилардан бири олиб чиқиб ташланган, ўрнига жуда катта эски, тери қопланган, қизил оғочдан ясалган диван ўрнатилганди. Унга ёстиқлари озодагина ўрин ташланганди. Смердяков ўринда ҳамон ўша рангдор пахталик халатини кийиб ўтирарди. Стол энди диваннинг олдига қўйилган, хона анчагина тор бўлиб қолганди. Стол устида қандайдир сариқ муковали катта китоб ётарди, аммо Смердяков уни ҳозир ўқимаётган, у ҳеч нарса қилмай ўтирарди. У индамай Иван Федоровичга узоқ тикилиб қаради ва афтидан, унинг келганига сира ажабланмади. Унинг юзи-туси ўзгариб қолган, ғоятда ориқлаган ва ранги сарғайганди. Кўзлари ич-ичига ботган, кўзларининг пастки жияк-лари осилиб қолганди.

– Э, ростдан ҳам тобинг йўқ, шекилли, – тўхтаб қолди Иван Федорович. – Мен вақтингни олмайман, ҳатто пальтомни ҳам ечмайман. Қаерга ўтирай?

У столнинг орқа томонидан ўтиб бориб, стулни сурди-да, ўтирди.

– Нимага бундай қарайсан? Индамайсан? Олдинга битта савол билан келдим, жавобини эшитмагунча, қасам ичаманки, кетмайман. Олдинга Катерина Ивановна ойимқиз келдими?

Смердяков боягидай индамай Иванга қараб, узоқ жим турди, аммо бирдан қўлини силтади-да, ундан юзини тескари ўгирди.

– Сенга нима бўлди? – хитоб қилди Иван.

– Ҳеч.

– Нима ҳеч?

– Ҳа, келди, сизга нима. Қўйсангиз-чи.

– Йўқ, қўймайман! Гапир, қачон келди?

– Э, эсимда ҳам йўқ, – нафратомуз жилмайди Смердяков ва яна бирдан юзини тикка Иванга буриб, қутурган, ғазаб қайнаган кўзлари билан қаради, аввалги сафар ҳам у худди шундай назар билан унга бокқанди. Бир ой бурун.

– Ўзингизни қаранг, касалга ўхшайсиз, киртайиб қолибсиз, ичикибсиз, – деди у Иванга.

– Соғлигимни қўявер, саволга жавоб бер.

– Э, нега кўзларингиз сарғайиб кетди, оқи қолмабди кўзларингизни. Каттиқ азоб чекапсизми, а?

У нафратланиб кулди ва бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди.

– Кулоқ сол, сенга жавобсиз кетмайман дедим! – куфри ғоятда қўзиб деди Иван қичкириб.

– Нега менга тирғилаверасиз? Нега мени қийнайсиз? – фиғони чиқиб деди Смердяков.

– Э, шайтон! Сен билан сира ишим йўқ. Саволга жавоб бер, кейин мен дарров кетаман.

– Сизга жавобим йўқ! – яна ерга қаради Смердяков.

– Менга ишон, сени жавоб беришга мажбур қиламан!

– Сиз нега бунча хавотир олаверасиз? – бирдан яна унга тикилди Смердяков, аммо энди унинг нигоҳида нафрат эмас, ирганиш акс ётарди, – нима, эртага суд бошланадими? Ахир сизга ҳеч нарса қилмайди, ишончингиз комил бўлсин ахир! Уйга кетинг, бемалол ётиб ухланг, ҳеч нарсадан кўркманг.

– Гапингга тушунмаяпман... эртага мен нимадан кўрқарканман? – ажабланиб сўзлади Иван ва бирдан, ҳақиқатан ҳам, қандайдир кўркув совуқ нафаси билан юрагини жунжиктириб ўтди. Смердяков уни кўзлари билан сўроққа тутгандай бўлди.

– Ту-шун-ма-япсизми? – чўзилиб деди у таънаомуз. – Ақлли-хушли одам ўзини шундай кулгили аҳволга солиб ўтирса, яхшими?

Иван унга индамай қараб турди. Собик хизматкорининг кутилмаган оҳанжамаси, қандайдир такаббуруна сўйлаши, ажабтовур кибру ҳавоси ҳайратланарли эди. Ўтган сафар бунақанги оҳанг ҳатто кўрилмаганди.

– Сизга айтяпман-ку, ҳеч нарсадан кўркманг. Сизга қарши ҳеч қандай кўрсатма бермайман. Далил йўқ. Қаранг қўлларингизнинг қалтирашини. Нега бармоқларингиз сакраятти? Боринг уйингизга, *сиз ўлдирмагансиз*.

Иван сесканди, у Алешани эслади.

– Мен ўзим биламан мен эмаслигимни, мен... – тили тутилди унинг.

– Би-ла-сизми? – яна илиб олди Смердяков.

Иван сакраб турди ва унинг елкаларидан тутди.

– Гапир ҳаммасини, газанда! Қани, гапир!

Смердяков заррача ҳам чўчимади, У фақат телбаларча қаҳр-ғазаб билан унга кўзини қадади.

– Унда, ана боринг, сиз ўлдиргансиз, ундоқ эса, – қутуриб қаҳр билан шипшиди у.

Иван ниманидир мулоҳаза қилиб, стулга чўкди. Ғазаби келиб иршайди.

– Яна ўшандаги гапингни айтяпсанми? Ўтган сафарги гапингни?

– Ҳа, ўтган сафар олдимда шундай турган эдингиз ва барини тушунгандингиз, энди ҳам тушуниб турибсиз.

– Сен жинни бўлиб қолибсан.

– Жонингизга тегмаганини қаранг-чи! Юзма-юз ўтирибмиз бўлмаса, нега энди бир-биримизнинг бошимизни қотиряпмиз, комедия қиляпмиз? Ё, ҳалиям ҳаммасини бир менинг устимга ағдармоқчимисиз кўз кўзга тушиб туриб-а? Сиз ўлдирдингиз, асосий қотил сизсиз, мен фақат малайингиз бўлганман, садоқатли малай Личарда. Сизнинг ундовингиз билан шу ишни қилдим.

– Қилдим? Ахир, наҳотки сен ўлдиргансан? – музлаб кетди Иван.

Унинг миясида нимадир ларзага келди ва бутун вужуди билан титраб қалтирай бошлади. Шунда Смердяковнинг ўзи ҳам унга ҳайрон бўлиб қаради: Иваннинг бу кўрқиши ўзининг самимийлиги билан уни ҳайратга солди.

– Э, ахир, наҳотки ҳақиқатан сиз ҳеч нарсани билмаган бўлсангиз? – тили тутилганча ишонқирамай сўради у, кўзига тик қараб лабини қийшайтириб кулди.

Иван ҳамон ундан кўзларини узолмас, тилини ютиб юборганга ўхшарди.

*Оҳ, Ванька кетди Питерга,
Кутмайман энди уни, –*

мияси ичида жаранглаб кетди унинг.

– Биласанми нима, сен ҳозир худди тушга ўхшайсан, менинг рўпарамда худди шарпа ўтиргандек? – тили қалдираб деди у.

– Бу ерда иккаламиздан бошқа ҳеч қандай шарпа йўқ, яна учинчи аллаким ҳам бўлса керак. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ўша учинчи ҳозир шу ерда, икковимизнинг ўртамизда.

– Ким у? Ким бор? Учунчинг ким? – Иван Федорович атрофга олазарак қараб, барча бурчаклардан кимнидир шоша-пиша кидириб деди чўчинкираб.

– Ўша учинчи – худо, қазойи муаллақ, у мана, бизнинг ҳузуримизда, фақат сиз уни кидириб ўтирманг, тополмайсиз.

– Сен мен ўлдирдим деб алдадинг! – қутуриб бўқирди Иван. – Сен ё ақлдан озгансан, ё ўтган сафаргидек менинг ғашимга тегяпсан!

Смердяков худди боягидек ундан заррача тап тортмасдан, диккат билан разм соларди. У ҳамон ўзининг шубҳаларини сира енгиб ўтолмасди, назарида, Иван ўзи ҳаммасини биладигандек, фақат билмаганга олаётгандек эди, “ҳаммасини қараб туриб ёлғиз менинг устимга ағдармоқчи”, деб гумон қиларди.

– Шошманг-чи, – деди у ниҳоят зўрға овози чиқиб, кейин стол остидан чап оёғини чиқариб, шимининг почаларини юқорига қайира бошлади. Оёғига узун оқ пайпоқ кийган, туфлида эди. Смердяков шошилмасдан тасмани ечди-да, пайпоқ ичига қўлларини сукди. Иван Федорович ундан қўзларини узмай турар ва бирдан кўрқиб қалтирашга тушди.

– Жинни! – деб бўқирди у, ўрнидан шитоб билан туриб, орқасига тисарилди, елкаси деворга бориб урилди-да, худди чизимчадек таранг тортилиб деворга тик қапишди. У ақлдан озгандек даҳшатга тушиб Смердяковга тикиларди. Смердяков эса унинг кўрққанига заррача эътибор бермай, ҳамон пайпоқ ичини тимирскилар, бармоқлари билан ниманидир ушлаб тортиб чиқармоқчи бўларди.

Ниҳоят қўли билан тутди, шекилли, тортиб чиқарди. Иван Федорович бунинг бир уюм қоғоз ё аллақандай қоғоз тахлами эканини кўрди. Смердяков уни итариб стол устига қўйди.

– Мана-е! – деди у секин.

– Нима? – қалтир-қалтир титраб деди Иван.

– Қани, ўзингиз бир кўринг, – яна ўшандай секин деди Смердяков.

Иван стол томонга қадам ташлади, қоғоз тахламини оча бошлади, ammo бирдан худди даҳшатли бир газанданинг бошига тегиб кетгандай шиддат билан қўлини тортиб олди.

– Бармоқларингиз худди томир тортишгандай қалтираяпти, – деб қўйди Смердяков ва ўзи шошмасдан қоғоз тахламини очди. Ўралган қоғоз тагида уч тахлам яп-янги яркироқ юз рубллик қоғоз пуллар кўринди.

– Ҳаммаси шу ерда, уч мингнинг ҳаммаси, санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Олинг, – деди у Иванга пулга имо қилиб. Иван стулга ўтириб колди. У доқадай оқариб кетганди.

– Сен мени кўрқитиб юбординг... пайпоғинг курсин... – деб қўйди у қандайдир химарилиб илжайиб.

– Наҳотки, сиз, наҳотки ҳалигача билмаган бўлсангиз? – яна бир карра сўради Смердяков.

– Йўқ, билганим йўқ. Доим Дмитрийдан кўриб юрдим. Ака! Ака! Оҳ! – У бирдан иккала қўли билан бошини чангаллади. – Қулоқ сол, бир ўзинг ўлдирдингми? Акамсизми ё акам билан биргами?

– Бор-йўғи фақат сиз билан, сиз билан бирга ўлдирдим. Дмитрий Федоровичнинг эса ҳеч қандай гуноҳи йўқ.

– Майли, майли... Мени кейин... Нега мен мунча қалтирайман... Сўзим оғзимдан тушиб кетяпти.

– Ўшанда жуда ботир эдингиз, “ҳаммаси мумкин” дердингиз, мана энди бирдан кўрқиб қалтираяпсиз! – ажабланиб тилини такиллатди Смердяков. – Лимонад ичмайсизми, ҳозир олиб келишади. Сал ўзингизга келасиз. Фақат олдин манавининг устини ёпиб қўйиш керак.

У яна пул тахламларига имо қилди. У лимонад тайёрлаб келтирсин дея Марья Кондратьевнани чақирдиш учун ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди, пулнинг устини қиз кўриб қолмасиги учун беркитиб қўйишга аввал рўмолчасини чиқарди, лекин у жуда ифлосланиб кетганлигини пайқаб, стол устида ётган ягона сариқ қалин китобни олди – Иван уни хонага кириб келганида кўрганди – ва китоб билан пулларнинг устидан бостирди. Китобнинг номи “Авлиё отамиз Исҳоқ Сириининг каломи” эди. Иван Федорович беихтиёр унинг сарлавҳасини ўқиди.

– Лимонад ичмайман, – деди у. – Мен ҳақимда кейин. Ўтир, қани гапир: қандай қилдинг буни? Ҳаммасини гапир...

– Сиз пальтони ечсангиз бўларди, иссиқлаб қоласиз.

Иван Федорович худди эндигина эсига тушгандек, пальтони апил-тапил ечиб, ўтирган жойидан сўрига итқитди.

– Гапирсанг-чи, илтимос, гапир!

У нафасини ичига ютди. Энди Смердяков ҳаммасини айтади деб ишонч билан кутарди.

– Қандай рўй бергани ҳақидами? – хўрсинди Смердяков. – Жуда табиий рўй берди, сизнинг ўша сўзларингиздан сўнг...

– Менинг сўзларим ҳақида кейин, – яна гапни бўлди Иван, лекин у энди қичқирмади, сўзларни дадил-дадил айтди, ўзини бутунлай тутиб олгандай эди. – Фақат сен буни қандай қилганингни батафсил сўйла. Тартиби билан айт. Ҳеч нарса эсингдан чиқмасин. Батафсил, муҳими, батафсил. Илтимос.

– Сиз жўнаб кетдингиз, шунда мен ертўлага йиқилдим-да...

– Тутқаноқ тутдимми ё қувлик қилдингми?

– Илож йўқ, қувлик қилдим. Ўзимни шу қўйга солиб кўрсатдим. Зиналардан бемалол тушдим, охирги зинадан тушиб бемалол узала тушиб ётдим, ётган заҳотим дод солдим. Одамлар келиб олиб чиқиб кетмагунча бақиравердим.

– Тўхта! Доим, ҳатто касалхонада ҳам айёрлик қилдингми?

– Ундаймас. Эртасига эрталаб ҳали касалхонага бормасдан ҳақиқий тутқаноқ бошланди, шунчалар қаттиқ тутдики, кўп йиллардан бери бундай бўлмаганди. Икки кун батамом ҳушимни йўқотдим.

– Бўпти, бўпти. Давом эт.

– Мени ўша каравотга ётқизишди, ўша тўсиқ орқасидаги каравот, касал бўлибманки, Марфа Игнатьевна ишқилиб ҳамиша омон бўлсинлар, мени кечасига ўша тўсиқ орқасидаги алоҳида хонага ётқизардилар. Мен туғилиб дунёга келибманки, менга доим ғоятда меҳрибон бўлдилар. Тунда аста-секин инграб ётардим, Дмитрий Федоровичнинг келишларини кутардим.

– Нега кутдинг, ўзингнинг олдинггами?

– Нега олдимга бўлсин. Уйга келишларини кутдим, чунки ҳеч қандай шубҳам йўқ эдики, у кишим худди шу кечаси келадилар, чунки мен

бўлмаганимдан кейин, ҳеч қандай керакли маълумотни ололмай, девордан ошиб тушишларидан бошқа йўл йўқ эди, шундан бошқа нима ҳам қилолардилар.

– Агар келмай қолганда-чи?

– Унда ҳеч нарса бўлмасди. У кишисиз журъат этмасдим.

– Яхши, яхши... тушунарлироқ қилиб гапир, шошилма. Асосийси, ҳеч нарса эсингдан чиқмасин!

– У кишим Федор Павловични ўлдирди, деб кутувдим... бу тайин эди. Шунинг учун мен у кишини анча тайёрлаб қўйгандим... айниқса, охирги кунлар... асосийси – анави белгилар у кишига маълум бўлганди. Улар ғоят шубҳачи ва ғазабкор, ичларига кўп заҳар ва қаҳр тўпланган, эшикни очиш йўлини билганларидан сўнг, албатта, уйга киришга ҳаракат қилишлари тайин эди. Бу аниқ. Мен худди шундай бўлишини кутгандим.

– Тўхта, – унинг сўзини бўлди Иван, – агар у ўлдирганда, пулни оларди-ю чиқиб кетарди, сенинг фикринг худди шундай бўлгандир, ҳойнаҳой? Ундан кейин сенга нима қоларди? Мен кўрмайман.

– Э, пулни у киши ҳеч қачон тополмасдилар. Мен у кишига айтганман – пул тўшак остида турибди, деб. Фақат бу ёлғон эди. Олдин пул қутичада эди, рости шу. Федор Павлович бутун инсоният ичида фақат менгагина ишонардилар, мен Федор Павловични пулни бурчакдаги бут санамнинг орқасига қўйишга кўндирдим, у ерда тургани ҳеч кимнинг ақлига келмайди, дедим. Айниқса, шошиб келган одамнинг эсига келмайди. Ана шундан пул бурчакдаги санамнинг орқасида ётган эди. Тўшак остида сақлаш жуда қулгили-да. Қутичада турса қулфланган бўлади. Шундан кейин ҳамма пул тўшакнинг тагида деб ишониб қолди. Аҳмоқона фикр. Ана энди кўрингки, агар Дмитрий Федорович ўлдирганларида, қидирган нарсаларини топмай ё қочиб қолардилар кимир этган нарсдан кўрқиб, юраклари шувуллаб, ё бошқа қотиллар каби кўлга тушиб қамалардилар. Мен ана ўшанда эртасига ёки ҳатто ўша кунгача санамнинг орқасидан пулни олиб чиқиб кетган бўлардим, кейин ҳаммаси Дмитрий Федоровичнинг бошига ағдарилар эди, албатта. Менинг бунга ишончим комил эди.

– Агар у ўлдирмасдан фақат дўппослаб кетганда-чи?

– Агар ўлдирмас, пулни ола билмасди, ҳаммаси ёпиқлигича қоларди. Лекин шундай мўлжал ҳам бор эдики, ўласи қилиб уриб чалажон ташлаб кетардилар, мен эса бу орада пулни олиб кетиб улгурардим, кейин Федор Павловичга маълум қилардимки, Дмитрий Федорович ўласи қилиб ургандан кейин пулни ўғирлаб кетганлар, дердим.

– Тўхта... мен чалкашиб кетяйман. Демак, ўлдирган, барибир, Дмитрий Федорович бўлиб чиқади, сен эса фақат пулни олиб кетган бўласан шундайми?

– Йўқ, ўлдирган у киши эмас. На илож, мен ҳозир ҳам сизга у киши ўлдирган дейишим мумкин эди... Э, энди сизнинг олдингизда ёлғон гапиришни истамайман, чунки... чунки сиз ҳақиқатан шу пайтгача ҳеч нарсани тушунмаган бўлсангиз-да, буни мен ўзим кўриб турибман ахир, ўзингизнинг аниқ айбингизни менинг устимга ағдаришга уринмасангиз-да, ўзингизни ҳеч нарсани билмаганга солмасангиз-да, барибир, ҳамма айб сизда, зеро, сиз қотиллик ҳақида билардингиз ва менга ҳам ўлдиришни топширгандингиз, ўзингиз ҳаммасини билиб туриб жўнавордингиз. Шу-

нинг учун мен мана шу кечада буни сизнинг бўйнингизга қўймоқчиман, бу ерда бош қотил, ҳамма томондан олганда, айти сизнинг ўзингиз, мен эса асосий қотил эмасман, гарчи мен ўлдирган бўлсам ҳам. Қонуний қотил сиз ҳисобланасиз!

– Нега, нега энди мен қотил бўларканман? О, худойим! – ниҳоят тоқати тоқ бўлди Иваннинг, у ўзи ҳақидаги барча гапни охирига қолдирганини ҳам унутди. – Бу ўша Чермашнями? Тўхта, гапир, нега унда сенга менинг розилигим керак бўлиб қолди? Чермашняга боришимни менинг розилигим деб қабул қилмадингми? Буни сен қандай талкин қилмоқчисан?

– Сизнинг розилигингизга ишонч ҳосил қилгач, аниқ билардимки, сиз йўқолган уч мингни деб қайтиб дод-вой кўтариб юрмайсиз, мабодо бирон кор-ҳол бўлиб, бошликлар Дмитрий Федорович ўрнига мендан гумонга бориб қолишса ёки Дмитрий Федорович билан шерикликда айблашса, аксинча, мени бошқалардан ҳимоя қилардингиз... Меросни тўла олгач, кейин бутун ҳаётим давомида мени ҳам муносиб тақдирлардингиз, зеро, меросни сиз мен орқали олган бўлиб чиқардингиз, нима, Аграфена Александровнага уйланиб қўйганда нима қоларди, сизга фақат шимилтирик тегарди, холос.

– А! Сен кейин мени бутун умр қийноққа солмоқчи экансан-да! – тишларини ғижирлатди Иван. – Нима, мен ўшанда жўнаб кетмасдан, устингдан шикоят қилганимда-чи?

– Нима деб шикоят қилардингиз? Сизни Чермашняга боришга ундаганимни айтармидингиз? Ахир бу ғирт аҳмоқчилик-ку. Бунинг устига сиз ўша гапимиздан кейин ё борар, ё бормасдингиз. Агар қолсангиз, ҳеч нарса рўй бермасди, мен билган бўлардимки, сиз бу ишларни хоҳламайсиз ва мен ҳам ҳеч нарсага қўл урмасдим. Мабодо борганингизда, бу билан шунга ишонтирар эдингизки, мени ҳеч қачон судга бермайсиз ва уч минг учун мени кечириб юборасиз. Умуман, сўнг мени ҳеч қачон таъқиб қилиб юрмасдингиз, чунки ҳаммасини судда ошкор қилишим мумкин эди, ўғирлаганим ё ўлдирганимни эмас – буни ҳеч айтмасдим, – мени ундаганингизни, ўғирлаш ва ўлдиришга ундаганингизни айтардим, мен эса унинг ундаганларига рози бўлмадим, дердим. Ана шунинг учун ўшанда менга сизнинг розилигингиз зарур эди, ундан кейин мени деворга тақаб бормасдингиз, нега деганда сизда бормиди далиллар, қаёқдайдими далиллар? Мен эса сизни ҳар қачон деворга олиб бориб тирардим, сиз ахир отангизнинг ўлимига ташна эдингиз, сизга чин сўзимни айтмай – одамлар менинг сўзларимга ишонишган бўларди ва сиз бир умрга шармандаи шармисор бўлардингиз.

– Мен шундай ташна бўлган эканманми? Ташналик бўлган эканми менда? – яна тишларини ғижирлатди Иван.

– Ҳеч шубҳасиз, ташна бўлгансиз ва ўзингиз рози бўлиб, менга сўзсиз бу ишни юклагансиз, – дадил қаради Иваннинг кўзига Смердяков. У ғоятда ҳолдан тойган, секин, толиқиб зўр-базўр сўйлар, лекин ичида кўп куйган ери ёмон ачишар, уни гизли ёндиради, афтидан, унинг қандайдир муддаоси бор эди. Иван буни ҳис қилди.

– У ёғини давом эттир, – деди унга, – ўша кеча ҳақидаги гапнинг у ёғини айт.

– У ёғи нима бўларди! Мана, тўшакда ётибману, назаримда, худди хўжайин чақиргандек бўлди. Ундан олдин Григорий Васильич бирдан ту-

риб ташқарига чикқандек бўлди ва бирдан унинг бақиргани эшитилди, кейин жимжитлик чўкди, қоронғи зимистон. Мен илҳақ кутиб ётибман, юрагим уриб кетяпти, чидолмаяпман. Ниҳоят, ўрнимдан туриб чикдим – қарасам, уларнинг чапдаги боққа қараган деразалари очик, мен кулок солиш учун чап томонга ўтувдим, тирикми, ўликми, билай деб, хўжайин оҳ-воҳ қилиб питирлаб юрган экан, тирик. Эҳ, дедим! Деразага яқин бо-риб, хўжайинни чақирдим: “Бу менман”, дедим. У эса менга: “Келди, келди, қочиб кетди!” деди. Яъни Дмитрий Федорович келган эканлар-да. “Григорийни ўлдирди!” – “Қаерда?” деб шивирладим. “Анави муюлиш-да”, деб кўрсатди, ўзи ҳам шивирлаб гапирди. “Шошмай тулинг”, дедим. Боғ муюлишига қидиргани кетдим, девор ёнида ётган Григорий Васи-льевичга дуч келдим, қонга ботиб ётибди, ўзини билмайди. Шу заҳоти бошимга урилди, демак, Дмитрий Федорович келган эканлар-да. Ва шу заҳоти дарҳол барини охирига етказишга қарор қилдим. Чунки Григорий Васильевич тирик бўлса ҳам ҳушдан кетиб ётган ҳолда, ҳозирча ҳеч нар-сани кўрмайди. Фақат битта хавф бор эди, у ҳам бўлса Марфа Игнатъевна уйғониб қолиши мумкин эди. Шуларни ҳис қилишимни биламан, бир-дан ташналик бутун вужудимни қамраб олди, нафасим бўғзимга тикилди. Яна хўжайиннинг деразаси олдига бордим-да, чақирдим: “Қиз шу ерда, Аграфена Александровна келдилар, сўраяптилар”. Худди ёш боладек су-юниб кетдилар, питирладилар: “Қаерда у? Қани?” деб оҳ-воҳ қилди, ле-кин ишонмади. “Анави ерда турибди, очинг!” Менга қарайди-ю, ишониб-ишонмайди, очишга кўрқади, энди мендан кўрқяпти, деб ўйладим. Кулгинг кистайди: бирдан ҳалиги белгиларни қилиб тақиллатдим, гўё Грушенька келди, очинг дегандай қилиб, бўлмаса менга қараб турибди денг, гапимга ишонмади, белгилангани бўйича тақиллатсам, дарров эшикни очиш учун югуриб келдилар. Очдилар. Мен ичкарига кирмокчи бўлсам, эшикни гав-даси билан тўсиб киритмайди. “Қани у, қани у?” деб менга қараб сўрайди, ўзи дағ-дағ қалтирайди. Ана, холос, деб ўйладим, менданки кўрқяптими, демак, ишлар чатоқ! Шунда ўзимнинг оёқларим кўрққанимдан қалтирай бошлади, ичкарига мени киритмайди ёки бақириб-чақиради, Марфа Игна-тъевна югуриб чиқади ёинки бошқа бир қор-қол бўлади, эсимда йўқ нима аҳволга тушганим, рангим оқариб унинг олдида турибман. Хўжайинга: “Ана, ана, ойнанинг тагида турибди, нима, кўрмаяпсизми?” – “Сен уни олиб кел, олиб кел”. “У кўрқяпти, бақир-чақирдан кўрқяпти, буталарнинг орқасига беркиниб олди, боринг ўзингиз хона деразасидан чақиринг”, де-дим. У чопиб бориб дераза тоқчасига шам ёқиб қўйди. “Грушенька, – деб қичқирди, – Грушенька, шу ердამисан!” Ўзи қичқириб чақиради-ю, дера-зага энгашигани кўрқади, ёнимдан жилмайди, шу кўрққанича, мендан жуда чўчиб қолди, нари сурилгиси келмайди. “Э, ана турибди-ку, дейман (мен ўзим дераза олдига ўтиб ташқарига энгашиб қарадим), ана, бута олдида турибди, сизга қараб куляпти, кўряпсизми?” У бирдан ишонди, вужуди титраб кетди, қизни қаттиқ севиб қолган эдилар-да, деразадан ташқарига бутун гавдаларини чиқардилар, мен шунда стол устида турган, эсингиз-дами, уч қадоқ келадиган чўян босмани олдим-да, қулочкашлаб бор ку-чим билан унинг энсасига урдим. Ҳатто овози чикмади, фақат пастга эн-кайиб қолди, мен иккинчи, учинчи марта яна урдим. Учинчи уришимда бошини пўла қилганимни сездим. У киши бирдан пастга энкайиб қулади.

Башараси қонга ботди. Ўзимни синчиклаб қарадим, қон менга сачрамаган экан, босмани артиб кўйдим, санамнинг орқасидан пакетни олдим, ундан пулни чиқардим, ўрам пакетни эса полга ташладим, пушти тизимчасини ҳам ёнига кўйдим. Дағ-дағ титраб боққа тушдим. Коваги бор олма дарахти олдига бордим, – сиз бу ковакни биласиз, мен эса уни анчадан бери кўз остига олиб юрардим, унда латта билан қоғоз кўйилганди, анча бўлган эди тайёрлаб кўйганимга. Пулни қоғозга ўрадим, сўнг латта билан ўраб боғладим-да ковакнинг тагига чуқур тиқиб кўйдим. Пул ўша ерда икки ҳафтадан ортиқ ётди, кейин касалхонадан чиқиб олиб кетдим. Бориб каравотимга ётдим, кўрқиб шуларни ўйладим: “Агарда Григорий Васильевич ўлган бўлса, унда иш анча чатоқ бўлади, агар тирик бўлса, унда ишлар соз бўлади, чунки у киши Дмитрий Федорович кечаси келганига гувоҳ бўлади, бундан у киши ўлдирган ва пулни ўғирлаб кетган деган хулоса чиқади”. Ўшанда мен кўнглим ғаш бўлиб, сабр-тоқатим тугаб қаттиқ инграй бошладим, Марфа Игнатъевна тезроқ уйғонсин дедим. Ниҳоят, у ўрнидан турди ва чоғиб олдимга чиқди, кейин бирдан Григорий Васильевич йўқлигини пайқаб, югуриб ташқарига чиқиб кетди ва боғдан унинг қичқиргани эшитилди. Шу тариқа кечаси билан тинчлик бўлмади, мен эса кўнглим ўрнига тушиб хотиржам бўлдим.

Ровий ҳикоясидан тўхтади. Иван ундан кўзини узмай, қимир этмай, сукутга ботиб тинглади. Смердяков эса ҳикоя қиларкан, ўқтин-ўқтин унга қараб қўяр, лекин кўпроқ четга қараб сўйларди. Ҳикоясини бас қилгач, афтидан, ўзи қаттиқ хаяжонга тушиб, нафасини базўр ростлади. Юзидан тер қуйилди. Лекин у пушаймонми, йўқми, билиб бўлмасди.

– Тўхта, – мулоҳазага бериларкан, уни тўхтатди Иван. – Э, эшик-чи? Агар эшикни фақат сенга очган бўлса, қандай қилиб Григорий уни сендан бурун очилган ҳолда кўрган? Ахир Григорий эшикни сендан бурун кўрмаганми?

Қизиғи шундаки, Иван жуда сокин сўйларди, товушида қаҳру ғазаб эшитилмас, овози бутунлай бошқача майин бўлиб қолганди. Кимдир эшикни очиб уларнинг гаплашиб ўтирганларини кўрса, ўзларини қизиқтирган нарса устида бафуржа бамайлихотир сўйлашаётган бўлсалар керак, деб ўйларди.

– Ўша эшикни гўёки Григорий Васильевич очик ҳолда кўрган дейилгани хусусида шуни айтиш мумкинки, бу фақат у кишига шундай очик бўлиб туюлган, – лабини қийшайтириб илжайди Смердяков. – Ахир у сира одамга ўхшамайди, қайсар ахта отнинг ўзгинаси; ўзи кўрмаган, лекин назарида кўргандай бўлган, ана энди уни ишонтириб кўринг. Унга шундай туюлгани сиз билан менинг бахтимиз, чунки унинг бу кўрсатмасидан кейин Дмитрий Федоровични, албатта, айбдор деб топишади.

– Қулоқ сол, – деб бошлади Иван Федорович яна калавасининг учини йўқотиб кўйгандай ва фикрини бир жойга сира йиғиштиролмаётгандай, – қулоқ сол... Мен сендан яна кўп сўрамоқчи эдим, лекин унутдим... Мен ҳаммасини эсимдан чиқариб, чалкашиб кетаяпман... Ҳа! Сен менга бир нарсани айт: нега сен пакетни очдинг ва нега уни шу ерда полда қолдирдинг? Нега тўғридан-тўғри пакетнинг ўзида олиб кетмадинг... Сен ҳикоя қилаётганингда гўё шундай қилиш керак эди, дегандай туюлди... нега шундай қилиш керак бўлган, тушунмадим...

– Мен бир сабабга кўра шундай қилдим. Қаранг, менга ўхшаб била-

диган ва одатланган, мисол учун, пулни кўрган балки уни пакетга жойлаштирган ва эҳтимол, пулни қандай муҳрлаганликлари ҳамда устига ёзганликларидан хабардор бўлса, унда бу кимса ўзи ўлдирган бўлса-ю ўлдиргандан кейин қандай қилиб бу пакетни очиб ўтиради шошилинич устида, ахир у пул пакетда эканлигини аниқ билади-ку? Аксинча, бу талончи менга ўхшаган бўлса, пакетни очиб ўтирмасдан тўғри чўнтагига солиб чиқиб кетаверади-да. Дмитрий Федорович эса бу ерда бутунлай бошқача: у киши пакет ҳақида фақат кулоклари билан эшитган эдилар, холос, уни ҳеч кўрмаганлар, гўё тўшак остидан олганлару шу ернинг ўзида очганлар, яъни билмоқчи бўлганлар пул борми унда ё йўқ? Пакетни эса шу ернинг ўзига улоқтирганлар, кейин у ўзларига қарши далил бўлишини ўйлаб кўрмаганлар, чунки кўряпсизми, у киши нўноқ, тажрибасиз ўғри, яъни аввал ҳеч қачон ҳеч нарсани ўғирламаганлар, зеро, тагли-тахтли дворянлардан ҳисобланадилар. Тақдир тақозоси билан ўғрилик қилишга мажбур бўлиб қолганлар, буни ҳам ўғрилик деб эмас, ўзларига тегишли бўлган нарсани қайтариб олиш деб тушунганлар, бундан аввал бутун шаҳар аҳлига баён қилиб чиққанлар, ҳатто Федор Павловичдан ўзимга тегишли ҳақимни тортиб олишга бораман деб мақтанганлар. Терговда мен прокурорга бу фикримни аниқ ва очиқ айтмасам-да, балки имо-ишора билан билдирдим, ўзимни буни тушунмагандай қилиб кўрсатдим, гўё бу баайни прокурорнинг фикридай тутдим ўзимни – жаноб прокурорнинг оғзидан менинг ишорамдан сўнг сўлақлари равон оқиб кетди...

– Наҳотки сен буларнинг ҳаммасини ўша пайтдаёқ ўйлаб топган бўлсанг? – деб хитоб қилди Иван Федорович хайратдан ўзини йўқотиб. У яна Смердяковга кўрқиб қарай бошлади.

– Омон бўлинг. Наҳот буларнинг барини шундай тиқилинч ва шошилиничда ўйлаб бўлинса? Ҳаммаси олдиндан ўйланганди.

– Унда... унда сенга шайтон ёрдам берган! – яна хитоб қилди Иван Федорович. – Йўқ, сен аҳмоқ эмас экансан, сен мен ўйлаганимдан ҳам ақллироқ экансан...

У хонани айланиб чигилини ёзмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Уни жуда ёмон алам босганди. Ўртада стол тўсқинлик қилиб турар, стол билан девор орасидан қисилиб ўтишга тўғри келар, у фақат турган жойида ўгирилди-да, яна жойига ўтирди. Оёғининг чигилини ёзолмагани балки бирдан уни дилгир қилди ва у худди аввалгидек жазавага тушиб кичқирди бирдан:

– Менга қара, эй, бадбахт, пасткаш одам! Наҳотки сени шу пайтгача нариги дунёга жўнатмаган бўлсам, эртага судда жавоб беришингни ўйлаяпман, тушунасанми, йўқми. Худо кўриб турибди, – Иван қўлини тепага кўтарди, – балки мен ҳам айбдор бўлгандирман, ҳақиқатан ҳам менинг яширин бир истагим бўлгандир... отамнинг ўлимини хоҳлагандирман, сенга қасам ичиб айтаманки, мен сен ўйлаганчалик айбдор эмасман, балки сени унчалар ҳам йўлдан урмагандирман. Йўқ, йўқ, йўлдан урмаганман! Аммо, барибир, мен ўз айбимни очиб ташлайман, эртагаёқ судда тан оламан, шунга қарор қилдим! Ҳаммасини айтиб бераман, ҳаммасини. Лекин судга икковимиз бирга борамиз! Судда мен ҳақимда нима демагин, нимага гувоҳлик қилмагин – ҳаммасини қабул қиламан ва сендан асло кўрқмайман; ҳаммасини ўзим тан оламан! Бироқ сен ҳам суд олдида бўйнингга олишинг керак! Керак, керак, бирга борамиз! Шундоқ бўлгай!

Иван бунинг ҳаммасини тантанавор ва ғайратга тўлиб гапирди, унинг

йилтираб кетган кўзларидан бир қарашдаёк бу эртага шундоқ бўлишини англаш мумкин эди.

– Сиз касалсиз, кўриб турибман, касалсиз. Кўзингиз бутунлай сарғайиб кетибди, – деди Смердяков кулмасдан, ҳатто ачинган бўлиб.

– Бирга борамиз! – қайтарди яна Иван, – бормасанг, барибир, ўзим бўйнимга оламан.

Смердяков ўйланиб, жим қолди.

– Ҳеч қачон бундай бўлмайди, сиз ҳам бормаисиз, – бир қарорга келди у ҳеч андиша қилиб ўтирмай.

– Сен мени тушунмайсан! – таънаомуз деди Иван.

– Агар ҳаммасини бўйнингизга олсангиз, сиз учун жуда уятли бўлади. Ундан ҳам ёмони – бефойда, бутунлай бефойда, тўғриси айтиман, сизга бу нарсаларнинг ҳеч қайсисини айтмаганман дейман, сиз эса касаллигингиз туфайлими (касал эканингиз кўриниб турибди) ё ўз акангизга юрагингиз ачишдими, ўзингизни қурбон қилиб, мени бармоғингиз билан кўрсатяпсиз, ахир мени чивинчалик ҳам кўрмагансиз бутун ҳаётингиз давомида. Одам ўрнида ҳисобламагансиз. Хўб, айтинг, ким сизга ишонади, хўб, битта бўлса ҳам далилингиз борми?

– Менга қара, манави пулларни мени ишонтириш учун кўрсатяпсан.

Смердяков пул устидан Исҳоқ Сириннинг китобини олиб четга қўйди.

– Бу пулни олиб ўзингиз билан олиб кетинг, – хўрсинди Смердяков.

– Албатта, олиб кетаман! Уни деб ўлдирган бўлсанг, нега унда менга беряпсан? – жуда ҳайрон бўлиб унга қаради Иван.

– Менга ҳеч кераги йўқ, – қалтираган овоз билан деди Смердяков кўлини силтаб. – Илгари ҳаёлимга бир фикр келган эди, шунча пул билан Масковда ё чет элларда ҳаётимни бошлайман, деб орзу қилгандим, ҳаммадан ҳам “ҳаммаси мумкин” деб. Рост билан сиз менга шундай деб ўргатгансиз, зотан, ўша пайтлар сиз менга буни кўп гапиргансиз, зеро, чексиз худонинг ўзи бўлмаса, унда ҳеч қандай яхшилик ҳам йўқ, умуман унга ҳожат йўқ. Сиз буни ҳақ айтгансиз. Мен ҳам шу фикрга келдим.

– Ўз ақлинг билан етиб бордингми? – лаби қийшайиб кулди Иван.

– Сиз йўл бошладингиз.

– Нима, энди худога ишонасанми, пулни қайтариб беряпсан?

– Йўқ. Ишонганим йўқ, – шивирлади Смердяков.

– Унда нимага беряпсан?

– Кўйсангиз-чи... нима қиласиз? – яна кўлини силтади Смердяков. – Сиз ўшанда ҳам айтгансиз: ҳаммаси мумкин деб, энди нега типирчилаб қолдингиз ўзингиз? Ҳатто ўзингизни фош қилмоқчи бўлаяпсиз... Фақат ҳеч қачон бундай бўлмайди! Фош қилмайсиз! – қатъият ва ишонч билан деди яна Смердяков.

– Кўрасан! – деди Иван.

– Ундоқ бўлиши мумкинмас. Сиз жуда ақлсиз, пулни яхши кўрасиз, буни биламан, ҳурмат-эътиборни севасиз, чунки жуда мағрурсиз, аёллар нафосатига муккадан кетгансиз, айниқса тинчлик-эминлик, тўқисликда яшашни истайсиз, ҳеч кимга куллик қилишни хоҳламайсиз – ҳаммасидан ортиқ шуни қадрлайсиз. Судда шармандаликни бўйнингизга олиб, ҳаётингизни абадулабад расво қилишни истамайсиз. Сиз айтиш Фёдор Павловичнинг ўзгинасиз, барча фарзандларига қараганда кўпроқ сиз унга ўхшайсиз, кўнгли кўнглингиздай.

– Сенинг ақлинг йўқ эмас, – деди Иван худди ҳайратга тушиб; унинг юзига қон тепчиди, – мен илгари сени аҳмоқ деб юрардим. Сен жуда жиддий одамсан! – деб қўйди у Смердяковга қандайдир янги кўз билан қараб.

– Мағрурлигингиз туфайли мени аҳмоқ деб ўйлагансиз. Пулни олиб кўйинг.

Иван пулларни олиб чўнтагига солди, уларни ўраб ўтирмади.

– Эртага буни судда кўрсатаман, – деди у.

– У ерда ҳеч ким сизга ишонмайди, энди ўзингизнинг пулингиз ҳам кўп, қутичага солиб келтириб беришган.

Иван ўрнидан турди.

– Яна сенга такрор айтаман, эртага судда керак бўлганинг учунгина сени ҳозир ўлдирмадим, эсингда тут, унутма!

– Э, нима бўпти, ўлдилинг. Ҳозир ўлдилинг, – бирдан ғалати қилиб деди Смердяков Иванга сўлжайиб қараб, – шунга ҳам журъатингиз етмайди, – кўшиб қўйди у аччиқ илжайиб. – Собик журъатли одам!

– Эртагача! – қичқирди Иван ва кетишга чоғланди.

– Шошманг... менга яна бир марта кўрсатинг.

Иван пулларни чиқариб унга кўрсатди. Смердяков пулларга ўн сонияча қараб қолди.

– Бўпти, бораверинг, – деди у қўлини силтаб. – Иван Федорович! – деб қақирди у Иваннинг изидан бирдан.

– Нима дейсан? – орқасига ўгирилди Иван юра туриб.

– Алвидо!

– Эртагача! – қичқирди Иван яна ва уйдан чиқиб кетди.

Бўрон тўхтамаганди. Биринчи қадамларини у дадил ташлади, аммо бирдан гандираклай бошлади. “Жисмоний бир нарса”, деб ўйлади у жилмайиб. Юрагига қандайдир бир қувонч ўрнашган эди. Ўзини аллақандай жуда чексиз метин-мустаҳкам сизди: охирги кунларда уни эзиб қийнаб келган барча иккиланишлар тугади! Бир қарорга келди, энди у “ўзгармайди”– ўзини бахтиёр ҳис қилган ҳолда ўйлади у. Худди шу онда у нимагадир қоқилиб кетди ва йиқилишига оз қолди. У тўхтаб қаради, боя ўзи итариб юборган киши ҳамон ўша жойда ҳушсиз, қимир этмай ётганини кўрди. Қор унинг башарасини кўмганди. Иван бирдан уни чангаллаб кўтариб олиб кетди. Рўпарадаги унинг деразасидан ёруғ тушиб турганини кўриб, дераза дарчасига бориб тақиллатди, уй эгаси чиқди, ундан қорда қолган одамни хусусий хонагача олиб бориш учун ёрдам сўради. Дархол уч рубль бераман деб ваъда қилди. Уй эгаси кийиниб чиқди. Иван Федорович ўша кишини хусусий хонага жойлаштиришга муваффақ бўлди, тезда докторлар назоратидан ўтказишга эришди, бу ерда ҳам “харажатлар”ни саховатпешалик билан кўтарди, аммо буларни батафсил баён қилиб ўтирмайман. Фақат шуни айтаманки, бу бир соатдан ортик вақтини олди. Аммо Иван Федорович ғоятда мамнун бўлди. Фикрлари бодраб чиқиб, ошиб-тошиб ишларди. “Мабодо эртага бўладиган ишларга қарорим қатъий бўлмаганда, – ичида бир роҳат-фароғат туйиб фикрларди у, – бир соат вақтимни йўқотиб анави кишини тинчитмаган бўлардим, ёнидан ўтиб кетаверардим, совуқда қотиб қоладими, музлаб ўладими, тупурардим... Бироқ ўзимни назорат қилишга ақлим етиб турибди, – шу дақиқа яна роҳатланиб ўйлади у, – улар эса мени ақлдан озган, деб

ўтиришибди!” Ўзининг уйига етиб келганда миясида бир савол баногоҳ туғилиб таққа тўхтаб қолди. “Ҳозирнинг ўзида прокурор хузурига бориб, ҳаммасини маълум қилиш керак эмасмикин?” Яна юзини уйи томонга буриб, саволни ечди: “Эртан ҳаммасини биратўла қиламан!” ўз-ўзига пичирлади у ва кизик, ичини тўлдирган бутун қувонч, барча мамнунлик бир зумда тугади. У ўзининг хонасига қадам қўйганда юраги қандайдир музлаб кетгандай бўлди, айнан ҳозир мана шу хонада бўлган ва илгари ҳам бу ерни тарк этмаган, худди қандайдир жуда ярамас бир азобқунанда хотира, тўғрироғи, эслатма юрагини музлатиб ўтди. У диванга ҳорғин чўкди. Оксоч кампир самовар келтирди, у чой дамлади, лекин ичмади; оксоч кампирга эртагача ижозатини берди. У диванда ўтириб, боши айланарди. Хасталаниб қолганини сезар, ғоятда ҳолдан тойганди. Кўзи уйқуга кета бошлади, аммо ҳавл ичида ўрнидан турди ва уйқуни енгиш учун хонада юрди. Назарида, алаҳлаётганга ўхшарди. Лекин миясини ҳаммадан ортиқ машғул қилган касали эмасди; у яна жойига ўтириб, худди ниманидир қидиргандай атрофга олазарак қарай бошлади. Бу бир неча маротаба такрорланди. Ниҳоят, унинг нигоҳи бир нуқтага тикилди-қолди. Иван тиржайди, аммо унинг юзини ғазаб алангаси қоплади. Иккала кўли билан бошини тираб жойида узок ўтирди ва барибир, ўша нуқтага у кўзини ғилай қилиб олайиб қараб қўярди, у рўпарадаги девор ёнига қўйилган дивандан кўзини узмасди. У ердаги қандайдир бир нарса, афтидан, ғашига тегар, нотинч қилар, қийнарди.

(Давоми келгуси сонда)





XX АСР ПОЛЯК ШЕЪРИЯТИДАН

Леопольд СТАФФ

(1878–1957)

Рус тилидан
Даврон РАЖАБ
таржимаси

ARS POETIKA¹

Қалб садоси сокин таралар,
Чорлар: “Овла! Ҳаловатдан кеч!
Шошил ахир, кўнгил саралар,
Сўнг бу лаҳза қайтиб келмас ҳеч!”

Лек бурчиммас ташиланиш кўзга –
Пуч сатр-ла безамоқ ҳижо,
Мен лаҳзани муҳраб сўзга
Мангуликка этмоқчиман жо.

Ўйлайманки, эзгулик маслак
Уйғун бўлса юк ва оҳанг зап –
Шеър – нигоҳда анланган истак,
Ва дўст билан кўришгандай гап.

БАҚАТЎН

Ян Парандовскийга

Бир кўҳна хиёбонда
Ташландиқ ҳовуз узра,
Ўйлардим қалб лисонда
Унинг шаффоф дамларин.
Не учун бу бог бугун
Яшнамас аввалгидек?
Дафъатан, шунинг учун
Қўлимда новда билан
Йиғилган бақатўнни
Ҳайдай бошладим сувдан.

Менинг бу ҳаракатим
Пайқаб қолди бир вазмин
файласуф, хаёли тим.
У беркитиб гинасин
Ниҳоят кулиб деди:
“Ҳаёт қисқа, ҳар лаҳза
Бир томчидир бақодан
Наҳот бунда панимнинг
Иши йўқ бошқа бундан”.

¹ Шеърий санъат (пот.)



Иймандим ўша лаҳза,
 Ва узуккун ўйладим
 Недур ҳаёт ва мамонт.
 Сўнгра кўҳна Римни
 Хаёлим бўлди Сукрот
 Ўйладим Мангу руҳни.
 Мамонт... Пирамидани.
 Эйфель минорасини
 Бироқ – бари беҳуда.

Сўнг қайтдим эртасига
 Шу кўҳна хиёбонга
 Ва кўриб қолдим унда
 Ажсинлар қартайтирган
 Файласуфни. У эса
 Хотиржам, мен ўша
 Ташлаган новдам ила
 Оҳиста йигар эди
 Ҳовуздан бақатўнни.

Теграда эса елар
 Дарахтлар ва қушлар овози.

ОНА

Сокин тун огушида
 Она тебратар эди
 Гўдакни беланчакда.

Йўқ, бу на чақалоқ
 Ва на беланчак.
 Қоронгилик барини ютган
 Она хотираларни чайқарди фақат.

ТИЛ

Билмай туриб қуш тилини
 сайрогидан яйраш мумкин.

Лозим эмас барин тингламоқ
 Қурбақанинг қуриллашини.

Фаҳмлайман одамзод тилин,
 Бор тилёглама сўзларин ҳам.
 Тушунмасам эди кошки,
 Бўлармидим энг зўр шоир?!

Юлиан ПШИБОСЬ

(1901 – 1970)

ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИШ

Варшава кўчалари қўйиб юборди мени,
 Ўзининг эзгу ва алдамчи ниятлари-ла,
 Энди мен яхшиси дарахт бўлгувси ниҳол ўтқазаман!
 Тун ўтди сайёр булутлар остида.
 Оёғим остида каклик каби
 чўчиб елди шабада.

Не қиялман бунда мен тубсиз само остида
 дала ва тоғ аро ақлдан озиб?
 Отам тикка тоғ қияликда тўхтатди ўз омочини,
 Бирпас хаёлга берилди;
 менинг қулогимга у
 йил сайин машаққат билан
 ерга силкитиб ташламоқчи бўлган
 кўхна ҳақиқатларни айтмоқчимасмикан?
 Нима ҳам қилдим, мен уларнинг
 кулранг юлдузларини
 уфқ эгати ёқалаб қиямасига
 қузғунларни қувиб сихмолалайман.

ОҚШОМ

<i>Худди шундай,</i>	<i>Оғочлар кўланкаси,</i>
<i>Ўша юлдузлар балки</i>	<i>Эгилиб букилиб</i>
<i>Ёғар эди заминга</i>	<i>Турар эди тонгга бўй чўзиб.</i>
<i>Хоҳла кафтингга ол уларни.</i>	<i>Қоронги кўчаларда яратиб макон</i>
<i>Худди шундай кеч зира-ишра оқишомда</i>	<i>Туйнуклардан чиқиб келди шуъла-</i>
<i>У менга гапирди муҳаббат ҳақида.</i>	<i>лар.</i>

Боглар этди озод дарахтларини
Ва буюқ¹ наҳрида суза бошлади уйлар,
Қуйи соҳилларда қандогоч ичра сузарди ҳасрат,
Ва ҳилол пардасин тушириб самодан
Хотиралар сари олиб борувчи
Ёритди менинг олис йўлимни.
Сенинг кафтинг ёруғлантирар иккимиз аро поёнсизликни.

Станислав ДОБРОВОЛЬСКИЙ

(1907–1985)

ПОЕЗДА

<i>Вагон деразасидан борлиққа</i>	<i>Паровозда кетаркан –</i>
<i>бошимни чиқариб –</i>	<i>кўзлар булутларга тўлган,</i>
<i>тойчоқларга,</i>	<i>сой ва қўл, ўрмонларга,</i>
<i>иморатларга,</i>	<i>дашт, эманзор, дарёларнинг</i>
<i>сигирларга,</i>	<i>ҳавосидан туйиб нафас</i>
<i>даладаги сулиларга,</i>	<i>осмон гардишига бошимни тутаман</i>
<i>ҳаётга –</i>	
<i>бола каби қўлимни узатаман.</i>	

.....
 Далалар ўтиб борар, йўллар ўтиб борар,
 ҳаёт ўтиб борар....

¹ Буюқ – туман.

Юзеф ОЗГА-МИХАЛЬСКИЙ

(1919–2002)

САДО БЕРИБ УРИЛАР

Садо бериб урилар –
ойнага шамол,
ярим кечага ой,
қанотга ҳаво,
оёқлар тошга.

Садо бериб урилар –
соҳилга наҳрлар,
никоҳ узуги вафога.
Ва энг огири –
қалбга урилар виждон.

ДАЛА БИЛАН

Дала билан хайрлашини
мушкул, севганингдан ҳам,
кучиб бўлмас далани
ва ўтиб ҳам бўлмас:
қайда унинг лаблари –

фақат атиргуллар,
фақат бугдойзор.
далага қадам босмоқ гуноҳ –
силаш лозим оёгинг ила,
у билан нафас олиш,
ва бирга шитирлаш лозим.

Мечислава БУЧКУВНА

(1924–2015)

Сенсиз
Қуёш ботар эрта
Ҳар бир шуъласи
Сени излар ҳар ёқдан
Бошлаб борар мени
Яна ва яна табассумдан олисга
Шундай кутаман мактуб
Ва қўлларингни кечагидай
хаёлга берилишини
Ва чарақлаши ҳамон
Сенга бориб етишга улгурмаган
Бўсаларингни кутаман.

* * *

* * *

Бир куни оқшомда,
Йўқ – тонг маҳал,
Денгизда – йўқ – чўққиларда,
Қизил – йўқ – оқ атиргул,
Севган эдим – йўқ – севмадим.

Сув тиниб қолар
ва қора жимликдан
таралиб келар булбуллар саси.
Ифор сўқмоғидан
кетиб борар атиргул.
Бармоқларинг
гуллай бошлар кафтларимда.

Баногоҳ бир-биримизни ва олтинчи туйғуларимизни топиб,
 биз ҳар бурчакда гуллай бошлаган
 бениҳоя ўсиб кетган вақтимизни
 ва борлиқ кўзгуларини
 не қилишни билмас эдик.

Бу бошқа сайёра эди
 Уларнинг мавжудлик шакли
 ёлғизлик туйғусидан сирпанар эди.

Янада яхши ва қизиқарлироқ бўлди,
 биз эса ҳайрон ва ишончсиз
 рўё ва ишонччи ёнма-ён қўйдик,
 биз умидлар уфқида борган сайин яхшиланиб бораётган
 гўзалликни қўрқитиб юбормаслик учун
 кучлироқ қўрқардик нафас олишдан.
 Капитанлар шуъласи олисга имлар
 ва энг эрта баҳорда
 биз, адирдан, кузги экин нишлари устидан
 орзудаги унутилмас ўлка сари шаҳардан қочардик.
 Далалар елкадан пасайиб қўшилиб кетарди рангларга.
 Лабим тегиши билан,
 мен қайта ва қайта
 бу оламнинг мавжудлигини тасдиқлар эдим.
 Ва агар бугун,
 бугун ва эрта
 мен сенга шундай қарасам,
 сен эса менга –
 демак, биз алданмаганмиз.

Тадеуш СЛИВЯК

(1928–1994)

Мен харид қилдим
 балиқ дўконидан
 кўзлари мўлтираган зогорабалиқни.
 – Қаранг, ажойиб, –
 деди кийимидан балиқ ҳиди аңқиган сотувчи.
 – Ўлдирайми? – тиржайиб сўради у.
 – Керак эмас, йўқ, йўқ...

Мен уни сотиб олдим тирик ҳаёти билан.
 Лабларининг ҳаракати меникига айланди,
 меникига айланди – қизил ойқулоқлару
 товланган тангачалари.

Висла бўйига бордим,
 Ташладим балиқни сувга.
 Кўриб турар эди буни одамлар,
 кўзларин мўлтиратиб тикилиб менга,
 худди менга мумкин эмасдек
 умримда бир бора инсон бўлмаслик.

КҲЙЛАК

Мени излама
 топа олмайсан
 мен йўқман
 йўқман ҳеч қайда
 кетдим бошқа шаҳарга
 эртага қайтиш-чун
 дарё узра сузаётганим йўқ
 ёки тўхтаб-тўхтаб ҳар бир бекатда
 кетмаяпман поездда ахир
 оч ҳам эмасман ва совқотмадим ҳам
 шу қадар узоқлашдимки
 бошқа йўқдир имкони

Келгил жавон олдида
 оч уни
 тоқчасидан олгин
 дазмолланиб тахланган
 мовий кўйлагим менинг
 ёйгин уни стол устига
 ёқасини еч
 кейин бошқа тугмаларини
 сўнгра яна бошқаларини
 кўряпсанми айнан
 ўртасида ўша топганинг
 бу – менман

ЎРГАН БУ НАРСАНИ

Буни сира айта кўрма –
 билишларин ўзлари ҳақда,
 ўзларини ҳимоялайман деб
 сени ўлдиришлари мумкин.
 Жавоб берма уларнинг
 ҳар қандай саволларига,
 сенинг ўз сўзинг билан
 улар сени ўлдиришади.
 Фикрдан фойдалан фақат
 гўё энг зийрак туйғудан
 қалбингда сукут бўлсин.

Қасамдек сўзим айтай,
 кўряпсанми бу тошни?
 Уни қулогингга тут...
 Эшитдингми жимлигини,
 ўрган бу нарсани.



Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА

АРАБШУНОС ТАДҚИҚОТЧИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Шарқ тиллари” кафедрасининг араб тили ўқитувчиси Муртазо Сайдумаров 2019 йил 7–8 декабрь кунлари ўтказилган Қатар пойтахти Доха шаҳрида “Таржима ва маданиятлараро муносабатлар муаммолари” VI Халқаро конференциясида иштирок этди ва Шайх Ҳамад номидаги таржима ва ўзаро бир-бирини тушуниш халқаро мукофотининг ўзбек-араб, араб-ўзбек таржима номинацияси бўйича ғолиби деб эълон қилинди. Ҳамюртимиз ушбу халқаро мукофот ғолиби шаҳодатномаси ва олтин медаль билан тақдирланди.

Шайх Ҳамад номидаги таржима ва ўзаро бир-бирини тушуниш халқаро мукофоти 2015 йили Қатар пойтахти Дохада таъсис этилган. Ушбу халқаро мукофотга котибият кенгаши раҳбарлик қилади ҳамда унинг тизимида ташкилий кўмита ва мустақил рецензентлар комиссияси фаолият олиб боради.

Ўзбек тилидан араб тилига ва араб тилидан ўзбек тилига қилинган таржималар мажмуаси номинацияси номзоди мустақил равишда икки университет – АҚШнинг Индиана (Блумингтон) университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан тавсия этилган.

Шу ўринда Муртазо Сайдумаровнинг арабшунослик илмига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтсак. Олим, асосан, араб адабиётидаги мақомотлар борасида изланишлар олиб борди. Мақома жанри ўрта аср араб адабиётининг “шаҳар” босқичига хос энг характерли жанрлардан бирига¹ айланди. Бу жанр араб адабиётидан бошқа бир қатор халқлар, хусусан, эрон ва яҳудий адабиётига ҳам кирди². Мазкур жанр XV–XVII асрлар Европа пикареска насрининг келиб чиқишига таъсир кўрсатди³, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Мақомалар – ўрта аср араб насри ҳақида маълум ва маъруф бўлганидан бирмунча фарқ қилувчи ўзига хос жанр. У наср ва назмнинг, нафис безатилган бадиий ва жонли нутқнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Наср ва назмнинг ягона ҳикоя этиш тизимида алмашиб келиши исломгача бўлган даврга бориб тақалади. Мақома жанрининг асосчи деб Бади-уз-Замон ал-Ҳамадоний ҳисобланса-да, мазкур жанр Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Ҳаририй ижодида ўз чўққисига етишди.

¹ “Мақома” истилоҳи ҳақида қаранг: Крымский А.Е. История арабской литературы. М., Наука. Главная редакция восточной литературы. 1971, стр. 432.

² Мавзуга оид тўлиқ библиографияни кўринг: Крымский А.Е. История арабской литературы.

³ Аль-Харири. Макамь. Пер. с араб. Борисова В.М. Долининой А.А. и Кирпиченко В.Н. с предисл. Борисова В.М. Долининой А.А. М., Наука. 1987 г. 267 с.

Ҳаририй қаламига “Дуррат ал-Ғаввас фи авҳам ал-хасс”, “Малҳамат ал-иъраб фи-н-наҳв” ва бошқа филологик трактатлар ҳам мансубдир. Энг машҳур рисолалари: “Синия” – бир амир номидан унинг дўстига ёзилган, “Шиния” – рисола-мадҳия бўлиб, уларда “син” ва “шин” ҳарфлари бўлган сўзлар моҳирона қўлланган. Ҳаририй ўз мақомалари туфайли катта шуҳрат қозонди.

Муртазо Сайдумаров илмий тадқиқотлари ва бадиий таржималари билан ўзбек-араб адабий алоқаларини ривожлантиришга фаол хизмат қилди. У юқорида айтиб ўтганимиздек, XI аср араб адиби, Басрада яшган Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Ҳаририй мақомаларининг бадиий хусусиятларини, тил маҳорати, Европа тилларига таржималарини атрофлича ўрганди, мақома жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратди.

1997 йили Ўзбекистон ва Саудия Арабистони адабий ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Тошкентда Ёзувчилар уюшмасининг “Жаҳон адабиёти” журнали, Жиддада эса адабиёт клубининг “Навофиз” (“Деразалар”) журнали таъсис этилди. Ҳар иккала журнал олдида қўйилган мақсад бир хил бўлиб, жаҳон адабиётидаги ноёб бадиий ва илмий асарларни ўзбек ва араб тилларига таржима қилиш эди.

М.Сайдумаров рус адабиётидан М.Зоценко, К.Паустовский, И.Бунин ва Ф.Искандар каби етук адибларнинг ҳикояларини араб тилига таржима қилиб, “Навофиз”, “Файсал ал-адабийя” ва “ал-Файсал ас-сақафийя” журналларида нашр этди.

Ўзбек адабиёти намуналари билан араб ўқувчиларини таништиришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган М.Сайдумаровнинг ташаббуси “Навофиз” журнали таҳрир ҳайъати раиси Абдулазиз ас-Субаййил томонидан қўллаб-қувватланди. Журналнинг 2004 йил июнь иккинчи сони тўлалигича ўзбек адабиётига бағишланди.

Таржимон ушбу асарларни танлашда халқимизнинг маданияти, тарихи, урф-одатлари, менталитети ва ўзлигини акс эттирувчи асарларга алоҳида эътибор қаратди.

Хайридин Султоновнинг тарихий мавзудаги “Нукта” ва “Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!”, Саъдулла Сиёевнинг ўзбек урф-одатларига бағишланган “Бир ой “мистер” бўлганим” ҳикоялари “Ал-Файсал ал-Адабийя” журналида нашр этилди.

М.Сайдумаров томонидан араб тилига таржима қилинган 222 саҳифадан иборат “Танланган ўзбек ҳикоялари” (“Мухтарат мин ал-қисас ал-қасира ал-узбекия”) китобининг Қувайт мамлакати Маданият, адабиёт ва санъат миллий кенгаши томонидан 2009 йил ал-Қувайтда нашр қилинишини ҳам ўзбек ва араб халқлари алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги жиддий кадам, деб қараш мумкин.

Бу тўпламга Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов каби адабиётимизнинг йирик намояндалари билан бир қаторда Улуғбек Ҳамдам ва Нарғиза Ғуломова каби ёзувчиларнинг ҳам ҳикоялари киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қувайтда нашр этиладиган “Жаҳон бадиий ижоди” туркумидаги китоблар барча араб давлатларида кенг тарқатилади. Шунинг учун ҳам биз куйида интернет саҳифаларида эълон

килинган турли араб мамлакатлари вакилларининг қаламига мансуб баъзи такризларнинг қисқача мазмуни билан мухтарам журналхонларни таништироқчимиз.

Мисрлик ёзувчи Билол Рамазон¹ “ал-Йавм ас-Сабеъ” рўзномасидаги “Жаҳон бадий ижодиёти” туркуми ўзбек ҳикояларини тақдим этади” номли мақоласида Кувайтда чоп этилган “Танланган ўзбек ҳикоялари” ҳақида ўқувчиларга хабар бериб, таржимон сўзбошисидан баъзи кўчирмаларни келтиради ва араб ўқувчиларини бу китобни ўқиб чиқишга даъват этади.

Суриялик адиба Рим Бадриддин “Араб адиблари форуми”га қарашли “Адабиёт равоқларидаги учрашувлар” рукнида шундай ёзади:

“Ўзининг гўзаллиги, соддалиги ва мукамаллиги билан ўқувчини асир этувчи бу асарлардан қилинган таржималарнинг камлиги ёки деярли йўқлиги сабаб ушбу адабиёт кўпчилигимиз учун нотаниш бўлиб қолмоқда эди. Энди эса унинг йирик намояндалари қаламига мансуб асарлар барчамизни янги муҳитга олиб кирмоқда. Бу тўплам собиқ совет ҳукми остида бўлишига қарамай, ўз маданияти, миллий тили ва ислом динини сақлаб қола олган халқ ҳақида ҳикоя қилади. Бу инсоний саҳналарни ифода этган асарлар тўплами араб тилига юксак маҳорат билан таржима қилинган. Ўқувчиларга бу тўпламни мароқ билан ўқишларини ва ундан фойда олишларини тилайман”.

Суриянинг “ал-Баас” газетасида эълон қилинган “2009 йили мен ўқиган ва менга ёққан энг гўзал китоб” туркумида адиб ва драматургия танқидчиси Муҳаммад Барий ал-Аваний²:

“Йигирма ҳикоядан иборат бу китоб ажойиб ва улуғвор оламни ўз ичига олади. Бу олам кўз ўнгимизда жилваланади. Бундан-да гўзалроқ, бундан ажойиброғи йўқдир. Бу бизга кўпинча ўйламай, қайта-қайта айтадиган гапимизни эсга солади, яъни, ижодкор асарнинг натижаси, ҳулосаси, хотимадаги умумлаштирмаларни ўйламай, бадий матн яратиши мумкин. “Танланган ўзбек ҳикоялари” қалбларни асир этувчи даражада осон баён этишнинг нодир намунаси дир.

Булар турли хитоб ва шиорлар ва сунъий мафкура билан суғорилган совет адабиёти намуналаридан мутлақо фарқ қилувчи инсоний рухий кечинмалар баён этилган гўзал асарлардир. Кўз олдимизда янги Ўзбекистон яққол намоён бўлмоқда”.

Бирлашган Араб Амирликларининг “ал-Иттиҳод” газетасида эълон қилинган Саад Жумъанинг “Маҳаллий адабиётни муҳофаза қилиш” номли мақоласида³ бу воқеа араб амирликлари адабиётида ҳикоя жанри ва адабиётнинг қасида, роман каби бошқа жанрларини дунёга таништириш учун ўрناق бўлади, деган фикрни билдиради.

Араб ёзувчиси Ҳамза Буқарийнинг “Сақифат ас-Сафа” (“Сафо айвони”) романи 2006 йили рус тилида “Под сенью святынь” номи билан чоп этилди. Ушбу китоб 2014 йили ар-Риёдда қайта нашр этилди. Таржимон, шунингдек, “За дюнами. Антология современной саудовской литературы-

¹ “Жаҳон бадий ижодиёти” туркуми ўзбек ҳикояларини тақдим этади”. Билол Рамазон. “Ал-Йавм ас-Сабеъ” газетаси. Қоҳира. 2010 йил. 21 февраль.

² “2009 йили мен ўқиган ва менга ёққан энг гўзал китоб”. Муҳаммад Барий ал-Аваний. “Ал-Баас” газетаси. 2010 йил 11 февраль. № 13871.

³ “Маҳаллий адабиётни муҳофаза қилиш”. Саад Жумъа. Бирлашган Араб Амирликларининг “ал-Иттиҳод” газетаси. 2010 йил 21 февраль.

ры” (Москва, “Восточная литература” нашриёти, 2009, 520 с.), “Рассказы саудовских писателей” (Москва, 2016, 246 с.) ҳамда “Особенности современной саудовской литературы”. (Ар-Риёд. Саудия Арабистони, “Desert Publisher” нашриёти, 2018, 276 с.) китобларининг муаллифидир.

Саудия араб адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган биринчи йирик асар Ҳамза Муҳаммад Буқарийнинг “Сафо айвони” (“Сақифат ас-Сафа”) романи бўлиб, у “Жаҳон адабиёти” журналининг 2004 йилнинг август ва сентябрь сонларида босилиб чиқди.

Тилимизга таржима қилинган яна бир роман Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” асари бўлиб (Тошкент, Гафур Ғулом нашриёти, 2011 йил, 116 с.), бу асар “1001 кеча” ҳикояларини эслатувчи бугунги саудия адабиётидаги янги йўналишда ёзилган.

Муртазо Сайдумаров саудиянинг замонавий адибларидан Ҳакима ал-Ҳарбий, Вафо Умайр, Ҳиям ал-Муфлих, Азиз Зиё ва бошқаларнинг бир қатор ҳикояларини ўзбек тилига ўгириб, “Жаҳон адабиёти” ва “Шарқ юлдузи” журналларида нашр эттирди.

2019 йили Ҳамза Муҳаммад Буқарийнинг “Сафо айвони” романи ҳамда Ҳомид Даманхурийнинг “Қурбонлик киймати ёхуд муҳаббат ва бурч” романлари “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди. Ушбу романлар китобхонни ўтган асрнинг 30-60-йилларидаги муқаддас Маккаи Муқаррама муҳитига олиб киради, уни оддий маккалик оиланинг урф-одатлари, эътиқоди, шаҳар мактабидаги таълим тизими билан таништиради. Муаллиф ўқувчига асар қаҳрамонининг улғайиш босқичлари – болалиги, ўсмирлиги ва ёшлигини биргаликда бошдан кечиришга имкон яратади.

Муртазо Сайдумаров 2015 – 2019 йилларда Саудия Арабистонидаги Ахборот ва араб-рус тадқиқотлари марказида илмий-педагогик фаолиятини бошлади. Ҳозирда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида талаба-ёшларга араб тилидан сабоқ берапти.

Журналимизнинг ушбу сонидан араб адиби Иброҳим ан-Носир ал-Ҳумайдоннинг “Зулматдаги ёруғлик” романи унинг таржимасида эълон қилинмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, адабиётшунос, моҳир таржимон Муртазо Сайдумаровни олтмишинчи баҳори билан қутлаб, илмий ва ижодий фаолиятига муваффақият тилаймиз.





Иброҳим ан-Носир ал-ҲУМАЙДОН

ЗУЛМАТДАГИ НУР

Роман

*Араб тилидан
Муртазо САЙДУМАРОВ
таржимаси*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Биринчи боб

Мен Исо исмли ўртоғимни саҳронинг домига илашиб, ютилай деб турган 3. шаҳарчасида таниган эдим.

Саҳро билан шаҳарча ўртасида ўхшашлик мавжуд: шаҳарчанинг гу-валак ва паҳса деворларини уй эгалари қанчалик маҳорат билан безашга уринмасинлар, қанчалик зеб бериб оқламасинлар, бу деворлар барибир қари кампирнинг ғамгин юзига ўхшарди.

Бизнинг уйимиз Мароға маҳалласида, аниқроғи, шаҳарчанинг туртиб чиққан чап елкаси томонида жойлашган бўлиб, саҳро шаҳарчани ўз бағрига олар экан, бу маҳаллани шундай кучоқлаган эдики, бу кучоқнинг харорати уни ёндириб юборай дерди. Унинг остидаги ер ўрнидан қимирлай олмай қолган, чанг-тўзон эса мажнунларча осмонга кўтарилиб, эски паҳса уйларнинг томларидан секин-аста сирғалиб тушар ва гўёки аланганинг учи каби яна қайта осмонга ўрлар, турли-туман рангларда чанг булутларини ҳосил қиларди. Маҳалладан унча узоқ бўлмаган жойда сув қудуқлари бор эди. Чанг-тўзоннинг кутурган жиннилиги босилгач ёки талвасали рақси тугагач, қудуқлар бағрига эркаланиб тушар, қудуқлар эса уларни худди ўзларининг шўх болаларини бағрига олаётган онадек ютиб юборарди. Чанг-тўзон уюмлари она кучоғида бироз тинчир, нафасини ростлар, кейин яна қайта самога кўтарилиб, мажнунларча парвозини давом эттирар ва хурсандчилигининг ёндирувчи зарраларини сокин шаҳарча ва унинг тинч аҳолиси узра сочар эди.

Ушбу манзара қошида чакмоқ ургандай тек қотдим. Бизнинг мана шу шаҳарчамиз ғоят даражада изтиробга тўла она саҳронинг энг яхши кўрган арзандаси эканини ҳозир сезиб қолдим. Масалан, саҳронинг жаҳаннам каби давомли жазирама иссиғи оловларини деворларга пур-

кар, унинг ҳароратидан дудланиб, тобланган озғин баданлар ёнишга тай-ёр ва тўхтамасдан сув бўлиб терларди. Қишда эса қаҳратон совуқ бўлиб, нафақат сув, балки бутун ҳаётнинг ўзи музлаб қолгандек туюларди.

Эътиборимни тортган ғаройиб ҳолат шундан иборат эдики, қумликлар оша жанубий томонга қараганимда, аниқроғи чанг-тўзон босилиб, ёки ёмғир тўхтаганида баландроқ тепаликка кўтарилиб, ўша ёққа назар солганимда аниқ бир чизикни кўрар эдим. Бу чизик менинг нигоҳим ва жўшқин хаёлларим орқали ана шу ипак чизик ортидагиларни тасаввур қилишга ундар эди.

Аслида мен ана шу кўнгилни хурсанд қиладиган, ундан ғам-қайғуни аритадиган, гарчи ҳис қилиб бўлмаса ҳам хаёлан тасаввур қилса бўладиган мафтункор чизикнинг сири ҳақида сўрашим керак эди.

Билдимки, (кейинчалик қани энди шуни сўрамаганимда эди, деб қанчалар афсусландим,) менинг хаёлимни тортган ана шу яшил чизик ортида афсоналар ва орзуларга тўла энг катта шаҳар бор экан. Бу шаҳар саҳродаги бирхилликка ўрганган ҳар бир кимсани ўзига жалб қилар, уларни жон-дилидан интилишга, ҳар кунги бир хилликдан қочишга ундар, бу ҳаётда амалга ошмайдиган ва эришиб бўлмайдиган орзулар сари бутун қалби билан отланишга ундар эди.

Айтишларича, бир дарё бўлиб, у шаҳарни гўёки гўзал қизнинг бошидаги фарқдек иккига бўлиб ўтар, ҳаётнинг хушбўй ҳидларидан лаззатланган сочларнинг танноз толалари каби сўзанага солинган нақшдек безатар эди. Бу афсонавий шаҳардаги дарёнинг икки томонида дарахтларнинг шохлари иштаҳа очадиган меваларини кўтара олмай, сувга тегай-тегай деб осилиб турарди. Улар бир-бирлари билан кучоқлашгандай, қалин мевазорлар яратган шохлар орасида эса хўмрайиш ёки қовоғини солишни билмайдиган ложувард рангли биллур само яширинган эди. Ўша афсонавий шаҳар ҳақида тасаввурингизни тўлиқ бўлиши учун майин шабада билан ҳар тарафга таралаётган хушбўй муаттар ҳидлар ҳақида сизларга сўзлаб беришимга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Мени ўзига ром этган, фикру зикримни тортган ана шу суратни хаёлимга кўчиришим, ўзимни ана шу Од жаннати каби ғаройиб шаҳар бағрида тасаввур қилишим, ундаги хурсандчилигу қайғуларни ўз бағрига олган фаровон заминдаги одамлардан бири каби яшашим учун ажойиб шамоллар мени у ерга учуриб кетган деб тасаввур қилишим табиий эди. Ўйларимда тўқнашган нарса шу эдики, мен ўша “жаннат” одамлари билан қандай қилиб суҳбат қураман деб ўйлардим. Улар ҳам оддий одамларми? Ёки улар умуман бошқа лойдан қорилганми? Хаёлим кўнглимга хотиржамлик соладиган бошқа бировнинг фикридан ёрдам сўрашни ҳеч кечиктирмади. Бу фикрнинг маъноси шундан иборат эдики, у одамлар билан суҳбат қуришнинг ҳожати йўқ, ўша ерда уларга хизмат қиладиган ёш хизматчи болалар дарров уларнинг талабларини бажаришлари учун имошора қилиш кифоя экан.

Шундай қилиб, қалбимга гўёки ўзимдан бошқа барча одамларнинг муаммосини ҳал қилиб қўйганимдек сокинлик инди. Менинг афсонавий жаннат сари қадам ташлаш учун қарор қилиш ҳақидаги ҳар қандай фикримни ютиб юборишга оғиз очган жар – бу қирғоқдаги шўр ерга ёйилиб турадиган денгиз эди. У билан ўртағизни йилнинг аксарият фаслларида тўлқинларнинг қирғоққа урилиши натижасида пайдо бўлган қалин туз

катламидан иборат масофа ажратиб турарди. Яна менга айтишдики, ўша тўлқинлар Тихамага (форс тилида Тихи – бебахра) гоҳ-гоҳ келиб турувчи ёввойи одамларни, агар улар менинг ёшимда бўлса, қийинчилик билан қўшилгандан сўнг саралаб қўяр экан. Ҳар сафар чуқур ўйлаганимда, фикрларим мени ўша кенгликлар сари элтаркан, хаёлимга “нима учун бизнинг аждодларимиз мана шу куп-қурук бесамар ерларни танлашган, нима учун улар яна бироз олдинга, афсонавий шаҳар сари илгариламаганлар?” деган савол келар эди.

Мен ўша пайтда саволимга биров эътибор бермайдиган даражада ёш эдим. Шаҳарчамизнинг аҳолиси кўрган ва ҳис қилган нарсасига чанқоқ қалбда пайдо бўладиган бундай фикрлардан узоқ эди. Бу одамлар худди семириш ва ҳатто соғлиқ нима эканлигини эсламасликка аҳд қилгандек, жуда озғин эдилар. Шунинг учун уларнинг коматлари менинг назаримда одатдагидан анча баланд кўринарди. Юрганларида бошлари эгик бўлганидан, кўрганлар қадимги файласуфлардан деб ўйлаши мумкин эди. Кўпинча сукутда бўлардилар. Агар сўзлашсалар ҳам эҳтиётлик билан оғиз очишарди. Гўёки муҳим ишларга машғулдек, бир-бирларига паст овозда, қисқа-қисқа сўз айтардилар. Лекин чанг-тўзон улар энг кўп лаънатлаган нарса бўлиб, бу ғарибларни гапиришдан кўра кўпроқ йўталишга мажбур қиларди. Менинг назаримда, улар овозларини бўғувчи чанг зарралари тўлиб қолмаслиги учун ҳам оғизларини очишни ёқтирмас эдилар.

Мен сизларга анчагина вақт унинг оғушида яшаган шаҳарчам ҳақида сўзладим, хотираларимни, у ҳақидаги таассуротларимни эсладим, эсимда қолганларини ўз билганимча ҳикоя қилдим. Мен мана шу саҳифалар орқали ўзим яхши билган, узоқ вақт ўртоқ бўлган бошқа йигитнинг ҳаёти ҳақида ривоят қилмоқчиман. Ўзимни унинг ҳаётидаги барча майда-чуйда икир-чикирларини биламан деб ҳис қилдим. Шаҳарчамиздаги бошқаларнинг ҳаётини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳақиқатан у ердаги ўзга одамларнинг ҳаётида катта фарқ йўқ. Агар йиллар ойлар ичида, ойлар кунлар кетма-кетлигида билинмасдан ўтиб кетса, биз у ердаги ҳаёт бир хил нусхада, кечаги кун билан эртанги кун ўртасида фарқ йўқ деб ўйлардик. У фақатгина бир узун кун бўлиб, бу ерда тақдир бошқа жойга эмас, айнан шу ерларга улоқтириб ташлаган, нима сабабдан шу ерларга ташлаганини асло билмайдиган ғариблар яшардилар. Ватан соғинчини фақат ғурбатда яшаган ғарибгина ҳис қилади. Мана шу кундан сўнг, яъни ғурбатнинг бошланиш кунидан сўнг барчамизнинг ҳаётимиз бири-бирига қоришиб кетганди. Оналаримиз ва момоларимиз шу кунни “замон ҳодисаси” деб белгилаб қўйгандилар. Улар, Аллоҳ раҳмат қилсин уларни, йилларни умуман билмас эдилар; ёшни, умрни, туғилган ва вафот этган вақтларни бирон ҳодисага боғлаб ҳисоблар эдилар. Масалан, усмонийларнинг шаҳарга ҳужуми ёки шаҳар аъёнлари ва улуғларидан бирортасининг куппа-кундузи одамлар кўзи олдида қатл қилиниши каби, ёки бу ерда мактаб қурилиши, ё бирорта масъулнинг уйига электр тортиб келингани ва шу каби бошқа ҳодисалар билан боғлаб айтардилар. Ана шу ҳодисаларнинг барчаси қандайдир даражада бу ердаги ҳаётни тўхтатиб қўяр, бошқалар ана шулар ҳақида қичқирар, жар солар эдилар, эркаклару аёллар узоқ вақтларгача бу ҳақда гапириб юрар эдилар. Шундай қилиб, бу ҳодисалар унутилмайдиган воқеа сифатида ёдда қоларди.

Мана шу бизнинг белгилаб қўйилган кунимиз, тарихимиз. Агар қахрамонимиз Исонинг қиссаси ёки оиласининг мен у билан танишганимдан олдинги тарихи тўлиқ айтилмай қолса, маъзур тутасиз. Чунки унинг ўзи ҳам аввалги ҳаёти фасллари билмайди. Унинг бор-йўқ билгани, албатта бошқалардан эшитгани, унинг оиласи бу шаҳарчага кўчиб келганида у атрофида нима бўлаётганини англай олмайдиган бир парча гўшт бўлгандир. Бир кун келиб, у ўзини зиддиятлар уммонида яшаётганини ҳис қилиб қолди. Бу уммонда у бутун виждони ва ҳис-туйғулари билан ёлғиз сузар эди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган жиҳати содалиги эди. Ташқарида, яъни уйдан ташқарида, – мактаб, кўча, бозор жамияти мавжуд бўлиб, уларда мослашувчанлик кўп нарсаларга йўл очиб берар эди. Кўшлар бу нарсаларни дастлаб рад этган бўлсалар-да, аммо кейинчалик уларга ўзлари хоҳламаса-да таслим бўлган. Кичкина жамият – уйда эса маън қилинган баъзи нарсалар гуноҳ ҳисобланиб, уларга қўл урганларни осийликда ва кофирликда айблашлари мумкин эди. Тўрт девор ичида бошқалар уни ҳар қандай сифатлар, ҳатто ёмон сифатлар билан аташга ҳақи бор. Лекин ёшлар илм дастурхонида уларга тақдим этилаётган қарама-қаршиликларга тўла “таомларни” очкўзларча ютиб юборардилар. Ўйлаб ҳам кўрмайдилар, ҳеч қандай таҳлил ҳам қилмайдилар, бирорта қарши далил ҳам келтирмайдилар. Қабул қилиб, хотираларида сақлайдилар. Лекин тўкнашувдан хавфсирайдилар.

Ўша мусофир тоифадаги ёшлар қарвони фикрлашни бузадиган, ишонч-ни сусайтирадиган эҳтиёткорлик чархпалагида ўз йўлини топиш учун йўлга чиққан эди. Муносабатлар аниқ ва жиддий. Гарчи қадим ўтмиш томон йўл оладиларми ёки жамиятнинг кенг оқими сари бориб, урф-одатлар олдида ноқулай аҳволга тушиб қоладиган даражада бўшашиб кетадиларми, ҳозирча билмас эдилар. Уларнинг онглари ота-боболарининг урф-одатларидан озикланган эди. Шу сабабдан ҳам улар учун турли чекловлардан кутулиб чиқиш оғир кечарди. Масалан, Исонинг ўзи эслашча, уйлариининг эшигидан қариндош-уруғларидан бўлмиш бирорта аёлнинг боши кўринса, сочлари тикка бўлиб кетар эди. Баданидан тер сув бўлиб оқар, қони қозондагидек қайнар, аланга олаётган оловни ўчиришга ҳеч нарса тополмасди, қизиқишини биров сезиб қолмаслиги учун бошини яширарди, холос.

Исонинг ҳақиқий қиссаси у ўз-ўзини англаган пайтда, қандайдир маънода нарсаларни тушуниб, ажрата оладиган пайтидан бошланади. Отаси масжидларда ўқиш-ёзишни ўргатадиган “куттаб”лардан бирига олиб борганида унинг ёши тўккизда эди. Исони қарши олган саллалли, салобатли шайх қўлида бир томони учли ҳасса тутган эди. Шайх чарчаб қолса суянса керак деб ўйлаган бу ҳассанинг нимага ишлатилишини Исо “куттаб”га қўшилганидан бир неча дақиқа ўтгач тушунди. Шайх атрофида доира бўлиб ўтирган болаларнинг оёқларига шу ҳасса билан урар ёки уларни шу билан кўрқитар эди. Исонинг отаси ўғлини Қуръон ўқишга ўргатиш хоҳишини билдириб, шайхга топширар экан, у болага ишончсизлик билан қараб, Исонинг отасига қўл берди ва:

– Аммор хожи, хотиржам бўлинг, мен уни сизга эркак қилиб қайтараман, чунки биз бу ерда эркаклар яратамиз, – деди.

Бу гапларни айтган шайх Иброҳим – масжиднинг имоми, “куттаб”нинг нозири – ёшлар атрофида, қомати келишган, ёноқлари кип-қизил, (Исо-

нинг назарида дарсдан ташқари пайтларда) кувнок бўлиб, кўзлари доимо ёниб турар, юзидан нур ёғилар, умуман, шайх Иброҳим ёқимли киши бўлиб, бокира қизлар унга ҳавас қилишар эди.

Дарс беришда унга муовини Мавлоно Маҳфуз ёрдам берарди. Бу киши ўрта ёшли, чакка сочларига оқ оралаган, сочи жингалак, ташқи кўриниши кулранг, ғазабланганда кўзларидан ўт чакнайдиған, сержаҳл киши эди.

Исо оилада олти ака-уканинг каттаси бўлиб, бу унга оила аъзолари ичида афзаллик берарди, айниқса, онаси учун. Исо бир ишора қилса, унинг айтгани бажарилар, хоҳиши бажо келтирилар эди. Ўқиш-ёзишни ўргатадиган “куттаб”га кирганидан бошлаб эса, унга муносабат янада яхши томонга ўзгарди. Шайх Иброҳим ва муовинининг ўткир кўзлари назоратидан ўқувчилар юзларининг қалтирашлари-ю, митти кўзларининг мўлтирашлари четда қолмас эди. Улар икковлари бирорта нождўя ҳаракатни биринчи марта кўрмасалар, лекин иккинчи марта кечирмас эдилар ва қаттиқ жазолардилар. Исонинг товонига тушган калтакнинг излари бундай кечирмасликнинг шоҳиди эди.

Қонаб кетган товонлари Исога қаттиқ азоб берарди. Оёқлари оғриқдан гўё муз парчалари каби яхлаб қолгандек эди. Ўша кунни ҳам “таёк” еганини эслайди-ю, лекин нима сабабданлигини билмасди ёки эслай олмасди. Отаси уни уйда оқсоқланиб юрганини кўриб ҳайрон бўлди. Бутун уйни бошига кўтариб, бакириб чакирганидаёқ Исо дарров отасининг олдига келди. Ўғлининг шишиб кетган оёқларини кўриб, нима бўлганини сўрамасданок, худди ҳамма нарсани биладигандай бошини силкитиб, Исога бўйсунмаётган оёқларини куйдириш учун Ҳасан ҳожи олдига боришни буюрди. Болалар оламида буюк азоб берувчи сифатида машхур бўлган бу одамнинг исмини эшитиши билан Исонинг ранги оқариб кетди. У кўзларидан дув-дув ёш оқиб, отасининг оёқлари остига йикилиб, ундан кечирим сўраб ёлворди.

Исо отасининг олдига ҳали ҳам қалтираб турар, у эса соқолини силаб, табобатда ҳар қандай энгил жароҳатни ҳам куйдиришдан бошқа даволаш йўқ деб тушунадиган, болаларни аямайдиган ўша жоҳил “табиб”нинг қўлида ўғлининг товонларини куйдириш ҳақида ўйларди.

Шу пайт Исонинг ақли ишлаб, нима бўлса ҳам ростини айтишга, ҳар қандай муолажа оёқни куйдиришдан энгилроқ бўлади деб ўйлаб, нима бўлганини эътироф этишга қарор қилди. Чунки ҳар қандай жазо Ҳасан ҳожининг олдига боришдан, унинг қўлидаги оловда қиздирилган чўғдек оташкуракда куйишдан энгилроқ кўчарди.

Отаси оёқлари чўлоқланиши қиссасини жим туриб, бир сўз ҳам айтмасдан, важдоҳати ўзгариб тинглади. Исо қиссасини тугатганида, отаси ғазаб отига миниб бўлган, уни ҳовуридан тушириш учун қаршисида совуқдан қотган мушукдек қалтираб турган ўғлидан бошқа кимса йўқ эди. Ўғлининг юзига шапалоқ тушириб деди:

– Эй, аблаҳ қайсар! Оёқларинг калтакдан шишиб кетса ҳам дарсларингни қилмайсанми? – у бакириб жаврашдан тинмасди. – Сен менинг болам эмассан, қанжиқ итнинг боласи... Сенинг отангга ҳам лаънат, салла ўраган шайхингга ҳам лаънат, ўша ёрдамчисига ҳам лаънат.

Унинг овози девордан акс садо бериб қайтарди. Бу ҳол уйдагиларнинг барчасини кўркувга солди, ҳаммалари онаси бошлиқ унинг олдига югуриб келдилар. Онаси эрининг ғазабидан роса кўрқарди.

Отаси қаршисида хотинини кўргач, унга қараб қичқирди:

– Мана бу аҳмоқ ўғлингга қара! Ақли ўткир деб мақтаган ўғлингга қара! Бунинг аҳмоқлигини исботлайдиган таёқни асоратидан шишиб кетган оёқларидан бошқа гувоҳ керакми? Сендақа жоҳил хотинга ҳам лаънат!

Исо бошига тушадиган балодан ҳимоя излаб онасининг пинжигга кирди. Бироқ отаси уни бу бошпанада қолдирмади, ғазаб билан қўлини чўзиб чақирди:

– Бу ёққа кел, қанжиқ итнинг боласи!

Онаси кўрқувдан юраги ёрилай деб ўғлини кузатиб қолди. У Яратганга ўғлини бу жазавали ғазаб балосидан узоқ қилишини сўраб, гулдираб дуо ўқишдан бошқа ҳеч нарса қила олмади.

Аммор ҳожи ўғли билан тўғри масжидга йўл олди. У шайх Иброҳим шом намозини ўқимасдан кетмаслигини биларди. Шайх Иброҳим унга томон келаётган ота-болани кўриб кўзлари чакнаб кетди. Қуръон тиловатини тугатиб, дуосини тамомлаб улгуриб-улгурмай, қулоғи тагида Аммор ҳожининг шанғиллагани эшитилди. У ўғлининг жазоланганидан шикоят қилиб, боласини аҳмоқликда айблади ва сабоқ ҳам мунтазам ўтилмаганига ишора қилди.

Шайх Иброҳим жилмайиб, унга жавоб қайтарар экан, овози секин-аста кўтарила бошлади:

– Ҳожи, ўғлингиз сиз ўйлаганчалик аҳмоқ эмас. Лекин ҳақиқатан бизнинг таълимимизда қийинчилик бор. Сиз ўйлагандек, биз бошқалар каби эмасмиз. Бу гап сизнинг ичингизда. Мана шу ёшларни ўзимизнинг болаларимиздек ўқитамиз, деб асабларимизни ёндираемиз. Бизнинг виждонимизга қарши боришимизни хоҳлайсизми, ҳожи? Ўғлингизни дарсларига эътибор бермай, хатосини тузатмай, тўғриламай, уни жазоламай, ўз ҳолига ташлаб қўйишимизни истайсизми? Мулоийм кишини мувозанатдан чиқариб юборадиган ғазабдан Аллоҳнинг ўзи сақласин. Ҳожи, хотиржам бўлинг, бу ўғлингиз яқинда энг яхши ўқувчиларимиздан бўлади.

Шайх сидқидилдан гапиряпти, деб ўйлаб ота биров ғазабидан тушди, айниқса, у “ўғлингиз аҳмоқ эмас” деган гапларини эслаб хотиржам бўлди. Битта мана шу гапининг ўзи у ўғлини аҳмоқ деб айблашга шошилганини ва шайхни ёмон ўқитяпти деб хато ўйлаганини эътироф этишга етарли эди. Энди бунинг товонини тўлаши керак. Айблаганининг товонини. Шайх Иброҳим эса тажрибали, узоқни кўра оладиган одам. Қачон гапиришни, мавзуни қайси томонга буришни яхши билади. Ҳозир гапириш учун унинг навбати келди. Рўй бераётган қийинчиликларни ҳикоя қилиш учун бундан ҳам яхши фурсат бўладими?

Шайх Иброҳим вақф муассасаси томонидан берилаётган ёрдамнинг тўхтатилгани, ўзининг дарс бериш маҳорати, болаларнинг бечоралиги ҳақида гапирди. Шайх болаларнинг билимни уқиб олишда оқсаётганини айтди. Ҳамма ўзи билан ўзи банд бўлиб турган бир пайтда, ҳар қандай эътиборсизлик оқибатида у виждони олдида жавоб беришини гапирди. Аммор ҳожи шайхнинг молиявий жиҳатдан қийналиб қолганини тушунди. У суҳбатдошига ёрдам қўлини чўзишни вожиб деб билди. Қўли ҳаракатга келиб, шайхнинг қўлига бир нарса тутқазди. Исо у қанча эканлигини билмаса ҳам, нима эканлигини пайқади. Шайх чақнаб турган кўзларини осмонга тикиб қўлларини кўтариб, тилига келган энг ёқимли

сўзлар билан бу сахий инсонни дуо қила кетди. Аммор ҳожи бу зиёратни тугатиш учун сўз ахтарди, лекин тилига фақат шу гап келди холос:

– Лекин бу лаънатининг оёқлари шишиб кетибди-ку, шайх?

Шайх юзида табассум билан Исога қараб деди:

– Биз буни бир ҳафта таёқ билан жазолашдан озод қиламиз. Агар дарсларига эътибор қилмаса, биз унга ўз вазифасини ва ўзимизнинг вазифамизни эслатишга қайтамиз.

– Лекин, шайх, шу таёқ зарурми? Бундан ўзга йўл йўқми? – деди Аммор ҳожи фарзандига ачиниб.

Шайхнинг юзида астойдил жилмайиш зухур этди. У кўкрагига тушиб турган қордек соқолини силаб, ранги оқариб кетган боланинг юзига тик қаради.

– Агар ўғлингиз фикру хаёлини бир жойга йиғиб олса, биз уни таёқдан озод қиламиз. Агар тиришиб, яхши ўқиса, биз уни мақтаймиз. Агар аъло ўқиса, биз уни бошқа болаларга назоратчи қилиб қўямиз. Бундан ҳам яхшироқ ваъда бор деб ўйлайсизми?

Аммор ҳожи шайхнинг қўлини сиқиб чин дилдан раҳмат айтди.

У масжид эшиги олдидан чиқар-чиқмас, ўғлига қаради, унинг кўйлагидан ушлаб ўзига тортди ва кулоғини узиб олгудай буради. Бу сафар ғазабланганидан эмас, балки мана шу хайрсиз зиёрат сабабли каттагина маблағ йўқотганининг аламини олди. Сўнг ўғлини олдинга итариб:

– Бор онангнинг олдига, аҳмоқ. Йўқ бўлиб кетганингга ўлай деяётгандир, – деди.

* * *

Исонинг муаммоси отаси шайхнинг қўлига тутқазган молиявий ёрдам билан тугади деб ўйлайсизми? Манзара эса тамоман унинг аксини айтарди. Исонинг тенгдошлари – бирга ўқиётган болалар “куттаб” ноziри шайх Иброҳим отасининг зиёратидан кейин унга алоҳида эътибор қаратиб, ғамхўрлик қилаётганини кўриб, ундан узоқроқ юрадиган бўлдилар, ўз гуруҳидан бир неча бола эса у билан бирга ўтирмай кўйишди.

Эҳтимол, кимдир бу гуруҳлар ҳақида сўрар, ўзи нари борса сони йигирмата ўқувчидан ошмайдиган бу дарс халқасида қандай қилиб гуруҳлар пайдо бўлади дейиши мумкин.

Ҳақиқатда болалар икки гуруҳга бўлинган эдилар. Биринчи гуруҳга шайхга яқинроқ бўлганлар ва уни қўллаб-қувватлайдиганлар кирарди. Уларга шайх энгиллик берар, яхши муносабатини яширмас, айтиш керакки, ўз бағрида эркаларди. Иккинчи гуруҳга эса шайхга яқин бўлмаганлар мансуб бўлиб, уларнинг баданлари доим шайхнинг таёғидан озорда эди. Турган гапки, биринчи гуруҳга бой, ўзига тўқ оилаларнинг ёки шаҳарда гапи ўтадиган, обрўли оталарнинг фарзандлари кирарди. Зеро, шайх танг ҳолатга тушганда уларга мурожаат қиларди.

Иккинчи гуруҳ болалари эса кўпинча шаҳарчанинг аксарият аҳолиси даражасида, яъни даромадлари чекланган, ўртаҳол оилалардан эдилар. Улар шайх ва ёрдамчисининг азобидан хафа бўлиб, нозирнинг одам ажратиши, бир гуруҳни бошқасидан афзал кўргани учун шайтоний йўллар билан ўч олардилар. Масалан, бу гуруҳ болаларидан бири шайх ғафлатда қолганида, айниқса, сал мудраб қолиб, боши эгилганда, қўлидаги ҳассаси

унинг яқинидагиларга тушиб қолмаслигига ва ўтирганлар бу ишни қилганининг исмини айтиб қўймаслигига ишонч ҳосил қилгач, шайхнинг қўйлаги ичига ари қўйиб юборарди. Бу гуруҳ болалари томонидан қилинган бундай иш шайхнинг болаларга икки хил муносабатига нисбатан норозиликларини ифодалар эди. Оқибатда эса шайхнинг яна ғазабга келиши, бирортасини таёқ билан жазолаши ёки бурчакка бир оёқда бир неча соатга турғизиб қўйишга буюриши мумкин. Ҳақ олиш натижасида болалар турли хил жазога тортилар, айтганимиздек, бу жазолар муносиб усулларда ижро этиларди. Лекин, қасос кўпчилик бўлиб қилинган бўлса, унда ўша гуруҳнинг аксарияти жазоланарди. Бундай ҳолатларда болалар бир неча махфий йиғилишлар ўтказишиб, уларнинг назарида “зулм”га нисбатан жавоб қайтаришнинг энг яхши йўлини ахтарардилар. Агар шайхнинг ёрдамчиси, насаби маълум бўлмаган мавлоно Маҳфуздан қасос олинса, бу қасос бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам маккор бўлар эди. Одатда, мавлоно Маҳфуз шом намозидан кейин масжиднинг яқинидаги бузилиб кетган иморатнинг девори орқасига ёзилгани ёки ҳожатини чиқаргани ўтар эди. Аввал бу иморат кимнингдир уйи бўлган, уй нураб, бузилиб кетаётганини кўрган эгалари уни таъмирлашга уринмай, ташлаб кетишган. Мавлоно Маҳфуз ана шу ерга бориб, ёлғиз қолиб ёзилаётганида ёки иштонини туширганида унинг устига ҳар томонидан тошлар ёмғирдек ёғиларди. У фақат бақириб, тош отганларни жазолашини айтарди. Бу аслида тушкунликдаги қичқириш, овчининг қопқонига тушган ҳайвоннинг тишларини кўрсатиб ўқиришидан бошқа нарса эмас эди. Мавлоно Маҳфузнинг ғазабини келтираётган ва жонини оғритаётган нарса ҳар томондан келиб бошига ва баданига тегаётган, бошини ёриб қонатган тошлар эмас, балки қоронғилик эди. Чунки у каби кўзи заиф одамлар қоронғиликда одамларни ёки тош келаётган томонларни ҳам ажрата олмайдилар. У анчагача жазолашини айтиб, бақириб кўрқитиб турарди. Сўнг бир неча дақиқа Худога ёлвориб ёрдам сўрарди. Мавлоно Маҳфузнинг ёрдам сўраб қичқираётганини эшитган хужумчилар туёқларини шиқиллатиб қолар эдилар. Эртаси куни эрталаб унинг боши ва юзининг анчагина қисми боғланганини кўрардилар.

Бу Мавлоно Маҳфузнинг кундалик тартибининг заиф томони эди. У бу тартибни ўзгартира ёки алмаштира олмас экан, қандай қилиб кесилган дарахтини кидириб топиши, оила куриб, масжид каби ҳаммага кўринадиган очиқ уйда эмас, балки алоҳида уйда яшаши мумкин? Қани энди у дайди итлар каби ташландиқ жойда ёзилмаса, бу жойни уни ёмон кўриб, душман бўлиб қолган болалар билмаса...

Шайх Иброҳимнинг ҳам кун тартибида заиф нуқтаси бор. У деярли ҳар куни эрталаб бомдод намозидан олдин масжид ёнидаги ювинадиган жойда таҳорат қилар ёки чўмилар эди. Шайхнинг бахтига қарши бу жойнинг томи очиқ бўлиб, у қамиш ва ток новдалари билан бироз поналанган холос. Шайх бу жойда кийимларини ечиб, яхшилаб ювиниб бўлгач, артинишни бошлаганда, устига тепадан чанг ва қум тўкиларди. У баъзиларнинг безорилик қилаётганини билмасликка олиб, яна бошқатдан ювинар ва яна устига қум тушганини сезарди. Шу пайт азон товуши эшитилар, у эса баланд овозда бақирарди:

– Эй, Худодан кўрқмайдиган кофирлар, Аллоҳнинг фарзини бажариш учун кийимини кийиб олай, лаънатилар.

Шайх бақиришда давом этар, дўқ-пўписа қилар, бошқалар эса унинг шундан қулиб, масхараларди. Шу пайт ёки намозга келганлардан бирортаси ёки Мавлоно Махфуз уйқусидан уйғониб, шайхга ёрдамга чопарди.

Кичкина тиллар эса шаҳарчага бу ҳодисаларни катталаштириб, уни янада каттароқ қолипга солиб етказди. Баъзилар “Шайх яланғоч чиқиб, болаларни қувлабди” деса, баъзилар “Шайхнинг баданига қутрон ёпишиб қолибди” ёки “Шайх ювинаётиб иссиқ сувда куйиб қолибди”, дейди. Шаҳарчамиз мана шундай ҳақиқатдан анча узоқ миш-мишлар тарқатиш бўйича машхур. Бу ерда баъзиларнинг кирдикорлари-ю, бошқалар тўкиб чиқарган гапларнинг тарқалиши сабаби шаҳарчадаги бекорчиликдан, одамларнинг бўш вақти кўплигидан эди.

Шундай қилиб, Исо бу каби ўч олишларни тайёрлаш юзасидан ўтказиладиган йиғилишлардан четлаштирилди.

Шайхнинг болаларга нисбатан икки хил муносабатни сезганидан сўнг Исонинг зеҳнига келган савол шу бўлди: “Нима учун шайх баъзи болаларга бор ғазабини тўкиб солади-ю, бошқаларнинг худди шундай қилган иши учун индамайди, ҳатто бу иш ҳамманинг олдида юз берганини билса ҳам билмаганга, кўрса ҳам кўрмаганга олади?” У жавобни аввал айтганимиздек, ўзининг кузатувлари орқали топди. Ҳар қандай шўхликлари кечирадиган гуруҳ болалари – бадавлат, таниқли оилалардан, қолганлар эса авом халқдан эди. Ўртадаги фарқ уларнинг ташқи кўринишида, кийимларида ва чўнтақларининг қанчалик қаппайганлигида эканини сезди.

Исо бир ҳақиқатни тушуниб англадики, отаси сўрамасдан уни бир гуруҳдан бошқасига ўтказиб қўйди. У шу гуруҳга ўтишни хоҳлайдими ёки нариги гуруҳда қолишни истайдими, кизиқиб ҳам ўтирмади. Шайх алоҳида эътибор бериб, ғамхўрлик қиладиган, бунинг натижасида бошқалардан даражалари фарқ қилиши билан мақтаниб мутакаббирлик қиладиган, ўзи ёмон кўрадиган бой болалари гуруҳига қўшилганини ҳис қилди. У ўзи қўшилиб қолган шу гуруҳга ва таёқ билан баданига гул солган шайхга нисбатан қалбида жирканч ҳис борлигини билдириши керак эди.

У икки гуруҳ: биринчиси – у ажралиб қолган, лекин яхши кўрадиган гуруҳ ва иккинчиси – у қўшилган, лекин ўзи ёқтирмайдиган гуруҳ ўртасидаги ўзи тушиб қолган вазияти ҳақида фикрлади. Иккинчи гуруҳ болаларининг қилиқларини қилмас, улардан нафратланарди. Шайхнинг тинчлигини бузиш, унинг жиғига тегиш учун ўзининг махсус режасини тузишга, ҳатто ўзи ёлғиз бўлса ҳам бир фронт ташкил этишга қарор қилди.

У бир вақтнинг ўзида ҳам моҳирона, ҳам даҳшатли қасос олиш учун икки енгини шимариб ишга киришди.

Унинг бу фаолияти ҳам шайхнинг, ҳам ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортди. Шайх унга қаттиқроқ туришдан бошқа иложи йўқ эди. Исонинг янги жанг услуги шайхнинг қалбида шак-шубҳа уйғота бошлади, жазоланаётган гуруҳ болаларининг айбсизлигини тасдиқлашга кўнгли мойил бўла бошлади. Исонинг ўйлаб топган ишларидан бири шу эдики, у катта қоғозга кулгили расм чизиб, сурат устига қора чаплаб, масжид эшигига ёпиштириб қўярди. Сурат тагига эса, “Бу Мавлоно Махфузнинг юзи, у бегуноҳ болаларни ноҳақ жазолагани учун жаҳаннам ўтида куйиб кетди” ёки “Биз – жаҳаннам аҳли ҳамкасбимиз ва шеригимиз Махфузни жаҳаннамга қайтарилишини талаб қиламиз, чунки у ер юзида жазоланиш учун етарлича вақт ўтказди”, деган иборалар ёзилган бўларди. Аммо

шайх Иброҳимга нисбатан ўч олиш бутунлай бошқача эди. У, масалан, шайхнинг таёғини ўғирлаб, шира солинган катта идишга ботириб, эртаси куни ҳеч кимга билдирмай қайтариб қўярди. Шайх эса таёғи атрофида пашшалар тўпланиб унга қўнаверганидагина бу шумликни сезар эди. Шунингдек, баъзан Исо таёқни қора рангга ёки хинага бўяб қўяр ва шунга ўхшаш болаларча ишлар қилар эди.

Албатта, шайхнинг жиғига тегувчи ва ғзабини келтирувчи бундай ишларнинг такрорланиши унинг сабр-бардошининг тугашига олиб келиши аниқ эди. Шайх бир куни шўхлик қилаётган гуруҳ болаларини йиғди, унинг ғзаби қайнагани шундоқ кўриниб, аъзойи бадани титраб турарди. У болаларга яланғоч бўлиб ечинишларини буюрди, фақат авратларини тўсиб турувчи кийимларини қолдирди ва уларни хипчин билан савалай кетди. Болалар калтакнинг оғриғига чидолмай, бу ғаламислик ишларида қатнашмаганликларини айтиб қасам ичишар, лекин шайх уларнинг гапига қандоқ қилиб ишонсин, ахир далил-исбот олдида бўлса?!

Шайх болаларни калтаклаб, азоблар экан, Исони ғаройиб бир ҳистуйғу қамраб олди, бу виждон азоби эди.

Шубҳа йўқки, у қалбидаги ана шу ҳис-туйғулари таъсирида ўрnidан туриб, баланд овозда қичқирди: “Устоз, буларнинг ҳеч қайсисининг гуноҳи йўқ... Бу ишни қилган аслида...” Исо гапини тугатиб, жим бўлиб қолгач, ҳамманинг назари унда эканини ҳис қилди, баданидан тер тўкилиб окди. Хижолат бўлганидан аъзойи бадани музлаб кетди. Оёқлари уни кўтариб тура олмаётганини ҳис қилди. Юзи қизарди, пешонасидан тер окди.

Шайх Иброҳим унинг олдига келди, ҳали асаблари жойига тушмаган бўлса-да, у бироз ғзабини босди. У Исонинг елкасига эркалагандай қоқиб, деди: “Баракалла, тоза бола. Сен учун буларни жазодан озод қиламан!”

Бошқа болалар ғудурлай кетдилар, пичир-пичир қилиб, ўзаро изохладилар, кимдир синфдошини вафодор бола деса, кимдир уни ёлғончига чиқарди. Лекин энг сўнгги айtilган гап ҳиссиётини жароҳатлади ва қулоғига мустақкам ўрнашиб қолди, гарчи у ўзини жазога дучор қилиб, ўртоқларини қутқарган бўлса-да, унинг чин дилдан қилган ишига, ростгўйлигига ишонмайдиларми?

Ана шунда у ўртоқларидан узоклашганини ҳақиқатан ҳам ҳис қилди. Гарчи ўзини кўпроқ жазога тортиладиган болалар гуруҳига яқин олса-да, унинг ёлғизлиги юрагига яқин ўша болаларга нисбатан дўстлигидан айирди. У ана шу ёлғизлик шуури билан бўғиладиган даражада дўстларидан ажралиб қолганини ҳис қилди. Бунинг кетидан ўзини қандайдир даҳшатли нарса бўғиб қўяётгандай туюлди. Кейин бундай номаъқул қилиқлардан четлашди-да, уйга равона бўлди, уйда эса унга ҳамдард укаларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Лекин бу узлат унинг иродаси билан бўлдимиди ёки бу узлатга у мажбур қилиндими? Воқеликда, бундай узлатга у мажбур қилинган эди. Буни болаларнинг унга бўлган муносабатидан ҳис қиларди. Аламини укаларидан олар, ўртоқлари олдида қила олмагани – кучини укаларига кўрсатар эди. Укалари унинг олдида йиғлаб, ёлворардилар, шунга қарамай, уларни урар ва шу билан алами таскин топгандай ҳис қиларди. Онаси ёнини олиши, укаларига унинг устидан отасига шикоят қилишга рухсат бермаслиги Исонинг йўлини очиб берарди.

Бироз муддат ўзини мана шундай тутиб юргач, яна бир бор виждони кийнаётганини ҳис қилди. У атрофидагилар ҳеч қандай гуноҳ қилишмаса ҳам ич-ичида кўтариб юрган ёмонликларини уларга тўкиб солаётганини ҳис қилди. У укаларига озор бергани учун тавба қилиб, ибодатга юз тутди, бошқаларга яхши муомалада бўлишга ундайдиган ўзи ёдлаган Қуръон оятларидан тиловат қиладиган бўлди. Онаси билан ихтилофга борадиган баъзи кампирлардан гуноҳкорлар охиратда қандай азобларга дучор бўлиши ҳақида қадимий қиссаларни гапириб беришни илтимос қиларди. Онаси ўглининг хаёли жойида эмаслигини, баъзан тавба қилишини, баъзан хаёлига келган фикрларни тушунтириб бера оладиган одам топа олмаётганини сеза бошлади. Сўнг хаёлини кўп банд этаётган фикрлар Исога таъсир қилиб, оромини ўғирлади, кечалари тинч ухлай олмай қолди, уйкусида бакирадиган ёки йиғлайдиган одат чиқарди.

Онаси унинг юриш-туришидаги ўзгаришни, айниқса, уйда ёлғиз қолишини, ўртоқларига кўшилмаслигини сизди, шекилли, дўстлари уни ўзларига кўшишлари, бирга ўйнашлари учун уларни “пора” билан сийлаш, яъни ширинликлар бериш йўлига ўтди. Исо эса буни билмас эди ва нима учун болалар тез-тез ўзларининг уйига келаётганига, уни бирга ўйнаш учун чақираётганига ҳайрон бўларди. Лекин бир куни болалардан бири сирни очиб қўйди ва унинг олдида деди:

– Эй, Исо, бизга кўпроқ ширинлик беришмаса, сен билан бошқа ўйнамаймиз.

Исо онасига ҳеч нима демади, лекин тенгдошлари унинг қалбини қонатадиган зарба берганини ҳис этиб, улар билан ўйнамай қўйди. Ўша гаплари унинг иззат-нафсига текканини сизди. У барча болалардан янаям қаттиқроқ хафа бўлиб, улардан нафратланди, ҳатто иззатининг топталишига сабаб бўлган ота-онасидан хафа бўлди.

Унинг бутун вужудида аланга олаётган, ёндириб қуйдираётган аламларнинг келиб чиқишида ҳаммалари иштирок этдилар. У кўпинча отаси онасига бакирганида ёки унга зўравонлик қилганида хурсанд бўлар, гўёки отаси ана шу сўкиш билан унинг учун ўч олаётгандай туюларди. Лекин онаси ёлғиз қолиб йиғлаганида, у ўзини тутолмай, дарров волидасига кўшилиб бирга йиғларди. У ўзидан мен бошқача инсонманми, деб сўрарди.

Бу саволга ким жавоб бера олади? Ҳеч ким. Чунки унинг ўзи ҳам шахсиятидаги ғариблик ва мураккабликни тўла ҳис қилолмаётган эди.

Исо ўша “куттаб”да икки йил ўқиди ва шу вақт давомида Қуръонни ёд олди, бир неча марта хатм қилди, лекин хаёлига “мен ғайриоддий инсонманми?” деган савол ёпишиб олган эди.

Унинг хаёлида бошқа кўп саволлар ҳам йўқ эмасди.

Иккинчи боб

Шаҳарча эргалабдан эснар, тонг эса шаҳарча юзини ярақлатиб очаркан, буларнинг барчаси ҳар кимга кўринар эди.

Тонгнинг яшил булутли нам нафаси майда ёмғир сепар ва шаҳарчани худди буғ каби шаффоф ёпинчик билан ўраб оларди. Деворлар бу намликни симиришга мажбур, уларнинг тепалари анчагина ивиб ҳам қолган. Ана шунда улар шимиб олганларини қусгандай лой қатламлари тарзида

кайтириб чиқарар ва бу қатламлар деворлар пойида “сағаначалар” ташкил қилиб, эрталабдан болалар учун ўйин масканига айланади.

Шаҳарча аҳолисининг аксарияти қишда одат бўлиб қолган аёзли совуқдан ўзларини ҳимоя қилиб, қалин кўрпа-тўшаклар ва ёпинчикларга ўранади.

Тошйўл устига топ-топ этиб тушаётган оғир қадамлар овози эшитилади. Сабрсизлик билан шошаётган қадамларга туман орасидан диққат билан назар солсак, уларнинг соҳиби Аммор ҳожи эканлигини кўрамыз. Бу қадамлар шаҳарча узра таралган куёшнинг эндигина чиқаётган тилларанг нурлари борлиқни қоплаб олишидан олдин мусобақалашаётгандай. Офтоб нурлари аввал тепадаги хоналарни уйғотади. Шунда Аммор хожининг назарида энг камида уни иссиқ тўшагидан ажратиб олган, мувозанатдан чиқариб юборувчи жирканч тартибсизлик юз беради.

Аммор хожининг тушларини оғирлаштирувчи тарози бу, шубҳасизки, сотув тарозисидир. Агар Аммор ҳожи эрталабда қувнок қўшиқлар куйлаб ишларига кетаётган ишчиларнинг анчагина қисмини бир ўзи қўлга олмаса, тарозисининг палласи босмаган ва нотабийий ҳол ҳисобланади.

Ана шу ўтиб кетаётганларнинг баъзиларини бошқа савдогарлар ўз томонига тортиб кетишини у эрта турганлигининг ҳақиқага тажовуз деб биларди.

Ва ниҳоят, у ўз дўконига етиб келди. У илон изига ўхшаш қинғирқийшиқ йўлидаги ўйдим-чуқурлар ва баъзи тошларга оёқлари урилиб-қоқилиб, шошиб юрганидан пишиллаб ҳансирарди. Чўнтагидан калит чиқариб, қулфга солди ва дўконнинг эшигини катта қилиб очиб қўйди. Кенг дўконнинг расталарида турли-туман истеъмол моллари тахлаб қўйилган. Катта кўчаниннг бурчагида жойлашган мазкур дўконда моллар учун жой торлик қилгач, у ёнидаги кичикрок дўконни ҳам яқинда қўшиб олган эди. Унда катта дўконларда сотиладиган гуруч, шакар ва ун халталарда қўйилган, бу ерда хурмо, ёғ, тамаки, ширинликлар ва чой каби маҳсулотлар билан бир қаторда, автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари, мой, шиналар ва бошқа нарсалар ҳам бор.

Аммор ҳожи дўконига курсисига ўрнашиб олгач, қўшни дўконлардагилардан олдин келганидан мамнун бўлиб, чуқур нафас олди. Юзида розилик аломати ила табассум зоҳир бўлди. У молларига мамнуният билан назар солиб, бугунги савдоси ўнгидан келишини сўраб дуо қилди.

Дўконга салом бериб кирган мижоз Аммор хожини орзуларидан чалғитди ва тамаки сўради. Дўстимиз талабга лаббай деб жавоб қилиб, дарров харидор қўлига сўраган нарсасини берди. Лекин мижоз бир қути тамакини қўлига олиб, “Ҳожи, менинг ҳисобимга ёзиб қўйинг” дегач, Аммор хожининг юзидаги табассумдан асар ҳам қолмади.

Аммор ҳожи савдосини нақдга эмас, насияга бошлаганидан уф тортиб, ковоғини уйди. Биринчи мижоз билан юзига ёпишган хўмрайиш иккинчи мижоз бир қадоқ хурмо харид қилиб, пештахта устига бир танга ташлаганда йўқолди.

Дўконга кирган кўплаб бошқа харидорлар ўзлари харид қилган нарсаларнинг пулини дарров нақд бердилар. Шундай қилиб, дастлаб хожининг юзида пайдо бўлган тундликдан асар қолмади.

Секин-аста хожининг чеҳрасига яна табассум ёйилди. Дўкон олдидаги харидорларнинг кети узилмас экан, хожининг юзидаги жилмайиш ҳам сўнмади.

Куёш ер юзини нурга тўлдирди, бозорда одамлар сараланиб қолди, ишчилар кетишларидан олдин бошланган олди-сотди бироз сусайди. Аммор хожи иш столи ёнидаги курсига ўтириб, яқин ўтмишни, аниқроқ айтганда, сўнгги уч йилни хаёлидан ўтказди.

Ўшанда унинг кулбасидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди, тўғрироғи, кичкинагина жойи бўлиб, у ерда бир саватда хурмо, пишлок, ширинликлар ва баъзида пишиб ўтиб кетган мевалар сотиб ўтирарди.

Ўша пайтлардаги бозорлар ҳожидек қалби тўла орзу-ният бўлган кишиларга бу ерларда узоқ вақт қолишга имкон бермас эди. Чунки у пайтда ҳожининг вақти пашшаларни ҳайдашу, тарози палласига ёпишган нарсаларни ювишга кетарди. Лекин савдодаги муваффақияти қайнотаси Абдулло ҳожининг савдо-сотикдаги маҳорати ва тажрибаси туфайли қўлга киритилди.

Қайнотаси бўлмиш амакиси уни бу қийинчилик ва касод тубидан олиб чиққанини инкор этмайди. Ўша оғир кунлар ҳаётига шундай аламли таъсир қилган, ҳатто тақдирдан шу қадар нафратлана бошлаган эдики, ҳар бир учраганга ўзининг омадсизлигидан шикоят қилар, лекин унутмаслик керакки, бир дирҳам зарар қилмаган, бир динор фойда қила олмайди.

Қайнотасининг ўзи тижорат ишида кўп зарар кўрди, эҳтимол, шу сабабдан ҳам тирикчилик йўлида курашувчи эркак деб тавсифланадиган комил эркак даражасидан паст бўлиб қолди. У ҳақиқатда дардлар сўриб ташлаган инсон қолдиғига айланиб, ҳозирги ҳолатига тушиб қолди. Ҳаётининг бошланишида жон-жаҳди билан кўп ҳаракат қилди, ғурбат чекди. Ҳиндистонга бир неча бор муваффақиятли сафар қилди. Отчопар майдонига кирди, сўнг шу соҳадаги савдога берилиб кетди. Лекин ўша уринишларнинг натижаси нима билан тугади?..

У охириги сафаридан куч-қувватидан айрилиб, соғлиғи ёмонлашиб қайтди, уйига энг яқин масжидга фарз намозлардан бирини ўқиш учунгина судралиб зўрға чиқар эди. Кўп йўталарди, жуда кўп йўтал тутарди. Бир сафар ана шу йўталишлар оқибатида узун, ингичка ип каби қон тупурди, шундан сўнг доим қон тупура бошлади. Бу дарднинг кучайиб кетишидан кўрқиб, ўша пайтлар шу шаҳарчага келиб қолган асли турк табибга олиб бордилар. Табиб беморни кўздан кечирди, кўкрагига бир қўлини қўйиб, унинг устидан уриб кўрди, бир неча саволлар берди. Шунга қараб, у муайян даво белгиламоқчи бўлиб турган эди, шу пайт Абдулло ҳожини яна йўтал тутиб қолди ва у қон тупурди. Табиб катта қип-қизил бурнини жиёриб, кўпгина тушунарси сўзларни ишлатиб, арабчага тили келишмай деди: “Сенда тадран бор, кўп мева ейиш керак, совуқ жойга сафар қилиш керак”.

Уни кўтариб кирганлар табиб хонасидан чиқдилар ва хайрон бўлиб “тадран” деган сўзни қайтардилар. Уларнинг ҳар бири бу сўзнинг маъносини ўзича тафсир қилишга уринар, лекин эшитганларининг ғаройиблигидан бош силкитиб қўярдилар, бироқ тиллари келмай, кейинчалик уни бузиб айтадиган бўлдилар.

Шаҳарчадаги одамлар бу нотаниш сўзни эшитгач, бўш қолди дегунча ўзларича шарҳлаб тортишар эдилар. Мажлислар қилишди, бу сўз катталашиб, саккизоёққа айланди ва чангалларини ҳар қаёққа ёйди. Тузилган луғатлардан бу тушунарси сўзнинг маъносини излаш ҳеч қандай натижа бермади. Шундан сўнг бир неча ишончли кишилардан иборат вакиллар-

ни барчани кўрқувга солган бу сўзнинг маъносини билиш учун лаънати табиб олдига юборишди.

Улар табибнинг бемор тўла клиникасига бостириб кирдилар ва айнан ўша саволни бериб, ҳар бирлари кулоқларини динг қилиб турдилар.

Табиб бу одамларнинг ҳатто касалликнинг номини ҳам билмасликларидан сиқилиб, бошини бир неча марта силкиди ва деди:

– Мен бошқа дедим, бу ўпка тадрани, яъни тадран. Сен тушунмади. Тадран, дўстим, бу сил, тушунади, сил!

Бу кўрқинчли сўзни эшитган кишиларнинг кулоқлари титраб кетди, кўйлақларининг ёқасини бўшатиб, туф-туф дея бошладилар, Аллоҳдан нажот сўраб, улар ўзларини бу вабонинг шарпасидан ҳам узокроқ қилишни тиладилар.

Ўша окшом бутун шаҳарча мижжа қоқмади. Шаҳарча аҳли кўзларини осмонга қадаб, гуноҳларига тавба қилиб, бу даҳшатли вабони улардан узокроқ қилишини сўраб илтижо қилди.

Агар Абдулло ҳожи ўшанда бироз вақт ўтиб, Шомга сафар қилмаганида ва у ерда икки йил яшамаганида, бу кўрқинчли вабо ҳақида миш-мишлар тугамаган ва бу дард оғзини очиб, ўзини ҳамда энг яқин кишиларини ютиб юборган бўлар эди.

* * *

Хизматкор боланинг дўконга кириб келиши, унинг ҳам дўстона, ҳам маккорона салом бериши Аммор ҳожининг хаёлларини бўлди. Сўнг хизматкор бола тарозиларни ва тарози қўйиладиган жойларни тозалаш ва созлаш билан банд бўлди. У хўжайини учун маълум бўлган гапларни қайтарарди. Хўжайинидан олдинроқ кела олмагани учун узр сўрар, “Аллоҳ фарзандларингизни солиҳ қилсин, эй ҳожи”, деб дуо қилар эди. Ҳожи буни тасдиқларди. “Қизим, Аллоҳ уни солиҳ қилсин, кийимларим дазмол қилинмасдан кийиб чиқишимга рози бўлмайди, гўёки мен дазмол босилган кийимда учиб кетадигандек”. Аммор ҳожи хизматкорнинг бошқа сўзларига эътибор ҳам қилмади. Зотан, бу сўзлар ҳар куни у дўконга кириши билан айтиладиган дебоча эди. Шунинг учун унга, “Эй Сулаймон, иссиқ тўшак сени эртароқ келишингга қўймаган”, дейишдан ортиқ гапирмас эди.

Кейин ҳожи бу гапларни ҳам айтмай қўйди, чунки унинг гапи ҳам хизматчисининг дўконга кириши билан унга айтиладиган дебочага айланиб, ҳеч қандай таъсир қилмай қўйди, бу одатини ўзгартиришга ҳам уннамади.

Аммор ҳожи бироз аввал бўлинган ўйларига қайтди. Улар гўё бахтсиз ўтмишидан бир лавҳа эди. Ҳа, албатта, унинг муваффақияти фақатгина кайнотаси туфайли деб эътироф этиш нотўғри, чунки ўша пайтда кўплаб одамларнинг ҳаётига аламли таъсир қилган бир воқеа юз берди. Бу Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши эди.

Аммор ҳожининг ўзи урушнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг инсониятга таъсири ҳақида умуман ўйламаганини ич-ичида инкор этмайди. Унинг ҳаётни борича қабул қилиши ва бир кун келиб бой бўлиб кетиши ҳақида қўйинини тўлдирган орзулари ўзига алоқаси бўлмаган ишлар ҳақида ўйлашга қўймас эди. Агар шу мавзуда суҳбатлашишга тўғри келиб қолса ҳам, у фақат ўз манфаатлари доирасидан ташқарига чиқмасди.

Унинг эътиборини тортган нарса шу эдики, турли кўринишдаги ва ҳар хил лаҳжаларда сўзлашувчи қавмларнинг шаҳарчада сезиларли равишда кўпайиши маҳаллий аҳолини кўрқув ва шубҳага солиб қўйди. Кейинчалик уларнинг Ҳиндистондан, Африкадан ва ҳаттоки Австралиядан келганликлари маълум бўлди. Улар ҳарбий кийим кийган эдилар. Шунингдек, секин-аста бозордан моллар йўқола бориб, ҳар жойда хусусий шаклдаги обморхоналарга кўча бошлади.

Аммор ҳожи ҳар нарсанинг ўз ҳисобини қилиб қўйган эди. Анави қавмлар шаҳарча четдаги лагерларда жойлашишлари оқибатида бир тоифа пайдо бўлдики, улар контрабандачилар эдилар. Аммор ҳожи ана шу контрабандачилар билан ҳаммага керакли молларни олиб келиш юзасидан келишиб олди. Бу тоифадагиларнинг иши инглиз армияси эҳтиёжлари учун ўрнатилаётган лагерлар ва иншоотларда меҳнат қилиш учун келтирилган ишчилар орасига сукилиб кириш эди.

Сўнг контрабандачилар бозорда тансиқ бўлиб қолган молларни келтириш ҳақида катта офицерлар билан келишиб олардилар. Нархлар эса осмонда. Ҳар қандай нарсанинг нархи шу қадар ошган эдики, ўша пайтдаги халқнинг харид қилиш қувватини эътиборга олиб, бу нархларни очиқ айтиб ҳам бўлмасди. Келгинди ишчиларнинг маоши хаёлий даражада юқори бўлиб, бу одамлар ҳар хил жойлардан келиб, шаҳарчани тўлдириб юборди. Энг қизиғи, шаҳарча аҳолиси дастлаб бу хорижликлар билан ҳамкорлик қилмасликка қарор қилди. Лекин уларнинг бу қарори, лагерлардаги ишни бажариш учун кўплаб ишчилар келиб жойлашганида эсларига ҳам келмади.

Аммор ҳожи булардан ўз йўлида яхши фойдаланди, бозорда нима бўлса, нархидан қатъи назар сотилиб кетар эди.

Шаҳарчанинг ўша пайтдаги урф-одатлари бир неча қадам ортга чекинди. Уларнинг ўрнини секин-аста янги қадриятлар эгаллади. Бу қадриятлар ривожланиб, кўзга яққол ташлана бошлади. Муҳожирлар оиласидан бўлган қиз болага шаҳарча аҳолиси ёмон кўз билан карамайдиган бўлди. Ўша қавмларнинг аёллари иш майдонига кириб, эркаклар қилаётган юмушларни ҳам бажариб, уларнинг ризқини қирқиб, секин-аста сиқиб чиқара бошлади.

Ойлар, йиллар ўтди, бу даврда қийинчилик ва қарама-қаршиликлар ҳукм сурди. Шаҳарча аҳолиси эса фаровонлик неъматларига қулоғига кўмилиб яшаш, айна пайтда янги ҳаёт туфайли аранг тирикчилик ўтказиш, шунингдек, бойлик орттириш имкониятлари ўртасида яшади.

Уруш жаҳаннами ҳали ҳам авжида, алангалари ловуллаб ёнарди. Ўша кун Аммор ҳожининг хотирасида тошга ўйилгандай ўрнашиб қолди.

Шиддатли ёмғир ёғаётган бир қоронғи кечада кучли портлаш юз берди. Ерда зилзила бўлгандай уйларнинг пахса деворларидан ва лойсувок томларидан чангу тўзон кўтарилди. Бу омонат уйларнинг бундай кучли портлашга мослашмагани аён бўлди, аҳоли саросимага тушиб қолди. Чор-атрофда аёлларнинг қичқиргани-ю, болаларнинг йиғиси ва эркакларнинг дуолари эшитилди, улар қиёматга жуда яқин қолганига ишонган эдилар. Портлашдан кейинги ўт очишлар одамлар юрагига янада кўрқув солди. Одамларнинг бир лаҳзада қалтираган тиззалари, шол бўлиб қолган оёқлари уларни уйларнинг томларига ва баландроқ жойларга зилзила ортида нима яширинганини билиш учун етаклади. Улар шаҳарчалари ол-

монларнинг уруш майдонига айланди деб ўйладилар. Ҳатто шундай деб ишондилар ҳам. Бироқ улар бу урушнинг окибатлари, жанглар қанчалик қон тўкишу вайронагарчиликка олиб келиши, шаҳарчани ер юзидан йўқ қилиб юбориши ҳақида асло ўйламадилар. Олмонларнинг баъзи ашаддий тарафдорлари минбар ва мезаналарга чиқиб, ҳаммани таслим бўлиш байроқларини кўтаришга, уларни очиқ-ойдин мустамлакачиликдан озод қилувчи олмонларнинг шаҳарчаларига кириб келишини нишонлаб, ғалаба гулчамбарларини тайёрлашга чақирди.

Аммо бу масалага фақатгина ўз манфаати нуқтаи назаридан қарайдиган Аммор хожи кабилар уйларини ичкарисидан маҳкам беркитиб олди, гўёки бу билан улар ўз ажалларини бир неча соатга бўлса ҳам кечиктирмоқчи эди.

Нигоҳини чор-атрофга тиккан томошабинлар шаҳарчанинг ўт ичида фарқ бўлаётганини, ҳар томонга сочилаётган портловчи моддалар ва снарядларнинг парчалари, улар билан бирга одамларнинг аъзолари шаҳарча атрофини ўраб олган чуқур хандақлар бўйлаб сочилиб кетаётганини кўрди. Улар назарида бу парчалар ўтга ташланаётган қуруқ чўп каби оловни алангалатиш ва шу билан тун қоронғилигини ҳайдаш учун ишлатилаётган эди.

Эрталаб “Қора панжа” миллий жамоасининг хабари тарқалди. Шаҳарча варақаларга тўлдириб ташланди. Варақаларда барчани инглизлар ва уларнинг думларига бойкот эълон қилишга ҳамда онгли, пешқадам одамларни шу жамоа байроғи остида бирлашишга чақирилганди. Чунки улар ўз олдига ватанни мустамлакачи келгиндилардан озод қилишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Айни пайтда одамларни чет элликлар билан ҳамкорлик қилганлардан, бу жамоа аъзоларини фош қилиб, ватанни озод қилишдаги бурчларини бажаришга тўсқинлик қилганлардан қасос олишлари ҳақида огоҳлантирдилар. Аммор хожи ўша машъум кўрқинчли тунни асло унута олмайди. Ўша тунда унинг энг яқин дўсти шайх Рошиднинг ўғли ҳалок бўлди, у шаҳарчада бир гала келгинди ва тор-мор этилган босқинчи қўшиннинг қолдиклари борлиги учун тўланган товон – биринчи қурбон эди.

Аммор хожи кўркувининг ва кўнглидан хотиржамлик кўтарилишининг сабаби биргина шу эмасди. Кимдир унга бу жамоанинг фаолияти молларни контрабанда йўли билан олиб келишга йўл қўймаслиги мумкинлиги ҳақида хабар етказди. Инглиз аскарлари лагерларини химоя қилиш учун кўриқчи хизматчилар сони бир неча баравар кўпайтирилди. Бу эса контрабандачиларнинг қўлини боғлаб қўйди, ҳеч бўлмаганда уларнинг йўлларига тўсқинлик қилди. Энг ёмони, шаҳарчадаги “Қора панжа” миллий жамоаси қўллаётган қурол-аслаҳани қидириб ўтказиладиган тафтиш туфайли у ўз уйи ва ижарага олган бошқа уйларда яшириб қўйган контрабанда моллари қўлга тушмайди деб ким айта олади?!

Шаҳар четидаги баъзи уйларда ҳақиқатан ҳам тафтиш бошлангани ҳақида хабар етиб келганида Аммор ҳожининг юраги товонига тушиб кетди. У қамқохонанинг эшиги очилиб, бугун бўлмаса эртага уни ютиб юбориши мумкинлигини ҳис қилди. Аммор ҳожининг тарвузи қўлтиғидан тушиб, у аниқ белгилари бор моллардан, шу жумладан, уйининг ертўласида яшириб қўйган қурол-аслаҳадан кутулиш ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Улар ертўладан ёзнинг жазирама иссиғида, қуёш заволга келганида ўша

пайтдаги жаҳаннам каби уфуриб турган самум нафасидан бироз бўлса-да, ҳимояланиш учун фойдаланардилар. Лекин қандай қилиб булардан қутулади? Уйини жанг майдонига айлантириб ўт қўйиб юборсинми? Ёки бирортасига берсинми? Қамалиш ёки ҳалок бўлиш хавфи остида буларни оладиган бирор кимсани топиш ақлга сиғадими?

У биринчи марта урушдан нафратланди. Унинг бу нафрат туйғуси урушнинг бутун инсониятга келтирган зарари туфайли эмас, балки ўзининг обрўсига путур етиши сабабли эди. Уйда тафтиш ўтказилган заҳотиёқ ўша қурол-аслаҳалар топилса, албатта анави жамоага мансубликда айблашади. Бу айблов эса, унинг ўйлашича, ҳеч кимни аямайдиган дорга бўйин солиш билан тенг.

У террористик жамиятдан роса нафратланди, чунки уни ана шу жамоа бундай оғир аҳволга солган эди. Энг муаммоли томони шунда эдики, бу жамоадан нафратланишини у очик айта олмасди. Чунки бу жамоа одамларнинг босқинчи қўшинга нафратини мужассамлаштира олганлиги учун ҳам халқ қалбида яхши ном қолдирган эди. Шунинг учун гарчи у ич-ичида уларга нисбатан нафрат ҳис қилса ҳам ўтиришларда уларни тил учида мактар эди.

У кўнглидаги хотиржамлик абадулабад йўқ бўлганини ҳис қилди, катта фойда қилиб ҳазинасида тўплаган бойлиги ўт бўлиб ёниб, роҳатини бузар эди. Ўша тафсилотлар унғача етиб келган тунда у худди чўғ устида ухлагандай бўлди.

Ойдин кеча эди, туннинг тоза нафаси сокин қалбларга хотиржамлик, ўтган ҳодисалар кўрқитган шаҳарчага тинчлик бахш этарди. Ўша ўтган ҳодисалар катта-ю, кичикнинг қалбига кўркув олиб кирган, унинг оқибатида ҳамма ёқда террорчилар жанг олиб борар эди. Аммор ҳожи меҳмонхонасининг тўрида жойлашиб, ўз қалбида барча одамларнинг кўркувини жамлаб ўтирибди. У ўзининг мудроғини қувиш учун катта радиосининг мурватини бураб, бирор радиостанция қидира бошлади. Қайси радиостанция бўлса ҳам уни мана шу тўс-тўполон тегирмонидан олиб чиқса бас. Хаёлида ҳозир бирор радиостанция топади-ю, ундан барча васваса-ю, ваҳималардан қутултирадиган хабар – урушнинг тўхташи ҳақидаги янгиликнинг эълон қилиниши умиди айланарди.

Ўша пайтда вақт эрта эди, меҳмонхонага бундай пайтда йиғилмас эдилар. Меҳмонхонага тўпланадиганлар одатда радиодаги хабарларни эшитишдан олдин хуфтон намозини ўқиб бўлишни афзал кўрардилар. Бу маҳаллада бунақа радио Аммор ҳожидан бошқа ҳеч кимда йўқ эди. Шунинг учун ҳам Аммор ҳожининг олдига унинг радиосини эшитиб кўнглига сел каби оқиб келаётган турли хаёллардан нари бўлиш учунгина келардилар. Қўшниларида бири унинг меҳмонхонасига ҳаллослаб, ҳатто салом ҳам бермай (Аллоҳнинг лаънатиغا учрагур шайтон бу одамнинг эсидан саломлашишни ҳам чиқарди), кириб келди-да, чуқур нафас олиб, жаврай кетди:

– Ҳожи, анави ерда... анави ерда ғариб қавмлар хандақнинг ортида ўрнатган чодирлари ёнида ўт ёқишяпти. Биз билан бирга борасизми?

Ҳожи ниҳоят даражада шошиб, гангиб қолди. Мана шундай изтиробли пайтда ўтирганда аламли хабар олиб келган суҳбатдошини эшитар экан, тили калимага келмай, юзидан кўркуви сезилса-да, бироздан сўнг ўзида гапириш учун куч топди:

– Бориб нимани кўрай? Ҳа, ҳа, бу иш жуда ҳам хатарли. Лекин нима фойдаси бор? Ҳаллослаб келиб, менга шу аҳмоқона хабарни етказасанми? Менга нима? Шаҳарчада юз бераётган ҳодисаларга қарши мен нима ҳам қила олардим? Ёки сен мени ҳукумат деб ҳисоблайсанми? Ёки бу шаҳарча менинг мулким бўлиб қолдими?

Бундай гап эшитишини кутмаган кўшни жавоб берди:

– Лекин сиз маҳалланинг ҳурматли кишиларидан бўлсангиз, гапингизга кулоқ солишади, бу балони баргараф қилиш ўрнига кўлингизни қовуштириб ўтираверасизми?

Кўшнининг, “Гапингизга кулоқ солишади”, деган сўзларини эшитгач, ҳожининг вазоҳати ўзгарди. Аммор ҳожининг ҳукумат амалдорлари орасида таниш-билиши йўқлигини кўшниси ҳам билар эди. Ҳукумат одамлари уни астойдил ёмон кўрардилар, балки ундан нафратланардилар. Чунки ҳожи нафақат улар билан дўст бўлишга уринмаган, балки улар бир неча бор турли муносабатлар билан ўзларининг дўстликларини таклиф қилганларида ҳам қабул қилмаган. Бу дўстликни қабул қилиш ёки қилмасликдаги иккиланиши ўзининг фикри эмас, балки қайнотаси Абдулло ҳожининг насиҳати туфайли эди. У ҳукуматнинг маҳаллий одамлари билан дўстлик туганмас зарарга мубтало қилади, деган. Аммор ҳожи ҳақиқатан ҳам ўша насиҳатга кулоқ солди, қайнотаси айтганидек қилди. Нега энди кўшниси уни масҳара қилиб устидан кулади?

У суҳбатдошига бир қараб, дўқ қилиб гапирди:

– Шу шаҳарча ичидаги бор одамлари билан жаҳаннамга равона бўлсин! Лаънати шаҳарча жонга тегиб кетди. Бу шаҳарча эмас, ташвиш тўла дала бўлди. Бир куни анави аҳмоқлар жамоасининг варақалари тарқатилибди деб хабар топиб келасизлар, кейин яна келиб ёш болага буюргандек шуларга ёрдам беринг дейсизлар, яна бир сафар босқинчи қавм келганлиги ҳақида ҳаллослаб келиб хабар қиласизлар. Нега энди мана шунақа бошоғриқ хабарларни менга етказасизлар? Тўппа-тўғри ҳукуматга боравермайсизларми? Қаерга бораман? Нима учун мен ўзимни ўлимга рўпара қилишим керак? Худо ҳақи, сен йўлингдан адашдинг. Мен наҳс босган шаҳарчанг учун ҳеч нарсага қодир эмасман!

Ҳалиги кишининг ҳафсаласи пир бўлиб, бир неча марта қўл силтаб, меҳмонхонасини тарк этаётганини кўриб ҳожининг фикри тарқаб кетди. У киши чуқур хўрсиниб тилига келганларини айтди:

– Агар шаҳарчанинг улуғлари ўз юртларини ҳимоя қилиш масъулиятидан қочар эканлар, мен суқилиб нима қиламан? Юртдан балони даф қилиш менинг қўлимдан келмаса!

Унинг кўз олдида бундан ўн беш йил олдин келганидаги шаҳарчанинг қиёфаси намоён бўлди.

Ўша пайтда бу ерда фақат кўриниши кўнгилни оздирадиган пахса уйлар бор эди, холос. Энди эса янги бунёд этилаётган, ривожланаётган шаҳарчага айланди, бойлик қидирган ҳар бир киши учун исталган жой бўлиб қолди. Тартиби, тараққиёт суръати билан бошқа жойлардан ажралиб туради, кўчалари асфальт кўрди, йўллари аввалги замондаги каби ўйдим-чуқур эмас, текис бўлди, энг янги нусхада режалаштирилган катта бинолар қад кўтарди. Бу замонавий иморатлар илгари фақат ташқари томони ҳар хил кўримсиз рангларга бўяладиган, худди пардоз-андозни эплай бўлмайдиган ношуд аёл юзини эслатувчи пахса уйларни кўздан пана қилди.

Бу ишлар шаҳарча янги меҳмонлар назарида, илк муҳожирлар назарида эмас, тараққиётни ҳурмат қиладиган, босқинчиликдан қўрқадиган қавмга муносиб кўриниши учун ҳукуматнинг эътибори билан амалга оширилди: уй ва кўчаларга электр олиб келинди. Ўша пайтларгача бундай нарсаларни талаб қилавериб, аҳолининг овози қирилган эди. Шаҳарча марказига тоза сув қувурлари ўтказилди, албатта, унинг кўп қисми икки томон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик самараси сифатида хориждан келтирилган машиналарда олиб келинди. Бир ажойиб воқеа юз берди. Инглизлар, тўғрироғи инглиз қўшинлари сув қувурларини уларгача етказишни талаб қилдилар. Аҳоли шаҳарчадан унча узоқ бўлмаган жойдаги қудуқлардан сув ичиши, қудуққа яқин баъзи сувчилар эшак араваларда сув олиб келиб беришлари ҳақидаги жавобни эшитиб, албатта, буларнинг устидан кулдилар. Улар ҳали ҳам ибтидоий жамоа тузумидаги каби ҳаёт кечирувчи, ейиш-ичиш ва тураржойда ҳайвонлардан фарқ қилмайдиган одамлар борлигини тасаввур ҳам қилмаган эдилар.

У замонларда хуфтон намозидан кейин уйининг остонасини ҳатлаб ўта оладиган одамни шижоатли деб атаса бўларди. У пайтда шаҳарча эл қатори одам яшамайдиган, фақатгина ваҳший ҳайвонлар ва қароқчилар яшовчи қоп-қора ўрмон каби қоронғиликка бурканган эди, шундай кўринарди. Ҳозир эса у ўзининг гуллаётган олтин даврида. Ҳамма ёқда чироклар, гўёки шаҳарча фарзандларидан балоғатга етган бирортасининг тантанали тўйи бўлаётгандай ёритилган. Лекин қоидада айтилганидек, ҳар бир нарсанинг ўз қиймати, нархи бор. Бугунги янги асрнинг қиймати аҳоли ўрганган одатларнинг кўпини ўзгартирди: қиммат кийим киядиган, қимматбаҳо ва энг янги машиналар минадиган, энг чиройли ва сифатли мебеллар харид қиладиган бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси бир қарашда гўё тўсатдан пайдо бўлгандек эди.

Учинчи боб

Исонинг орзулари узра қора булуглар соя солиб, унинг фикру хаёлини камраб олган хурсандчилигини тириклайин кўмди ва уни хаёллар, тушлар қанотида ҳеч қандай чегара ва мезон дош бера олмайдиган одамлар сари улоқтирди.

Куттабдаги ўқиш ва дарс тайёрлашлар кишанидан фақатгина бир ҳафтага озод қилишди. У ана шу бир ҳафта ичида қалбида жўш ураётган орзуларини бўғувчи дарсга асирликдан қочиб узоқроққа кетиши мумкин. Унинг энг яхши кўрган тепалиги Исони яқинроқ боришга, ўзи яшаётган, ранги оқарган ва чанги осмонга ўрлаган ер бағридан узоқроқ бўлиб, устига кўтарилишга чорлайди. Ўша тепаликдан кўз илғайдиган узоқликда умидлари илинжи бўлган ингичка яшил чизик ўтади, уни фақат катта ҳовуз ажратиб турибди. Ҳовуз ичида ўзига ўхшаб адашганларни ютиб юборувчи йирткичлар бор.

Мана шу бир ҳафта ичида у ўзи ёлғиз қолиши учун узоқ кутган фурсатни топа олди, ўша ўзи яхши кўрган тепалик устида хаёлларига эрк бериб, узоқ масофани тез босиб ўтди ва бутун жисми билан мудраган яйлов бағрига, баҳорнинг таралмаган соч ўрамлари устига ёлғиз роҳатланиш учун, ўша ингичка яшил чизик ортидаги ҳаводан тўйиб нафас олиш учун

ўзини отди, ана шу тасаввурлар унинг ақлу хушини ва вужудини ром этган эди.

Ё, Раб, эркинликнинг мана шу каби завқ-шавқ бахшида этишга, хаёлотнинг эса бу каби қасрлар қуришга қудрати бор-а!

Аллоҳ санъаткорга мислсиз хусусият ва бир қудрат ато этганки, бу хусусият ва қудрат унга ҳаёт ҳақиқатидан умидворлик ва офатларидан ўзини ҳимоя қилиш ва узоқ-узоқларга отланишига имкон беради. У ерларда хаёлан тириклик қасрини яратиши учун ижод қилишига кенг йўл очилади. Мазкур қасрни қуриб, уни ўз қони билан қайта озиклантиради. Буюк қудрат соҳиби Аллоҳ Таоло санъаткорга бундай қудрат берар экан, уни шундай улоқтириб ташлайдики, У бу бандасини ҳар қандай балоларни енгиб ўтишга қодир қилади. Бу тушлар унинг вужудини камраб олиб, қўзғолон кўтаришга ва ёмон киёфадаги ҳар қандай нарсаларни рад этишга мажбур қилади. Бу вужуд эса ҳиссиётларга тез бериладиган нозик инсон назарида арзимас, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдек кўринади. Ўз бандаси қалбининг тубларига бу каби қобилият уруғини қадар экан, қудратли Аллоҳнинг ўзи Буюк санъаткордир. У бандасига шундай хислатлар ато этадики, бандаси бор ҳақиқатни ҳазм қилиб, унга янгидан, тамоман бошқача кўриниш бера олади. Бўлмаса, бу шоиртабиат бандасига қаердан бундай ҳиссиётлар келар, у мана шундай ёмонликларга тўла вужудни қандай қабул қила оларди?

Ўз-ўзидан савол туғилади: бу гўзал фикрлар қандай ўқилади, бу машъум ҳақиқатни яхши деб қабул қилиши учун қаердан янги куч олади?

Фикрлар унинг ҳақиқатини акс эттирадимми? Бу ҳақда у ўйламайди. Бутун фикри-зикри Буюк Яратувчи бунёд этган борликни томоша қилиш, ҳар қараганда табиатнинг гўзаллиги ва баркамоллигини ҳис этишда бўлади.

Менинг ўйлашимча, у Яратувчи асл санъати билан барпо этган ўша буюк ложувард куббага маҳлиё бўлади. Бу кубба улкан фазода жойлашган бўлиб, қайноқ туман ичра сузади, унинг ёркин юзларига булутлардан томчилар думалаб тушади, булутлар бу томчиларни кўтариб юришдан энгиллашиб, тез суръатда янгидан томчи тўплаш учун ҳаракатланади. Булутлардан кўзёшлари каби тўқиладиган бу томчилар ернинг чанқок жароҳатларини шифобахш малҳамдек даволайди.

Қуёшнинг ботиши қандай ажойиб манзара! Шафақ ўзининг қонли толаларини итоаткор тепаликлар устига тўқади, бу соялар бокира ер узра тарқалиб, борлик Раббига бўйсуниб, барча инсонларга Яратувчининг буюклиги ва қудратини эслатиб туради.

Исо бутун фикру зикрини ва ўй-хаёлини ўзига ром этган бу манзараларга берилиб кетганига қарамай, ҳали ҳам ғамгин эди. Отаси унга яқинда очилган ҳукумат мактабига ўтиб, ўқишини давом эттиришга тайёргарлик кўришини айтгандан буён қалбида ғамгинлик қатралари кучайди. Бу энди шайх Иброҳим қўлида баъзан маъқул даражада такрорлаш, баъзан оғриқли калтак остида олган дарслари – Қуръон, фикҳ ва бошқа диний дарсларнинг тугаганини, янги мактабга ўтганида ўша болалар билан яна кўпроқ тўқнашишига тўғри келишини билдирар эди. Исо куттабдаги сабоқдошлари каби қаттиқ жазо азобини тортган. Улар билан муомала қилиши уни ёлғиз қолишдан маҳрум қилади. Ёлғизликдагина у ўз фикру хаёлларига эрк берарди.

Исонинг оқарган ёноғига бир томчи қайноқ кўзёши думалаб тушди. У ана шу томчининг озғин юзи бўйлаб кўринадиган чизик бўлиб кафтига оқиб тушишига кўйиб берди. У кафтларини жуфтлаб, кўлини дуога очиб, бошини самога кўтариб, Парвардигорга илтижо қилди:

– Эй, Худо, агар мен Сенга дўзах ўтидан кўрқиб ибодат қилаётган бўлсам, мени жаҳаннам ўтида куйдиргин. Агар мен жаннат учун ибодат қилаётган бўлсам, мени жаннатдан маҳрум қилгин. Ё, Раб, агар мен сенинг муҳаббатинг учун ибодат қилаётган бўлсам, мени азалий жамолингдан маҳрум этма!

Лекин у ҳақиқатан ҳам санъатқорми? Гарчи у санъатқор сифатлари ҳақида ҳеч нарса билмаса-да, қандай қилиб унинг хаёлига бундай фикрлар келди? Санъатқорлар ҳақидаги ўйлари, ҳис-туйғулари, уларга нисбатан буюк муҳаббати, атрофидаги оламга махлиё бўлиб ўзини йўқотиб кўйиши – эҳтимол буларнинг барчаси унинг ўзи моҳияти ёки сабабини тушунмаган туйғулардир. Бу ҳиссиётларнинг сабаби ўқиган баъзи китобларими ёки бу ердаги муҳитининг таъсирими?

Лекин қачонгача бу буюк муҳаббат ва ўз домига тортган бу завқ-шавққа тўла фикрлар хаёлини банд қилади? Бу ўй-хаёллар домига шу қадар фарқ бўлган эди-ки, у ўзини тушуниш ва ҳиссиётларининг сабабини англаш қудратини йўқотаёзган эди.

Исо бу кечинмалар сабаби ҳақида ҳеч нарса билмасди, чунки у диққат бўлиб, ҳайрон қолганча ўсмирлик борлиғидан чиқиб кета олмас эди.

Унинг ўсиб улғайишидаги фикрлаш тарзи отасининг раъйига боғлиқ эди. Юзида ифодаланадиган паришонхотирлик отасини кўпинча безовта қиларди. Аммор хожи эса иши юришган тожир эди. У ҳақиқий эркаклар, бошқа касбларда эмас, фақат мана шу касбдагина қолган деб ўйларди. Эҳтимол, шунинг учун ўз хаёлида чизиб кўйган ўғлининг келажаги учун йўл очишни ўйларди. Исо отасининг уни шу касбга кизиқтириш мақсадида савдогарликни мақташ учун ҳар бир фурсатдан фойдаланишини эслади. Масалан, айтардики: “Эй ўғлим, савдогарга роҳат ва ҳузур бағишловчи нарса унинг ҳалол йўл билан даромад қилиши ва фойда олишидир. Албатта, анча кутгандан сўнг фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлиб шодланишга нима етсин! Унутмагинки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўз китобида: “Бойлик ва фарзандлар бу дунёдаги ҳаётнинг зийнатидир”, деган. Инсон учун ҳар бир нарсани амалга ошира оладиган, унинг учун ўзи хоҳлагандек яшашини таъминлайдиган бойликни қўлида тўплаганини кўришдан севимлироқ зийнат борми?!”

Отаси ўзи айтаётган гапларнинг таъсирини амалда ҳис қилиши учун унга ва укаларига баъзи молларни қаҳвахоналарда сотишлари учун берарди. Бу билан у келажакда улар учун белгилаб берган йўлларига осонлик билан киришлари, келган фойдадан хурсанд бўлиб, ҳаёт қийматини тушунишларини хоҳларди. Исо қўлидаги молларни сотиш учун харидорларни чорлар экан, унинг ингичка овози янги иш бошлагани учун уялиброқ чиқарди:

– Юлдузли гугурт... Люкс тамакилар... Шоҳона тамакилар... Туя сурати бор... Янги... Янги ва аъло навли...

Унинг овози ишлаб пул топиш учун бозорга чиққан бошқа ўқувчи болаларнинг овозига қоришиб кетарди. Бундай ишлар уларнинг ёмон бола-

ларга қўшилиб шўх ва такасалтанг бўлиб қолмасликлари учун ҳам фойдали эди.

Болалар дастлаб иш бошлаганларида кўпинча уялиб, хижолат бўлиб ингичка овозда кичкирадилар. Эҳтимол, қахвахонама-қахвахона юраве-риб чарчаганларидан ҳам бўлса керак. Бозорларда бундай қахвахоналар жуда кўп, ҳар бир кўча шунақа қахвахона ва уларнинг мижозлари билан тўлиб кетган. Болаларни хурсанд қиладигани – улар, албатта, тушган фойдага қараб, ўзлари хоҳлаган, лекин қўллари етмайдиган бирор нарса-ни, масалан, ширинликни харид қилади. Булар одатда ота-оналари олиб беришни рад этган нарсалар бўлади. Болалар бундай нарсаларни қўлга киритишга ишқибоз. Лекин Исонинг отаси уни бир неча марта алдаган, берган ваъдасида турмаган. Отаси келган фойдадан ўзинг хоҳлаган нарсангни сотиб оласан, шунда пешона теринг билан топган ҳалол фойдани қўлга киритганингдан худди узоқ кутилган фарзанд кўрганинг каби хурсанд бўласан, дерди.

Исо отаси ваъдасида турмаганини кўрганидан сўнг ўз хоҳишини амалга ошириш, яъни унинг ёшидаги болаларнинг кўнгли тусаган бирор нима – печенье, ширинлик ёки шунга ўхшаш нарса сотиб олишга сарфлаш учун фойданинг бир қисмини ўзида олиб қолишдан бошқа чора топмади.

Шундай қилиб, орзусини амалга ошириш учун отасига нисбатан ўйлаб топган ҳийласи бошланди ва Исо бунга шу қадар берилиб кетдики, ҳийланинг фош этилиши мумкин эмаслигига ишончи бу ҳақда укаларига айтишигача олиб келди. У укаларига ўзларини маҳрумликдан қутқариш учун худди шундай қилишлари кераклигини уқтирди. Эҳтимол, у мабодо отасидан яширган ва қанча вақт давом этишини билмайдиган ҳийласи фош бўлиб қолса, энг ёмон фаразлардан бири бўлган жазога уларни ҳам шерик қилмоқчи бўлгандир.

Исо бу кашфиётидан бир неча ҳафта фойдаланди. Шу вақт ичида кўрганда оғзининг суви қочадиган нарсаларга бўлган нафсини анчагина қондирди. Бу унинг савдогарлик фаолиятини янада кучайтиришга ва харидорларни баланд-баланд овозда чорлашига далда бўлди.

Агар кичкина укаси Саид акаларининг егуликлари унинг иштаҳасини очиб, сўлагини оқизгани, кейин роса ялинса ҳам акалари уни шерик қилишмаганидан жаҳли чиқмаганида, бу ҳийланинг яна узоқ вақт иш бериши эҳтимоли катта эди. Агар унга ҳам ҳеч бўлмаса бир бўлак ширинлик бериб, шерикликка олишганда, унинг тилини тийишган бўларди.

Саиднинг ялинишлари қор қилмаганч, у билган ва яшириб юрган сирнинг оғирлигидан ўзини халос этишга қарор қилди.

Ўша куни эрталаб уйда дод-вой кўтарилди, айна пайтда оталарини алдаганлари учун оёқлари калтакдан шишиб кетди. Яна уларни кун бўйи уйга қамаб қўйдилар. Улар куни билан оталари мана шунақа жазо учун сақлаб қўйган бамбук таёғи билан уриб қонатган оёқларининг жароҳатларини даволадилар. Ота уларни қамаб қўйган хонага ҳеч ким яқинламаслигини қаттиқ тайинлаган бўлса ҳам, Саид уларга яқин борарди. Фақатгина у сотиш ишларида қатнашмагани учун калтак емади, акалари калтакнинг зарбидан кичкирганларида кулгани учун бир тарсаки еганини ҳисобга олмаса, у жазоланмади. Акалари бамбук таёғининг зарбига чидолмай, оталарини ғазаблантирадиган бундай иш бошқа қайтарилмаслиги ҳақида астойдил қасамлар ичишди. Шунга қарамай,

Саид акалари қамаб қўйилган хонанинг деразасига осилиб чиқиб, уларга сув ва овқат берди, уларнинг бошига келган балонинг сабабчиси ўзи эканлигини унутиб, керакли нарсаларни узатиб турди.

Исо ўша қамалган жойида туриб қуйидагиларни қайтарарди:

– Эй, ота, мени бу севимли дунё ва унинг Буюк Яратувчисининг ажойиботларидан бахраманд бўлишдан, ундан рухий лаззатланишдан махрум қиласизми? Мени бу суронли жанг майдони сари отасизми? Ахир, ўзингиз мени инсон пешона тери ва маҳорати билан бир тийин топса, лаззатланиши кераклигига қизиқтирган эдингиз-ку. Энди сиздан шунча меҳнат ва чарчоқ эвазига таёгингиздан товонимизга тушган калтагу, оёғимизнинг шишларидан бошқа нарса олмаймизми? Мен охирги марта дарсдан кетаётганимда ўзимга-ўзим айтган эдим: “Алвидо, эй, шафқатсиз таёқ! Энди сен менинг гўштимнинг мазасини тотмайсан, жароҳатим қонини сўрмайсан!” Менга берган ваъдаларингиз қани?

Биласизми, ота, бобом Абдулло ҳожи, билмайман қанча вақтдан буён уйда ўтирибди, кичкиналимда унинг ёзув столига чиққанимга эътибор бермаганидек, ҳозир ҳам келаётганимни кўрса пайқамаганга олади. Фақат йўталиб қўйиш билан кифояланади, йўталганида ҳам қийналиб, бўғилиб қолаётгандек йўталади. Бундай ҳолатларда унинг юзлари буришиб, пешонасидан тер оқади. Кўзларининг косасидан чиқиб кетай деб қарашларини кўриб, мен ёнида эканимда ўлиб қолмасин деб кўрқиб кетаман. Менга энг хатарли топширикни буюрмасин деб даҳшатга тушаман. Бироқ бу таҳлика дарров йўқ бўла қолмайди, у яна йўталиб, ғудурлаб ту-пуришга тушади.

Лекин ота, бобомнинг кутубхонасидаги китоблар мени оҳанрабодек ўзига жалб этса нима қилай? Мен у ерда ал-Манфалутий ёки ар-Рофийнинг, аз-Зиёт ёки Тоҳо Хусайннинг асарлари билан ёлғиз қолиш учун ҳар қандай қийинчиликка бардош беришга тайёр эдим. Яширмайманки, ота, мен аждодларим ва уларнинг тарихидан кўра кўпроқ билганимиз Ибн Шаддод жанглари каби тарихий қиссаларни, ёки Сайф ибн Зу Язин, Абу Зайд ал-Ҳилолий ва бошқаларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги хикояларни ўқиганимда бошимда аждаҳодек олов пуркаётган (“Тамаки, юлдузли гугурт, люкс тамаки” каби) қақриқларни унутаман.

Лекин ота, сизни Худо кечирсин, шартга-шартга айтган буйруқларингиз, оғриқли қамчингиз билан мени ёндирасиз, орзуларимни чўчитиб, тарқатасиз, оламдаги ёмонликни кечирувчи, бағрикенглик руҳияти ҳукм сурган хаёлларимни пучга чиқарасиз.

Ота, менинг бу ҳаётдаги ниятим нима эканлигини биласизми? Мен чумчуқ каби эркин, хур яшамоқчиман. Узумларнинг шохлари орасида, меваларидан тотиб, гуллардан ҳидлаб, сайрайдиган куш каби эркин бўлмоқчиман, унинг сайрашига ўлимдан бошқа ҳеч нима халақит бера олмайди, ёки овозини ўчиролмайди.

Шуни билдимки, сиз мени расмий ҳукумат мактабига жойлагунигизча оёқларингиз роса толди. Чунки бизнинг давримизда таниш-билишчилик ҳамма нарса дегани, ҳатто жонсиз олий шаҳодатнома ҳам шу.

Эй, ота, мен буни биламан. Чунки сиз юртнинг расмий катталари билан алоқада бўлмайсиз. Дўконингиз – сизнинг бутун оламингиз. Сиз фақат молларингиз ҳақида ўйлайсиз. Бошқа ҳеч нарсага парво қилмайсиз. Хоҳишингизга қараб, сизни рози қилиш учун мен ҳам ўз интилишларим-

дан қайтдим. Лекин мен тамаки қутисини пачоқладим, гугурт қутисини ёкиб юбордим, энди ҳеч нарса сотмайман. Энди сиз мени Аллоҳнинг кенг неъматларидан маҳрум қилганингиздан сўнг кўчанинг ўртасида ўтириб, Аллоҳнинг яратганларини томоша қиламан.

Лекин, азиз отажон, мен сизга ўзимни сотганим етарли эмасми? Мен сизга эркимни сотдим, орзуларимни сотдим, қаҳвахоналарнинг ейилиб кетган узун ўриндиклари тасвирланган хаёлларимни сотдим. Бу ўриндикларда кун бўйи бекорчилар ўтиради, улар дангасаликдан, агар дангасалик иш бўлса, бошқа иш қилмайди ёки бефойда гап сотади, ўтган-кетганни томоша қилади. Улар кўзлари билан аёлларнинг кийимларини ечинтиради, гўёки ўша кийимлар яшириб турган баданларни биладигандай.

Ота, мен сизга ҳақиқатни айтаман, бир неча марта ўшаларнинг юзига тупургим келди, уларнинг шубҳали ўтиришларини масхара қилмоқчи бўлдим. Лекин ота, биласиз, мен ҳали ёшман. Уларнинг тупуришига ҳам чидайдиган даражада ёшман. Ундан кейин улар менинг доимий мижозларим. Шунинг учун қандай қилиб ҳам сизни, ҳам ўз кўнглимни рози қила оламан?

Ота, мендан нима қилдинг деб сўраманг, мен яна айблов қафасида турмоқчи эмасман. Сиз мени жазолаганингизда устимдан ҳукм чиқариб бўлдингиз. Мен Аллоҳ Таолога илтижо қилиб, бу ердан олиб улоқтиришини, унинг муҳаббати ва малакутининг гўзаллигидан баҳраманд бўлишни истайман, бу менинг ниятим.

Тўртинчи боб

Аммор хожи ўша шовқин-суронли тунда бозорлари гуллаб-яшнаётган яқин шаҳарга кўчиб ўтиш ҳақидаги қарори қатъий бўлгандан сўнг янги дўконнинг тўрида ўтирарди. Бу шаҳарда унинг ҳаётини кўркув исканжага олмайди ва уни хавотир қийнамайди. У анчагина кўнгли тўлган, ўз ишини пухта билган инсон кўзи билан атрофига хотиржам боқарди. Бу ғаройиб шаҳарнинг сирларини кўра билишга бўлган истаги беш ўғлини унинг ёнига яқинлаштирди. Исо бир пайт бу шаҳарни афсонавий шаҳар деб атаган эди. Энди у ўша ном ёнига янги ном “мутақаббир шаҳар” деб қўшиб қўйди. Унинг баланд ва улкан бинолари қуёш нурини тўсишга интилади.

Атрофидаги ҳар бир нарса ўзига оҳанрабодек жалб қиларди ва айни пайтда у бу шаҳар ҳақида хаёлида чизган суратни ўчириб ташлади. Албатта, ўзи билан боғлиқ орзулардан ташқари, чунки у ичида ўзининг қадамлари ахийри Од жаннатига етгандек бахтли эканлигини тақрорларди. Унга айтишларича, ҳар бир сабр қилган инсоннинг орзуларидан бирини Аллоҳ рўёбга чиқаради.

Унинг укалари кўрганларидан ҳайратга тушар, ва албатта, бунга ҳақли эдилар. Уларни аёлларнинг кўриниши кўп ҳайратга соларди. Аёллар ўралмасдан очиқ юрардилар, бундай кўринишларида ҳеч қандай мухташамлик йўқ. Баланд овозда ҳаёт қийинчиликлари ҳақида гапиришар, кетаётиб турмушдаги сир-асрорларини бир-бирига очар, гўёки уларнинг бошқа муҳим ишлари йўқдек. Бундай гапларни Исо ва укалари ўз оналари ҳамда бошқа аёлларнинг бир-бирига пичирлашиб айтаётганларини эслатарди.

* * *

Исо укаларидан бирига пичирлаб, бир кўзини қисиб деди:

– Анави аёлларга боқ, қанчалик қизиқиш билан отамга қарашяпти. Кўряпсанми, улар қандай қилиб бундай қуфия ва иқол кийган, бада-нида шаффоф кўйлак ўралиб турган шу ориқ одам мана бундай катта дўконга эғалик қилади деб ҳайрон бўляпти. Унинг кенг дўконидан у-бу нарсаларни кўлга киритиш учун отамни ўз тузоқларига туширишмоқчи, ўйлаганларининг юздан бирини кўлга киритиш учун ҳам интилишади. Уларнинг эрлари ҳам шунга ҳаракат қилади.

Икковлари оталари сезиб қолмасин деб оғзиларини юмиб кулдилар. Агар сезса, уларни савол-жавобга тутади.

Аммор ҳожининг дўкони кўча марказида жойлашган. Бу қутурган кўчадаги ҳаяжонланган аёлларнинг нигоҳлари ўша дўкон соҳибига қадалган эди. Бу қарашлар бир кишининг улар кўлга кирита олмаган шунча нарса – мол ва мартабага эғалик қилишига ҳасад ва куйиниш каби ёмонликдан холи эмасди. Ундан сўнг нигоҳлар унинг бешта ўғлига қадалди, ўғиллар ишлатилавериш эмирилиб кетган эски ёғоч курсиларда тартиб билан ўтирарди.

Ўтирганларнинг юзлари “Аммор ҳожи ан-Наждий” деб яқинда ёзилган лавҳага бурилгач, аёлларнинг нигоҳлари тез орада сирғалиб бошқа ёқларга қараб кетарди. Баъзилар бу сўзларни бўғинлаб қийинчилик билан ғулдураб, баъзилари хўрсинар ва лабларини ҳасад билан тишлаб кўярди. Тилларида эса, “Наждликлар худди яхудийлар каби, қаерга боришса, ортларидан мол (пул) эргашиб боради”, дердилар.

Аммор ҳожи ўтган-кетганнинг қалбларида тўпланиб, баъзан тилларига кўчадиган аччиқ гапларга эътибор бермай, ўз иши билан банд эди. Унинг ғами дўкон растасига қўйилган чой қутилари қанча эди-ю, қанча қолганлигида бўлиб, у қутиларни қайта-қайта санар, баъзан санаганида унинг ҳисоби аввалгисидан фарқ қиларди, баъзан уч юзта, баъзан кам, баъзан кўп чиқарди. Шунда у кўзларини ишқалаб, аниқ бир сонга келиш учун диққат билан қарарди. Сўнг дўкон ичкарасидаги шифтгача тахлаб қўйилган кўмир солинган қопларни санарди. Аммор ҳожи уларга умид билан тикилар, у ич-ичидаги ниятлари амалга ошишини жуда-жуда истаб такрорларди: “Эй Аллоҳ, кишнинг аёзини шундай совуқ қилгинки, кўлоёқлар музлайдиган бўлсин, ҳаттоки...” Тилининг учидаги иборани тугатмай, қилаётган дуосини тўғри йўсинда айтарди: “Эй Аллоҳ, ёмғирни сероб қилгинки, замин кўплаб ҳосил берсин”. У ҳозиргина тилининг учида турган ва лабларида ғулдираб айтмоқчи бўлган фикрлари учун Аллоҳга илтижо қилиб гуноҳини мағфират қилишини сўрарди. Шундай сўнг кўмир солинган қопларни санамасликка аҳд қилди. Ўз ичида у, “булар тўрт мингта, шубҳасиз, тўрт мингта, баракасини берсин”, деб қўйди.

У кўмирли қоплардан бошқа ёққа қаради ва яқинида гуруч ва шакар солинган қопларни кўрди. Бу қоплар растаси дўконнинг равоғигача етиб борган бўлиб, гўёки булар унинг қоровули ва кўриқчисидек эди. Аммор ҳожи санаса баракаси учади, деб санашдан тўхтади. Хаёлига келган бу фикр уни ўйлантириб қўйди. У тўрт юз идишда ўсимлик ёғи ва яна шунча асални бу дўконига сиғмагани учун бошқа жойда қолдириб келган эди.

Бу молларни сотган тожирнинг ўзи сақлаб бериши учун у кўшимча ҳақ тўлади. Энди у Аллоҳ Таолога астойдил дуо қилиб, бу молларни сақлаш учун тўланадиган ҳақ кутилган фойдани еб қўймасидан олдин харидор юборишни ёки дўконидаги моллар тезроқ сотилишини сўради, шунда ўша молларини тезроқ олиб келади.

Юзида пайдо бўлган ғамгинлик йўқолиши учун секин томоқ кириб, йўталиб қўйди. Бу билан у кўнглидаги хавотирни узоқлаштирмақчи бўлди. У кичкина ўғли Саидга фарзандлари орасида энг кичиги “саноч қокди” бўлганлиги учунми кўп боғланиб қолган. Саид отасининг юзидаги ифодаларга эътибор бериб кузатар, унинг фикрларини тушунишга ҳаракат қиларди. У отасининг дўкондаги молларга диққат билан назар солаётганини кузатди. Аммор ҳожи ўғлининг ўзига ўғринча қараётганини юз таъбиридан сезган кўринади, эътибор қилгандек бир қараб қўйди, гўёки унинг ёшидагилар кенг фикрлар билан яшашини боласига маълум қилаётгандек эди.

Кўнглидаги қаттиққўллиги ўғлига нисбатан адолатсизликдек туюлиб, қарашини бошқача – эркалаш нигоҳи билан алмаштирди ва кўнгли бироз таскин топди. Сўнг келажак ҳақида, бу кичик оиланинг эҳтиёжларини таъминлаш, хусусан бўйнидаги бу бешта ўғлини тўғри йўлга солиш ҳақида ўйлади ва ўз-ўзига савол берди: унинг ишини бу беш ўғилдан қайси бири давом эттираркин?

Бу Исо бўлиши мумкинми? У ўзига қаттиқ, лекин паришонхотир, кўринмас оламга берилиб кетади. Аммор ҳожи ўғли Исо билан ўтирганда унинг мудом сукут сақлашидан ҳайрон қолар, атрофида кечаётган турли воқеа-ҳодисалар асносида ўзини йўқотиб қўйишини сезарди, гўёки у бошқа дунёда яшарди. Иқтидор, уддабуронлик ва топқирлик отасидан ўтган бўлсаям, тижорат маҳорати талаб қиладиган ишларни қабул қилмаслиги сезиларди.

Демак, бу ўғли Жобир бўлиши мумкин. Лекин у шўҳ, қайсар ва товус каби товланади, олдидан ўтган тенгқурларидан бирортасини тинч қўймайди, жиғига тегадиган гап қилиб, уруш-жанжалга чорлайди. Бу ҳам етмагандек, унга кўзини олайтириб қараб, бир ишқал чиқаради, эҳтимол ўз кучини синаб кўриш учун шунақа қилса керак. Агар жанжал чиқса, муштлашишга ҳам киришиб кетаверади. Ўғли Саид эса унга кўпроқ ёпишган, ҳатто уйда ҳам онасига ёки акаларига гапирганида отасига тақлид қилади. Бу эса уни севинтириб, ўғлига нисбатан муҳаббатини орттиради. Қолган икки ўғли – Рошид ва Довуд худди оналари каби ювош, жим юришади, овозлари ҳам уялиброқ чиқади, гўёки бу иккови сирлар қаърига қулоғигача ботган шоирлар, катта ўғли ҳам шундай. Агар у шунақа бўлмаганида, бу иккисини паришонхотирлик ва ҳардамхаёллик ўз домига тортиб кетарди. Турган гапки, у иккиси ҳеч қачон моҳир тижоратчи бўлишга ярамайди дерди, чунки тижоратда гапга чечан, савдолашишга уста бўлиш керак. Қачон табассум қилишни ва қачон жиддий қиёфага кириб рад этишни билиш керак. Бундан суҳбатдош у айтганида турар экан, гапидан қайтмас экан деб тушуниши, лекин кўнгилга ёқадиган биринчи сўзданоқ табассум денгизида эриб, юзида янгидан жилмайиш пайдо қилиши, аввалги қаттиқ туришидан ҳеч бир асар ҳам қолмаслиги керак. Бу – уруш, бу – ҳамма тижоратчилар олиб борадиган ҳалол жанг.

Аммор ҳожи дўконнинг ўртасида ўтирибди, олдидаги кичкина ёзув столи устига сотиладиган моллардан намуналар қўйилган. Кичкина халтачаларда гуруч, ун, ёсмиқ ва бошқа дон маҳсулотларидан намуналар, унинг ёнида консерваланган банкаларда қуюлтирилган сут, пишлок, помидор ва бошқалар.

Фикрлар гирдобидан чиқиб, бозор ҳаракатига назар сола бошлади. Қулоғига нон сотувчининг харидорларни жозибадор ингичка овозда, оҳанг билан чорлаётгани эшитилди:

– Кеп қолинг, эй одамлар, тоза нон, етмиш фоиз тилларанг ундан, Худо ҳақи тилла.

Бошқа бир сотувчи пишлокнинг ҳозиргина қишлоқдан келгани ҳақида жар солади. Яна бири меваларнинг “вазир озиқ-овқатлари” полизидан ҳозиргина узиб келтирилганини айтиб бақариб-чақиради. Аммор ҳожи “озиқ-овқатлар” сўзини эшитганда, ҳукумат томонидан шаҳарларда татбиқ қилинган “карточка” тизимини эслади. Шубҳасиз, бу тижоратчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга рухсат олмасдан савдо қилишларига қарши тўсиқ эди.

Шу фикр хаёлига келаркан, савдо-сотик келишувида ҳозир бўлган даллоллардан бирининг “карточка” низоми чекловларидан шикоят қилганига жавобан пичирлаб айтган гапини эслади: “Эй ҳожи, ғам чекманг, озиқ-овқат назоратчилари чўнтакда...” Ўша даллол шундай деб секингина кулди-да, бармоқлари билан пул санагандай қилиб кўрсатиб бу масалаларни маъқул йўл билан, бошқача қилиб айтганда пора билан ҳал қилиш мумкинлигини шипшитди. Шунинг учун у озиқ-овқат назоратчилари ва ўзи ёмон кўрадиган барча ҳукумат амалдорларини лаънатлади.

Аммор ҳожи ўша даллол билан аввалги келишувини эслади. У катта миқдорда улгуржи сотиб оладиган харидор олиб келишни ваъда қилган эди. У ичида даллолларни лаънатлаб, деди: “Бу ноинсофлар мижоз билан келишаётганда ўзларининг чарчоқлари учун ҳақларини кафолатлаш мақсадида олдиндан аванс тўлашга келишадилар ва улар учун янги ов қидирадилар, уларнинг энг яхшиси ҳам ҳалол сўз деган нарсани билмайди”.

Хаёлига келган бу фикрлар ва ҳиссиётларнинг кескинлигини сал юмшатишни истаб, дўкон атрофидаги мижозларни хушмуомалалик билан қаршилаш учун юзида дарров енгил табассум ифодалаб, ўғлига қараб деди:

– Исо, бу дўконнинг тизими ҳақида нима дейсан? Унинг тартиби ва жойлашган жойи ёқдимми?

Исо отасининг саволига эътибор қилмади. У эртага борадиган янги мактабда нима бўлар экан деган ўйлар билан машғул эди.

Исонинг доимий муаммоси мана шу чехраларда, улар билан учрашиши ва муомала қилишида, албатта бу учрашув ва муомаланинг оқибатини бошидан ўтказди. Лекин тушунади, модомики ўқувчи экан, албатта улар билан учрашишга ва муомала қилишга тўғри келади. Бунинг устига у шаҳардаги энг катта кўчанинги ўртасида жойлашган катта савдо марказига эга бой инсоннинг ўғли.

Исми билан боғлиқ бундай афзалликларни эслаганда юраги ўйнаб кетди, чунки қалбида из қолдирган хотиралар миясига урган эди. Уч йил олдин куттабда ўқиётган пайтида болалар уни ажратиб қўйишувди. Унинг ўшандаги айби бор-йўғи бойнинг боласи эканлиги эди. Бойлик ўқитувчиларни бойларнинг болаларига яхшироқ муомала қилишга, сояларига салом беришга ундайди. Отасининг кафтига пул тўлдириб, шайх Иброҳим билан қўл бериб кўришганининг натижаси нима бўлганини унутадими? У куттабда Қуръонни хатм қилгач, ҳукумат мактабига ўтаётганида ўша имтиёзнинг ҳам кўчиб ўтишидан хавфсираган эди. Лекин у ерда пулдорлар, бойлар ва бошқаларнинг болаларига муомалада фарқ йўқлиги аён бўлди, чунки бу мактабга кира олган ўқувчиларнинг аксарияти казо-казоларнинг ва ўзига тўқ инсонларнинг фарзандлари эди.

Унинг хаёли бугун эрталаб отасининг дўконига кетаётганида юз берган воқеага кўчди. Бу воқеа ўша кичкина шаҳарчада ўтган болалик йилларида қалбига муҳрланиб қолган ҳиссиётларини уйғотиб юборди. Ичида нимадир портлаганини ҳис қилди.

У тийилган тилини лаънатлади, инсоний кўриниш гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, кичқириб юбормаслиги учун қарашларини жиловлаган уятчанлигидан нафратланди. Бу гўзаллик бир неча кун олдин энг охирги егулигини жиғилдонига урган, кўзига шу торкўчадаги ҳар бир тош иштаҳа очувчи таомдек кўринаётган оч инсоннинг ширин туши каби юборилган эди.

Ўша гўзал тимсол унинг яширин нигоҳини ўзига тортди, кўзларини дарров олиб қочди. Шунга қарамай у ўша кун учун етарли озқа олган эди. У борлиқ, самода тез пайдо бўладиган булутлар ҳақида, ёки орзулари унинг узра оҳу воҳдан даво излаб, хилпираб кўтариладиган тепаликлар ҳақида ўйламади. Қарашларида заковат сезилувчи, жисму қомати мрамор ҳайкалдек мутаносиб бу гўзал қандай яратилган? Исо ўзининг нигоҳлари у гўзалнинг ёшлик севинчи билан порлаб турган қора кўзларига тўқнашганда нега кўзини олиб қочди? Ёки у гўзалнинг кўзларида ҳаёт уфуриб турган жамолига интилишга журъат қилганларни яқинлаштирмайдиган электр токи бормиди?

Исо ўша гўзал билан нигоҳлари тўқнашганда унинг кўринишини хаёлида муҳрлаб қолишга миллион марта ҳаракат қилди.

Қиз тахминан ўн олти ёшларда бўлса керак, қомати келишган, ёноқлари тўлишган, юзлари тўлин ой каби эди, қирмизи лабларида гўзал табассум рақсга тушарди, у илк қарашидаяк бу табассум унинг лабларига абадий ёпишиб қолган деб ўйлади.

Қиз оддий кўйлак ва эскироқ абая кийиб олганига қарамай, унга боққанларнинг назарида энг чиройли кийим ва гўзал либосда эди. Тўлқин-тўлқин қўнғир сочларининг ярми елкасига ёйилган, бир қисми эса кўкракларини тўсар, унинг сочлари Исонинг кўзи тушган энг чиройли сурат эди гўё.

Лекин ҳозир ўйласа Исонинг хаёлида ўрнашиб қолгани ўша гўзалнинг тимқора кўзларидаги мафтункорлигу, лабларидаги табассум экан. Исо у гўзал билан учрашишни тасаввур қилишга уринди.

Уни қандай учратади? Дарров бағрига оладими ёки санъат меҳроби олдида турган ошиқ мисол тиз чўқадими?

У драматик қиссаларни яхши кўради, бу қиссалар қаҳрамонларининг сабр-бардошига қойил қолади. Хаёл бўлажак учрашувнинг яна бир лавҳасини кўз олдига келтирди... Лекин қандай қилиб?!

Қизнинг уйи олдида ўзининг худди ҳайкалдек котиб турганини тасаввур қилди. Қизнинг кўзи тушса, учрашиши мумкин.

Устидаги мана шу кир кўйлаги билан-а?

Шубҳасиз, қизнинг зехнида Исо ўзининг эски кўйлагига ўрнашиб қолмаслиги учун дуч келган кўчага қараб қочиб қолади. Шунга қарамай, у ўша пайтда бу гўзал қизнинг сеҳрли кўзларини, ёноқларига қизил югурган буғдойранг юзини яна бир бор кўриш учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Отасининг овози хаёлларини бўлди. Ота саволини яна қайтарди. Кейин ўғлининг одатдагидек хаёли жойида эмаслигини англади. Ўғил хаёллардан оғирлашган бошини кўтарди. Укалари эса ундан хаёли қаерда эканини сўраб, жиғига тегишди.

Юраги жиноят устида қўлга тушган ўғри каби дукиллаб ура бошлади. Икки кўзи отасига қараб турар, юзларига қон югуриб, биринчи марта эркак кишининг қарашларига дуч келган бокира қизнинг ёноқлари каби қизариб кетган эди.

У ўз-ўзига савол берди: “Отам ўша гўзал қиз ҳақидаги хаёлларимни пайқаб қолдимикан?” Наҳотки отаси унинг нима хусусида ўйлаётганини осонлик билан билиб олса? Нега у кўз остидан қараб жилмаяди?

Аммор ҳожи ўғлининг вақти-вақти билан паришонхотир бўлишига қарамасдан ундан хурсанд, бахтиёр. Чунки бу ўғилнинг зехни ўткир. Аммор ҳожи ҳақиқатан ҳам тижорат шон-шараф ва абадийлик йўли деб ҳисоблайди. Ўғлининг шу йўлдан боришини у жуда-жуда истарди. Бунга қарши чикқан зурриёдиннинг исёнини фақат бойлик қайтариши мумкин. Чунки у отасидан мана шу чақноқ кўзларни олган, бу кўзлар эса негандир ота умидлари билан эмас, ўз хаёллари ва оламига ғарқ бўлган. Гўёки фақат жисмигина шу ерда. Лекин бу ўғли ҳаётдаги қийинчиликларга дуч келгач, тўғри йўлга қайтмайди деб ким айта олади? Ота дунёқарашидаги фарқка қарамай тўнғич ўғлини яхши кўради, эҳтимол бир кун келиб у отасини хурсанд қилар.

Аммор ҳожи бир воқеани эслади, ўша ҳодиса ўғлига нисбатан шубҳа билан қарашга, бошида ўрнашиб қолган ножўя фикрлар туфайли унинг келажаги ҳақида ўйлашга мажбур қилган эди. Бу воқеа тахминан бир йиллар илгари юз берди. Ўғиллари билан дастурхон атрофида овқатланиб ўтирарди, ҳаммалари олдиларидаги овқат солинган идишни кавлаш билан овора, худди бирор жойга шошаётгандай идишдан тез-тез лукма олиб оғзиларига солишади.

Овқатларнинг сони ва хили одатдагидан фарқ қилмасди. Катта лаганда гуруч, устида катта-катта гўшт бўлақлари, кичкина косаларда қайла кўшилган шўрва, ёнида хурмо ва бошқа егуликлар. Уруш шарпаси бозордаги кўплаб озиқ-овқатларни ютиб юборган пайтлар. Агар инглизлар ва иттифоқчиларнинг аскарлари туя гўштини еёлмай кўнгиллари айнамаганда, бу чанг босган шаҳарчада гўшт қуриб кетарди.

Дастурхон одатда отанинг хонаси ўртасига солинарди, бу хонада хурмо дарахтининг шохларидан қилинган шолча устига шу дарахтнинг кичикроқ баргларида тўқилган доира шаклидаги дастурхон ёзиларди.

Ҳамма овқатга андармон. Болалар қоринчаларини тўйдириш билан банд эканлар, одобсизлик қилиб оталарининг ғазабига дучор бўлмасликка ҳаракат қиладилар, унинг ғазоби одатда овқатдан маҳрум қилишга олиб келади. Ота шошмасдан қўлидаги лукмани сиқиб, эзгилаб, уни бири-бирига ёпишганидан сўнг, оғзига юборгунча сочилиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилгач, оғзига солади, бунгача у аввалги лукмани чайнашни тугатган бўлади.

Ҳамма олдидаги овқат билан овора экан, кутилмаганда, “Э...” деган ингичка овоз пичирлаб чиқди-ю, шу онда тўхтади. Эҳтимол, сўзлар отилиб чиқишдан олдин томоқда бўғилиб қолди.

Ғазабли нигоҳлар Исога тикилди. Укалари ҳам бирор нима бўлдимикин, деб кўриб унга қарадилар. Бу қарашлар гўёки гўшт бўлагига ёки қатик идишидаги сариёғ қолдиғига боғланган хаёллар ипини узиб юборгандек эди. Ҳамма нонуштани ниҳоялаш учун оталарининг дастурхондан туришини кутаётган эди. Ота эса бу вақтда кафтидаги бир лукма гуручни шошмасдан, хотиржам эзгилаш билан овора бўлиб, ўғлининг овози уни чўчитиб юборди.

Исо ўзининг овози отасининг ўй-хаёлларини тарқатиб юборишдан кўрқди. Укалари олдиларидаги идишларни ковлаб, тагига етай дегандилар, улар катта акаларининг овози оталарининг ғазабини келтириб, бошқаларни овқатдан айиришдан чўчирдилар.

Исо миясига келган фикр бошини сикаётгандай, ундан тезроқ халос бўлиш учун шошиб деди:

– Дада, мен мустамлакачиларга қарши урушга кўнгилли бўлиб боришимга рухсат берасизми?

Бироздан сўнг “армияга” деб қўшиб қўйди. Укалари бу гапга қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар, кулгидан уларнинг кўзлари қисилиб кетди, бу кулги гўёки акаларидан еган калтакларидан баданларида қолдирган излар учун ўч олишга ўхшарди.

Ота ўғлилари ўртасида кўтарилган шовқинни босиш учун томоғини қириб, йўталиб қўйди. Айни пайтда ўғлининг миясига бундай бўлмағур фикрни ким қуйганлигини билмоқчи бўлди.

Уша дақиқаларда Исонинг онаси эрининг ёнида қўйлакнинг сўкилган чокини тикиб ўтирган эди, ўғлининг гапини эшитиб игнани қўйлақдан олди. Унинг кўнглини аччиқ бир ғусса чулғади. Ўғлини қандайдир бир баҳайбат махлуқ кўз олдида ютиб юбормоқчидай туюлди. Қўли қалтираб, бармоғига игна санчилиб қон оқди. У ўғлининг фикрини кийим тикишни бас қилиш билангина рад қилиб қолмай, эрига нима дер экан, деб қаради. Эри албатта ўзини қўллаб-қувватлайди. Шундай бўлса-да, у кўкрагига уриб, кичкириб деди:

– Жинни бўлдингми? Ким айтди сенга ўн саккизга кирган бола кўнгилли бўлиб армияга боради деб? Ёки сенга биз билан яшаш малол келяпти, бизга керак эмассан деб, биров айтдими? Ундан кейин нега бошқаси эмас, айнан сен кўнгилли бўлиб борасан? Бу ерда сендан ташқари кўнгилли бўлишга ҳақдорлар бор, ана кўчани бошида ўтиришдан бошқага ярамайдиган бекорчилар кўп! Ўшалар ҳам эркакми? Тавба қилдим, улар эркакларнинг шарпаси, бурунги замонларда қачон бир эркак киши ўқ овози эшитилса, кўрқиб, сакраб тушган?

Аммор хожи хотинининг кўнглидагини тўкиб солишда давом этишига йўл қўймади. Чунки хотини атрофдаги фуқароларнинг эркаклик мавқеини айблар экан, айниқса уларнинг ўқ товушини эшитиб титрашлари ва уй эшикларини тамбалаб ўтиришлари ҳақида гапирганида, эрига ҳам тегиб кетишига ақли етмади.

Хотини айтган айбловларнинг ўзида пайдо қилган асоратини яширингазаб пардаси билан тўсишга уринди ва ўғлига қараб, жаҳли чиққани сезиладиган даражада хотиржам деди:

– Биласанми, Исо, биз бу ерда меҳмонлармиз. Ҳалиги нима эди? Мустахлакчиликми? Унга бизнинг алоқамиз йўқ. Сен айтгандек бостириб киришга ҳам. Ундан кейин бу ерда ҳукумат бор. Унинг тиш-тирноғигача қуролланган армияси бор. Халқнинг манфаатини ҳукумат биздан кўра яхшироқ биледи. Сен нега баъзи бир адашганларнинг таъсирида бу ернинг ишларига аралашиб кўнгилли бўлиб армияга кетмоқчисан? Албатта, инкор этмайман, бу ернинг ҳаёти сени қизиқтиради. Лекин шунинг ўзигина бу ишларга аралашувингга изн бермайди. Ўз вазифаларимизни ёмон бажарсак, бу ернинг ҳукумати бизни келган жойимизга қайтариб юборишга қодир ёки камида ўз худудидан ташқарига улоқтириб ташлайди. Ўғлим, болаларча ақлсиз режаларинг билан ризқимизни қирқмоқчимисан?

Исо бу гапларнинг бирортасини ҳам тушунмади. Улар бор ҳақиқатни инкор этарди. Укаларининг масхаралаш ва онасининг гаплари ўзидан устун келди. Отасининг сўзлари эса қалбига нашта бўлиб санчилди. Оқибатда ватан чақирғига нисбатан туғилган ҳис-туйғулари ва орзуларини тириклайин кўмди. Отаси олдида ўз фикрини исботлаш учун айтган далил-исботлари ҳам совун кўпигидек шамолга учди. Укаларининг мазах қилгани бир нав. Аммо отасининг маъқул мантиққа асосланган танбеҳи уни бутунлай жиловлаб, эрк сари очилувчи барча эшикларни ёпиб қўйди.

Дарҳақиқат, бу ерда армияга эга бўлган ҳукумат масаласи бор. Зарурат туғилганда Исони чегара ортига улоқтириб ташлай олади. У эса бу ерни ақлдан озадиган даражада севади, одамларини ва осмонини яхши кўради. Шоирона руҳиятдаги барча ҳис-туйғулари мана шу муҳитда тарбияланди. Нима иш ўрганган бўлса, шу ерда ўрганди. Шулар ҳақида ўйларкан, тилини тишлаб, бутунлай мағлуб бўлганини ҳис қилди. Отаси билан юзмаюз туриб гаплашиш учун тайёрлаб қўйган жумлалари овчидан чўчиган қушдай тарқалди. У мана шундай вақтда, яъни овқат пайтида шу мавзуда гап очгани учун ичида ўзини лаънатлаб, қўлини овқатдан тортишдан бошқа чора топмади.

Отасидан дашном егани ва укаларининг мазахларидан қаттиқ оғринди. Бу жароҳатга эса фақат қасос ўтигина малҳам бўлиши мумкин эди. Жумладан, ўзининг мудофаа ва ҳужум чизиқларини барбод қилганлари учун укаларидан ўч олишга ўз-ўзини ишонтира бошлади.

* * *

Ана шу суҳбатдан икки кун ўтиб, Аммор хожи уйга одатдагидан барвақт келди, кела солиб, хотинига бақира кетди:

– Қани, анави бебахтнинг боласи?

Хотини бу ном билан кимни атаётганини тушунмагач, аниқлик киритди:

– Анави эрка ва аҳмоқ, ўзига ҳам, бизга ҳам бошоғрик орттириб юрадиган ўғлинг Исо... Бу лаънати нима қилганини биласанми? Нима десам экан... Ҳамманинг олдида бизни шарманда қилди. Ҳозир Худонинг яратган ҳар бандасининг тилида биз бўлиб қолдик.

Тасаввур қил-чи, у баъзи ёмон ўртоқларига қўшилиб инглизлар лагерига ҳужум қилибди. Биласанми, нега? Лагерларни ўраб турган тиконли симларни олиб ташлаш учун! Улар бу аҳмоқона ишлари билан ўзларича уруш тегирмонини тўхтатмоқчи бўлишган ёки уруш тарозиси палласини ўзлари томонга оғдирмоқчи бўлишган. Бундан ҳам даҳшатлиси, бу жиниликлари билан кифояланмай, бозорларда айланиб юриб, қилган жиноятлари ҳақида худди жангга кириб, ютиб чикқан ғолиблардек фахрланиб, гап тарқатяптилар. Шаҳарча ҳокими чақиртириб, олдимга чопар юборибди. Бу лаънатининг қилғилиғи деб ундан дакки эшитдим. Уларни бу ишдан тўхтатмас эканман, мени қаттиқ жазолашини айтди.

У кафтини кафтига уриб нолий кетди:

– Қани тарбия, қани кечалари бедор бўлиб олган таълимнинг натижаси?! Менинг ўғлим ўғри, жиноятчи бўлса-я?! Эй, одамлар, бунга ким ишонади, кимсан Аммор ҳожининг ўғли насл-насаби бетайин безорилардек дайди бўлса-я! – деб хўрсинди. – Нима қияпти? Ҳар қандай ўғридек ўғирлик қияпти! Нимага? Оч қоляптими? Ўғирликдан бошқа нарса тополмадими? Қани ўзи? Дарҳол топиб келларинг! Қани у?

Исо бу тўфонни титраб қарши олди. Унинг бахтига, тақдирига туширилган тарсаки ва тепкиларни еди. Даҳшатли сўкишларни эшитди. У бундай қаршилиққа дуч келишининг ҳисобини қилмаган экан. Чекиниш йўлида хато қилди, оқибатда шафқатсиз жазога дуч келди.

Яна бир воқеа ғаройиблигида олдингисидан кам эмасди.

Бир неча ой аввал, аниқроғи, Аммор ҳожи шаҳарчадаги барча ишларини тугатиб, кўчиш ҳақида узил-кесил қарорга келишидан олдин бўлди бу воқеа. Уруш, касалликлар, очлик шаҳарчадаги минглаб одамларни ўз домига тортган бир пайт. Бунинг устига форс еридан қочган минглаб ажамийлар тўкилиб кетай деб, нураб турган шаҳарчанинг турли бурчакларидаги эски уйларга қаҳратон қишдан чиқиб олиш учун бошпана излаб ўрнашишди.

Ўшандай кунларнинг бирида Исо дастурхон атрофида ўтириб, отасининг ҳимоясида ботирлик қилиб ўрганган укалари уни яна чақиб олмасликлари учун эшитарли бўлишга ҳаракат қилиб деди:

– Дада, Абдулло амаки совуқдан қалтираб-титраб юрибди. Унинг устига касал. Баъзи кийимларингиздан унга бермайсизми?

Отаси ўғли айтган кишининг исмини яхши эшитмагани учун аниқлаб сўради:

– Қайси амаки?

Исо болаларча бийрон тил билан тутилмасдан деди:

– Абдулло амаки, анави ажамий кўшнимиз. Билмайсизми, дада? У Ватбон ҳожининг хароба кулбасида яшайди.

Аммор ҳожи ўша касал деяётган кўр ажамийга кийим беришни хоҳлаётган ўғлининг юзига қараб ўшқирди:

– Э, қанжиқ итнинг боласи, сен уйимни вайрон қилишдан бошқасига ярамайсан, ҳар куни унга овқат бераётганимиз камми?

Аммор ҳожининг оғзидан гуруч сочилди. У яна қўшимча қилди:

– Сен лаънатининг ўғли, ҳеч қачон мен фахрланадиган ўғил бўлмайсан!
Тур ўрнингдан, бебахт!

Исо ҳафсаласи пир бўлиб, дастурхондан турди. Хаёлида эса уни мас-хара қилаётган укаларининг кулгилари айланарди.

* * *

Аммор ҳожининг хаёлидан ўзи билмаган ҳолда ўша гаплар ўтди. Ўғлидан мана шу каби бузуқ таклифлар чиқишини кутмаган эди.

Исо эса, тупугини тош ютаётгандек, аранг ютди. Отасининг ўғринча қарашидан билдики, бу одамни фикрдан қайтариб бўлмайди. Шунга қарамай, Исо вазиятни юмшатишга мойил жавоб беришга уринди:

– Дада, бу дўкону, ундаги бор нарсалар, Худо хоҳласа, ҳаммамизга қутлуғ бўлсин. Лекин, дада, бу ерда кўмир сотиш нокулайроқ деса-сам қўшиласизми? Кийимларимизни ифлос қилади, бундан ташқари ўпкамизни ҳам ғуборга тўлдириб, йўталтиради, яна...

Аммор ҳожи мағрурланиб табассум қилди. У ўғлининг мана шундай ўзига хос бир гап айтишини кутган эди.

Табассумини яшириб деди:

– Умринг узоқ бўлгур, афанди, сен мана шундай мулоҳазалар ортидан очдан ўлишдан қўрқмайсанми? Ўзинг айтгандай кир-чир, чанглардан нарироқ бўлгин-чи, кейин кўрасан. Айниқса, ҳаётда ўзингдан бошқа ишончли одам топилмаганида, ичгани қатрон ҳам топа олмайсан.

Акасининг гапига Жобир эътироз билдирмоқчи бўлди. Чунки у бугун эрталабдан дўконнинг ёнида жойлашган ошхона эгаси билан яширин шартнома тузишга улгурган эди. Ошпаз бир парча гўшт бўлаги берди. Жобир эса кўмир ўғирлаб келтиради. Бу омадли “келишув”ни эслашга у ҳақли эди. Айниқса, чўғда пиширилаётган кабобнинг хиди хаводан келиб, ҳаммалари ўтирган дўкон ичига кириб, димоғларини қитиқлар ва бир парча гўштни орзуга айлантларди. У тутун билан кирган хиднинг тагига етиш учун шу усталикни ўйлаб топди, хаёлида фурсат топса-ю, ўша ошхона сари чопса...

Аммор ҳожи Исога нисбатан “афанди” сўзини талаффуз қилганида, бешала ўғлига ифринжий (европача) костюм тикиб бериш ҳақида тикувчи билан келишиб кўйганини эслади. Айнан шу костюмлар ўғилларини бошқа талабалар қаторига киритарди, деб ўйларди Аммор ҳожи. У ўрнидан тураётиб, узун кўйлагининг этагини кўтарди, дўкон қоровулига кўрсатмалар бериб, ўғлиларига орқасидан юришга ишора қилди.

Карвон дарвоза сари юрди. Жобир карвондан ажралишга баҳона қидирди. Агар отаси унинг елкасидан туртиб:

– Эй, лаънати, бирорга бола билан уруш чиқаришни ўйлаяпсанми, дейман, қани юр, – демаганида, у ортда қолган бўларди.

Жобир оталари ортидан ҳарбий юриш қилиб кетаётган ака-укалари сафига қўшилишдан ўзга чора топмади. Шунга қарамай, ошхона эшиги ёнидан ўтаётганларида у ердан келаётган хидни мириқиб хидлаш учун қадамини секинлатди.

Шу тобнинг ўзида ҳид аралаш тутунни сўлагига кўшиб ютиб юборди ва кўзлари ёшланиб, қаттиқ йўтал тутди.

Исо укаларига караб қўйиш учун ортига ўтирилди. У отасидан кейин, ака-укалар ичида биринчи бўлиб борарди. Жобирнинг орқада қолаётганини отасига айтди. Отаси карвонни ёриб ўтиб, унинг қулоғидан чўзиб сафга тортди. Жобир эса кўзлари ёшланганча, ҳамон йўталар эди.

Бешинчи боб

Ўша тонгда укаси Саид ўзининг устидаги кўрпани тортиб юборганда Исонинг юраги товонига тушай деди. Саид янги костюмини кийиб, унинг устида рақсга тушар ва акасининг кўрпасини тортиб, “Тур, янги костюмингни кий, отам кутиб турибди. Бечора отамнинг бизникидақа костюми йўқ кийгани”, дерди.

Исо норози бўлиб, бошини хиёл кўтарди. Ўқувчиларга дуч келиш ҳадиги унинг қалбида кўрқув ва ваҳималар ариғини қазирди. Отасининг ёнида борар экан, у гўё ўғлининг хаёлидан ўтаётган фикрларни, ўзи билан ўзи бўлиб қолганини ва ҳаяжонланаётганини сезгандай эди. Шунда ота ўғлининг елкасига эркалатгандай қўлини қўйди-да, деди:

– Ўғлим, эркаклардек юр, ўртоқларинг дарсларда сендан ўзиб кетишолмайди!

Бу эркалаш унинг кўзларидан ёш оқизди... У отасига жавоб берар экан, кўзёшларини ютиб деди:

– Дада, Худо хоҳласа, юзингизни ерга қаратмайман.

Улар мактабга етиб борганларида ўғилнинг ҳаяжонли хиссиётлари очиқ-ойдин юзига тепчиб чиқди. Шунда ота ўғлининг қўлига бир сиқим пул тутказди-да, хайрлашди:

– Худога омонат, ўғлим, бу сенинг мактабинг. Анави лавҳага ёзилганини ўқиб бергин, мен аниқ кўролмаёпман.

Исо овозини чиқариб аниқ қилиб ўқиди:

– Ўғил болалар марказий ўрта мактаби.

Аммор ҳожи мактабга орқасини ўгириб қайтар экан, юзида табассум ёйилди. Бу ғурурланиш ва фахрланиш табассуми эди. Чунки унинг катта ўғли ўрта мактабга кирди. Бу мактаб шу кунгача унга ҳам, ҳатто казозкаларга ҳам насиб қилмаган эди. У тенги авлод бундай янги “неъмат”, яъни ўқиш неъматини нима эканлигини билмай ўтди. У пайтлар илмдан фахрланиш камёб ҳодиса эди. Қўполлик қилиб, хатарларга қарши туриб фахрланишган одамлар. Улар ҳам эртақ ва қиссаларда эди, холос. Фахрланиш, уларнинг назарида, эркакликнинг энг чўққиси – бир қисм мардларнинг қалбида яширинган нодир қаҳрамонлик эди. Ҳақиқий араб шижоат ва мардликдан бошқа бирор нарса билан фахрланмайди.

* * *

Исо мактабнинг катта ҳовлисида аланглаб, тўхтаб қолди. У мактабни бошқача тасаввур қилганди, кўриб тургани хаёлидаги мактабга мутлақо ўхшамас эди. Уни ўзининг биринчи мактабидек тасаввур қилган эди: нураган бино, баланд деворлари ёмғирдан оқиб тушган, ўртада, катта майдоннинг ўртасида қаровсиз боғча, оёқлар остида босилавериш эзилиб кетган гиёҳлар, шохлари синган дарахтлар, ташландиқ уй.

У янги мактабни ҳам худди эски мактабидек, аммо ташки кўринишига бироз эътибор берилган бўлса керак деб ўйлаганди. Бироқ кўзлари бу мухташам бинога тушган лаҳзадаёқ хайратга туша бошлади. Бу ердаги кўм-кўк дарахтларнинг шохларида турли рангдаги қушчалар сайраган, ёнларида эса оналари овқат келтиришини кутаётган полапонлари. Кенг боғ қани? Баландлигидан қуёш нурини тўсадиган улкан деворлар қани? Ҳомиладор аёллардек ўзларидан олдин осилган қоринлари кўринадиган, новча бўйли, тўладан келган жисмлари одамни чўчитувчи австралиялик аскарлар каби қип-қизил юзли кеккайган ўқитувчилар бу ерда ҳам кўринармикан? Ўшаларга ўхшаганларни бу ерда кўрармикан?

Икки қаватли мактаб биноси олдида кенг майдон бўлиб, четлари ёғоч тўсиклар билан ўралган. Булардан ташқари ҳовлига турли кесимдаги ёғочлар ҳам ўрнатилган. Жумладан, бир четда ўрнатилган ёғочнинг тепасидаги темир ҳалқа атрофига кичкина тўр осилган. Бошқа ёғочлар эса бир-биридан унча узок бўлмай, уларнинг орасида оқ ипдан тикилган тўр бор эди. Конуссимон ёғочлар ортига эса катта қора тўр осиб қўйилган. Исо турли шаклда ўрнатилган ёғочлар мажмуасидан шуни тушундики, бу мактабда турли спорт машғулоти бўлар экан. Унинг бироз авзойи ўзгарди, қани энди у ҳам спортга қизиқса. Исони ҳайрон қолдирган ва ажаблантирган нарса мактаб биносининг очиқ қолдирилиши бўлди, чунки бу ўқувчининг истаган пайтда қочиб қолишига имкон берарди. Исо шу ҳолатда қотиб турар экан, хаёлида баъзи хотиралар жонланди. Шу пайт қулоғига жаранглаган электр қўнғироғининг шовқини эшитилди. Бу қўнғироқ ушбу вазифани ўзи хоҳламасдан бажараётгандай эди. Қўнғироқ жаранги тўхтаганда, Исо талабаларнинг тўпланганини кўрди. Улар ҳар ер, ҳар ерда доира шаклида йиғилиб туришарди. Талабалар бир-бирлари билан баҳслашар ва тортишувлардан шовқин кўтарилар эди. Баъзилари икки қаватли бир-биридан ажратиб турувчи равоқ четида ўтириб олишганди. Тошдан қилинган зина тўпланган талабалар учун торлик қилиб, тепаларгача чиқиб кетишган. Шу пайт Исо мактабдаги масъул шахснинг мактабга қабул қилинганлиги ҳақида рақам ёзилган қоғозни кўлига тутқазиб, биринчи “Б” гуруҳи ўқитувчисига учрашини тайинлаганини эслади. Лекин у қандай қилиб бу катта бинодаги юзлаб болалар ичидан керакли гуруҳни топа олади?

У саҳрода адашган кимсадек эси оғиб туриб қолди. Атрофидан ўтаётган талабаларга боқар, уларнинг шовқини секин-аста тош зинага ёки қаттиқ ерга тушаётган қадамларнинг овози остида пасайиб борарди.

Унга ҳеч ким эътибор бермагани жаҳлини чиқарди. Умрида биринчи марта кийган европача костюмини шу тобда отиб юборгиси келди.

У янги кийимга талабаларнинг назари тушишини, костюм ўзига мос келганми ёки номуносибми билишни жуда хоҳларди. Афтидан ўзи каби номуносиб кийим кийган, теварак-атрофга аланглаб қарайдиганлар бу ерда одатий ҳолга ўхшайди. Ким билади, балки бу талабалар илмга чанқоқликдан бошқа ҳеч қандай қуроли бўлмаган мана шундай паст табақалардан ҳам толиби илмлар чиқаётгани учун илмнинг аҳволига ачинаётган ва аза тутаётгандир.

Қўнғироқ чалингандан бироз ўтгач, мактаб ҳовлиси ва равоқлар оралари талабалардан деярли холи бўлиб қолди. Уларнинг шовқини бутунлай тинчиди. Сўнг баъзи ўқитувчилар катта китоб ва кўпгина дафтарларни

қўлтиқлаганча биринчи қаватдаги турли синфларга тарқала бошлашди. Исо яна шу ҳолатни ҳам сездики, ўқитувчилар синф хоналарига киргач, ҳамма ёқ сукунатга чўмди.

Унинг зеҳнини ёнидан бир нечта ўқитувчининг табассум билан оддий одамлардек ўтиб кетгани тортди. Уларда на ўзларидан олдин юрадиган қорин бор, на юзлари қип-қизил. Шунингдек, ҳеч бирининг қўлида учқур таёқ ҳам йўқ. Исонинг кўнгли кўп нарсадан хотиржам тортди. Мана шу бир қарашда арзимас мулоҳазалар ундаги иккиланиш ва қўрқувни аритиб юборди. Ўқитувчилардан бирининг олдига дадил қадам ташлади. Бу ўқитувчининг талабаларга хурмати, уларга ёрдам беришга тайёр экани юз-кўзидан сезилиб турарди. Бу ҳолат Исони йўл кўрсатишини сўраб, ўқитувчига мурожаат этишга рағбатлантирди.

Ўқитувчи унга диққат билан қараб қолди: эҳтимол бу қулоғи ўрганмаган лаҳжани эшитганидандир. Кейин мулойим овоз билан синф хоналаридан бирига ишора қилиб, “мана бу синф” деди. Исо қалбидаги титроқ ҳамон босилмаган бўлса-да, синф хонасига хурсанд қанот қоқиб кирди.

Ўша титроқ – умид титроғи бўлса эҳтимол.

Олтинчи боб

“Э, Худо, мени қандай ҳиссиётлар чулғаб олди?”

Бутун ҳаётим давомида узундан-узок орзулар оғушида яшадим. Бу орзулар мени кўз илгамас уфқлар ва баҳри-муҳитларга отиб юборди. Бу ҳар қандай инсон учун камдан-кам юз берадиган ҳол. Аслида ҳақиқатан ҳам амалга ошиши мумкин бўлмаган лаҳзалар билан яшашни сира ўйламаган эдим”.

Ўша тонгда Исо мактаб сари қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб борар экан, ўзига-ўзи шундай гапириб кетарди.

Ўша тонгда илиқ табассумли, юзларидан нур ёғилган ўқитувчининг рағбати билан қалбида жўш урган умид унинг бутун фикри-зикрини ишғол қилгандан буён ўз ҳиссиётларининг моҳиятини билмас, балки англамас эди.

У хаёл оғушида тижорат дўконларидан бирининг қаршисида тўхтади. Ялтироқ пештахтани юпқа ойна тўсиб турарди. Унинг ортига эса қиммат француз атирлари териб қўйилган. Улардан таралаётган ҳид пештахта ойнасини ҳам ёрай дейди. Кучайиб бораётган жазирама ич-ичини ёндиради ва шундай қичкиради: “Эй, Исо, сен маҳрумсан, азоблангансан. Сенга азоб лаънати етган. Чунки сенинг фикрларинг ва хаёлларинг ҳаётинг қамровидан каттароқ. Бошқаларга насиб этган неъматлар ёнингдан айланиб ҳам ўтмайди. Кулиб боқмайди. Маҳалланинг осмонида пайдо бўлган, тун зулматидаги чакмоқ ярақлаши каби ёритай деган табассум эса ҳамдардликнинг, сенга ўқилган марсиянинг бир кўриниши, холос. Бўлмаса, ўша табассум нега айнан сени ўзига жалб қилади? Чўнтагингда ҳиди димоғини ёраётган француз атирининг бир шишаси у ёқда турсин, томчисига етарли ақча ҳам бўлмаса! Чиройли кўзлар учун уни ҳады қила олмасанг?!”

Уни титроқ босди. Ўша нозик табассум ярақлагандан буён ҳалок бўлаётган юрак янада чуқурроқ шўнғиди, сўйилаётган паррандадек безовталанди. Бу титроқ ҳаётида ўз изини қолдирган хотираларни кўзгади.

Бироқ бу ҳол узок давом этмади. У ҳамма нарсани, ҳатто шаҳардаги янги ҳаётини ҳам унутди. Яқинда танишган учта янги ўртоғини ҳам унутди. Қайбири кўнглига яқинроқ эканлигини аниқ билмаса ҳам, улар билан ул-фатчилик қилишни хоҳларди. У уч ўртоғини эсларкан, бошқа нарсаларни ўйлашдан тўхтади. Ҳар бирининг хислатини, ким қандай фикр юритишини, қандай таассурот қолдирганини аниқлашга уринди ва шу хулосага келди: Исмоил ораларида чуқур фикр юритадиган, узокни кўра биладиган бола. Абдуллонинг баъзи қилиқларида аҳмоқлик бўлса ҳам, у хушмуомала, ҳаракатчан. Абдурахмон эса қалби тоза бола, уни ҳеч ким аҳмоқ деб айблай олмайди.

Бир тақдир, бир ватан боғлаб турган турли характердаги бу ёшлар Исо учун муҳим аҳамият касб этди. У мана шу кичик гуруҳ ичида бўлишдан катта фойда кўрди. Унинг умид ва тажрибалари бир бўҳронда эриб, булоқдаги соқия¹ каби бўлиб қолди, зотан, ҳар иккиси ҳам чанқок ер учун зарур.

Унинг зехнига турли хаёллар келишига қарамай, ўша ифлос кўчанинг бошида портлаган ҳиссиётлари уни ҳали тарк этмаган эди. Ўша лаҳзадан бошлаб унинг назарида ҳамма нарса ўзгарди. Табассум билан бошланган ўша лаҳзага қадар бундай гўзал табассумни кўрмаган эди... Шулар ҳақида ўйларкан, дўконларнинг витриналари назарида одатдагидан ташқари ярқираб, порлаб кетарди. Гўёки ҳаммаси Исони қутлар ва хурсандчилигига табассум билан шерик бўлаётгандек эди. У мана шу бозордан юзлаб марта ўтган бўлса-да, ҳар сафар ҳайратга тушарди. Одамлар ҳам, гарчи уларнинг юзлари таниш эса-да, назарида бахтли ва хурсанд туюларди. Ҳатто уларнинг кийимлари ҳам Исонинг кўзларига хушбичим ва мутаносиб кўриниб кетди. Улар бу кунни худди Миллий байрам каби нишонлаётгандай эдилар. Ҳа, атрофдаги ҳар бир нарса янги либосга бурканганди. Бу унинг келажаги эди. Унда бахт кўшиғи янграб, қалбининг тубида эса янги муҳаббатдан дарак берувчи ҳис-туйғу уйғонган эди. Бу ҳиссиётни шунчаки тавсифлаш қийин. Бу туйғу Исонинг йўлида учраган барча нарсаларни янги алвонларга буркаб кўрсатарди. Шундай қилиб, ўша кунни унинг қалбида бир ўзгариш рўй берди.

Ўша ўзгариш унинг ҳаловатини ўғирлаб, йўлини узок қилди. Эҳтимол, Исо бу йўлни босиб ўтар, лекин у узок ва зерикарли туюлди. Ҳаётини да юз берган бу катта “воқеа”нинг асоратини елкасидан улоқтириш учун у мактабига учиб боришни хоҳларди. Шаҳарнинг икки бўлагини боғлаб турувчи дарё кўприги олдидаги тикилинчда у ўзини босиб олишга уринди. Дарё соҳилида харсангтошлар кўринар, қирғоқдаги тирбандликка қарамай одамларнинг юзларида кулги ўйнардди. Исога келсак, бу “воқеа” унга шундай таъсир қилдики, юзидан табассум аримай қолди. Айни пайтда хурсандлиги юрагига ғулғула солар ва у юришга оёқлари борлиги учун Аллоҳга ҳамдлар айтарди...

* * *

Исо ўз ҳаёти билан яшар экан, ҳеч қачон омад унга бир лаҳза бўлса-да, кулиб боқиши ҳақида ўйламаган эди. Энди эса унга омад нафақат кулиб боқди, балки қаҳқаҳа отди, ўз уммонидан бир қултум эмас, бал-

¹ Соқия – сув куювчи чархпалак. (Таржимон изоҳлари).

ки чўмичлаб олиб ичишга чорлади. Лекин нега? Агар у Руб ал-Холий саҳросида бесамар дайдиб юрилса, омад самодан неъматлар каби мўл-кўл бўлиб ёғилади деган сафсатага ишонганида, бир хилдаги ҳаётига омад бойликлари шариллаб оқади деб кутганида, саробдек туюлган умидларидан бошқа ҳеч нарса унинг кўнглини ололмаган бўларди.

Кекса бувисининг эртақларини қайта-қайта ичида такрорлаб, хаёллари оғушига ғарқ бўлиб, мавжуд оламда ғаройиблиги боис юз бериши мумкин бўлмаган чўпчакларнинг уфқларида сузиб юрганида қаерда эди ўша омад?! Исо чўпчакларнинг навбатдагисини кучли иштиёқ билан кутарди. Ёлғиз қолиб, каравотида чўзилиб эснаб ётаркан, эшитган эртақларидаги рост ва ёлгон воқеалар, ҳайрат ва шубҳа омиллари ўзига тортар, унинг хаёлида ўзаро курашарди. У ўз кўнглида афсонавий қаҳрамон бўлиб қолишни, жасоратидан аёллар ҳайратга тушишини, қилган ишлари тилдан-тилга кўчиб юрадиган мард бўлишни хоҳларди. Тез орада ёришган тонг нурлари пишиб етилмаган бу хаёлларни тарқатиб юборди. Отасининг бомдод намозига чакираётган овозидан уйғониб кетди. Шу онда эътиқод юз кўрсатди. Аллоҳ Таоло бандаси учун хоҳлаганини якка ўзи амалга оширади. У бандасидан солиҳ амалларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун бажаришнигина талаб қилади.

Ўша орзулар меҳробидаги ҳорғин кутиш бу хаёлларни ўз-ўзидан аритиб юборади. Улар ўзи ва орзуларига қарши исёнга айланибгина қолмай, унинг тақдирига қарши курашга шайланади, бу эса унинг фарз намозни ўқишдан қочишида ўз ифодасини топади. Гарчи намозни барибир ўқиса-да, Аллоҳга сидқидилдан бутун ҳиссиётлари билан илтижо қилмайди. Ҳатто тушқунликка тушган бўлса ҳам. Шак-шубҳа гирдобига яқинлашмагунча.

Ҳаёти жуда тўғри йўлдан кетаётган эди. Исонинг ўсмирлигидан бошлаб ўзига сингдирилган таълимотлар доирасидан чиқиши мумкин эмасди. Бу таълимотларнинг барчасида Аллоҳнинг ризолигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиш уқтириларди.

* * *

Ўз ҳаёти доирасида маън этилган кўп ишларни мажбуран қилган шаҳарда Исо қайси чегараларда юриши кераклиги хусусидаги тушунчаларини қайта кўриб чиқиши зарурлигини сизди. У ўзи учун янги йўл топиши мумкинлигини ҳис этди. Бу йўлнинг талабларидан биринчиси – уй асирлигидан озод бўлиш. Қанақасига энди, ахир, унинг тўрт девори ўзининг баҳслашувлари ва зерикарли ҳаётидан қочишга бошпана эмасми?! Исо хурофий эртақлару уларнинг афсонавий қаҳрамонларини рад этиб, Ҳасан заргар, Ситтул-Будур, Қамаруз-Замон каби бошқа қаҳрамонларга тақлид қилишга уриниши керакми? Уларнинг амалига тақлид қилиш мумкинми? Ҳалигача уй остонасидан ҳатлаганда маҳалла болаларига кўринишдан, уларнинг масҳара қилишларидан ва ундан ўзларини четга олишларидан чўчийди. Тушдан кейинги қайлула – ҳордиқ пайти келиши билан безовталаниб сайрга чиқиш ёки чиқмаслик масаласида ўзи билан ўзи баҳслашганларини қандай унутсин? Ўшандай пайтларда бувисининг сеҳрли эшак ҳақидаги эртагини эслаб қоларди. Ўша эшак устидаги юки

билан шаҳар айланиб, ҳам оғзидан, ҳам кетидан ўтли шамол чиқариб, атрофдаги ҳамма нарсани ёқиб, куйдирарди.

Ойдин тунлар ҳам хавф-хатар ва кўрқинчдан холи бўлмасди. Жинлар, Аллоҳнинг ер устида эмас, остида яшайдиган махлуқоти, ёлғиз юрганларни кўрса, рухларини уриб, тунаб кетади. Шаҳарчадаги зулматни ёритишга ойнанинг ёлғиз ўзи етарли эмас. Болалар эса жинлардан доим кўрқади. Уни машхур қабр қиссаси ҳам ўзига асир қилар ва ақлини оларди. Бўлмаса қабрлар қачон илоҳий хоҳиш билан қаср ишчиларига бўйсунган?

Шуларни ўйлаганда у мийғида кулди, бор овози билан қичқириб юборай деди. У хурофот гирдобига ботиб қолган эди. “Эй, одамлар, келинлар, бу ахлат уюмидан халос бўлишимга ёрдам беринлар, мени бу секин ўлим, бўғилиб ўлишдан қутқариб олинглар!” дегиси келди.

Тўсатдан уни бутун атрофга таралаётган жаранлаган овоз уйғотиб юборди:

– Нон истаймиз! Оқ нон истаймиз, қора нон эмас! Монополияни тўхтатинлар, эй, ярамаслар! Қора бозорни йўқотинлар!

Яна бошқа кўплаб овозлар ғала-ғовур кўтарди. Ғазаб тўла минглаб ни-долар эшитилди.

Исо катта майдонда шовқин кўтарган, уни ўраб турган кўчаларни ҳам камраб олган оломоннинг ғала-ғовуридан узоқроқ бўлиш ва ўз фикр-хаёллари билан ёлғиз қолиш учун четга чиқди. У соддалигига бориб, ҳамма нарсани қўлга олиб монополияга айлантирган, одамларнинг эркини бўлган ким, дея ўзига-ўзи савол бермоқчи бўлди. Кўз очиб юмгунча осмонидан нон ёғдириб, ҳамма ёқни тўлдириб юбора олувчи фақат Аллоҳ эмасми? Лекин бу ердаги одамлар шовқин-сурон билан бошқа ҳокимиятга мурожаат қиляптилар. Улар мустабид ва монополиячиларни зарур озик-овқатни омборларда сақлаб қўйганликда айбляптилар. Ахир, ҳамма нарсадан ғолиб келувчи Аллоҳ Таолонинг кучи уларга таъсир қилмайдими?

Бу оломон ўз нидосини Аллоҳ Таолога қаратмайдими? Балоларни бар-тараф қилишни Унинг Ўзидан сўрамайдими?

Ажабланарлиси шу эдики, ўша тўпланганлар, ғазабланганлар ичида гулдеккина ёш қизчалар ҳам бор эди, улар ҳам ўша талабларни баланд овозда қайтарардилар. Исонинг шаҳарчасида, бу шаҳардан атиги бир неча фарсах узоқликда жойлашган маконда қиз боланинг овозини бегона эркаклар эшитиб қолмаслиги учун баланд гапиришига рухсат берилмайдди. Ким шундай қилса, у мажусий ҳисобланади. Лекин Исо яхши биладикки, бу қизлар мажусий эмас, улар ҳам муслималар ёки аксарияти шундай. Дин бундай эркинликни Исонинг шаҳарчаси каби бошқа ерлик аёлларга маън қилгани ҳолда, айнан бу шаҳар аёлларига рухсат этмайди. Балки бунга сабаб шаҳардаги эркакларнинг бошқа кўп тақиқларга қатъий риоя қилиб, бунга эса йўл қўйганларидадир?..

Ўзининг ақидаларидан баъзилари исён даражасида ўзгармаса ҳам бироз заифлашиши керак эди, деган фикр унинг миясига ўрнашиб қолди. Бир куни у миясини айқаш-туйқаш қилиб чайкаган, ақлини ҳайратга солган саволлардан бирини отасига беришга ўзида шижоат топа олди. Шунда отаси бақариб сўқиб берди, бундай нарсалар ҳақида ўйлаш шубҳага олиб келади, бу эса даҳрийликнинг бир кўриниши, дея огоҳлантирди. Онаси эса, бисмилло, деб истиффор айтиб жавоб берди:

– Болам, дин масалаларида Аллоҳ Таоло якка ўзи ҳисоб-китоб қилади. Агар хоҳласа жазолайди, хоҳласа кечиради.

Исо чанкоғини қондирмайдиган бундай жавоблардан ўзини гўё тегирмоннинг икки тоши орасида яшаётгандек ҳис қилди. Энди бу каби фикрларни айтиб юборишдан ўзини сақлади. Шу тариқа кўп саволлари виждон азобида ўлди. Масаланинг янги томони шунда эдики, ўшандай саволни мактабдаги тенгдошларига берганида, улар устидан кулиб, дедилар:

– Сенинг бошингни тўлиқ ювиш керак, миянгга ўрнашиб, пўстлоғигача ёпишиб кетган бундай нарсалардан тозалаш керак. Сен дин ишларини қўй, у бир денгиз, ундан ўтаман десанг, ўтгунингча чўкиб кетасан. Ундан кейин нега сени бундай саволлар чулғаб олди, буларга фақат дин пешволаригина жавоб бера олади. Нима, дин масалаларида аллома бўлмоқчимисан? Агар шундай бўлса, биздан нарироқ юр, чунки биз ўз гуноҳларимиз билан сенинг фикрингни ифлослантирмоқчи эмасмиз. Аллоҳнинг розилигига эришмай, унинг ғазабига учрайсан.

Исо отасининг дўкони олдидаги бир бурчакда ўтириб, қалбига ўрнашиб қолган мана шу масхараомуз гапларни эслар, ҳозир кўриб турганлари орқали ақидасини ва қадриятларини саҳифалагандек бўларди. Унинг олдидан бир тўп қизлар хурсанд, ўзларига маҳлиё, мулойим овозда сўзлашиб ўтдилар. Бу овозлар Исо қалбининг деворларини дуқиллатиб, ундаги орзуларни парча-парча қилиб юборай дерди. Масалан, қани энди қизларнинг бирортаси билан ёлғиз қолса, агар энг улуғ ҳиссиёт, яъни муҳаббатга айланадиган алоқа ришталарини боғлай олмаса ҳам, ҳеч бўлмаса суҳбатга тортса... Агар омади юришиб, улардан бирортаси билан учрашув уюштира олса, доимо орқага тортувчи фикрлар қолоқлиги чангалидан кутулиб кета оладими? Ҳақиқатда эса у мактабга боришда ёки одамлар тўла бозорлардан ўтаётганида бирорта қизга тикилиб қарашга ҳаракат қилмаган. Ҳатто тасодифан унинг назари бирорта қизга тушса, у дарҳол шошиб, хатосини тuzатаётгандай, гўёки жиноят устида қўлга тушган одамдек, ундан назарини олиб қочарди.

Кўшниси Муфида бошқа масала. Исо дераза тирқишидан – хоҳлаган пайтда суриб қўйиш мумкин бўлган эски-юпка парда ортидан у қизга ўғринча қараш учун ҳаракат ҳам қилди, изтиробга ҳам тушди, надомат ҳам қилди. Тўғриси, биринчи мартасида бундай номақбул ишларни қилишни қоралайдиган виждонида ўзини огоҳлантириш ва айблаш ҳисси пайдо бўлди. Лекин кейинчалик у кўзларини жиловлашга ожиз қолди.

Кўзлари кўча бўйлаб айланиб, деразага ўғринча қарашга ҳаракат қилар, ўзини огоҳлантириш ўрнига эса, бу қилаётган иши ҳеч кимга, ҳатто шу қизнинг ўзига ҳам зарари етмайдиган кўнгил очиш деб ишонтирарди. Чунки ўз қалбидаги муҳаббат уммониға қулоғигача ботган бу қизга зарар етадиган бирор иш қилишга қўл уриши маъқулми?

Виждони бу узрга қарши чиқиши керак эди, зотан у қизнинг ифбат пардасини бузаётган, унга ўғринча қараётган эди, лекин у кўп ўтмай ичидидаги бу овозни бўғиб ташлай олди.

Бу одатга ўрганиши кундалик дастурининг кўп жиҳатдан, айниқса, ухлаш вақтининг ўзгаришига олиб келди. Пойлаш амалиёти эрта тонгданок бошланади ва барча одамлар тинчигунича давом этади. Одамлар деганида у албатта кўшнилари, биринчи навбатда, севиклиси Муфидани назарда тутди. Бу масаланинг ажойиб томони шунда эдики, агар қиз оила

аззолари билан бирор қариндош-уруғ ёки таниш-билишларини зиёрат қилгани чиқса ва уйга кеч қайтса, Исо ҳам ухлашга кеч ётарди, у ўрнида илон чакқандай тўлганар ёки ақлдан озгандай дайир, ўз-ўзича қизни уришар, огоҳлантирар, ҳаттоки жазолашга қасам ичарди.

Масала аслида фақат хаёлларга фарқ бўлишдан ортмасди.

* * *

Отаси Исонинг ранги оқарганини ва юзидаги ўзгаришларни сезди. Укалари ҳам хонасига кириб, унинг нима билан бандлигини, яқин-яқинларгача ўзларига азоб беришга одатланган акаларининг бу машғулотдан нима тийганини билишга қизиқардилар.

Ўша афсонавий шаҳарга кўчиб ўтганларига ҳам икки ой бўлди. Бу шаҳар ярим тунда ҳам мижжа қокмайди, фақат бир неча соатгина ҳаракат сийраклашади-ю, лекин бутунлай тўхтамайди, балки бироз камаяди. Бундай пайтларда соқчиларнинг ҳаракати фаоллашади, кўнгироқлар бонг уради, хавфсизлик хизмати ходимларининг хуштаклари чуриллайди, уларнинг оғир қадам товушлари эшитилади.

Демак, бу давр унинг эътиқод қилиб келган кўп тушунчаларини ўзгартириб юборди. У ҳозир ўша тушунчалар ва уларни тортиб турган қолдиқларини тозалаш учун ҳақиқий курашни бошдан кечиряпти. Илм ҳар қандай кучга қарши тура оладиган ягона қуроқ деган эътиқодга ишона бошлади. Аллоҳга йўл энг аввало қалбни худбинликдан тозалаш, руҳни нафрат, ҳасад ва очкўзлик балоларидан поклаш орқали амалга ошишини идрок этди. Ҳаёт баъзиларга истаганларини бериб, бошқаларни неъматлардан қисиб қўймаслигига ишонди. Ҳақиқатда эса кўпинча барча инсонларга бир хил имконият яратиб берилади. Ким ўзининг қобилиятини ишга солиб, ақл-идроқини мустаҳкамласа, ана шу фурсатни юта олади ва барчанинг тилида унинг исми жилоланади.

Исо тирбандликдан аранг халос бўларкан, уф тортди. У кўприк атрофида одамлардан пайдо бўлган қамални ёриб ўтишни бошлаган йўловчиларнинг узун навбатига турди. Кўприкда тўпланган одамлар унинг тўсиғидан энгашиб, дарёга қарар ва қўлларини силкитардилар.

Лекин бу ердаги нарсаларга қизиқиб қарашга Исонинг вақти йўқ. Ундан кейин у отасининг гапига қулоқ соларди. Отаси сенга тааллуқли бўлмаган нарсаларга аралашма деб уқтирарди. Энди у нима қилсин, атрофдаги хурсандчилик унинг зерикашларини парча-парча қилиб юбораётган бўлса?

Дарвоқе, у одамлар тўлкинида оёқлари қанотларга айланиб қолишини, ана шу қанотлари билан мактаби атрофида учишни хоҳларди. Чунки у хали-бери мактабга ета олмайман деб кўрқарди.

Ахийри мактабга ҳам етиб келди ва тўппа-тўғри ўртоқлари йиғиладиган жойга йўл олди. У ерда бирорга ҳам ўртоғини учратмагач, ҳафсаласи пир бўлди. Хафа бўлганидан бошини эгиб, зина томон кетди. Синф хонасига кириб қўлтиқлаб олган китобларини отди, тириклайин кўмилган хурсандчилиги бошини оғритгандай, бу китобларни кўтариб юриш ҳам ортиқчалик қилди. Равоқ деразасига яқинлашди, бошини тирсақларига тираб, дераза тўсиғи орқали кўчадаги мактаб биносига яқин жойлашган

бир қатор уйларга тикила бошлади. Одамларнинг ҳаракатлари ва овозлари бир-бирига қоришиб кетган эди.

Қуёш само қуббаси сари кўтарилиб, борликни ёндирарди. Узоқдан дарё кўлмак бўлиб кўринар, унда баланд иморатларнинг сояси акс этаётгандай туюларди. Одамлар кўприк атрофини ўраб олган эди. Ҳатто бу ерга олиб келувчи асосий йўлга кўшилувчи кўча ва йўлақлар ҳам тирбанд. Ҳамма кўприк атрофида йиғилган. Кимдир кўприкнинг энг тепасидан ўзини пастга қараб отди.

Исонинг қулоғига яна шовқин-сурон чалинди. Бу овозларнинг оҳангида ҳокимиятга нисбатан иғво бўлиб, натижада икки томон ўртасида тўқнашув эҳтимоли кутиларди. Бироз ўтиб кутилган ҳодиса содир бўлди. Исо кўприк атрофида уфқ сукунатини ёриб қарсиллаган ўқ овозларини эшитди. Баъзиларнинг йиқилганини, уларнинг қонга ботганини кўрди. Ярадорларга қарайдиган одам топилмас, жароҳатларидан қон оқишига қарамай, қочиб борардилар. Ташқарида нима бўлаётгани талабаларнинг диққат-эътиборини тортиши турган гап эди. Улар мактабнинг юқори қаватидаги тўсиклар ортида туриб ташқарида юз бераётган ваҳшиёна жангни кузатардилар. Ғазаб тўла сўзлар айтишар, баъзилари жанг майдони сари отилиш кераклиги ҳақида ўзига-ўзи гапирарди.

Мактаб раҳбарияти агар талабалар жанг майдонига тикилиб тураверса, нима юз бериши мумкинлигини олдиндан кўра билди, шекилли, мактаб назоратчисини хонадан чиқаришди, ўқитувчилар унга эргашди. Назоратчи қони юзига тепчиб, қизариб кетган бир ҳолда талабаларнинг синфларига киришларини талаб қилди. Чунки синфга киришга кўнғирок бир неча марта чалинган бўлса ҳам ҳеч ким унга эътибор бермаётганди.

Исонинг хурсандчилиги ҳовур мисол осмонга учиб, мотамга айланаётганди. У бошини қуйи солганча, бошқалар каби синф хонасига равона бўлди. Ҳамманинг кайфияти тушган, оёқларини зўрға судраб синф хоналарига кирдилар. Исо синфга кирганида ҳам хаёлида мингта фикр, боши ёрилиб кетай дерди. Дўсти Абдуллонинг узоқдан келаётганини кўрди, у жазирама иссиқда қолган итдек ҳансирарди. Ранги оқариб, кўзлари олайган, ҳозиргина кўрганларидан юраги дукиллаб урар, айникса, уфқни ларзага солган отишма овозидан тўпланганлар дуч келган томонга қочгани, ён томондаги кўча ва уйлардан бошпана қидиргани хаёлидан кетмасди. Шунга қарамай, Исо дўстининг кайфиятини кўтармоқчи, диққатини бўлиб ўтган воқеалардан чалғитмоқчидек сўзлади:

– Абдулло, бугун мўъжиза юз берди.

– Бу мўъжиза эмас, оғайни. Бу – қирғин, – дея аламини яширмай жавоб берди Абдулло.

Исо дўстининг гапидан ноқулай аҳволга тушди. Лекин барибир нима демоқчи бўлганини тушунтиришга уриниб, сўзида давом этди:

– Мен ўзимга алоқаси йўқ қирғинни назарда тутганим йўқ, муҳаббатимдаги янгиликни назарда тутяпман. У қиз менга табассум қилди. Сўнг мендан мактабгача кузатиб қўйишимни сўради. Унинг мактабгача!

Абдулло унга маломат ва заҳархандалик билан қараб деди:

– Нима сен фақат ҳиссиётлардан иборатмисан? Оғайни, атрофинга қара, яраланган ва ҳалок бўлганларни кўрмайсанми? – Улар анави ҳайвонларнинг ўқларидан куздаги дарахт баргларидек тўкилди. Бу

хайвонлар нафақат қон тўқадилар, уларда на виждон, на бошқаларга нисбатан инсонийлик ҳисси бор. Сен ўз жонингни қутқариб четга чиққанинг етарли эмасми? Аёллар қаҳрамонларча жанг олиб бордилар, сен бўлсанг энди келиб, бундай қаҳрамонликни, жангнинг муқаддаслигини четга суриб, ўзингнинг хаёлларингу бемаъни ишларингни гапирасан.

Сўзлар Абдуллонинг оғзида ғазабдан тикилиб қолар, у эса ўз гаплари билан қалбининг четларини қон бўлиб доғлаётган жароҳатларини енгиллаштирмоқчи бўларди. Абдулло сўзини тугатиб, дўстига қаради. Дўстидан эшитган даккиси Исони худди чакмоқ ургандек ҳолатга солиб, кўркувдан нима деярини билмасди. Унга раҳми келди, надомат қилай деб, ёки ўзидан ўтгани учун узр сўрамоқчи бўлди. Қани энди жангнинг ваҳшийлигини, ҳақиқий ватанпарварлик йўлида йиқилган, бағрини ўкка ва террорга тутган ярадорларни тасаввур қилмаганида, у айтганларини ҳар қандай сўз билан тузатишга рози эди. Сўнг у дўстидан нари кетаркан, хаёлида ҳамон эшитилиб турган акс садоларга қулоқ тутди.

Исо синф хонасининг бир четига ўтиб, ўзи ёлғиз қолди, юзига отилган ва қалбида шафқатсиз алангаланаётган маломатларнинг асоратини ҳазм қила бошлади. Унинг ичида кўтарилган исён у аввал ўрганмаган даражада кучли эди. Бу эҳтимол, бугун эрта тонгдан бутун вужудини тўлиб-тоширган бахти туфайлидир. Воқеалар эса бу саодат изларини ювиб юборди ва унинг қалбини кўз теккан жисмдек парча-парча қилди. Эҳтимол, хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан узилган ўқлардан ҳалок бўлган ва жароҳат олганлар орасидаги дўсти Исмоил каби нобуд бўлган талабалар ҳақида эшитганидан сўнг унинг фикрлашида янги бурилиш бўлар. Дўсти Исмоил қурбонларнинг бири эканлигини Абдуллонинг сўзларидан тушунди. Исо қалбида жўш ураётган исённинг манбаи қаерда эканини ёки юраги нимадан сиқилаётганини билмасди. Билгани, фақат дўсти Абдуллонинг ҳужумини юксак спорт мусобақасидаги рақобат руҳи билан қабул қилди. Бироздан сўнг эса ичида нимадир узилгандай бўлди. Исо бир-бирига зид ва беқарор ҳиссиётлар курашини бошидан кечирарди. Ўша куни мактабда белгиланган дарслар бўлмади, ўқувчиларни намойишда иштирок этмасликлари учун мактабда ушлаб туришди.

Исо чарчаган оёқларини зўрға босиб, йўловчилардан бўшаб, хувиллаб қолган кўчалардан судралиб қадам ташларди. Катта қийинчилик билан ўзи яшайдиган маҳаллага етиб келганида, уни куч-қувват тарк этган, ўзини таҳқирлангандек ҳис қиларди.

Кўшниси Али афандининг уйи, яъни маҳбубасининг уйи яқинида аёллар тўпланиб туришганини кўрди. Нима юз берганини билиш мақсадида қадамини секинлатди, бу йиғиннинг сабабини билиш учун ўнгга, чапга аланглади. Тўпланган аёллардан бири Исонинг нима бўлганини билмай ҳайрон бўлиб турганига эътибор берди ва қутилмаган хабарни чакиндек етказди, у гапирганида сохта кўзёши ёноғида қотиб қолганди:

– Эшитмадингми, Фуад ярадор бўлибди. Али афандининг ўғли Фуад ярадор бўлибди.

Йиғи овози ва ғала-ғовур қулоғини йиртиб юбораёзди. Бу Муфиданинг йиғисими? Исо қичқириб юборай дер, кийимини тилка-пора қилишга тайёр эди. Кўзёшлари бирданига ёмғирдек тўкилди. Вужудини ич-ичидан исён чулғаб олган эди, эндигина босилган олови яна янгидан алангаланди, нохуш ҳиссиётлар қалбининг ришталарини парча-парча қилди.

Тўсатдан Муфида уй эшиги олдига бутун қомати билан тик келди. Исо сўзлари унга етиб боришини, икки қўли билан уни бағрига босиб, оқаётган кўзёшларини бўсалари билан ювишни хоҳлади. Исо Муфидага боқиб, юзини гўё силаётгандек ҳис қилар экан, ундаги ўзгариш Исо-ни қўрқитиб юборди. Бу ўша тонгда ёнида турган қиз эмасди. Сочлари тўзиган, ложувард кўзлари эса киртайган, юзларига катта мусибат ўз муҳрини босган, ранги оқарган, гўёки оғир касалликдан ҳали соғайиб кетмагандек эди. Исо қизга узоқ қараб турди, унинг мусибатига шерик бўлишни хоҳлади, бироқ қиз унга қарамади. Кўзлари бир-бирига тушганида, гўёки уни танимагандек тескари ўтирилди. Йиғидан тўхтамас, сочларини юлар, нигоҳлари эса бир нуқтада турмасди.

Исо юракни ларзага соладиган бу манзарага тек қараб туролмади. Кўзидан ёшлар дув тўкилди. Юзини китоблари билан беркитди. Аёлларнинг орасидан ёриб чиқиб кетишга чоғланди, чор тарафда йиғи овози... У оломон ичидан гўё ўзининг бахтига зомин бўлган душман сари интилаётган аскардек шиддат билан узилди. Уйга киргач, китобларини бор кучи билан жуда узоқларга отди. Шундагина у ўзида бироз роҳат хис қилди. Тезда зинадан кўтарилиб, хонасига кирди. Ўзини ўрнига отаркан, худди душмандан омонлик тилагандай сездди. Юраги қон бўлиб, титрарди. Эҳтимол бу – янги ўзгариш титроғидир.

(Давоми келгуси сонда)





Ойсулув АХАН қизи

ОҚҚУШЛАР АРМОНИ

Қисса¹

Қозоқ тилидан
Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғли
таржимаси

7. БОВУРЖОН ОТА БЎЛДИ

Ойнурнинг Бовуржонлар хонадонидаги турмуши ана шу тарзда бошланди. Бир куни у эрига яқинда фарзандли бўлишларини айтиб, Бовуржонга бир олам кувонч ва ғурур бағишлади. Шу кундан эътиборан у Ойнурга аввалгидан ҳам қаттиқроқ боғланиб, аввалгидан ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолди. Ўғлини хотинининг атрофида парвонага айланиб қолаётганидан гаши келган Сарахон опа ўзича нолиб:

– Э, итнинг боласи! – деб юборди. – Бу бола намунча хотинпарвар чиқиб қолди! Тунов кунги айтган гапларимнинг бирортаси ҳам қулоғига кирмабди-я! Бола деганиям шунчалик қулоқсиз бўладими? – деб ғижинди.

Энди у бор аламини келинидан олмоқчи бўлиб, унга фақат ғазабини сочади, “ўтирса ўпок, турса сўпок” деявериб, кун бермай қўйди.

*Энг аввал сени қайин онанг синар, –
Эмандай бўл, синовга эман чидар.
Ёш келинга қаттиқроқ қарагани –
Бир чийратиб олайин деган чиқар.*

Ойнур ўзи севиб тинглайдиган мана шу қўшиқ сатрларини ичдан тақрорлаб, қайнонасининг тажовузкорлигини кўтараверди. “Мана шу онамга ёқайин”, деб эрта туриб, кеч ётса-да, уйнинг ич-ташини саранжом-саришта тутса-да, ейдиганини айтган пайтида пишириб, олдига қўйса-да, ўқимаган Сарахон опа барибир қилдан қийик топиб, ўқиган келинини кесатиб-масхара қиладиган одат чиқарди. Тез юрса – елоёқ, секин юрса – зилтовон деди. Ҳатто бир-икки марта: “Мақтабингдаги сен ўқитадиган болаларга ачинаман, улар сен индамасга қандай чидаркан-а?” деб чақиб-чақиб олди.

Бовуржоннинг иши ўта масъулиятли бўлгани учун, кейинги пайтларда кўпинча уйга ҳориб-толиб, кеч келарди. Шундоқ ҳам табиатан камгап

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

бўлган Ойнур ишдан чарчаб келган эрига уйдаги майда-чуйда гапларни айтиб, бошини қотиришни истамасди.

У ой-куни яқинлашгани сайин оёғи оғирлашиб, ўтириб-туришга ҳам қийналиб, аввалгидай югуриб-елиб хизмат қилишга ярамай қолди. Ўша куни боши айланиб, хонасига кириб, жиндай ётиб, ўзига келиш учун эндигина диванга чўзилган ҳам эдики, эшик шарт очилиб, остонада қовоқ-тумшуғи осилган қайнонаси пайдо бўлди.

– Ҳой! Сен нимага ўзингни уйга ураверасан?! – деб у қахрли овозда ўшқирди. – Ястаниб ётиб, мени хизматкор қилмоқчимидинг? Нима, сен менга кун туғиб берармидинг? Элда-юртда юкли бўлган фақат бир сенми?! Ҳаммамиз ҳам бола кўтарганмиз. Эй! “Эшик кўрган дипломли арзанда!” Чақмоқдай ўғлимга “эшик кўрган”ни эмас, бешик кўрганни олиб берсам бўлмасмиди?! Тур, онангникига бориб ёт. Мен сенинг хизматингни қилишга ярамайман. Сен жодугар, боламнинг бошини айлантириб тегиб олдинг! Қандай бало хунарларинг бор экан-а, Худо билади!

Аввалига бу гапдан Ойнурнинг бошига муздай сув куйгандай сесканиб тушган бўлса-да, сал ўтиб қаттиқ ботди. Кўзлари юмилиб, кафтлари билан ёнокларини ушлаган кўйи серрайиб туриб қолди. Мана шундай, бўлар-бўлмасга уриш-жанжал чиқариб, уй ичини ағдар-тўнтар қиладиган қайнонасининг аччиқ тилига кўникиб кетгани билан манов айтилган сўзлар ҳозир унинг суяк-суягидан ўтиб, вужудини сирқиратиб юборди.

– Ойижон-ей, ўзи менинг гуноҳим нима? Нега мени шунчалик ёмон кўрасиз? Менам бу уйга ўз-ўзлимизча кириб келмаган эдим. Мени ўзингиз уйимизга неча бор қатнаб, неча бор сўраб, кейин олиб бермаганмидингиз, ўғлингизга? – деди йиғламсираб.

– Бунинг доғулилигини қаранглар-а! Тилинг чиқиб қолган экан-да. Ё ўғлим топган жарақ-жарақ пуллар тилингни очиб юбордимми? Ўчир овозингни! Сен афсунгарсан, боламини афсунлаб, бошини айлантириб тегиб олгансан. Юзингдан кўзини узолмай тикилиб ўтиргани-ўтирган. Нима, шунда сенинг юзингдан ой чиқиб келармиди ё кун чиқиб келармиди?! Уятниям, номусниям унутди-ю у қиз! “Эр меники!” деб, топган экансан аҳмоқни. Бор, кет! Ўғлимга ўн беш яшар қизни олиб бераман! – деб оғзидан тупук сачратиб, кўзларини олайтириб, келинни силтаб ташлади.

Ойнур нима дейишни билмай, хўрлиги келиб, серрайганича тураверди. Бир пайт боши айланиб, белида пайдо бўлган қаттиқ оғриққа дош беролмай кўзларидан дувуллаб ёш чиқиб кетди. Бир қўли билан белини ушлаганича, иккинчи қўли билан хона ўртасидаги столга энгашди. Буни кўрган Сарахон опа бирданига:

– Ҳой келин! Нима бўлди сенга? Жаҳл чиққанда уришаман, шунга ям ранжидингми? Бугун онангникига бориб келақол. Бормаганингга ҳам анча бўлганди. Икки-уч кун онангникида ётиб, дамингни олиб келарсан, – деди-да, худди ҳеч нарса бўлмагандай ҳовлига чиқди-кетди.

Ойнур онасини жудаям соғиниб, кўргиси келиб юрган эди. Уйга боришга рухсат текканига қувониб, бугунги аччиқ гапларни унутгиси келди.

– Тушликка овқат тайёрлаб кетайми, ойижон? – сўради у.

– Йўқ, ҳозироқ кетавер, тушликни ўзим тайёрлайман! – тўнғиллади қайнона.

Ойну́р апил-тапил кийинди-да, уйдан чиқиб, белини ушлаб, секин юриб, автобус бекатига келди. Баҳорнинг биринчи кунлари. Ҳали киш заҳри кетмаган, ёқимсиз совуқ изғирин эсади. Ойну́р белидаги санчикдан қийналиб, кўйлак устидан жун кофта кийишга ҳам тоқат қилмасдан, енгил пальтода чикқани учун баданига совуқ ўтиб, титрай бошлади. Автобус эса кўринмасди. У совуқдан кўкариб, йиқилай деганида, хайтовур, автобус келиб қолди. Ойну́р автобус зинасидан ичкарига аранг кўтарилди-да, бўш ўриндиққа чўкди. Шу пайт яна белида зиркираган оғриқ пайдо бўлди. Қўрққанидан юраги шувуллаб “ишқилиб, йўлда Худо уриб қолмаса бўлгани!” деди ичида. Йўк, санчик бир-икки марта буровга олиб, ўтиб кетди. Бир пайт хайдовчи: “Автобус бузилди, паркка кетади!” деб, йўловчиларни ярим йўлда туширди-да, кетди. Ойну́р автобусдан тушиши билан яна мазаси қочди. Иситмаси кўтарилиб, вужудини қора тер босди. Ичида бир нима узилгандай, ҳаво етишмай, ҳансираб, пальтосининг тугмаларини ечиб юборди. Қайга юришни билмасдан, кафти билан манглайдан оккан шўр тердан ачишган кўзларини артиб: “Э, Худо, уйга етиб олишимга кўмак бер, кўчада мени шарманда қилмагин!” деб нола қилганча, атрофга аланглаб турганида, йўл четидаги енгил машинага кўзи тушди. Кўли билан белини ушлаганича, тўғри келиб, ҳалиги машинанинг орқа эшигини очиб, ўриндиққа ўзини ташларкан:

– Оғажон, уйимга етказиб кўйинг, – деди илтижо билан. Машина эгаси, ўрта ёшлардаги ўзбек киши унинг аҳволини кўриб оқ машинани ўт олдириди-да:

– Қизим-ов, уйинг қайси томонда? – деди орқасига бир қараб. – Бўлди-бўлди, танидим, сен кўшни маҳалладаги Олим аканинг қизимасмисан? Ўзимнинг қизим экансан-ку! – деган эди, ширин гапдан Ойну́рнинг белидаги санчик бирдан қолиб, бечора қанот чиқариб учаётгандай сездим ўзини.

Катта тезликда юрган машина яшил дарвоза олдига келиб тўхтади. Хайдовчи Ойну́рни кўлтигидан ушлаб, кабинадан тушишга кўмаклашди-да, берган пулини ҳам олмай жўнаб кетди.

Ойну́р дарвозадан аранг судралиб ичкарига кирди. Қийналиб, кулимсираб келаётган кизини кўрган Ойжон опа ичидан: “Манов қиз нима қилиб шу маҳалда юрибди? Бугун-эрта суюнчи хабари келиб қоладими, деб ўтирсам, бу ўзи кириб келяпти-ку”, деб хайратланиб, бир зум туриб қолди-да, сўнг кизига отилди.

– Жоним-ов, сени тўлғоқ тутиб турибди-ю, шу ҳолингга уйда ўтирмасдан, нима қилиб юрибсан? Салтанат! Бу ёққа чиқ! – деб келинини чақирди. – “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилинглар! Ҳой, кимга айтяпман!

Орадан бир соат ўтар-ўтмасдан Ойну́рни “Тез ёрдам”да туғуруқхонага етказиб келишди. Шифокорлар “Нимадир бўлган, асаблари қақшабди, рухий ҳолати жойида эмас, унга ҳозир тинчлик керак, балки операция қилармиз!” дейишди. Ойжон опа кўрқиб кетди, йиқиладиган аҳволга тушди. Икки кўзига кучи етиб, хўнграб йиғлаб юборди:

– Айланайлар, бу ҳали ёш, биринчи фарзанди. Амаллаб туғдиришининг бошқа йўлини топсанглар бўлмайдими? – деб такрорларди у зорланиб-қақшаб. Унинг ёнида турган сариқ сочили, йўғон гавдали рус аёли оқ ха-

латининг киссаларига кўллари солиб, кўм-кўк кўзларини Ойжон опа билан Салтанатга тикиб турди-да:

– Нет, нельзя! Только операция и немедленно! А-то дочь свою потеряете. Раньше надо было думать! Истощена до невозможности! – деб жеркиб ташлади-да, кўлини бир силкиб, шошилиб йўлига равона бўлди. Лом-мим деяолмай қолган Ойжон опа оғир “ух” тортиб, манглайда терни рўмолчасига артиб, икки тиззасини шাপатилаб, турган жойида ўзини ерга ташлади-да, яна йиғлай бошлади. Келини Салтанат уни кўлтиғидан олиб, девор ёнидаги ўриндикка ўтказди.

– Ойи, йиғламанг, ҳозир бунақа операциялар умуман хавфли эмас, – деб қайнонасини юпата бошлади.

Ойжон опа кўзларидаги ёшни артиб, бошини чайқаб:

– Қудамнинг бу қилгани нимаси? – деди ажабланиб. – Ой-куни тўлиб турган аёлни кўчага ёлғиз ўзини ҳайдагандай чиқариб юборибди, ўлсин деганими? Бундан чиқди, қизимизни одамхўрларга берган эканмиз-да?! Наҳотки, шунча болани тукқан аёл бунинг оқибати нима бўлишини билмаса?!

– Ойи, ҳозир бу гапларнинг мавруди эмас! – деди кўзлари жикка ёшга тўлган Салтанат. – Яратгандан Эркажоннинг эсон-омон кўзи ёриб, боши омон қолишини сўрайлик!

* * *

Ойнуру ўғил кўрди. Худога шукр, онаям, болаям омон қолди. Ойжон опа қизига қон берган Валентина исмли рус аёлни кўзда ёш билан алқаб, чўнтагига бир даста пул солаётган эди, аёл опанинг кўлини қайтариб:

– Нет, мне ничего не надо! Жалко было девочку. Что с ней случилось? – деган эди опа кўзларидан оққан ёшни суртиб:

– Не знаю, айналайн! Она малчит, ничего не гаварит мне. Тебе, кизим, большой спасибо! Умрингдан барака топ, айланай. Энди сенам менинг кизимсан. Ойнуру билан опа-сингил, сестра бўлдинглар! – деб Валентинани қаттиқ кучоқлаб юзини, кўллари ўпа бошлади.

Ўғиллик бўлганидан қувончи ичига сиғмаган Бовуржон ўша куни учувчи дўстлари Тимур, Марат, Сафарлар бир неча машиналарда туғруқхонага кетма-кет сигнал босиб келишди. Кучоқ-кучоқ атиргул, ноз-неъматлар, ичимликлар тўла сумкаларни машиналарнинг юкхоналаридан олишиб, ҳовлида шампан тикинларини пақиллатиб кўкка отишиб, оқ халат кийганларга суюнчи улашиб, сочув сочишди. Эртасига оёғи олти, кўли етти бўлиб, отаси Давлат оғанинг розилиги билан “арслондай мард йигит бўлсин” деб ўғлига “Арслон” деган исм кўядиган бўлди. Ойнуруга уйга кетишга рухсат тегишига бир кун қолганида Ойжон опа куёвидан:

– Болам, хўп десанг, Ойнуру кўл-оёғини йиғиб, белини тиклаб олгунича бизнинг уйда бўлса, – деб изн сўради. Онанинг фарзанди соғлиғини ўйлаб айтган тўғри гапи неча кундан бери ўзига сиғмай, учиб-қўниб, “юв-ювлар”дан сархуш Бовуржоннинг кулоғига эриш эшитилди. Бунинг устига онасининг: “Қайнона куёвга дўст бўлмайди, уни “куёв ёв” дейди”, деб кулоғига қуйган гапи ҳам таъсир қилиб, қизишиб кетди ва қайнонасининг юзига тик қараб:

– Бу билан сенларга ишониб бўлмайди, демокчимисиз?! – деб пичинг қилди. – Между прочим, бизи мамашкаям еттита болани туғиб, уринтирмай-суринтирмай катта қилиб қўйган! Так что, қизингизнинг ташвишини қилманг!

Шунча кундан бери қизининг ташвишида куйиб-ёниб юрган Ойжон опа куёвининг бетини бездай қилиб, кўзига тик қараб айтган гапидан ўзини йўқотиб, эсанкираб қолди:

– Майли, майли, болам, тўғри... чақалок “қутлуғ қадам” бўлиб ўз уйига боргани маъқул, – деди-да, оёқлари жонсизланиб, туғуруқхона вестибюлидаги диванга аранг етиб бориб, ўзини ташлади.

* * *

Эртасига Ойнурнинг туғруқхонадан чиқиш пайтида яна ўша учувчи йигитлар машиналарда келиб, кетма-кет сигнал бериб, туғруқхона эшигига кўндаланг бўлишди. Ойнур билан Арслон туғруқхонадан чиқадиган “тарихий” лаҳзани муҳрловчи оператор камерасини елкасига қўйиб, аввал эшикка муштоқ бўлиб турган кутувчи-учувчиларни, қаторлашиб турган мухташам автомашиналар ва туғруқхона биносининг умумий кўринишини тасвирга тушира бошлади.

Нихоят, эшикдан она-болани асраб қолишга муваффақ бўлган ўша шифокор рус аёли қўлида йўрғакланган чақалок билан, орқада Валентинанинг қўлтиғидан ушлаган Ойнур кўринди... Бовуржон югуриб бориб Ойнурнинг оёқлари тагига бир кучок атиргулни сочиб юборди. Бундай бўлишини кутмаган Ойнур “вой” деб, гулларга қўл чўзиб, уларни илиб олмоқчи бўлганида, эри унинг ўнг қўлини кафтлари орасига олиб, қайта-қайта ўпиб, юзига босди-да:

– Жоним! Сен ўзинг гулсан, – деди аста пичирлаб. – Кўявер, улар оёғинг остида ётсин!

Яна шампан виноларининг тиқинлари кўкка пақиллаб отилиб, оқ кўпиклар шишалардан вишиллаб тошди, уриштирилган қадахларнинг садолари, чақалок Арслон, гўзал Ойнур шаънига айтилган алёрларга ҳамоҳанг жаранглади. Бовуржон Ойнурнинг уялинкираб, бахтиёр жилмайиб туришидан меҳри товланиб, юраги энтикди. Унга ўғил туғиб, бошини кўкларга етказган, кўзлари маъюс, охудай беозор, гўзал Ойнур шу тобда унинг ҳимоясига жудаям мухтождай кўринди ва кўнглида: “Қайнонамнинг айтганига кўниб, буларни вақтинча уникида қолдирсам бўларкан”, деб ўйлади. Лекин онасининг яна уни “хотинпарвар”ликда айблашини ўйлаб, бу фикрни хаёлидан соқит қилди.

* * *

Ойнур туғруқхонадан чиққанининг учини куни Бовуржон икки ҳафталик хизмат сафари билан Ленинградга кетадиган бўлди. У операциядан кейин ҳали ўзига келмаган хотини боласи билан ёлғиз қолаётганидан боши қотди. Қайнонасиникига обориб қўйишга ори келди, ўшанда у Ойжон опага: “Қизингизнинг ташвишни қилмай қўя қолинг!” деб катталик қилиб гапириб, бечоранинг бетидан олганини эслади. Онасининг аҳволи ўша-ўша – сал нарсага тўнини тескари кияди, қовоғи очилмайди, сиркаси

сув кўтармай, повиллаб ёнади, шанғиллаб, уйни бошига кўтаради. Давлат оға “Чиллалик уйда бақирмайдилар!” деган эди, чол бечора балога қолди. Сарахон опа етти марта тукқани-ю, бирор марта ҳам чилла нималигини билмагани, бугун чилла ҳақида гапираётган “донишманд” бир пайтлар уйга ичиб келиб, мана шу хотинни дўппослагани, талай-талай марта кўчага чиқариб тепкилаганларини – ҳамма-ҳаммасини айтиб ташлади. Болаларнинг олдида яна ноқулай аҳволда қолган Давлат оға: “Эҳ, сариқ чаён-а, урганимда мана шу аччиқ тилинг сал ичкарига тортиларми-кан, деб урар эдим-ку, аттанг, биратўла ўлдириб қўяқолсам бўлмасмиди ўшанда? Шу тилинг билан ҳали ҳаммамизни чақиб, ажалимиздан беш кун аввал жўнатасан-ов!” деб қўл силтаб, уйдан чиқиб кетди.

Бовуржон йўлга чиқиш олдидан ота-онасидан фотиҳа олиш учун айвонга бош суқди. Онаси бир ўзи хонтахтанинг нариги четида, сичқон еёлмай қолган бойўғлидай хурпайиб, телевизор экранига тикилиб ўтирарди. У онасининг ёнига кўрпачага чўкди.

– Дадам кўринмайдилар, – деди Бовуржон.

– Саҳардан маҳаллада ош бор, деб чиқиб кетган, – деди онаси экрандан кўзини узмасдан, кейин сўради. – Ҳм, яна командировками?

– Ҳа, – деди Бовуржон хонтахта чеккасидаги қизил баҳмал қалпоқча ёпилган чойнақни ёнига тортиб пиёлага чой қуяр экан.

– Носқовоғингням белингга кистириб олмабсан-да? – пичинг қилди онаси. У кейинги пайтларда келинига “носқовоқ” деган лақаб қўйиб олган эди. Бовуржон онасининг пичингини эшитмагандай, мақсадга кўчди:

– Шифокорлар келинингизни оғир юк кўтармасин, деб тайинлашганидан хабарингиз бор, шунга беш-олти кун неварангизга ўзингиз қараб турасизми?..

Шундай деб Бовуржон онасининг кўзларига умидвор бўлиб тикилди.

– Бундай дейдиган бўлсанг, оёқ-кўли босқондай, гумбурлаган хотинга уйланишинг керак эди, – деди Сарахон опа ғижиниб. – Қиз қуриб кетгандай, бир қилтираган балони, “Шуни олмасам ўламан!” деб оёқ тираб туриб олдинг. Ўзи бировдан қайтиб келган нарса... Бунинг устига эл қатори бир болани эплаб туғолмасдан, Худоё тавба қилдим, қорнини ёрдириб ўтирибди. Эшитмаганимиз элда кўп экан... Апрадасига бало бормиди? Ўзимиз дўхтир-пўхтир демай, уйда туғиб, эртасига кетмон чопиб кетган бўлсак ҳам, ўлмасдан, мана, тирик юрибмиз-ку! Тавба, ҳали бунақа ҳунарларам бор экан-а! Ўғил туғиб бердим, деб оёғини осмонга кўтариб ётаверар экан-да, бу носқовоқ? Унга оғир юк кўтартириб, қўшга қўшармидим? Қариган чоғимда менга хизмат қиладими, десам, ўзимни хизматга солмоқчи, бу мўлтони жўғи! Бошида сенга айтгандим-а, хотинни қаттиқ ушла, деб. Мана энди, кўрадиганингни кўраверасан. Бошимизга чиқишни бошлади бу жодугаринг..

Сарахон опа яна алланималарни айтмоқчи эди, Бовуржон қўлидаги соатга кўз ташлаган бўлди-да, онасини елкасидан кучганича, қулиб:

– Ойижон! Ўзингиз зўрсиз! Келингиз ҳам худди ўзингизга ўхшаган қўл-оёғи босқондай, гумбурлаган хотин бўп кетади. Энди турмасам самолётга кечикаман, – деди-да, ўрнидан туриб, зинага чиқариб қўйган сафар жомадонини кўтариб, йўлга тушди.

Сўнгги кунларда Арслон бир жойи оғриётгандай йиғлоки бўлиб қолди. Бундай пайтларда чақалокни юпатолмай жони ҳалак бўлган Ойнур нима қилишини билмай, қайнонасига:

– Ойи, неварангизни докторга кўрсатсак-чи, бир ери оғрийди шекилли, тинмай чириллаб йиғлаяпти, – деди.

– Сутинг борми ўзи?! – энсаси қотди Сарахон опанинг. – Бола қорни тўймаса йиғлайди-да. Бир нарса бўлса, билганларинг дўхтир. Обке бу ёққа! Назарлантириб қўйгансан. Болани ким кўринганнинг олдига олиб чиқаверасан. Кеча анови Айтқулнинг қўлига бериб қўйибсан. Ўшанинг киннаси кирган-да! Ўзим нон босиб қўяман, – деб болани қўлга олиб, қаттиқ эснади. – Ана, айтмадимми, қаттиқ назарлантиргансан деб. – Кейин келинига зарда билан амр қилди. – Анқайма! Нон обке!

Кампир яна кетма-кет эснаб, кўзларидан чиққан ёшни енгига артиб, келини узатган нон бўлагини қўлидан юлқиб олди-да, уни неварасининг бошидан айлантларар экан, маҳалласидаги Ҳанифа фолбин унга кинна солганида айтганларини эслаб, бурни билан фолбинга тақлидан гўнғиллади:

– Чиқ-чиқ-чиқ! Чиқмасанг санга лаънат, чиқармасам манга лаънат! Ола кўздан кирган бўлсанг – чиқ, тана кўздан кирган бўлсанг – чиқ!

Кейин у болани келиннинг қўлига бериб, пичирлаб ичида нимадир деб, юзига фотиҳа тортди-да:

– Ана, энди бола йиғламайди, – деди ишонч билан ва яна бир қаттиқ эснаб, қўшимча қилди. – Боланинг юки менга кўчди!

Чиндан ҳам бола жиндай тинчиб, ухлаб қолганди. Ойнур шунда қайнонасини яхши кўриб кетди. Афсус, бу қувонч ҳам кўпга бормади. Арслон яна туни билан хархаша қилиб, онасини кўз юмгани қўймади. Ойнур тунлари киприк қоқмай, бешик тебратиб, уйқусиз тонг оттиришга қўниқиб кетган бўлса-да, силласи қуриди. Сўнгги кунларда у баттар озиб-тўзиб кетган эди. Ишга эрта кетиб, кеч қайтадиган Бовуржон, онасининг бошданок келинни ёқтирмаслигини билар, мабодо Ойнурга эмас, бошқа бир қизга уйланганида ҳам, онаси ўша қизниям чиқиштирмаслигини яхши биларди. На илож?!

Бовуржон буларни яхши билса-да, бир куни ишдан келиб, бешик ёнида мунғайиб ўтирган Ойнурдан кўнгил сўраш ўрнига ўзидан-ўзи гижиниб:

– Нега сени онам ёқтирмайди?! Шу бир кампирнинг кўнглини овлашни эпллолмайдиган қанақа ношуд аёлсан?! – деб ўшқириб қолди. – Институтни қизил диплом билан битирдим дейсан-у, битта кампирнинг кўнглига йўл тополмайдиган қанақа педагогсан?!

Бовуржон кейинги пайтларда Ойнурга ана шу қабилдаги таъналарни ўйлаб топадиган, уни тез-тез жеркадиган бўлди. Яқиндагина, “Сендан бошқани демайман ҳам, севмайман ҳам! Ўтган ишни юзингга солмайман, бокиралигингни менга бағишлаб, ғуруримни кўкка етказдинг!” деган дил изҳорлар, онтлар унутилибди, хотинига бир-икки марта қўл кўтаришгача борди.

Энди у ишга эрта кетиб, кеч қайтадиган, ҳатто “Навбатчиликда қолдим” деб, кўпинча ҳафталаб уйга келмайдиган одат чиқарди.

Умид билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошидан яхши гап эшитишга зор бўлиб, юраги зардобга тўлган дамларда Ойнуур кўзда ёш билан юракдаги андуҳларини бешикдаги гўдагига алла қилиб айтарди.

Ойнуурнинг зорланиб айтган ноласини Бовуржон бир куни эшитиб қолиб, қизиб кетди:

– Нима бўлди? Элмуродни ўйлаб йиғлаяпсанми? Менга текканингга ўкиниб йиғлаяпсанми? Унга текканингга бахтли бўлармидинг? Юрардинг Чордарада тезак териб, ўтин орқалаб! Копингни тезакка тўлдириб бормасанг, Элмурод деган собиқ ошиғингдан кўрадиганингни кўрардинг, ётқизиб қамчиси билан саваларди! Ўшанинг қамчисини соғиняпсанми? Бор ўша битлиқи севганингни кучоғига!

Шундай деб у Ойнуурни калтаклаб, чўзилтириб қўйди.

Бу – Ойнуурнинг эридан биринчи марта калтак ейиши, биринчи марта ҳушидан кетиши эди. Кейинчалик... Кейинчалик Бовуржон ана шу сўзларни такрор айтадиган, бора-бора, ҳеч қандай сабабсиз ҳам хотинини урганда чўзилтириб қўядиган бўлди. Ойнуур эрининг таҳқирлашлари, калтакларидан зорланиб, йиғлаган дамларда қайнонаси бошига келиб:

– Вой-вой-вой, нима бўпти шунчалик йиғлайдиган?! – дерди жеркиб. – Эрли хотин таёк ейди, эрсиз хотин топганини аяб ейди, деганлар. Еганинг олдинда, емаганинг – ортинда. Бели синган одамдай ялпайиб ётавермасдан, тур ўрнингдан. Ҳаммамиз ҳам неча марта калтак еганмиз, бошимиз ёрилса, бўрк ичида, кўлимиз синса, енг ичида бўлган. Бир юмалаб, ишимизни қилиб кетаверганмиз. Калтак есанг – тилингдан ейсан. Эрга тилни ширин қил, керак бўлса, артистлик ҳам қиласан. Эрнинг олдида диркиллаб, ўйнаб, ёлғондан бўлсаям кулиб туришинг керак. Худди кеча тушган келиндай тумшайиб, чўзилиб юришинг манов бўлса, ўзинг яна озиб-тўзиб, этинг суякка такалган бу аҳволингга эрга ёқармидинг? Болам боёқиш нима қилсин энди? Кўчада ким кўп, кўзга яқин, гулдай қизжувон кўп! Шуларни кўргандан кейин сенга қараб ичи куядими?!

Бир куни қайнона қўлларини белига тираганича, калтакдан сулайиб ётган келинининг тепасида шу гапларни айтаётган пайтда уйга Давлат оға келиб қолди. Хотинининг гапини ташқаридан эшитиб келган Давлат оға тутақиб кетди:

– Ҳей, сариқ чаён! – деди тутақиб. – Қўй шу қилиғингни, келинингни ўғлингга ёмонлама деб неча марта айтдим! Нега қўймайсан?! Нега эр-хотиннинг ўртасига ўт ёқасан?! Жоҳиллик ҳам шунчалик бўладими? Наҳотки ўз болангга ўзинг ёвузликни раво кўрсанг?! Бу нима қилганинг? Шу турган ерингда, отангни... Ўз болаларингнинг тинчини ўзинг бузиб, уйнинг баракасини кетказдинг-ку! Бас қил, дедим сенга!

Чолининг ана шу дарғазаб бўлиб айтган гапларидан кейингина Сарахон опанинг попуғи сал пасайди. Шунда ҳам у гапдан ўзини тиёлмасдан, яна нималардир деб минғиллаётган эди, Давлат оға уни итариб, ташқарига чиқарди:

– Ёп оғзингни, сариқ чаён! Чаён ҳам чақадиган нарса топилмай қолганида ўзини-ўзи чақар экан. Сенам ана шу тоифадаги чаёнсан. Оғзингни юммасанг, мендан энди яхшилик кўрмайсан. Мен ҳам сени анов болангга ўхшаб уриб, сулайтириб ташлардим, аттанг, қўшнилardan уяламан-да. Келин бечоранинг ёзиғи нима? Ейдиганинг пиширилган, киядиганинг ювилган бўлса. Эрга туриб, кеч ётса. Кулингдан кириб, ко-

совингдан чикса, у бечора яна нима қилсин, ахир?! Яшагани кўясанми, йўкми?!

Шундан кейингина кампирининг овози ўчди.

Давлат оға келинининг аҳволини кўриб ачиниб кетди.

Бовуржон бу пайтда хотинини дўппослаб, кўчага чиқиб кетган эди.

* * *

Табиатан кўп гапирмайдиган Давлат оға майда-чуйда гапларга эътибор беравермасди-ю, фақат кампирининг қилиғи ошиб кетганида, жаҳли чиқиб, “сарик чаён” деб атарди. Кампири ёш келинга кун бермай, жанжал чиқариш учун турли хийла-найранг ўйлаб топишини кўриб-билиб юрса-да, аёлларнинг можаросига аралашишни истамай, ўзини билмаганга солиб юарди.

Бовуржон эса, онасининг куткусига учиб, кундан-кун ўзгараверди. Энди у хотинини уриб, сулайтириб ташлашнинг ҳадисини хўп олган, каратэ машғулотларида ўрганган усулларини қўллаш унга гўё роҳат бағишларди. Уй ишлари билан банд бўлган хотинини: “Биринчи эрингни эслаб ўтирибсанми?” деб, бесабабдан-бесабаб ҳақоратлаб, аёвсиз дўппослайдиган бўлди. Шундай таҳқирланган онларда Ойнурнинг кўз ёшлари маҳзун сатрларга айланиб қондай қип-қизил дафтарига кўчарди:

*Кўнгилдан нозик нима бор?
Қуроқдай қайта ямалмас.
Юракнинг ўтин сўндирсанг,
Чироқмас, қайта ёнолмас.*

*Тутқин қилган азобга
“Бўшат!” дея ялинсам,
У ўғирлаб йўқолди
Қалбимдаги ўтни ҳам.*

*Пок эди-ку феълларинг,
Севдим дединг, сеҳрладинг.
Энди кетдинг олислаб,
Мўл-кўл эди меҳрларинг.*

*Бол таъмини айтилган
Сўзларингдан излардим.
Бахт нуруни мен сенинг
Кўзларингдан излардим.*

* * *

Кўлинг хотинни бир уриб ўрганса, сўнг... тўхтатиб бўлмас экан. Буни Ойнур энди аниқ тушунди. У Бовуржоннинг мана шу қисқа вақт ичида қандай қилиб бунчалар тез айнаиб кетганлигини, бунчалар бўҳтон тўқиб, дилига, баданига озор етказишидан ҳайратга тушарди. Ўзи қанчалик йиғлаб-сиқтамасин, унга садоқатини айтиб, қанчалик ўзини оқламасин,

кундан-кунга дийдаси қотиб, бемехр бўлиб бораётган эрига гаплари заррача таъсир қилмаётганини кўриб, изтироб чекарди. Ота уйига келганида эса бошидаги кўргиликларни тиш ёриб гапирмасди. Баъзан онасининг хавотирланиб:

– Қизим-ов, нега бунча озиб-тўзиб кетдинг? Соғлигинг яхши эмасми, ё уйингда тинчинг йўқми? – деган саволларига Ойнур:

– Йўқ, ойи, соғлиғим яхши, уйдаям ҳаммаси жойида. Арслонни эмизганимга озгандирман? – деб кулишга ҳаракат қиларди. Кулгиси ғалати чиқиб қолганига ўзи уялиб кетарди.

У онасининг кейинги пайтларда соғлиғи ёмонлашиб, тез-тез шифохо-нага тушиб қолаётганини билар, шунинг учун ҳам уйдаги аҳволини лом-мим деб сездирмасликка тиришарди.

Ойжон опа ичида: “Қизим келди-кетди, катта хонадонга келин бўлиб тушди. Катта оиланинг ташвишиям катта бўлади. Шуларнинг хизматини қиламан деб уриниб-суринаётгандир-да. Меҳнат билан киши ўлмайди, қайтанга бахт келади. Келин деганлари қайнота-қайнонага хизмат қила-қила суюкли бўлади”, деб ўзини-ўзи юпатарди...

8. “ЯРАЛАНГАН ЮРАК”

Янги йил оқшоми эди. Ойнур кун бўйи байрам дастурхонига турли хил салатлар тайёрлади, ҳар хил ширинликлар, торт пишириш билан овора бўлди. Меҳмонхонадаги катта столга ёзилган оқ дастурхонга ноз-неъматлар қўйиб, яна ҳовли чеккасидаги ошхонага бориб, катта қозонга сув қуйиб, бешбармоқнинг этларини солди. Қозон тагига олов ёқиб, суп-рани ёйиб, ун элаб, тоғорада хамир қориб бўлгунича, қозон ҳам қайнай бошлади. Тайёр хамирнинг устига тоғорани тўнкарди-да, қозоннинг қопқоғини кўтариб, қайнаб турган шўрвани чўмич билан шопириб-шо-пириб, унга бир сиқим туз ташлади. Ўчоқни касов билан қовлаб, оловни пасайтирди. Ошхонадан чиқди-да, боласи ётган уйга югурди. Эшикни аста очиб, печ ёнидаги бешик ёнига оёқ учида юриб борди-да, унда пи-шиллаб ухлаётган Арслонига бир зум меҳр билан, кулимсираб тикилиб қолди. Уйғотиб юбормаслик учун, аста бешикдан узоқлашди. Бурчакдаги шкафдан кеча тунда ўзи тикиб, тайёрлаб қўйган қизил барқут халатни олиб, қўйлаги устидан кийди-да, девордаги катта тошойна олдига келди. Ойнага қараб, сочини тараб, елкасига тушириб турмаклади. У ёқ-бу ёққа айланиб, халатнинг ўзига ярашганлигидан кўнгли тўлиб, кулимсирага-нича, бошига янги жун рўмолини ўради. Жундан тўқилган янги қалин жемперини кўлига илиб, боласи ётган бешик томонга кўз ташлаб, ичида: “Жоним болам-а! Бугун онангнинг ишлари кўпайиб кетганини билиб, ёр-дамлашайин, дебсан-да! Онам ишларини битириб олсин деб пешиндан бери ухляпти. Буям Худойимнинг кўмаги-да”, деди-да, оёқ учи билан юриб хонадан чиқди ва эшикни аста ёпди.

Кечкурунгача зални тўлдирган меҳмонларни Ойнур очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ярим кечадан ошган пайтда меҳмонлар ҳам уй-уйларига тарқалиб, дастурхон атрофида оиланинг катта ёшли аъзоларигина қолди.

– Ҳой келин, энди дастурхонни бир чеккадан йиғиштиравер, – деди Сарахон опа Ойнурга. – Аввал бизга бир чойнакда чой дамлаб кел!

– Чойни манави болаларга айтсанг ҳам бўларди, куни бўйи телевизор каршисидан турадими йўқми буларинг? – деди норози бўлиб Давлат оға.
– Бу келин энди қачон дам олади? Арслон ҳам куни бўйи ухлади, энди, чамаси туни билан онасига уйқу бермаса керак.

Сарахон опа чолига бир ўкрайди-да:

– Нима бало, чой дамлаш ҳам шунчалик қийин иш бўлибдими? – деди чийиллаб. – Қўя қол, чойингни ҳам, овқатингни ҳам. Энди келингаям оғиз очишга кўрқадиган бўлдик. Худога шукр, ҳали қувватим бор. Кунингни келинга солмасин... – деб томоқ кириб, ўрнидан тураётганида, тақсимчаларни патнис устига тахлаётган Ойнуур унга ялт этиб қараб:

– Ойижон, қимирламанг, мен ўзим... – деб ўрнидан отилиб турди. Қайнонаси унга эътибор бермасдан, тўрсайганича бориб, эшик олдидаги печка устида шақирлаб қайнаётган човгумдаги сувни чойнакка қуйди. Бовуржон онасининг бу қилиғига мийиғида кулиб қўйгани билан, ичдан ўзини ноқулай ҳис этиб, хотинига кўз кири билан ўкрайиб қараб қўйди. Ойнуур чурқ этмасдан, идиш-товоқ тўла зилдай патнисни аранг кўтарганича ҳовлига чиқиб кетди.

Идиш-товоқларни ювиб, чайиб бўлгач, куни бўйи ҳовлидаги ўчоқ бошида юриб, роса совкотган Ойнуур уйга кириб, музлаган қўлларини печка устига қўйиб исинаётган эди, эшик тепкидан қарсиллаб очилиб, ичкарига кўзлари ўтдай чакнаган Бовуржон отилиб кирди. Ҳеч нимадан беҳабар Ойнуур эрига анграйиб қараган пайт кўккисдан юз-кўзи аралаш тушган муштдан хонанинг нариги бурчагига бориб тушди. Кейин эрининг аёвсиз тепкиларидан у хона ичида нимага калтак еяётганини билмасдан, у ёқдан-бу ёққа бир ёстик пардек учиб-бориб келаверди. Тепки теккан қорнидаги оғриққа дош беролмай, қўллари билан ўзини ҳимоя қилганича, гилам устида ғужанак бўлиб қотиб қолганида орқасини “тиз-з” этиб нимадир тилиб ўтди.

– Бовуржон! Мени кутқар! Нимадир белимдан тилиб юборди! – деб чинқирди Ойнуур ва ҳушини йўқотди.

У кўзини бир очганида тепасидаги одамнинг Бовуржон эканини англаб, кўлидаги аскарларнинг йўғон, қўнғир камарини кўриб, кўзларидан ёш тиркираганича:

– Бовуржон! Нима бўлди сизга! – деб чинқириб, ётган бўйи жон-жаҳди билан эшик томонга интила бошлади.

Бовуржон эса худди ўлжасига ташланган йиртқичдай ириллаб, икки сакраб унга етиб олди ва сочидан тутамлаб ушлаб, судраб, хона ўртасига келтириб ташлади-да, камар билан савалашда давом этди. Ойнуур бада-ни пичоқ билан қиймаланаётгандай даҳшатли оғриқдан додлаб, каравотнинг тагига тикилган эди, эри уни каравот тагидан суғуриб олди-да, баттарроқ савалади. Ойнуур жонини сақлаш умидида ишқопни, тўшак-кўрпа йиғилган сандиқни, яна хонада нима бўлса шуни паналаб, зир югурарди. Унинг жонҳолатдаги чинқирғини эшитиб, хонага отилиб кирган Сарахон опа остонада қотганча туриб қолди. Ўғил ғазабдан қонга тўлган кип-қизил кўзларини онасига тикканича:

– Кўриб қўйинг, ойи! Хурсандмисиз энди?! Мана! Шуни ўлдирсам тинчийсизми?! – деди ғазаб билан.

Сарахон опа уларни ажратгандай бўлди. Ойнуур уйдан ялангоёқ, яланг-бош ҳовлига қочиб чиқди-да, қоп-қоронғи кўча томонга отилди. Изма-из

ўқдай тезликда чиққан Бовуржон ҳам унинг ортидан ялангоёқ қувиб бориб, орқасидан бир тепган эди, чопиб кетаётган Ойнур мункиб бориб, учиб, ерга юзтубан йиқилди. Итдай қутуриб, таниб бўлмас ҳолга келган эр йиқилиб ётган бечора рафиқасини тепкилаб:

– Қаерга борасан?! Элмуродинг кутиб турибдими?! Унинг мендан шунчалик ортиқми?! – деб бўкириб, ҳовли томон қайта судраб келди-да, дарвозахона олдида қаққайиб турган онасининг оёғи остига отиб юборди. Ойнур яна ерга муккасидан қулаб тушди.

– Хей, қўйсаларинг-чи, ўзи сенларга нима етмайди? – деди Сарахон опа зорланиб. Усти-боши муздай балчикқа беланган Ойнур қалт-қалт титраб, типирчилаб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Бовуржон уни яна тепди, яна тепди. Бир тепки белига тушса, эндиги бир тепки елкасига, қўлига, оёқларига, кўкрагига, тўғри келган ерига тушар, Янги йил кечасида пайдо бўлган бу сабабсиз таҳқирлашлар ҳеч қачон тугмайдигандай эди. Гурсиллаб теккан ҳар бир тепкидан юраги зир-зир титраб, кўкрагидан отилиб чиққудай бўлар, бўғзига тикилар, ҳаво етмай, бўғила бошларди.

Бир пайт Ойнур жонҳолатда:

– Ойижон! – деб кичқирмоқчи бўлди, овози чиқмади, аранг энтикиб хириллади. – Нима гуноҳ қилдим, Бовуржон?!... Етар!..

Шу билан унинг нафаси чиқмай қолди. Буни кўрган Сарахон опа:

– Ҳой бола! Қўй дейман! Бўлди энди. Нафаси чиқмай қолди-ку! Ўлиб қолса балосига қоламиз. Қўй энди, қўй, – деганига қарамай, ўғил ҳамон тепишда давом этарди. Воқеадан энди хабар топган Давлат оға ичкаридан отилиб чиқди-да, ўғлининг юз-кўзига кетма-кет тарсаки тортиб юборди. Полвон ўғил шундан кейингина тепишдан тўхтади. Чол хотинига ўқрайиб қараб:

– Ҳар кунги уриш-жанжалнинг биридир деб ётаверсам, бировнинг боласини ўлдирадиган бўпсанлар-ку! – деб ҳайқирди нафрат билан. – Бу қилганларинг нимаси?! Сенларни жин чалиб кетдимми?! Ўлдиришга оз қопсанлару. Ҳа, итдан таркаган, онангнинг гапига кириб, бировнинг фариштадай кизини бўғизланган қўйда қилибсан! Эртага ота-онасига нима деймиз? Бу шўринг қурғур ҳам сенга ўхшаб ота-онадан туғилган-ку!

Чолининг гапларидан кейин Сарахон опа уйда ётиб қолган болаларига бақирди:

– Ҳой, жувонмарглар, бормисанлар ё ўлиб қолдиларингми?! Манов боланинг ҳам жини бор, бир кўтарилса бировни тингламайди. Шўрлик бошим, нима қилай энди?! Ўзи буларга нима етмас экан-а?! Ит-мушукдай ириллашиб, нимани талашади?! Чикларинг бу ёкка! Ўлдирди-ю. Болам қамаладиган бўлди! Кўтар манови балони. Уйга олиб кирларинг! Биров кўриб қолмасин, тез бўлларинг!

– Ўчир овозингни, падарингга лаънат, сарик чаён! – ўшқирди Давлат оға. – Ахир, сен буларнинг бошига етиб тинчийсан. Қилғилиқни қилиб, энди тилёғламалик қилишини кўринглар бу ёвузнинг! Э, онангни... – деб кампирининг елкасига кетма-кет мушт туширди.

* * *

Бир пайт Ойнур кўзини очди. Ўз хонасида, каравотда ётган экан. Қора терга тушиб кетибди. Сал нарида бешикка беланган Арслон чириллаб

йиғлаётганини аранг илғади. Дераза томонга кўз ташлади, тонг ҳам ёришай-деб копти. Бутун вужуди зиркираб оғриди. Устидаги кечаги халат ўрнига манов кўйлакни қандай ва қай ҳолатда, ким кийдирганини сезмабди. Ўрнидан турмоқчи бўлди, бутун танаси зиркираб, куйиб-ёниб, бошини ҳам кўтаролмай, инграб юборди. Бешикда ётган кичкина Арслон чириллаб йиғлайвериб, юрагини эзиб юборди. Ичида: “Арслоннинг овозини эшитиб, бирортаси кирмасмикан? Роса бўғилди-ку, боёқиш. Кечадан бери бешикда ётибдими? Бу қандай кўргилик?! Энди нима қилсам экан-а?” деб ўйлади-да, барибир ҳеч ким киравермагач, “Кеча ҳаммаси кеч ётишган, ҳали ухлашмоқда. Ё, Аллоҳ! Кичкина норасидангга ўзинг шафқат қил. Менга куч-қувват бер, – деб, шишиб кетган кўзларидан куюлиб келган қайноқ ёшларини кафти билан арта-арта, сирғалиб-сирғалиб, каравотдан аста пастга тушди ва судралиб бешик ёнига етиб олди. У терлаб, жикка хўл бўлган юз-кўзини кафти билан силаб артди-да, сийнасини чиқариб, гўдакнинг оғзига тутди. Боласига меҳр билан тикилиб:

– Сен учун чидаб юргандим! Сени етим ўсмасин дегандим! Полапонгинам, кечир бахтиқаро онангни! Бу уйдан кетамиз энди.

Ойнур ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғлини қалин кўрпачага ўраб олди-да, аста ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди.

Кечаги калтаклардан танасининг ҳар бир бўғини, ҳар бир нуктаси зиркираб оғриганидан, ҳатто кўзғалолмай ётган Ойнур мана гўдагини бағрида қаттиқ кучганча, катта асфальт кўчадан юриб кетмоқда. У энди оғриқни ҳам, ҳатто гавдасининг борлигини ҳам сезмай кўйган эди. У худди пахта солинган мато кўғирчоқдай енгил, товонлари ерга ҳам тегмасдан учиб кетаётгандай ҳис этарди ўзини. Учқунлаб ёға бошлаган қорни ҳам, тонгги изғиринни ҳам сезмасди. Қайси йўл билан, қандай қилиб ота-онасининг уйига етиб келганини ҳам билмайди. Эрта тонгда эшикни очиб, боласига пешвоз чиққан онасининг:

– Ойнуржон, жоним-ов! – деган овози қулоғига олисдан эшитилгандай бўлди, боласини унинг қўлига тутқазди-да, ўзи остонага шилк этиб ўтириб, хушдан кетди.

– Эй, бунга нима бўлган?! – деди Ойжон опа юраги бўғзига тикилиб – Вой шўрим курсин! Ким бор, чиқсанглар-чи, ҳой! – деди-да, Арслонни бағрига босиб, бир кўли билан Ойнурнинг бошини суяб, ёнига чўккалаб қолди.

– Онанг қоқиндиқ, болам! Нима бўлди сенга?! Ким сени бу аҳволга солди, болам?! – деб ўкириб йиғлай бошлади.

Ойнурни уйга олиб кириб, каравотга ётқизишди. Юз-кўзлари моматалок бўлиб кетган. Баданида бирорта соғ жойи қолмаган, бутун вужуди ўт-оловда қовурилаётгандай куйиб-ёнарди. Эс-хушига бир келиб, бир кетиб ётганида телефон орқали “Тез ёрдам” орқали чақирилган шифокор беморнинг ҳолатини кўриб, ҳайратдан бош чайқади:

– Эҳ, одам боласигаям шунчалик азоб бериш мумкинми?! – деди рангкути ўчиб. – Бу нимаси? Улар одамми ёки ваҳший ҳайвонми?! Умуртқаси шикастланганга ўхшайди. Қўл теккиздирмаяпти. Зудлик билан шаҳар травматология марказига олиб бориш керак!

Шундай деб “Тез ёрдам” машинасида Ойнурни марказга олиб кетишди. Ҳамон ўзига келолмаётган Ойжон опа титраб-қакшаб, пальтосини аранг кияётиб, келини Салтанатга:

– Айланай қароғим, манов болага энди ўзинг қараб, каша-паша пишириб берарсан, – деди-ю, ташқарига югурди.

Олим оға ҳам машинасини ўт олдириб, Ойжон опа иккалови “Тез ёрдам” билан изма-из жўнаб кетишди. Йўл устида Ойжон опа рулда ўтирган Олим оғага кўз қирини ташлаб, чурқ этмай борарди. Олим оға ҳам аламдан қисилган кўзларини йўлдан узмасдан, тишини-тишига қўйиб, бир оғиз гапирмасдан бормоқда эди. Машина силкиниб-силкиниб қўйган пайтлари она бечора йўлдан кўзини узмасдан:

– Мен ҳали тирикман-ку. Мен ҳали ўлганим йўқ-ку... Сенинг отанг тирик эди-ю, Ойнурим-ов... – деб қўярди эшитилар-эшитилмас оҳангда.

* * *

Шаҳар травматология шифохонасига олиб келинган Ойнурнинг аҳволи ҳақиқатдан ҳам оғир экан – умуртқаси жойидан қўзғалибди, танасида бирорта ҳам соғ жойи қолмаган. Шу ҳолига қўлида боласи билан уйигача пиёда юриб келганига ишониш қийин эди. Худонинг қудрати деганлари мана шу бўлса керак-да...

Ойнур кимирамасдан бир ой тўшакда ётди. Ойжон опа ич-эттини ит тирнаб, бундай зўрлик, ёвузликнинг сабабини тушунолмай, кафтига солиб, ардоқлаб ўстирган қизининг бундай балоларга дучор бўлганидан ичдан қуйиб юрган кунларнинг бирида Бовуржон шифохонага келиб қолди:

– Ойнур, кечир мени, сени қай қуйга солганимни ўзим ҳам билмайман! – деб кўзларига ёш олиб, ўзини каравотга отди. Хотинининг қўлларини кафтларига олиб силади, юзига босди. – Иккинчи сенга қўтарилган шу қўлларим синиб тушсин, Ойнур! Сени энг зўр шифокорларга кўрсатаман. Москвага олиб бориб даволатаман. Фақат мени кечир, мени ташлаб кетма, Ойнур!

У Ойнурнинг инграб, кимираммай ётишини кўргач, ўзидан нафратланиб, кўзларидан оқаётган ёшни яшириш учун юзини тескари бурди. Шу пайт палатага кириб келган қайнонасини кўрди-ю, ўрнидан сапчиб туриб, уни кучоклаган бўйи:

– Ойи, мени кечиринг! – деб хўнграб йиғлаб юборди. – Мендан бир нодонлик ўтди. Энди бу ҳеч қачон такрорланмайди. Фақат кечирсангиз бас! Ойнурга айтиб, тушунтиринг-чи! Бундан бу ёғига унга ўзим қарайман. Ишхонадан отпусқа оламан. Ойи, фақат сиз мени тушунинг...

Ойжон опа куёвидан қаттиқ ранжиганини яширолмади:

– Чироғим, буям одам боласи-ку! Одам боласини шунчалик азоблаш мумкинми?! Итниям бунчалик хўрлашмайди-ку, ахир. Яримжон бўлиб қолмаса деб қўрқаман. Шунча калтаклайдиган нима гуноҳ қилувди? Нимангни сочиб, нимангни тўқди?

Ойжон опа нафрати кўксидан тошиб турса-да, она эмасми, ичдан ўзига-ўзи сабр тилаб, беҳуш ётган Ойнурнинг юзига тикилди. Бовуржон кўзларига қуюлиб келаётган ёшларини аранг тўхтатиб, бироз ўзини ноқулай ҳис этиб ўтирди-да, кейин ташқарига чиқиб кетди. Уни ҳолатини сезган Ойжон опа кўзларини ерга тикиб, ичида: “Худди шундай. Қудағай айтганидай, феъли бир ғалатига ўхшайди. Бундай қарасанг, ажабтовур, эсли йигит дейсан. Шу йигитнинг қўлидан бунчалик ёвузлик келишига

одамнинг ишонгиси келмайди. Касалхонада Ойнурга уни-буни айтиб, юрагини сиқиб нима қилдим. Нурым тузалиб, бутунлай оёққа туриб кетса бўлгани. Қолганини кўраверармиз”, деган қарорга келди.

Бовуржон кунда-кунора шифохонага келиб, қайнонасига ялинди, ни-маики дори керак бўлса, мухайё қилди, қанча харажат бўлса, кўтарди. Хуллас, куёвга нисбатан онаизорнинг кўнгли юмшади. Энди у куёвини кечиришни чолидан ялиниб сўрайдиган бўлди.

Ойнур бутунлай тузалиб, оёққа тургач, Ойжон опа унинг сочларидан силаб:

– Ойнуржон, қизим, сенга айтадиган гапим бор, энди гапирсам бўлар, – деди чуқур тин олиб. – Сув бир лойқаланмасдан тинмайди, деганлар. Турмушда нималар бўлмайди дейсан. Сув келса симириб, тош келса кемириб, турмушнинг аччиқ-чучугига чидаган одамгина оилани тебратиб кета олади. Куёвинг қачонлардан бери кечирим сўраб, тавбасига таяниб юрибди. Эркак кишини йиғлагани оғир бўлади. Кечирим сўраганни Худо ҳам кечирар экан. Қўй, қизим, турмушингни бузма. Ҳайтовур манов Худо берган ёмонингни тирик етим қилма. Куёв манави шаҳарнинг кўп қаватли уйдан уч хонали квартира олибди. Қудағай ҳам рўзғордаги улушингни бўлиб бераман, деб ўтирибди. Ўзинглар мустақил яшаб кўринглар, шояд иноқлашиб кетсанглар. “Фалончининг қизи қайтиб келибди”, деган гап яхши дейсанми? Эл ҳурмат қиладиган, ҳаммага насихат қиладиган отанг одамлар олдида бошини қандай кўтариб юради? Қўй болам, болалик қилма. Энди куёвинг келса, ўйнаб-кулиб, бирга кетинглар. Ўртангларда фарзанд бор, уни тирик етим қилманглар!

Ойнур онасининг сўзларини охиригача кўзларида ёш билан тинглаб ўтирди-да, сўнг:

– Ойжон, йўқ! – деди бош чайқаб. – Мен энди у уйга қайтмайман. Сизга менинг ўлигим керакми?!

– Нега ундай дейсан, болам?! – деди Ойжон опа ҳам кўзларига ёш олиб.

– Унда менга раҳмингиз келсин, отамга ҳам ўзингиз тушунтиринг! – деди Ойнур зорланиб. – Дадам элдан уялса, мен бошқа ёққа кетайин, аммо мени ўша дўзахга ташламанглар! Мен улардан кўрқаман! У ердагиларнинг қанчалар ёвуз эканликларини билмайсиз, ойи!

Шундай деб, Ойнур хўнграб йиғлаб юборди.

Ойжон опа ичида: “Ҳай болам-а, пешонанг бунчалар шўр бўлмаса?!” деб оғир тин олди. У юраги қаттиқ сиқиб, нафас олиши қийинлашганини сездирмаслик учун, каравотга яхшилаб жойлашиб олиб:

– Ўзинг ҳам қайсарсан! – деди ёнидан рўмолча олиб, пешонасида пайдо бўлган терни артар экан. – Қалтак емаслик учун куёвингнинг кўнглини топ. Уям бекордан-бекорга қўл кўтарадиган тентакмасдир? Бетидан олиб, гап қайтараверадиган хотинга ҳар қандай эркак қўл кўтаради. Ўша хонадонга борганингга ҳам икки йилча бўлди. Шу пайтгача ҳар бирининг феълини билиб олгандирсан? Ўшаларнинг феълига қараб иш қилсанг бўлмайдимми? Керак бўлса – қул бўласан. Сен нима деб ўйлагандинг? Борибоқ бировнинг уйига бека бўламан, деганмидинг?!

Ойнур кўп йиғлади. Ойжон опа кўп гапларни айтди. Хуллас, қизини зор-зор йиғлатиб, яна куёвининг қўлига топширди.

Бир йилдан сўнг Нигина туғилди. Ойнурнинг турмуши яхшиланиб, бир қолипга туша бошлади. Нигинанинг ингалаб, эркаланиб йиғлаши, бир жойда ўтирмасдан хонама-хона пилдираб юрувчи ўт-олов Арслоннинг ширин тили, уйга ким келса, бўйнидан кучиб, ачом-ачом қилишлари хонадонга нур ва файз олиб кирди. Ойнур ҳам ўзига келиб, кўзлари яна чакнайдиган, яна куладиган, табассуми чиройига чирой кўшадиган бўлди. Бовуржоннинг қалбига ҳам унут бўлган баҳорий туйғулар, муҳаббат энтиқишлари қайтадан қайтгандай эди.

Бу Ойнурнинг қувончга йўғрилган, ёруғ кунларининг бирида содир бўлди. Суянган тоғи, ишонган боғи, унинг бошига тушган кулфат, қайғулардан ҳаммадан кўп куйган, бахтли онларида ҳаммадан кўпроқ қувонгани – онажонисидан жудо бўлди. Ойнур онасининг дунёдан эрта кетишига ўзини сабабчи деб билди, ўзини-ўзи кечиролмай, ўзидан-ўзи нафратланиб, ер тирнаб йиғлади. Ношуд қизнинг қисматидан куйиб, унинг ҳар бир омадсиз қадамидан она юрак томирининг биттаси “чирт” узилаверди-узилаверди. Энди унинг турмуши изга тушгандай бўлганида онаси бу ёлғон дунёнинг қувончу ташвишлари ичида уни ёлғизлатиб ташлади-кетди. Ойнур бўтадай бўзлаб, онасини йўқлаб қолаверди, кўзларидан ёш, юрагида нолали сатрлар қуйилаверди, қуйилаверди:

*Онамдан қолган булоқман,
Кўнгли минг қуроқ-қуроқман.
Онасидан айрилган
Қалбдаги ўксик бир оҳман.*

*Онамдан қолган чироқман,
Ҳасрати ўтли чақмоқман.
Онам деб ўксиган қалбдаги
Сирларни уқдим бироқ ман.*

*Онамнинг қолган кўзиман,
Айтилмай кетган сўзиман.
Қанотлари қайрилиб,
Юрган оққушнинг ўзиман.*

*Ёлғиздан ёлғиз бораман,
Гунграниб ётган даламан.
Ҳижронлар тешиб бағримни,
Сувсираб-чўллаб қоламан.*

*Онамдан қолган теракман,
Қайзуга тўлган юракман.
Онамдан айрилиб билдим мен,
Фарзандларимга керакман.*

Ойнурнинг “Қизил дафтари” дан.

9. ЭЛВИРА

Онасидан жудо бўлиб, йиғлаганда кўзи ёшга тўлиб юрган азадор кунларнинг бирида қандайдир нотаниш аёлнинг кўнғироқ қилиб, телефонда айтган гапи Ойнурни бошига болға билан ургандай гангитиб юборди. У телефон гўшагини қандай жойига қўйгани-ю, қачон креслога чўкканини ҳам билмайди. Шу ўтирганича анча вақт ўзига келолмади. Кейин вужуди аламдан титраб, нима қилишни, кимга боришни билмай, боши қотди. Шу кунларда онасининг ўрни билиниб, уни соғиниб, ичдан баттар эзилиб йиғлади. Эри ишдан келганида, бир-икки бор оғиз жуфтлаб, очикча гаплашишга ўзини қанча шайламасин, бунга журъати етмади. Агар бу гаплар тухмат бўлиб чиқса-чи?! Эри хафа бўлиб қолмайдими?! Ойнур шундай дея ўзини тийди. Бир неча бор бош қотириб, ўйланиб, ниҳоят Бовуржонга бу ҳақда гап очмоқчи бўлганида у: “Москвада хизмат сафарим бор”, деган гапларни ўйлаб топди-да, жўнаб қолди.

Орадан ўн кунча ўтгач, эрининг келиб қолишини ўйлаб, туни билан мижжа қоқмай ўтирган Ойнурнинг тонгга яқин кўзи илинибди. Чириллаб йиғлаган Нигинанинг овозидан уйғониб, ўрнидан турди-да, кизининг каравотига бориб, уни кўлига олди.

– Асалим, қуёшим! – деб эркалаб, боласининг бўйнини ҳидлаб роҳатланди. – Сенинг ҳидингдан ортиқ роҳат бормикан? Менга бундан бошқа яна нима керак, қизгинам?!

Чақалоқ лабларини чўччайтириб, тамшаниб, онасининг кўксига талпинди.

– Оч қолдингми, жоним?! – деб гўдагига кўкрак тутди.

Қизчасининг қорни тўйгач, уни яна жойига ётқизиб, ухлагунича ёнида алла айтиб ўтирди. Шу пайт яна ўша бегона аёлнинг телефонда айтган гапи ёдига тушиб кетди. Ўшанда аёл, Бовуржоннинг Элвира деган аёл билан дон олишиб юрганини айтган эди. Кеча ўша аёл яна кўнғироқ қилиб:

– Гапимга ишонмасанг манов манзилдаги уйга бориб кўр, уларнинг фарзанди ҳам бор, – деди. – Мен бу гапни сенга жоним ачиганидан айтман. Кўра-била туриб, қараб туролмадим. Чунки менам шунақа хиёнат қурбониман. Сен мени танимайсан, лекин мен сени яхши биламан, уйим-жойим дейдиган ҳалол аёлсан. Лекин эринг бунинг кадрига етмайди, – деган гаплари хаёлидан кетмай қолди. У ичини ит тирнагандай ўзини ёмон ҳис қилар, кўзларига ёш тўлиб, яна ўйга толарди: “Агар бу мен биладиган Элвира бўлса, уни яхши танийман. Бовуржон билан бирга аэропортда ишлайди. Наҳотки ўша бўлса?! У неча бор уйимда ҳам бўлиб, тузимни еган. Агар шу бўлса тузим кўр қилсин. Бу қанақаси бўлди, хизмат сафарига кетган эримни йўлдан уриб... Бовуржондан ҳалигача хабар йўқ. Кўнғироқ қилиб, соғ-омонлигини айтиб қўйсаям майли эди. Ё ростдан ҳам...”

Нигина пишиллаб ухлаб қолди. Арслон ҳам каравотида кафтини бошининг тагига қўйиб, ширин ухламоқда. Ойнур ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят, бир қарорга келди. У ўрнидан сапчиб турди-да, апил-тапил кийиниб, кўзгуга қарашга ҳам сабри чидамай, сумкасини кўлига олиб, ташқарига отилди. Зинадан тушаётиб, соатига кўз ташлади, олтидан ўн беш дақиқа ўтибди. Ўз тирикчиликлари билан шошилиб кетаётган ўткинчиларни айтмаганда, кўча ҳали сокин, ҳар замонда битта машина ўтиб қоларди. Кўча боши-

да яна бир енгил машина кўринди. Ойнур қўл кўтарган эди, у ёнига келиб тўхтади. Орқа ўриндиққа ўтирар экан, ҳайдовчига кеча телефондаги аёлдан ёзиб олган манзилни айтди. Кўнглида, “Бир нотаниш кимсанинг лақиллатганига ишониб қаёққа кетяпман, орқага қайтсаммикан?” деган шубҳа ҳамон ғимирлаб турарди.

* * *

Машина манзилга етиб келиб, тўхтади. Ойнур кира ҳақини бериб, машинадан тушди-да, йўл четида бир зум каловланиб турди. Кейин атрофга диққат билан қаради. У айни ўша манзилда айтилган уй қаршисида турган экан. “Жуда осон топдим”, ўйлади у бундан қувонишиниям, қувонмасликниям билмасдан. У излаган квартира учинчи подъезднинг иккинчи қаватида экан. Зинадан юқорига аста кўтарилди бошлади. У биринчи билан иккинчи қават ўртасидаги дераза олдида яна бир зум иккиланиб туриб қолди:

“Агар буям бир ёлғон ҳазил бўлса-чи? Элвира мени танийди, ҳозир чиқиб қолса, унга нима дейман? Балки ортга қайтсаммикан?! Одамлар ҳали ширин уйқудалик пайтида болаларни уйда ёлғиз қолдириб, бу қандок юриш бўлди? Одам дегани шунақа иродасиз, бетоқат бўладими?!” дея хаёллари билан олишди. “Барибир келдим-ку. Яланғоч сувдан қайтмас, дейдилар. Нима бўлсаям, Элвирага йўликиб кетай”, деб турганида эшик шарақлаб очилиб, ичкаридан сўкинганча Бовуржон чиқди, унинг изидан уй халатида, қўлида ёш бола кўтарганича чиққан Элвира, костюм этагидан тутиб: “Болани туғдириб, энди қочяпсанми, номард?!” – деб подъездни бошига кўтариб шанғиллади. “Болани кимдан туққанингни ўзинг ҳам билмайсану, манжалаки!” деди Бовуржон ва силтаниб, этагини унинг қўлидан чиқариб, зинадан пастга туша бошлади. Шу пайт... худди ўзга сайёралик жонзотни кўргандай кўзлари қинидан чиқиб кетди, қаршисида унга тикилганча қотиб турган Ойнурни кўрди. Шу ондаёқ Бовуржоннинг юзи қорайиб кетди. “Қора бет, юзи қора деганлари мана шу экан-да?” деган ўй Ойнурнинг миёсида ярқ этди. У Элвиранинг тезда ичкарига ўзини уриб, эшикни қулфлаб олганига эътибор ҳам бермади. Бовуржон билан Ойнур бир-бирларига тикилганча туриб қолишди. Агар бир катта ит етаклаган рус боласи: “Можно пройти?” демаганида улар яна қанча туришлари номаълум эди. Биринчи бўлиб Бовуржон ўзига келиб, эшитилар-эшитилмас оҳангда:

– Ойнур, мени кечир, кулинг бўлайин! – деди овози қалтираб.

Тошдай қотиб қолган Ойнур эрининг овозидан уйғонгандай, унга бир оғиз ҳам сўз айтмай, шарт бурилиб, пастга қараб отилди. Эшикдан чиқиб, ана шу тезликда кетар экан, кўз олди қоронғилашиб, бир лаҳзада бутун борлиқ қора ранга бўялди. Юраги эса кўкрак қафасига сиғмасдан, шу лаҳзаларда уни ёриб чиқиб кетадигандай туюлди. Ичи чўғ ютгандай куюб-ёниб, кўзларидан ёш шашқатор оқа бошлади. Лаблари эса: “Бу қандай кўргилик? Ё, Худойим, ҳали бунисиям бормиди?! Энди нима қилдим? Бошимни қайси тоғу тошга урайин?! Пешонамни шунчалар шўр яратганмидинг?!” деб пичирлаб бораради.

Аччиқ хаёллар миёсидан зувиллаб ўтаверди, ўтаверди. Худди изидан биров қувиб келаётгандай, шу югурганича катта йўлга чиқиб олди.

Тинимсиз ғизиллаб ўтаётган машиналарнинг сигналларини эшитмас эди. Шу пайт ўқдай учиб келаётган оқ иномарка ғилдираklarининг ғийқиллаши-ю, Ойнурнинг жон талвасасида: “Ойжо-о-он!” деган чинкириғи кўчани тутди.

Енгил пардай учиб келиб, катта йўлнинг ўртасига чалқанчасига тушган Ойнурнинг тепасига бир зумда одамлар тўплана бошлади. Йўлнинг ҳар икки тарафидан келаётган машиналар кетма-кет ғийқиллаб тормоз босиб, тўхтагач, шовкин-сурон кўтарилди:

– Эй, нима гап, тинчликми?

– Тирик эканми?

– Ҳали ёш экан-а! – деган овозлар эшитилди.

Ойнури уриб юборган ҳайдовчи югуриб келиб, унинг бошидан кўтарган эди, кўли кип-қизил қонга беланди. Кўрққанидан ранги бўздай оқариб кетган ҳайдовчи Ойнурнинг жонсиз танасини қопдай кўтарганча машинанинг орқа ўриндиғига ётқизди. Бу пайт Бовуржон ҳам етиб келиб, хушсиз ётган Ойнурнинг ёнига лип этиб кирди-да, унга хайратланиб қараган ҳайдовчига:

– Мен бунинг эриман! – деди. – Тез шифохонага ҳайданг!

Ҳайдовчи қўлини, терлаган манглайини рўмолчасига артганча, рулга ўтирди. Машина жойидан қаттиқ силкиниб, катта тезлик билан шифохона томон йўл олди. Бовуржон кўллари титраб, хотинининг қон сизаётган боши, бўйни, пешонасини рўмолча билан артар экан:

– Ойнуржон! Кўзингни оч! Мени ташлаб кетма, жоним! Сени ҳеч кимга бермайман, сен ўлмайсан, жоним! Ойнуримни ўзинг асрагайсан, Худойим! Ойнурим ҳали яшаши керак, яшаши керак! – деб худди ақлдан озган одамдай ўзига-ўзи тинмай гапириб келарди. – Сени кўрмасам, қийналаман. Кўрсам, азоб бераман! Биламан, бегуноҳсан, лекин юрагим ўт бўлиб ёниб, тинчлик бермаса, нима қилай? Ўртамизда Элмуроднинг шарпаси тургани-турган. Мана сенсиз яшолмаслигимни бугунгина билдим. Мен сенга азобдан бошқа нима бердим?! Ҳаммасига ўша Элмурод сабабчи! Уни топиб, қасос олмагунимча тинчмайман! – деб Бовуржон бошини икки кўли билан сиқиб ушлаб, қаттиқ уфлаб, яна ўзича гапира бошлади. – Ҳеч қачон юзингга солмайман деган сўзимнинг устидан чиколмадим, иродасиз эканман. Сенга бир азоб бериб ўзим ўн баробар кўп азобландим. Нима қилай, ўз ихтиёрингга қўйиб, ажрашиб кетолмайман, бошқалардан сени қизғанаман. Шу аҳволингга ҳам юзингдан нур ёғилиб турибди, фариштам менинг! Сенга қарасам куйиб кетаман. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмайман. Ҳеч кимнинг бошига бундай азобни солмасин. Дўзах ўтида ёнишим ҳам худди шундан бўлса керак! Қайдан ҳам мен сени учратдим?! Мен ҳам ҳамма каби тинч яшашни истайман! – деб ғудраниб келаётган Бовуржон кутилмаганда овозининг борича: – Элмурод! Қайдасан! Сени топмасдан қўймайман! Ойнуримнинг бошига сен етдинг! Сен! Буни икковлашиб ўлдирдик! – деб қичқирганидан кўрқиб кетган ҳайдовчи орқасига қараб-қараб олди. Бовуржон бунга эътибор бергани йўқ. Хотинининг бетига қаттиқ тикилганича гоҳ шивирлар, гоҳ хайкирарди:

– Сен мени севолмадинг. Буни яхши биламан. Лекин ҳурмат қилиб, сийладинг. Ҳатто калтакласам ҳам бошқа аёллардай шовкин кўтариб, бақириб-чақирмасдан, унсиз йиғладинг. Нега? Нега сен бунақасан?! Мен

билан уришиб-талашсанг бўлмасмиди?! Энди мени қайғуга кўмиб, индамаганинг каби ўлиб кетмоқчимисан? Ўлгунича қийналиб, азобда яшасин, дегансан-да!

* * *

Операция хонасига хушсиз олиб келинган Ойнурни ўраган шифокорлар зудлик билан унга ёрдам беришга киришиб кетишди.

Бовуржон уларга:

– Қандай дори керак бўлса айтинглар, топаман, қанча харажат керак бўлса – кўтараман, фақат илтимос, жони омон қолсин, ёрдам беринглар! – деб илтижо қиларди.

Ойнурни операция қилувчи жамоани бош шифокор Александра Архиповна бошқарар эди. Узоқ давом этган операциядан чиқиб келган бош шифокор йўлакда қалтираб-қақшаб турган Бовуржоннинг олдида бир зум тўхтаб:

– Беморнинг ўнг томон қовурғаси синган, жигари эзилган, боши ёрилган, – деди ҳорғин оҳангда. – Сиз эримисиз? Очиғини айтаман, аҳволи жудаям оғир. Биз кўлдан келганини қилдик, эндиги умид ёлғиз Худодан!

Буни эшитган Бовуржон икки қўли билан бошини чангаллаганича, девор ёнидаги диванга “шилқ” этиб ўтириб қолди.

10. “ОТАМ, ОТАЖОНИМ-ЭЙ!”

Ойжон опанинг вафотидан кейин Олим ака қисқа вақт ичида ўзини олдириб, ўзгариб кетди. Илгарилари унчалик яқин бўлмаган Ойнурниқига кунаро бориб, хабар олиб, унинг юзига ғамгин тикилиб:

– Онангга жудаям ўхшайсан қизим, сени кўрсам раҳматли онангни кўргандай бўлиб, енгил тортаман, – деб пешонасидан ўпиб, ҳидини қайта-қайта искаб, чуқур хўрсиниб кўярди. Кўзларига келган ёшни сездирмаслик учун рўмолчасини олиб, йўталиб, юзини артарди. Ойнурни машина уриб, касалхонага тушибди, деган хабарни эшитганда отаси:

– Бу қиз тонг пайтида у томонларда нима қилиб юрган экан?! – деди ҳайрон бўлиб, кейин бошини куйи солиб ўтирди-да, кўзларига куюлиб келган ёшни рўмолчасига артиб, куюниб давом этди. – Ойнур онасининг энг суюкли қизи эди, қайдам, ёнимга олиб кетай деганмикан? Шу қизимни олиб кетиб тинчимоқчимиз бу? Эй, Яратган Эгам! Мана, менинг жонимни ол! Ёш жонни нима қиласан? Ҳаммасига мен айбдорман, мана мени ол! Фақат Нуримнинг умрини зиёда қил, Яратган Эгам!

Олим оға бўкириб йиғлаб юборди. Отасини бундай ҳолда биринчи бор кўрган Бекжон билан Розия кўрқиб кетишди. Розия отасига раҳми келганидан: “Отам боёқиш онамиздан кейин тез қариди-да!” деб, югуриб бориб отасини кучоқлаб:

– Ойнурингиз тирик, жони омон қолибди. Операциядан яхши чиқибди, – деди-ю, у ҳам хўнграб йиғлаб юборди.

Олим оға кўзёшларини артиб, Розиянинг елкасига қоқиб:

– Сен Ойнурнинг уйига бориб, болаларининг ҳолидан хабар ол, – деди ва ўғлига буюрди: – Бекжон, машинани чиқар, кетдик!

Икки кунгача қимирламай, беҳуш ётган Ойнур учинчи куни алаҳсирай бошлади:

– Ойи, ойижон! Ола кетинг мени, мени нимага ташлаб кетяпсиз, менам сиз билан кетаман! Арслоним!.. Нигинам!.. Ойижоним! Илтимос, мени ташлаб кетманг! Нимага индамайсиз, ойижон? Ойи, тўхтаг!.. – деб ҳушига келганида, тепасида йиғлаб ўтирган отасига кўзи тушди.

* * *

Ойнур юзига жиндай қизил югуриб, қувониб, бироз кулимсирагандай бўлди. Буни дарров сезган Олим оға қизининг ўнг қўлидан ушлаб, энгашиб, оқ бинт танғиб ташланган пешонасидан аста ўпди. Қизининг нозик бўйнига ўралиб ётган тим қора сочларини силаб, унсиз йиғлаб ўтирди. Доим бошини ғоз тутиб, тикка юрадиган отасининг ҳозир букчайиб, боши шалвираб ўтиришига ўзи сабабчи эканлигидан қаттиқ эзилган Ойнур ичидан:

“Отам, отамжоним-эй! Онаминг ўрнини билдирмайин деб ўтирибдида. Онам менинг куйдирганимдан кетган эди, энди мана отамни ҳам ўлдирадиган бўлибман-ку!” деган хаёллар билан куриб турган лабларини аранг қимирлатиб, эшитилар-эшитилмас:

– Дадажон! Бахтсиз қизингизни кечиринг, – деб кўзларига қайноқ ёш қуюлиб келди.

Олим оға ҳам ёшли кўзларини пирпиратиб, каравотнинг бош томонига илинган сочиқни олиб, қизининг кўзларини эҳтиётлаб артди. Ойнур отасининг кўнглини жиндай бўлса-да, кўтаргиси келиб, жилмаймоқчи эди, мияси игна санчилгандай дувуллаб оғриб кетди. Буни сездирмаслик учун у кўзларини чирт юмиб:

“Аста кулиш учун ҳам куч керак экан-да, шунгаям ярамай қолдимми?” деган хаёл билан ўнг қўл бармоқларини аста қимирлатмоқчи бўлганди, унгаям қурби етмади. Пешонасидан муздай тер чиқиб, юраги сиқилди. Бор кучини йиғиб, оёғининг учини қимирлатган эди, умуртқаси жизиллаб кетди. Боши, бутун танасида чидаб бўлмайдиган қаттиқ оғриқ бошланди. У ўзининг ҳоли шунчалик аянчли эканлигидан қўрқиб кетди. Болалари ёдига тушди. Томоғига бир нима тикилгандай дами қайтиб, бўғила бошлади. Юраги худди бутун оламга эшитилаётгандай қаттиқ гурсиллаб ура бошлади. Нигинанинг бешикда чириллаб ётиши кўзига кўринди. Уни юпатмоқчи бўлиб бешикка ёпишган Арслон уни овутаман деб ағдариб юборгандай бўлиб кетди... Ойнур ўрnidан сапчиб туриб, уйига югуриб кетмоқчи бўлган эди, ҳансираб-энтикиб, қора терга тушди. Ҳали ўлишга эрта, ўлишга ҳақи йўқлигини тушунар, яшаш учун бор кучини тўплаб, ўлим билан олишиб ётарди.

* * *

Боласининг кўз олдида жони қийналиб, ажал билан олишаётганини кўриб туриб, ҳеч бир ёрдам беролмасликдан ҳам ёмон азоб бормикан? Олим оға бу ўйдан ияги дириллаб, саросимага тушса-да, сездирмасдан, ўзини босиб:

– Суянчим, шамчироғим менинг! – деб такрорларди. – Худога беадад шукр, энди тузалиб кетасан. Онангдан ҳам омон қолдинг, олиб кетолмади. У ёқда ҳеч нима йўқ. Икки бирдай болангга ўзинг эгалик қилгайсан. Умидсизланма, эртага ҳаммаси унутилади. Омон-эсон касалхонадан чиқсанг бас, – деб ўрнидан туриб, палатадан чиқди-да, докторларни чақириб келди.

Ойнурга оғриқни тўхтатиб, тинчлантирадиган бир-икки укол қилишгач, бироз тинчлангандай бўлди. Александра Архиповна Олим оғага:

– У эндигина ўзига келяпти. Шундай аҳволдаги беморнинг олдига сизни ким киритди?! Палатадан тез чиқиб кетинг. Беморга ҳаяжонланиш, зўриқиш мумкин эмас. Наҳотки шуниям тушунмасангиз?! – деди-да, отанинг кўзларидан дувуллаб оқаётган ёшни кўриб, уни елкасидан кучиб кулди:

– Бу нимаси?! Шундай басавлат кишининг йиғлашини қаранглар! Барча хавф-хатар ортда қолди, худога шукр, қизингиз тузалишга юз тутди. Организми ёш, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади, отахон!

Олим оға аёл кишининг ўзини юпатаётганидан ўнғайсизланди.

– Раҳмат, қизим! Омон бўлинглар, қўлинглар дард кўрмасин... Агар иложи бўлса, яна бир неча дақиқа қизимнинг ёнида қолсам. Илтимос!

Доктор “маъқул” дегандай кўзи билан имо қилиб:

– Бир неча дақиқа бўлса майли. Нима бўлганини ўзингиз кўрдингиз. Қизингизга осойишталик керак, – деди-да, палатадан чиқиб кетди

Хонага яна сокинлик чўкиб, Олим оға қизи билан ёлғиз қолди. Бироз бўлса-да, тинчланган Ойнуринг кўзларидан дув-дув ёш оқаверди. Олим оға ҳам кўзёшларини аранг тутиб:

– Жоним болам, нима бўлди сенга? – деди қуюниб. – Тонг отмасдан катта кўчада нима қилиб юрувдинг? Майли, айланайин, ҳар нарсаларга алаҳсимамай қўя қол. Болаларингга Розия қараб турибди.

Шундай деб у қизини юпатгандай бўлди, кейин эсига тушиб, қўшиб кўйди:

– Анови... ҳайдовчи йигит уйга бориб мендан кечирим сўради. Бироз пул олиб борган экан, олмадим. Фақат: “Қизим касалхонадан эсон-омон, тузалиб чиқса бўлгани, – дедим. – Буям бир фалокат-да. Шошилмай, ён-атрофингга қараб юрмабсан-да”, – деб танбеҳ бердим.

Олим оға гапириб, Ойнур тинглаб ётган бўлса-да, бу унинг биринчи бора отаси билан юзма-юз гаплашиши эди.

* * *

Одамзодни Худо тупроқдан яратган, деганлар, лекин у пўлатдан ҳам яралган экан. Пўлатдан яралган Ойнур аста-секин тузала бошлади. Мана, бутунлай оёққа ҳам турди. Бугун уйга кетишига рухсат берилди. Розия, Салтанат, Бекжон Ойнурни касалхонадан олиб кетишга келиб, эшик олдида кутиб туришибди. Эшиқдан Ойнур чиқиб келди. Келиб жигарлари, янгаси билан кучоқлашиб кўришар экан, маъюсгина кулиб:

– Ҳаммангларни қийнаб қўйдим, – деди. Салтанат янгасини кучоқлаб, иккала бетидан чўлп-чўлп ўпиб, кейин қулоғига шивирлаб:

– Тилла янгагинамдан ўргилай, оғам мени: “Шу қизнинг муаммолари қачон тугаркин?” деб орқамдан уришмаяптими? – деб ҳам сўраб қўйди.

Чиндан ҳам Бекжон сингисининг турмушида чекаётган азоблари, бошига тушган кулфатларни кўра туриб, оғаси бўлса-да, аралашолмаётганидан қаттиқ изтироб чекиб юрарди. Ойнурга юраги қаттиқ ачиб, ичидан бунга ўзини айбдор деб ҳам биларди. Ойжон опа ёшлигидан бокс билан шуғулланган жисмонан кучли Бекжоннинг бир кунмас бир кун Бовуржон билан муштлашиб, куёв-қайноға эл олдида шарманда бўлишидан кўрккан эди. Ойжон опа ўғлига:

– Болам, синглингга жонинг ачиб юрганини биламан. Агар жигарингга ачинганинг рост бўлса, куёвга тега кўрма! Пайғамбаримиз ҳам куёвини сийлаган. Бовуржонга тегма. Тинчиб, ўзлари билан ўзлари бўлиб кетишин, – деб тирик пайтида кўп бора такрорлар эди.

Ойнур жигарлари орасида Бовуржон йўқлигидан ҳайратланиб, ичида “Нега кўринмайди, тинчликмикан? Балки кўчада, машинада ўтиргандир?” деб ўйлади. Машинада ҳам йўқлигини кўриб, Розияга қараб:

– Бовуржон нега келмади? – деб сўради.

– Кеча шошилинч йўлга кетадиган бўлиб, сенга хат ёзиб қолдирганди. Уйга борганинда берарман. Ўшанинг қасофати билан шунча азоб чекиб, яна уни сўрайсан-а, шўрлик синглим-ай! – деб Розия кўзларидаги ёшини артар экан, гапни бошқа ёққа буриб юборди

* * *

Кечга яқин Ойнурдан кўнги сўраб келган қариндош-уруғ, кўшнилари ҳам тарқалишди. Опаси Розия:

– Синглим, мен кетмайман, қувватга киргунингча ёнингда бўламан, – деб идишларни ювгани ошхонага чиқиб кетди. Хонада ёлғиз қолган Ойнур ҳаяжон билан боя Розия опаси берган хатни қўллари титраганча очиб, ўқишга тутинди:

“Салом, Ойнур!

Ушбу мактубни қўлингга олганинда мен бу ердан жуда олисларда бўламан. Сенга қилган ёмонликларим, азобларим учун кечиролсанг, мени кечир! Сени ортиқ қийнамоқчи эмасман, шунинг учун ўз эркингни бериб, сени холи қолдиришга аҳд қилдим. Бу менинг учун қанчалик қийинлиги ёлғиз Худобагина аён. Мен сени кўп йиғлатдим, шундай қилсам юрагимдаги онам солган алам сўнадигандай туюларди. Лекин ундай бўлмади, аксинча, бундан ўзим минг бор кўпроқ азоб чекдим. Онангга сўз берган эдим, шу кишининг руҳи чирқирамасин, суяги сирқирамасин, деб бошимни олиб кетяпман. Агар бирга бўлсак, яна сенга азият етказаманми, деб кўрқаман. Элмуродни унутолмадим. Болаларга беш юз доллар қолдирияпман. Ҳозирча шуларни ишлатиб тур. Ёрдамлашиб тураман.

Хайр, омон бўл! Бовуржон”.

Мактубни ўқир экан, Ойнурнинг кўзларига қайноқ ёш қуюлиб келаверди. Шу пайт хонага кириб келган Розия остонада унга ҳайрат билан тикилиб:

– Эй, яна нима бўлди? – деди кўзлари катта очилиб. – Бу куёв нима қаромат кўрсатди сенга ўзи? – деб Ойнурнинг қўлидан хатни олиб, уни ўқиб чиқди-да:

– Буниси яна нима бўлди?! – деди ажабланиб. – Бу сени ташлаб кетганими? Болаларни ҳам ўйламабдими? Ҳой, сен боёқишнинг Худога нима ёзиғинг бор эди? Сенинг шўрингга битган бало бўлди-ю, бу! Нима бало, ажина чалиб кетганми буни?! – деди куйиниб.

Ойнур оғир тин олиб:

– Опажон, унда айб йўқ! – деди алам билан. – Ҳаммасига мен ўзим айбдорман. Мен “эшик кўрган”, “бошқага бориб келган” киз эдим. Менинг айбим мана шу. Ўшанда Элмурод билан қолишим керак эди. Энди, мана, “Элмурод, Элмурод” – деб кўзимни очирмайди. Бундан кўра ўлганим яхши эмасмиди? Нега яна тирик қолдим?! – деб титраб йиғлади.

– Нима дейди манов киз?! Қайси Элмурод? Эсинг жойидами ўзи?

Розия сингисининг кимни айтаётганини тушунмади.

– Ҳали шунақами? Эринг билан ойдан оппоқ бўлиб бош кўшмаганмидинг? Йигит деганлари шунчалик номард бўладими, а?! – Розия чуқур тин олиб, сингисининг ёнига ўтирди.

– Бошда ўзи ялиниб, “бўлган ишни оғзимга олмайман”, деб сўз бериб уйланмаганмиди?

– Опажон, сўз бериш осон экан. Мени кимдир қаргаган, опа! Менга қарғиш теккан! – деб хўнграб, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади.

– Айланай сендан, қаёқдаги нарсаларни ўйлаб топасан-а? Қарғиши нимаси?

– Бўлмаса менинг нима ёзиғим бор? Ўшанда Элмуродни зорлатиб, мени олиб кетдинглар.

– Ҳой киз! Нега ўшанда, “Кетмайман, шу ерда қоламан!” демадинг?! – Розия сингисини энди кўраётгандай кўзларини катта-катта очиб, унга хайрат билан тикилди.

– Ўшанда менда тил бормиди? Ўзларинг мендан буни сўрадиларингми? Мени ўшанда қайси бирларинг одам ўрнида кўрдиларинг?! Энди менинг йиғламаган куним йўқ! Бовуржон кетса кетсин! Дунёдан энди тоқ ўтаман! “Эр” деганлари мана шунақа бўлса, керак эмас. Икки боламни эрсиз ҳам оёққа турғизарман! “Ёрдамлашиб тураман”, дебди. Ҳеч нарсаси керак эмас. – Ойнур кўзларида ёш билан энтикиб гапирарди.

Розия сингисининг бу ҳолатидан юрак-бағри эзилиб, унинг юзларидан, пешонасидан ўпиб:

– Ойнуржон! Ақллим, эркагинам менинг! Қўй, йиғлама! У сенинг бир томчи кўзёшингга арзимайди. Бунақа куяверсанг, ақлдан озишинг ҳеч гапмас. Ўзинг бир ўлимдан қолиб, бугунгина уйингга, болаларингнинг ёнига келиб турибсан. Манави полапонларингни ҳам ўйласанг-чи, – деб ухлаб ётган Арслон билан Нигинани кўрсатиб, гапиришда давом этди: – Унинг кетгани рост бўлсин! Кетмаса, ундан нарига! Сени бизлар ташлаб қўймаймиз. Сенга яна бир бало бўлса мен нима қиламан? Онамиздан айрилдик! Сендан бошқа кимим бор менинг? Мениям ўйлайсанми ўзи?! – деб ўкириб йиғлаб юборди.

Ойнур ўз ўтига ўзи қовурилиб, бир неча тонгларни киприк қоқмасдан отгирди. У бир томондан, эри ташлаб кетибди, деган гапдан номус қилиб, ерга киргудай бўлса, иккинчи томондан, Бовуржон ўша Элвираникига кетди, деган ўйдан рашк ўтида куйиб тамом бўлди.

– Нимада адашдим? Нимага бундай бўлди? Қайнотам-қайнонам, қайинларимнинг ҳурматини жойига қўйдим-ку. Келинлик, хотинлик бурчимни ўташга кучимнинг борича ҳаракат қилдим-ку, – деб ўйлаб ўйига етолмасди.

Ҳаётдан, эркак зотидан кўнгли қолган Ойнув энди турмушнинг муштларига ўзи ёлғиз туриб чидашга, қолган умрини фарзандларига бағишлаб, тоқ ўтишга аҳд қилди. Ёшлик чоғларида яхши ният билан улкан-улкан орзулар қилган Ойнувнинг ҳаёти шу тарзда, юракдаги алам-армонлар билан қовушиб, зувиллаб ўтаверди. Ичига тўлиб кетган захар-заққум, аждаҳодай кекнинг ҳар лаҳзада вулқондай отилиб кетмаслиги учун “орномус” деб, ўзи билан ўзи олишар, қурашарди.

У сўнги кунларда ҳаётнинг мазмуни, яшашдан мақсад, ота-она, фарзандлар бурчи ҳақида кўп ўйлайдиган, кўп мушоҳада қиладиган бўлди. “Нима учун одамзод камчиннинг дастасича келадиган бу қиска умрида нодонлик, жоҳилликка берилиб бир-бирига, айниқса яқинларига озор беради? Шунинг учун ҳам “Душманингдан бир бор, нодон дўстдан минг бор сақлан”, деб бекорга айтилмаган экан-да... Одамлар, айниқса эр-хотинлар бир-бирини ардоқлаб, кадрлаши, эҳтиёт қилиши шунчалик қийинми? Ҳадисда: “Яхшилиқни энг аввал онангга қил”, дейилган. “Жаннат оналар оёғи остида”, ҳам дейилади. Қуръони Каримда фарзандларнинг ота-онани кадрлашлари буюрилган. Фарзанднинг ўз ота-онасини сийлаб, ҳурматини ўрнига қўйиши, энг аввал, Аллоҳнинг розилиги учундир. Лекин ўз зиммасидаги бурчларни адо этиб, ўзгалардан ҳам кўпроқ яқинларидан озор чекиб яшаётганлар ҳаётда озми? Она бўлиш учун ҳам илм керак: “Бор яхшилиқни онангга, онангга, яна онангга қил”, деганда, ана шундай билимли, меҳри дарё, қалб кўзи очик, оқибатли ва донишманд оналар назарда тутилса керак. Фарзанд – ота-она олдидаги, ота билан она – фарзандининг олдидаги бурчини ўтаб, бир-бирларидан том маънода рози бўлиб яшашларини ҳар бир инсонга насибу рўзи айласин!”

Бугун кўнглидан кечаётган бу каби фикрлар илгарилари Ойнув учун жуда мавҳум ва оддий панд-насихатдай туюлган эди. Лекин бугун бу гапларнинг мағзини бошқатдан чакқандай, уларни қайтадан кашф қилиб, асл маъносини мана энди аниқ туйгандай бўлди. У мана шу оддий ва азалий ҳақиқатни бошқатдан кашф этмоғи учун бугунгача бўлган ҳаётини масофани босиб ўтиши, жами эркинлиги, эркалиги, ёшлик жўшқинликларини бой бериб, олам ва одамлар ҳақидаги тушунчасининг ғоят жўнлигидан уяладиган фаслга етиб келиши керак эканлигини англади. Ойнув шу пайтгача содда, иродасиз, борингки, бўш-баёвгина қиз эди, мана шу нуқсонларини ўзи англаб етиб, ўз ёғига қовурила-қовурила, шу кунларга етиб келгунича қанча-қанча хатоларни бошидан ўтказмади, дейсиз?! Лекин, наҳотки мана шуларнинг бари – ёшлик хатолари бўлса? Нега тақдир бошқаларнинг хатоларини ҳам кўрсатиш учун айнан Ойнувни танлади? Ахир, дунёда адолат, ҳақиқат деган гаплар ҳам бўлиши керак эмасми? Бу фикрлар ўтирса-турса унинг ҳаёлидан кетмасди.

У энди онасига беролмаган армонли меҳрини отасига беришга, унинг ёнида кўпроқ бўлишга интиладиган, унинг эгик қаддига суянч, нурсизланган кўзларига нур бўлишга, хотинидан жудо бўлгандан бери эгаси кўчиб кетган уйдай ҳувиллаб қолган қалбига қувонч беришга, бу билан ўзи учун азиз бўлган инсоннинг умрини узайтиришга, яна аввалгидай

унинг юрагида ҳаётга иштиёқ уйғотишга жон-жаҳди билан киришди. Ой-нур отасининг чўккан кўнглига илиқлик бағишлаш учун қанча уринмасин, кейинги пайтларда Олим оға худди нарсаларини жомадонига жойлаб, узоқ сафарга чоғланган одамдай маъюс, беҳаловат бўлиб қолди. У ҳаётдаги ҳамма нарсага кампирининг кўзи билан қарайдиган, унинг сўзи билан баҳо берадиган бўлди. Арслоннинг ўсиб қолган бўйига қараб:

– Ҳа, Нур қизим, онанг манов полвоннинг улғайганини кўрганида борми, боши кўкка етган бўларди-я, – дейди.

Нигина тили чиқиб, илк бора “бобожон” деганидан қувониб, кейин бирданига маъюсланиб қолди:

– Эҳ, аттанг-а, кампирим бўлганида бу қиз биринчи бўлиб “бувижон” дерди-я, – деб ёш боладай йиғлай бошлади.

Бир куни кузда Ойнур уйларига борса, дадаси ҳовлидаги юмшоқкурсида дарахтдан тилларанг баргларнинг оҳиста тўкилишини маъюс кузатиб ўтирган экан. Ойнурнинг кўнгли ғалати бўлиб кетди.

– Мана, ўлмаган қулга куз ҳам келди, қизим, – деди отаси. – Аянг кузни, хазонрез фаслни яхши кўрарди. Дарахт шохларидан баргларнинг узилиб тушишига тикилиб ўтирарди. “Кузнинг нимаси яхши?” десам, “Куз умрнинг ғанимат, вақтинчалик эканини эсга солади. Баргларнинг ёши бир, ҳаммаси шу баҳорда туғилган, лекин нимагадир улар ҳам дарахтдан бирданига эмас, худди бизга ўхшаб, вақти етганда узилар экан”, дерди. Аянг менинг армиядан қайтишимни кутиб, неча йил ёлғизликда яшаган эди, энди у ёқларда ёлғиз ётганига ҳам анча бўлди, мен бўлсам бу ерда ҳаяллаб қолдим, – деб йиғлаб юборди.

Ойнур дадасининг гапни шундай яқунлашини кутмаган эди, гапиролмасдан, дадасининг кўзларига қараб, қотиб қолди.

– Биласанми, Нур қизим, Худо инсоннинг диёнатга қарши – хиёнатни, севгига қарши – нафрат ва бевафоликни, меҳрга қарши – ёвузликни ўйлаб топганидан ўксиб, оққушларни муҳаббат ва садоқат, меҳр ва эзгулик тимсоли қилиб, бандаларим улардан ўрнак олсин, деб яратганми дейманда? Худо уларга ўрнак бўлишни ато қилгани учун ҳам уларнинг севгисиям, армониям юксак ва гўзал. Шунинг учун ҳам оққуш жуфтидан жудо бўлганда тўшини тошларга уриб, ҳалок бўлади. Бу юксак жонфидолик, ўрнак бўлиш саодати унга Яратган томонидан ато этилган. Инсон эса оққушлардан ўрнак олиш у ёқда турсин, бу қанотли фаришталарни менсимайди, уларни таҳқирлайди, ғоз, ўрдак ва ҳатто товуқларга тенглаштириб, уни “парранда”, деб атайди. Бу эса оққушларга армон қилса керак. Шунинг учун уларнинг кўзида – мунг, овозида – нола пайдо бўлади.

Ойнур ўша дийдор лаҳзасида отасининг ўзи билмаган фазилатларини кашф этди, унинг шоирона фикрларидан ҳайратланди, лол бўлиб қолди.

Бу отаси билан сўнги суҳбат эканлигини у ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Орадан икки кун ўтгач, Олим оға ўша ҳовлида, ўша оромкурсида ўтирганча, кампири ёқтирган хазонрезгига тикилган кўйи, жимгина абадий уйкуга кетди.

Васиятига кўра қабристонда уни Ойжон опанинг ёнига қўйишди.

Отасининг етгиси куни Салтанат янгаси хонасидан чарм муқовали қалин дафтарни олиб чиқаркан, аввал дафтарни кўзларига суркади, сўнг уни кўзларига жикқа ёш билан Ойнурга узатиб:

– Дадамнинг кундалиги, ўша куни эрталаб, “буни Нурқизга берарсан”, дегандилар, – деди.

Ўша оқшом, кўнгил сўровчилар уй-уйларига тарқалгач, Ойнур отасининг кундалигини қўллари қалтираб очди. Кундалик саҳифаларини варақлаб, отасининг қувончли ва маҳзун онлари юрагида қандай туйғулар жўш ургангани сезиб, кўзларидан ёш тиркираб оқди. Ҳамиша жиддий, гапидан сукунати кўп бўлган, салобатидан нафақат болалари, балки катта ёшдагилар ҳам довдираб қоладиган отасини бошқатдан танигандай бўлди. “Ойжонга бағишлов” деган туркум шеърлари, фарзандларига атаб ёзган насихатларини ўқиб, кўкси тўлиқди. Кундалик охиридаги шеър тепасига “Ойнуржонимга бағишлайман” деб ёзибди, кейин: “Ўзим тарафимдан шеърга киритилган айрим ўзгартиришлар учун унинг муаллифи Мухтор Шохонов мени кечирар”, деб илова ҳам қилибди. Шеърни ўқир экан, Ойнурнинг кўзларидан қайноқ ёшлар қуйилаверди-қуйилаверди:

*Сен йиғлама, Нурқизим,
Кўп кўрдим, деб турмушининг торчилигин,
Қайтмади деб юртга қилган яхшилигим,
Сен йиғлама!*

*Бир қаттиқ зарб олдим деб,
Бахтсиз бўлиб қолдим деб
Сен йиғлама!
Кўтар қани бошингни, қалай бунинг?
Муз бўп эриб кетдим бор-йўқ айбинг?*

*Қани кўтар бошингни!
Умрингда бекор ўтдим бир дам?
Тақдиринг не деб сир айтди сенга?
Умрдаги барча ташвиш, гам, ситам –
Бари бахтсизлик деб ким айтди сенга!*

*Ким айтди сенга:
Тулпоринг суринамас деб,
Асовинг минилмас деб,
Оқ кўйлак кирламайди, деб.
Қора эчки мужиган дарахт
Қайтадан гулламайди, деб?*

*Ким айтди сенга:
Юртнинг бари меҳрибон, ширин сўз деб?
Барча бирдай ҳалол-пок, тўғрисиўз деб.
Беҳиштни ардоқлайди,
Покликни ҳурматлайди, деб?*

*Қийналдинг-ов бекор!
Англамадинг-ов!
Умр эса ўтмоқда шувлаб.
Қани ўзинг айт-чи, манов
Ҳаётдаги энгиллик – бари галабами шулар?*

*Одамларга армон етказибми эдинг?
Нега шуни ўйлаб чекасан алам?
Ҳаётдаги алдов, ташвиш, ғам, ситам –
Бахтсизлик эмас бариям!
Синов булар, синов-ку, эркам!*

Ойнур кундаликдаги ёзувларни ўқиб, отасининг ички дунёсига кириб, худди юраги тилиниб, иккига бўлингандай бўлди. “Отажоним-эй!” деб, қайтадан йўқлаб йиғлади. Бир лаҳзада осмон узилиб ерга тушгандай, дунё остин-устин бўлгандай туюлди. Суянган “Асқар тоғи”дан ажралганини ҳис қилиб, бўшашиб, “ох” урди. Шеърни қайта-қайта ўқиб, ҳар бир сўзнинг маъносига эътибор бериб, уларнинг замиридаги фикрни кўнглига жо қилди. Шеърда изҳор этилган асил ҳикмат ҳаётдаги омадсизликлардан зада бўлиб, умидсизланган Ойнурнинг толиққан вужудига куч-ғайрат, зимистондай қоронғи юрагига нур олиб кирди. Кундаликдаги “Ойнуржонимга бағишлайман” деб ёзилган шеърни ўзининг қизил дафтарига кўчириб қўйди.

11. УЧРАШУВ

Орадан кўп йиллар ўтди.

Аччиқ-чучук кунлар ортда қолди.

Ёшлик – ғўрлик фаслида одам яхши билан ёмоннинг, буғдой билан сомоннинг фарқига бормасдан, тўғри йўлда ҳам қоқилиб-суриладиган, чигалликлар, машаққатлар қаршисида довдираб, кечириб бўлмайдиган хатоларга қайта-қайта йўл қўяверар экан. Лекин ёшингга ёш қўшилиб, кўзинг пишиб, тажрибанг ортиб боргани сайин бир пайтлар ечилмайдиган тилсимлар, ҳал бўлмайдигандай туюлган чигалликлар ўз-ўзидан осонгина ечиларкан. Ана шунда унча-мунча ғовларни, синовларни писанд қилмай, улардан қоқилмай-сурилмай ўтаркансан, одам. Лекин инсон бошига нимаики тушмасин, улардан эсанкирамай, ҳалол меҳнат қилаверса – бир кунмас бир кун рўшноликка чиқиши муқаррар экан. Афтидан Яратганнинг ўзи “Шу бандамнинг бошига неки ташлаган бўлсам, умидсизланмасдан тинмай меҳнат қиляпти, ке, шуни ўзим ярлақаб, қўллаб юборай!” – деса керак-да. Ана шунда ўтмишда бошингдан кечган оғир кунлар, ёмонларнинг сенга раво кўрган ёмонликлари, озорлари кўзингга бачкана, арзимас бўлиб туюлар экан. Шунда, нега мен ўшанда шу бачкана, майда нарсаларга ўкиниб, қайғурдим, йиғладим-а, ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим-а, деб ҳайратга ҳам тушар экансан...

Айнан ана шундай фикрлар кейинги пайтларда Ойнурнинг кўнглидан тез-тез ўтадиган бўлди. У ёшлик-ғўрлиги, тажрибасизлигидан аввало ўзи куйди, кейин ота-она, яқинларини изтиробга солди. У энди бугунги тажрибаси, орттирган билимидан келиб чиқиб, ҳаётининг сценарийсини қайта таҳрир қилишни, унинг айрим саҳифаларини бошқатдан ёзишни, воқеалар оқимини бошқача яқунлашни ич-ичидан истарди. Лекин, афсуски инсон ҳаёти шундайки, унда сценарийни бадий кенгашнинг қарори билан таҳрир қилиш, айрим саҳналарни қайтадан ёзиш мумкин эмас. Тўғри, ҳаёт ҳам томоша, унда ҳар кимнинг ўз роли бор. Лекин бундаги роллар бир мартагина ўйналади. Ҳаёт – репетициясиз, таҳрирсиз,

бир мартагина ўйналадиган премьерера. Бу премьеранинг режиссёри ундаги ролларни актёрларнинг табиатига, ниятига қараб эмас, балки ўзи хоҳлаганича тақсимлайди.

Ойнур Олимовна – бугун педагогика фанлари доктори. У университетда талабаларга педагогика ва психологиядан лекциялар ўқишдан ташқари, таълим-тарбия соҳасида бир қанча монографиялар, ўқув қўлланмаларининг муаллифи сифатида ҳам танилди.

Ўғли Арслон ўтган йили “Халқаро алоқалар ва дипломатия” университетини битирди, ҳозир Америкада амалиёт ўтамоқда. Нигина бу йил тиббиёт институтига имтиҳонларни аълога топшириб, даволаш факультетига ўқишга қабул қилинди.

Яқинда Ойнур Олимовнанинг ёш авлод тарбиясига бағишланган навбатдаги “Инсонийлик илми” номли китоби Алматида нашр этилди. Китоб ўтмишдаги валийларимиз, буюк Шарқ алломаларининг инсонни комилликка чорловчи буюк таълимотига асосланган ҳолда бугунги даврдаги педагогика илмининг вазифалари, ёш авлодда энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришнинг йўлларига бағишланган эди. Матбуотда мазкур китоб тарбия соҳасидаги йилнинг энг яхши асари деб ҳам эътироф этилди. Айнан ана шу асар профессор Ойнур Олимовна билан академик Элмурод Бойжонови учраштирди. Орадан ўттиз йил ўтганидан кейин бир-бирларини пинҳонан кўмсаб яшаган икки қалб Алматидаги тақдимот кечасида юзма-юз тўқнаш келди... Ойнур Элмуроднинг кумушранг сочларига назар солар экан, бир пайтлар туйғулар шуъласидан порлаган кўзларида мунгни илғаб, бу инсонни ҳам йиллар шамолининг зарбалари аямаганини ич-ичдан ҳис қилди.

Элмурод бугун юксак илмий мавқега, мартабага эга эди. Мартабасига ҳавас қиладиганлар ҳам, ҳасад қиладиганлар ҳам уни омади кулган, бахтли инсон деб билишади. Юксак мартаба – юксак қоя, қояга ҳаммаям чиқолмайди. “Сиз ақлу идрок, ирода билан ана шу юксак қояни забт этгансиз”, дейишади унга ҳавас қилганлар ҳам, ҳасад қилганлар ҳам. Шунда Элмурод донишманд Абайнинг “Қояга эринмасдан судралиб илон ҳам чиқади, шиддат билан учиб қирон ҳам чиқади”, деган гапини эслаб, жилмаяди. Ҳалол ва самимий бўлган одамгина бу юксакликда маҳкам тура олишини, элнинг назаридан тушмаслигини бугун у яхши билади.

Турмуш синовлари Элмуродни ҳам аямабди. Ойнурни уйдан олиб кетишган кун ҳаётидаги энг қайғули, бахтсиз кун бўлди. Гавдасини ҳам кўтаролмай, бир неча кун бағрини захга бериб ётди. Унинг учун Ойнур кафтидан учиб кетган бахт куши эди. Бу хонадондан ўлик чиққандай, уйларига совуқ сукунат чўқди. Биров у ётган хонага кириб, сўз айтишга журъат қилолмасди. Номусдан, аламдан жисми букилди.

Элмурод, бировнинг покиза, бокира бир қизи иффатига балчиқ сачратдим, энди бу қилган қилмишим учун бутун умрим виждон азобида ўтса керак, деб ўйларди. Шу башорати рост бўлиб чиқди. Унинг бутун умри Ойнурдан, унинг ота-онасидан хаёлан кечирим сўраш билан ўтди. Эҳ, ёшлик кунлари яна қайтиб келсами, у энди бебошлик қилмасди! Эҳ, Ойнурни тўю-томошалар билан айттириб олмасмиди?.. У Ойнурсиз қолган ҳар бир нарсани, хотирасида энди эҳтиётлаб, авайлаб-асрагиси келади. У айникса ўша кунларни унутмас, севгилисидан келган хатни, хатдаги

шеърни кўзининг қорачиғидай асрайди, қаторма-қатор, ҳарфма-ҳарф ёддан билади, такрор-такрор ўқийвериб, ёд бўлиб кетган. Эҳ, ўша ёзилган хат ҳам, ундан кейинги воқеалар ҳам Элмуроднинг ёдидан сира-сира чиқмайди...

* * *

Ана ўша кунларнинг бирида онаси Чинор опа Элмурод ётган хонага ҳовлиққанча кириб, унинг қўлига конверт тутқазар экан:

– Болам! Кулуним! Ўрнингдан тур, бошингни кўтар! Мана, Худога шукр, Ойнуригдан хат кепти! – дейиши билан Элмурод ўрнидан сапчиб туриб, онасининг қўлидан конвертни олди. Кампир ўғлини хижолат қилмаслик учун:

– Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади! – деб уни хонасида холи қолдириб, чиқиб кетган эди. Элмурод хатжилдни қўллари титраб очганича, Ойнурнинг хатига тикилиб, шеърни ютоқиб-ютоқиб ўқий бошлади:

Элмурод!

Ўйланиб кўр, майли, кўп билан кенгаш,

Мендан хафа бўлма, бу – севги эмас,

Энтикиш, ширин ўй – ўтқинчи бари,

Улар қалб оғриғи – изтироблари.

Гуноҳим не эди, мени хўрладинг,

Балки оёқости қилмоқ ўйладинг?

Курашиб бир ўзим ўтар бўлсам мен,

Бу дунёда роҳат топармидинг сен?

Саргайтирдинг баҳоримни – куз этдинг,

“Оқ юзлари қора доғли қиз” этдинг.

Раҳмат, шунча топтадинг-а, айбим не?

Мана шундоқ “гул” эканим эслатдинг!

Қулги-ғийбатларга номим дуч айлаб,

Эл оғзида менинг номим ем этдинг.

Не кунларни ёлғиз бошимга солдинг,

Мени солган ўтда ўзинг ҳам қолдинг!

Мен энди не қилай, қандоқ яшайин?

Эндиги ниятинг қайдан билайин?

Топ энди ўзингга ўзга ёр, унут сен мени,

Ўрқитган ўзинг-ку айбдор, уз энди умидларингни!

Сенга айтар сўнг сўзим:

Агар топсанг ўзга ёр, авайла уни, сев уни,

Кечира олмас эканман, не илож ахир мен сени!

У шеърни ўқиди-ю, бошидан муздай сув куйилгандай қалтираб, баданидан совуқ тер чиқди, қўли билан бошини чангаллаганича: “Ойнур энди қайтмайди! Қайтмайди! Қайтмайди!” деган гап миясида чарх уриб, кўзларидан ёш тирқираб оқди. У йиғлаётганини биров кўриб қолишидан кўрқиб, кафтлари билан кўзларини артди. Бу унинг болалиқдан сўнг, биринчи бор чинакамига йиғлаши эди. Ўн икки ёшида меҳрибон бувисидан жудо бўлиб, ўкириб-ўкириб йиғлагани ёдида. Энди Ойнуридан жудо

бўлганида ҳам худди шундай ўкириб-ўкириб йиғлагиси келган, лекин йигитлик ғурури бунга йўл бермаган эди...

Элмурод Ойнурдан ажралганига қаттиқ куйиб, бошига нималар тушса, барига чидади. Лекин қайсидир бир сассиккекирданинг: “Товукхонадаги жўжахўроз кўкдаги бургутга тақлид қиламан деб, бути йиртилган экан, кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми, қишлоқи!” деган гапи овул оралаб, унинг қулоғига ҳам етиб келгач, чидолмади. “Ойнур мени ташлаб кетмади, балки тириклайин ерга кўмиб кетди!” деди-ю, овулини бутунлай тарк этди...

* * *

Бугун Элмурод ўтган умрига назар солар экан, дунёни ўзининг қаричи билан ўлчамокчи, ўзининг бўйи билан бўйламокчи бўлганларини эслаб, кулиб ҳам қўяди. Ўшанда йигит устидан кулганларнинг тилини тишлаштиш, Ойнурга эса, ўзининг муносиблигини исботлаш учун Алмати университетига ўқишга кирди. У университетда диплом олиш учун эмас, чинакамига билимли бўлиш учун жон-жаҳди билан берилиб ўқиди. Айнан ана шу аламзадалик унга бор кучи, қобилятини жамлаб, маънавий камолот чўққисини забт этишга ундади ва айнан шу туйғу уни юксакликка олиб чиқди. Мана энди у атоқли олим, юксак мартаба эгаси. У қисматидаги бундай бурилишга сабабкор деб билгани Ойнур эса, қўл етмайдиган армон бўлиб қолди. Лекин айнан шу армон унинг қўлидан тугтиб, юксакликка ундади, бугун эгаллаб турган илм чўққиларига етишида унга куч берди, илҳомлантирди. Шунинг учун ҳам у ана шу “Ойнур” деб аталмиш армонини ҳамон юрагининг туб-тубида асраб, ардоқлайди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ер думалок экан, мана улар Алматида – Ойнур асарининг тақдимотида учрашиб туришибди. Ҳа, йиллар ва йўллар Элмуроднинг жингалак сочларини кумуш ранга бўябди. Лекин сўзлардаги олов, йигитлик завқи, жўшқинлиги ўша-ўша, ўзгармабди. Элмурод Ойнурни учратганида ўсмирдай қувониб, завқини ичига сиғдирилмай қолди. Бу учрашувнинг қисқалигидан, илк муҳаббатининг дийдорига, сўзларига тўймасдан, лоақал телефонда бўлса-да, овозингни эшитиб турайин, деб ёлворди. Лекин Ойнур, ўзида бундай хоҳиш йўқлигини, ўтмиш туйғуларининг юракда яна қўзғалишини истамагани учун, юрагидаги бор гапларни оқ қоғозга тушириб, Элмуродга йўллади:

“Ойнур, айт-чи, мендаги севги сендаям бўлганми? Агар айтолмасанг, майли, кўнглингдаги гапларни хатда ёзиб юборарсан”, дегандингиз.

Қалбимдаги сизга бўлган севгимни ақлим билан енгиб, умр бўйи ўзимни азоблаб яшадим. Энди нима десак-да, умр ўтди-кетди, фақат хотирагина қолди.

Кўплар менга “Тўзалсиз” дейишади. Лекин бу гаплардан қувонмайман. Эгнимга чиройли кўйлак кийганимда ҳам, кўзгу қаршисида сочларимни тараганимда ҳам, кўчада кетаётганимда ҳам ўзгаларнинг менга суқланиб қарашларини сезаман. Фақат, на илож, бу суқланиб қарашлар менга қувонч ҳам, алам ҳам бағишламайди. Ҳеч нарсадан завқланмайман, ҳеч нарсадан қувонмайман. Сиз – юрагимни ўртаган олов, суякларимни сирқиратган дард эдингиз. Оламда сиздан ўзгани кўрмайдиган кўр бўлдим. Исмингиз юрагимга мангу муҳрланган экан. Бир дақиқа бўлса-

да, сизни унутолмадим. Муҳаббат менга бахт эмас, азоб берди. Поёнсиз денгиздай чеккан азоблардан вужудим тоблана-тоблана қувват ўзлаштирган экан, сабот, матонат билан умрнинг тўсиклари, зарбаларига дош бериб яшадим.

Илгарилари мен ҳаммаси олдинда дердим, бахт эшигининг калитини бир куни албатта топишимга ишонардим. Йўлларингизга кўз тикавериб, рангим сарғайди. Сиз билан диллашувни, соғинч-хижронда кутганларимни айтиб, сизга эркаланишни, сиз билан завқланишни кўз олдимга келтириб, неча тунларни бедорликда энтикиб ўтказган эдим. Буни билсангиз эди! Тунларни сиз ҳақингиздаги ширин хаёллар оғушида ўтказиб, тонгга яқин ухлаб қолардим.

Бора-бора умидларим сўна бошлади. Кўнглимни қоронғи тун қоплаб, юрагимни ит тирнагандай бўлаверди. Унут бўлганим, сиз учун кадрсиз эканлигимни ҳис қилиш мен учун жуда оғир эди. Бирор-бир тирик жонга юрагимдаги дардларимни айтолмай, ўз ёғимга ўзим қовурилдим, қалбимда тузалмас чандиқ пайдо бўлди. Ўшанда кўзимга дунё тор туюлиб кетди... Гўё ерга сиғмаётгандай, қанотим бўлса-ю юксакларга, самоларга учиб кетсам, бу кўҳна заминнинг ғамларидан кутулармиканман, деб ўйлардим. Вужудимга сиғмаган руҳ жону жаҳонимни тилкаларди... Кўксингдан отилиб чиқмоқчи бўлган фарёдни ичга ютиш, юракни тилкаловчи қайғуларингни яшириш осонми?.. Шунда сизни унутиш кераклигини анладим-да, сизга “алвидо” дейишга аҳд қилдим. Турмушга чиқдим. Ўзгани бахтли қилишга интилдим. Лекин у сиздан қаттиқ рашк қилиб, мениям, ўзиниям қийнайверди, қийнайверди. Ҳар томонлама азоб чекавериб, ҳаётдан совиб кетдим. Оҳ, ўша машаққатли кунлар... Охири кўринмасди уларнинг! Ҳеч қачон улар тугамайдигандай туюларди. Бу менга теккан қарғишнинг мевасимиди? Сизнинг ўшандаги ҳолатингизни, дўст-душманларингиз орасидаги қиёфангизни кўз олдимга келтира бошладим. Ўзларимиз билмаган ҳолда қилиб қўйган хатоларимизни таҳлил қилдим, тушуниб олишга уриндим. Сизга бахт, яхши ёстикдош учрашини кечалари тилаб чиқардим. Ҳаётда бахтингиз тўкис бўлиб, мендан ранжирмаслигингизни Худодан ҳар дам илтижо қилиб сўрардим.

Шунча йиллардан кейин, сиз билан ниҳоят Алматида учрашиб қолдик. Шунда тақдироти бўлаётган китобим устидаги чеккан заҳматларим, уйқусиз тунларим, ҳамма-ҳаммасидан рози бўлиб кетдим. Асар устида ишлаган дамларда айна мана шу китоб бизни учратишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?! Ўшанда мен, бизни бир-биримиздан ажратган йиллар ва йўллар ҳам қалбимдаги сизга нисбатан бўлган туйғуларимни ўчирилмаганини, сиздан бегонасирамаслигимни сездим. Сизнинг юзингиздан эса менга нисбатан фақат энг яқин одамларда бўладиган меҳр шуъласини кўрдим. Лекин кўзларингиз мунгли эди... Ёш боладай қувониб, хандон отиб кулсангиз-да, кўзларингиз кўксингизга яширинган алам, изтиробларни сездириб турарди. Сиз у мунгни, қалб изтиробларингизни мендан яширмоқчи бўлардингиз. Алал-оқибат, улар кўксингиздан вулқондай отилиб, ички ҳолатингизни ошқор қилиб қўйди. Айна шу ҳолатда менга ўкинч билан тикилганча: “– Мен сени бир лаҳза бўлса-да, унутмаганман! Ҳалиям гўзалсан, нега? Нега шундай? Афтидан, ҳаётда қийинчилик кўрмай яшагандирсан?” деганингизда не қуйларга тушганимни билсангиз эди. Менга умуман шафқат қилмасдан, хиссиётларингизни айтавер-

дингиз, айтавердингиз! Уларни тинглашга тоқат қилолмай: “Бас! Бошқа гапирманг!” деб ялиндим. “Сен муҳаббат нималигини билмайсан, ўша музюраклигингча қолибсан!” дедингиз. Кўзларингиздан эса ёш оқаверди, оқаверди. Эракнинг кўзёшини кўриш даҳшатли эканлигини шунда англадим. Юрак-бағрим эзилиб, хун бўлди. “Шунча кўргиликларим кам эканми? Йигит кишини йиғлатган аёл қайдан ҳам кўкарсин?!” дедим ичимда ўзимга-ўзим.

Ўша дамда юрагимни нур бўлиб ёритганингизни билмайсиз. Сизнинг чеҳрангиз ҳам бир сеҳрли нур шуъласидан ёришиб кетганлиги кўз олдимда турибди. Илож қанча, орамизда тубсиз жарлик борлигини мен ҳам билардим, сиз ҳам билдингиз. Мендан ранжиманг, “қисмат” деганлари шу бўлса керак. Раҳматли дадам: “Оққушлар – Худо томонидан юксак севги-садоқат рамзи қилиб яратилган фаришталардир”, дегандилар. Яратгандан оққушларга ато этилган бу юксак туйғу биз учун қўл етмас орзу бўлибгина қолмай, қалбларимизни тубанлик, худбинлик, ёвузликдан юқори бўлишида кўмак беради. Сизга умр йўлдоши бўлиш насиб этган аёлни оққушдай асраб, унга оққуш садоқатини кўрсатиб яшашингизни тилаб қоламан. Мени унутинг. “Рашк” деб аталмиш аждаҳонинг юрагингизга ҳамла қилишига йўл берманг. Ана шунда Худо сизларни қайгулардан, кўзларингизни мунгдан асрашига, қалбингизга эса қувончу бахт ато этишига ишонаман, сиз ҳам шунга ишонинг. Бесабаб рашк оилада аёлни қандай кўргиликларга дучор этишини мана мен ўз ҳаёт тажрибамдан биламан. Ўз бахтингизни кутиб яшанг!..

Оққушларга армондош Ойнур.

12. ЭПИЛОГ

Тун. Хонада Тўхтар Серикнинг “Чораси борми ҳеч, чораси...” кўшиғи охишта таралади.

*Кўкайда армон, кўнгилда алвон маржон бор.
Айтилаверса туйғу ҳам, сўзлар ҳам арзонлар.
Хон саройидай жонимнинг жавҳар ёғдусин
Қайдан ҳам билсин қалбдаги кўзи кўр жонлар!
Қалбдаги кўзи кўр жонлар!*

Ойнур хона бурчагидаги кичик сейфни калит билан шикирлатиб очиб, ичдан қизил дафтарини олди-да, дераза ёнидаги улкан ёзув столи олди-га қўйилган оромкурсига ўтирди. Кўп йиллардан бери кўз қорачиғидай ардоқлаб келадиган қалин, қизил муқовали дафтарни стол устига қўйди. Ойнур бу дафтарни ҳаётининг энг маҳзун ва энг бахтли-саодатли кунларида қўлига олиб, кўнглидаги бор ғуссаларини, туғёнларини унинг саҳифаларига тўкиб соларди. У яна ўзи мутолаа қилган китобларда учрайдиган мақол-маталлар, соҳир мисрали шеърлар, ибратли ҳикматлар, ибораларни дафтарига кўчириб қўярди. Бу дафтар ўша талабалик йилларидан бери Ойнурнинг энг яқин сирдоши, суҳбатдоши бўлиб қолган, қадрли овунчоғи эди. Энди дафтар унга эмас, фарзандларига тегишли эканлигини ҳис қилиб, уларга нима тилак билдиришни ўйлаб, севимли қўшиққа кулоқ тутганича, қўлида қалам билан чуқур ўйга толди. У кун-

далигини ошиқмасдан аста варақлади. Унинг охирида биттагина бети бўш қолган экан. У ана шу бўш қолган бетга фарзандалари Арслон билан Ниғинага тилак ёзишга киришди:

“Менинг суюкли қора кўзларим!

Бу дунёда бахт сени ахтариб, ёнингга келмайди. Бахтга элтувчи йўлни ўзларинг ахтариб топиб, ёнига ўзларинг борасанлар. Бахтга боровчи йўлдаги ғовлардан, боши берк кўчалар, тубсиз жарлардан ўтишда қоқилмайин-сурилмайин десангиз, чинакам дўст, умр йўлдоши танлашда янглишманг. Ёвуз ва маккор кимсалар соддалигингиз, кечиримли ва андишалилигингиздан фойдаланиб, ишончингизни қозониб, сўнг эса ҳаётингизни заҳарлаб, ғурурингизни топташлари мумкин. Ана шундан эҳтиёт бўлинглар. Энг аввало инсон ўз қадрини билиши керак. Ўз қадрингизни билгандагина ўзгани қадрлай оласиз. Ўзгани ҳам ўзингиздай билинг. Ҳамиятли, меҳрибон бўлинглар. Инсон учун ўзга у ёқда турсин, ўзига ҳам зулм қилиш ҳуқуқи берилмаган. Сизларни дунёга келтирган, ардоқлаб вояга етказган онангиз учун сизлар – оламда энг суюкли ва энг азиздирсизлар. Ўзимдан яралган ўзим эканлигингизни, яъни жонингиз билан – жоним, танингиз билан таним бир эканлигини унутманг. Зулмни, айбсиз жонга жабр қилганни Аллоҳ ҳам кечирмайди. Қадрингни билмайдиганларнинг қўлида қурол бўлиб, хўрланиб, сизни кадрловчиларнинг юрагини хун қилиб, изтироб чекишларига йўл қўйманглар. Умримнинг сон-саноғи ҳам, маъно-мазмунни ҳам сизлардирсиз.

Кўлимга келиб турган бахтимни қизғанган қаттол қисмат менга зарба устига зарба бериб, эсанкиратиб, тубсиз ўпқон тагига улоқтирди. Қисматим учун бировларни айбламайман. Кўрган яхшиликларимга ҳам, ёмонликларимга ҳам ўзим сабабчиман. Бор айбим – заифлигим, аёл бўлиб яралганлигим ёки ҳалол-поклигимдан бўлди. Арзон ва кичкина бахтни кўзга илмадим. Чинакам бахтни кутишдан чарчай бошладим. Бахт ҳам, қувонч ҳам мангу эмас. Вақт ўтгани сайин, яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам мендан олислаб, аста кўздан йўқолиб боради...

Чақнаб турган порлоқ юлдузим, Ниғина!

Ҳаётингда бахтли кунларга етишиб, шодликка чулғониб яшашингни орзу қиламан, қизим! Бахтни ҳам, шодликни ҳам, давлатни ҳам ўзинг топасан, қизим! Шафқатинг билан муҳаббатинг ҳам ўзим орзу қилгандай – улкан ва чексиз бўлсин. Шуъласи бутун оламга таралгувчи қуёшдай ҳар доим юксакда бўлишингни орзу қиламан!”

Ойнур дафтари ёпди. Хонада ҳамон қўшиқ сузиб юрарди:

Қийналдим мен, сендан бошқа ким билсин?

Фақат ўзинг меҳрибонсан, чин гулсан!

Умр – мураккаб, юраккинам жизиллар,

Ўз ярасин юрак қандоқ унутсин?!

Ойнур деразадан ташқарига қаради. Уфқ аста-секин оқариб, тонг ёришиб келарди. Ёришаётган тонг Ойнурнинг қалбига нур бўлиб қираётгандай эди...



ESSE

Чарли ЧАПЛИН

(1889–1977)

ТЎЛИҚ МЕТРАЖЛИ ҲАЁТ¹

Эссе

Рус тилидан
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
таржимаси

Инсон ҳаётида атрофидагилардан қанчалик салбий таъсирлар бўлмасин, барибир унинг руҳини тушириш осон эмас. Гред менга кўрсатган суратни кўриб, негадир кулгим келарди. “Тушунарли. Бу сурат нақ тонгги бешда олинганга ўхшайди”, дедим ҳазиллашиб. Чунки, унда ўша плакат кўтарган исёнкор легионернинг ўзидан бошқа бирон кимса йўқ эди.

“Месье Верду” қаерда кўрсатилаётган бўлса, барча сеансларга томошабин оқиб келаётганди. Йирик кинотеатрларнинг ҳаммаси фильмни сотиб олди, бошқа мамлакатларда ҳам намоёиш этиладиган бўлди. Аммо Америка Легионидан пўписа хатлар олгач, ҳаммаси кетма-кет намоёишни тўхтатишди. Легион прокатчиларни кўркитишга эришди. Кинотеатрлар Чарли Чаплиннинг бирор-бир фильми кўрсатилгудек бўлса, албатта бирор муаммога йўлиқишларига ишондилар. Денверда фильмнинг илк намоёишига кўп томошабин йиғилди, аммо у ердан ҳам эртаси куниёқ олиб ташланди.

Нью-Йоркка бу сафарги ташрифим кўнгилсиз кечди. Ҳар куни қаердандир фильм рад этилгани ҳақида хабар келарди. Ҳаммасидан ошиб тушгани “Диктатор” фильмим устидан плагеат деган айблов эълон қилингани бўлди. Ғаламис нашрларнинг уйдирмаларига ишонган Сенатдан чақирик қоғози келди. У ерда мени тўртта сенатор қарши олди.

Аввало, барча фильмларимнинг сценарийсини ўзим ёзганман. Аммо, булар мендан нима истадини билмасдим. Жараён бошланган пайтда судья отаси вафот этганини, маросимга шошилаётганини айтди. Қарши томон бу вазиятдан усталик билан фойдаланиб қолди. Бошқа ҳолларда мен ишни давом эттиришни қатъий талаб қилган бўлардим. Ҳозир келиша олмасак, иш яна анча чўзилиши мумкин эди.

Бирок, суднинг турли йўллар билан босим ўтказишга киришгани, Қўшма Штатларда обрўсизланиб бораётганимдан чўчидим ва улар билан келишувга рози бўлдим. Тўғриси, энди мени бу ёғига нима кутаётганини

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

билмасдим. Ягона умидим “Верду” дан келадиган даромад эди, фильм ўн икки миллион доллар йиғишига кўз тикаётгандим. Афсуски, натижа мен кутгандек бўлмади, фильм унга сарфланган харажатларни зўрға қоплади. Оқибатда “Юнайтед артистс” да жиддий молиявий танглик юзага келди.

Мэри эса харажатларни иқтисод қилиш учун менинг агентим Артур Келлини ишдан бўшашга мажбур қилди. Мен унга биз ҳам бу компаниянинг тенг ҳуқуқли эгаси эканлигимизни эслатиб қўйдим. “Агар менинг агентим кетадиган бўлса, унда сизнинг ҳам кетишингизга тўғри келади”, – дедим. Мэри баттар жанжал кўтара бошлади. У билан келиша олмай, бутунлай чорасиз аҳволга келиб қолдик. Охири мен унга “бизлардан биримиз ё ўз акцияларимизни сотамиз, ё сотиб оламиз. Ўйлаб кўриб, нархингизни белгиланг”, дедим. Аммо на Мэри, на мен бунга ҳаракат қилдик. Шарқ кино прокатлари билан шуғулланувчи бир юридик фирма ишга аралашиб, компаниянинг назорат пакетларини ўн икки миллион долларга сотиб оладиган бўлди. Келишувга кўра, улар бизга беш миллионлик акция ва етти миллион доллар нақд пул тўлади. Шу билан ўзимизни қутқариб қолдик. Энди Мэри билан келишишгина қолганди.

– Етти миллион долларлик акция сизда қолсин, менга беш миллион доллар нақд пулни берсангиз, мен компаниядан кетаман, – дедим Мэрига.

У рози бўлди. Бир неча ҳафта ичида зарурий ҳужжатлар тайёрланди ва ниҳоят, адвокатим кўнғироқ қилди:

– Чарли, ўн дақиқадан сўнг беш миллион доллар сизнинг ҳисобингизда бўлади.

Ўн дақиқадан сўнг у яна кўнғироқ қилиб, шундай деди:

– Чарли, иш ўхшамади. Мэри сўнгги дақиқада бирдан фикридан айниб қолди. Ахир, келишгансизлар, десам, “Йўк. Мен энди ўйлаб кўрдим, у ҳозирнинг ўзида беш миллион долларни қўлга киритади-ю, мен ўзимнинг улушимни икки йил кутишим керак бўлади”, деди. Мен ҳар қалай, у етти миллион, сиздан икки миллион ортиқ олаётганини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин Мэри даромад солиғи билан боғлиқ муаммоларни рўқач қила бошлади. Хуллас, у кўнмаяпти.

Шундай қилиб, биз бу имконни ҳам қўлдан бой бериб, “Юнайтед артистс”ни арзон баҳога сотиб юборишга мажбур бўлдик.

“Месье Верду” келтирган бу кўнгилисизликлардан кейин Калифорнияга қайтдим. Америкаликлардан тасаввур қилиб бўлмас даражада кўнглим қолганига қарамай, руҳан тетик ва ўзимни яна янги фильм бошлашга тайёр сезардим. Хаёлимга бир ғоя келди-ю, уни тезроқ ёзиб, юзага чиқаришга шошилдим.

Инсонни энг тез таъсирлантирадиган завқ ҳамиша ишқий сюжетларда бўлади. Гезлит айтганидек, ҳиссиёт фикрдан кучлироқ ҳаракатланади. Санъат ҳам ақлга эмас, кўпроқ туйғуларга асосланади. Бўлажак фильмнинг мавзуси “Месье Верду” даги ахлоқий пессимизмдан фарқли равишда севги ҳақида эди. Мен бу мавзуга бор илҳом-иштиёқим билан киришиб, ниҳоят сценарийни ёзиб бўлдим. “Рампа ёруғи”ни тасвирга олиш учун ярим йил тайёргарлик кўрдик. Менга ўн икки дақиқалик балет мусиқа керак бўлди, қанчалик машаққатли бўлмасин, уни ўзим ёзишга киришдим. Фильм тасвирга олиб бўлингандан кейин, ёзган куйимга мос рақс ахтара бошладим. Аммо менинг мусиқам балетга тушадими-йўқми, бунга ҳам унчалик ишончим комил эмасди. Хореограф ёки раққосларнинг

ўзлари нимадир ўйлаб топар, деган умидда ишни давом эттиравердим. Бирдан ажойиб раққос Андре Эглевский қиёфаси кўз олдимга келди-ю, шу заҳоти Нью-Йоркка кўнғироқ қилиб уни топдим. “Кўк қуш” фильмида иштирок этишга нима дейсиз, янги ёзилган мусиқага рақс тушиб берасиз, партнёрни ўзингиз топишингиз мумкин, дедим. У қирқ беш дақиқалаб Чайковский мусикаларига моҳирона рақсга тушган. Мен тасаввур қилаётган сахнани у яратиб бера олишига ишонардим. Андре эса таклифимга жавобан, аввал мусиқани эшитиб кўриши кераклигини айтди.

Элик кишилиқ оркестр ижросида ёзиб олинган ўн икки дақиқалиқ мусиканинг аранжировкасига бир неча ой вақт кетди. Бир томондан раққослар мен ёзган мусиқани қандай қабул қилар экан, дея хавотир ола бошладим. Ниҳоят балерина Мелисса Хейден ва Андре Эглевский Голливудга етиб келишди. Улар мусиқани эшитиб кўраётганда негадир жуда ҳижолат чекдим, ичимда куй балетга мос эмас, дейишса-чи, деган ўй ҳаловат бермасди. Шукрки, мусиқа уларга ёқди ва ўша лаҳзадаёқ тахминий ҳаракатлар билан рақсга туша бошлаганларини кўриб ҳаяжонга тушдим. Улар рақслари билан мен ёзган куйга характер бағишлашди.

Бош қаҳрамонни ижро этадиган актриса ҳам гўзал, ҳам қобилятли, ҳам улкан ҳиссиёт эгаси бўлиши керак. Албатта, бу жуда катта талаб эди. Шу боис, бир неча ойлар давомида танлов ўтказдим, истаганимдек актриса топилмаганидан ҳафсалам пир бўлди. Охири, дўстим Артур Лоренс тавсия қилган актриса – Клер Блумда тўхталдим ва у билан шартнома имзоладим.

Табиатимизда ҳар қандай ёмонликни унутишга мажбур қиладиган, бизни салбий ҳислардан ҳимояловчи қандайдир сирли куч мавжуд. Судлардан кейин дилимдан кетмай турган аччиқ туйғулар талхи бора-бора худди куёшда қолган қордек эриб битди. Бу вақтда Уна менга Жеральдин, Майкл, Жози ва Виккидек тўрт фарзанд ҳадя этганди. Оилавий ҳаётимда бахтим тўкис эди. Ҳар якшанба куни уйимга дўстларим келар, айниқса, Голливуднинг машҳур сценаристи Жим Эжи, ёзувчи ва файласуф Уилл Дьорэнтлар кўп вақтларини биз билан ўтказарди. Уилл Дьорэнт бизнинг энг кекса дўстларимиздан бири бўлиб, ўзи ажойиб олим – Лос-Анжелос университети қошидаги коллежда маърузалар ўқирди. У ниҳотда жонбоз, юраги завқ-шавққа тўла инсон эдики, ўткир ичимликлардан эмас, ҳаётнинг ўзидан шу қадар сармаст яшашини кўриб, лол қолардим. У бир сафар мендан:

– Сиз гўзалликни нимада кўрасиз? – деб сўраганди.

– Менимча, гўзаллик ҳар жойда ҳозир, ҳаттоки ўлимда ҳам. Кулишни удалай олган ғамгин инсон – гўзал! Табиатда, биз илғай олган-олмаган ҳамма нарсада гўзаллик бор. Уларни шоирлар қалби ўзгача ҳис эта олади. Куёш нури тушиб турган ахлат кутисида ҳам гўзаллик бордир, оқова сувга тушган атиргулда ҳам. Эль Греко эса уни чормихланган Халоскор қиёфасида кўрди.

Менинг жавобим уни қанчалиқ қаноатлантира олди, билмайман.

Мен Клер Блум билан анча йиллар аввал, Нью-Йоркда Херст уюштирган балмаскарада танишганман. У ўша кечада XVIII асрга хос либослар, оқ парикда жуда жозибали кўринганди. Менинг ажойиб дўстим Жорж Мур унга хуштор эканлигини билмасдим. У ҳамманинг олдида баланд овозда Жоржга савол берди:

– Сиз жуда сирли шахссиз. Айтинг-чи, бунча пулни қаердан оласиз?

Бу Жоржга бошқалар олдида қилинган бетакаллуфлик эди. Аммо Жорж ўзини жуда мулойим тутди ва жилмайганча унга шундай жавоб берди:

– Мен кўмир савдоси билан шуғулланаман, бўш вақтларимда эса дўстим Хичкок билан чавгон ўйнаб тураман... Мана дўстим Чарли Чаплин, яхши билади, – деди мени кўриши билан сўзини буриб.

Клер яна бошқаларга ҳам беписанд оҳангида ақл ўргатаётганини эшитдим. Шу заҳотиёқ менинг Клерга нисбатан фикрим ўзгарганди. Ўша кеча биз совуққина хайрлашдик. Кейинчалик эшитдимки, у конгресс аъзоси бўлибди, сўнгра Америка сиёсати ҳақида “глобал сафсата” деган фалсафий хулосага келибди.

“Рампа ёруғи” яқунланди, мен у аввалги фильмларим каби муваффақият қозонармикан, дея ҳаяжонланардим. Шу боис, уни аввал дўстларимга кўрсатдим ва улар жуда яхши қабул қилишди.

Биз Уна билан Европага кетиш ҳақида ўйлай бошладик. У болаларимизни ўша ерда ўқишини, Голливуд муҳитидан узоқлашишни истарди. Биз кетишга тараддуд кўра бошладик ва мен Америкага яна қайтиб киришим учун виза беришларини сўраб департаментга мурожаат қилдим. Аммо уч ойгача ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шунга қарамай, мен молиявий ишларимни тартибга солишда давом этдим. Шу чоққача нечта солиқ декларацияси берилган бўлса, барчасини тўлаб келганман. Лекин, солиқ департаменти Европага кетаётганимдан хабар топгач, аллақаердан катта миқдордаги қарздорликни бўйнимга олишни бошлади.

Улар апил-тапил қарзни олти хонали рақамларда расмийлаштириб, менга шарт қўйишга ўтди. Агар икки миллион доллар депозит ўтказмасам, ўн баробар жарима тўлашим керак экан. Мен эса қарздор эмаслигимни исботлаш учун ишни зудлик билан судга оширишларини талаб қилдим. Улар менга ҳеч қандай эътироз билдирилмади ва анча пасайтирилган суммани таклиф қилишди.

Мен яна қайтиш визасини сўраб, бир неча ҳафта жавоб кутдим. Охири, менга виза берилмаса ҳам барибир кетишимни билдириб, Вашингтонга хат ёзиб юбордим. Бир ҳафтадан кейин иммиграция департаменти ходими кўнғироқ қилди ва “Агар қарши бўлмасангиз, баъзи бир саволларимизга ойдинлик киритиш учун биз сизникига бормоқчимиз”, деди.

– Бажонидил, розиман, – дедим жавобан.

Уйимга тўрт киши – уч эркак ва бир аёл етиб келди. Аёл ёзув машинаси кўтариб олган, эркакларнинг ҳар бирида биттадан магнитофонли кичкина чамадон бор эди. Мени кўпроқ қирқ ёшлардаги озғин киши саволга тутди. У келишган, жуда ақлли экани кўриниб турарди. Улар тўртта бўлиб бир ўзимга ҳужум қилмоқчи, адвокатимни чақирмай хато қилдиммикан, деб ўйладим шу тобда. Аммо нима бўлганда ҳам, менинг ҳеч қандай кўрқадиган айбим йўқ эди. Дарров ўзимни қўлга олиб, уларни пешайвонга бошлаб чиқдим. Хоним машинкасини кичкина стол устига қўйди, бошқалар диванга жойлашиб, чамадонларини олдиларига олди. Мен эса уларнинг қаршисига ўтирдим. Бири чамадонидан қалинлиги ярим метрча келадиган семиз жилдни олиб, столга қўйди-да, ҳужжатларни варақлай бошлади.

– Чарльз Чаплин – бу сизнинг ҳақиқий исм-шарифингизми? – сўради у.

– Ҳа.

– Айтишларича, сизнинг асл исмингиз, – у инглизча бўлмаган аллақандай фамилияни тушуниксиз гудиради. – Сиз Галицияда туғилганмисиз?

– Йўқ. Мен Чарльз Чаплинман, мен отам туғилган жойда, яъни, Лондонда, Англияда туғилганман.

– Сиз коммунист бўлганингизни тасдиқлайсизми?

– Ҳеч қачон. Ҳаётимда бирон-бир сиёсий ташкилотга қўшилган эмасман.

– Аммо сиз оташин нутқларингизда тингловчиларингизга “ўртоклар” деб мурожаат қилгансиз. Сиз бу билан нима демоқчи бўлгансиз?

– Худди шунақа деганман. Луғатга қарашингиз мумкин, бу сўзнинг ягона эгаси коммунистлар деб ёзилмаган.

У шунақа мазмунда сўроқ қилишда давом этди ва кутилмаганда:

– Сиз ҳеч аёлларга хиёнат қилганмисиз? – деб сўраб қолди.

– Кулоқ солинг, – дедим мен иложи борича босиқлик билан, – агар сиз мени мамлакатдан чиқармаслик учун расмий далил қидираётган бўлсангиз, очиғини айтиб қўя қолинг, мен ҳам бу мамлакатда “персона нон грата”¹ бўлиб қолмаслик учун бор имкониятимни ишга соламан.

– Нималар деяпсиз... Биз шунчаки қайтиш визасини беришдан аввал доим шу саволни берамиз.

– “Хиёнаткор” деган сўзни қандай тушунишим керак? – сўрадим мен.

Улар изоҳлашга ўтдилар.

– Дейлик, бегона аёллар билан саёқ юрадиган...

– Менимча, ундай эмас.

– Агар бизнинг мамлакатга ҳужум бўлса, сиз у учун уришармидингиз?

– Албатта. Мен Американи яхши кўраман. Бу менинг уйим, мен умримнинг кирқ йилидан кўпини шу ерда ўтказдим, ахир, – дедим.

– Шундай бўлса ҳам Америка фуқаролигини олмагансиз?

– Мен ўз фуқаролигимни сақлаб қолишимни тақиқлайдиган бирор қонун йўқ, шекилли. Қолаверса, бу ернинг ҳар қанақа солиқларини тўлаб келяпман.

– Нима учун сиз партия йўриғига ишладингиз?

– Агар сиз менга партия йўриғи нималардан иборатлигини тушунтириб берсангиз, ўшанда унга ишладимми ёки йўқ, жавоб бераман.

Орага жимлик чўкди. Мен гапимда давом этдим.

– Биласизларми, мен бу кўнгилсизликларга қандай қилиб тушиб қолдим?

Улар бошларини кўтариб менга қарашди.

– Сизнинг ҳукуматингиз хизмати билан.

Мени сўроқ қилаётган киши мўйловини силаб ҳайронлигини билдирди.

– Сизларнинг Россиядаги собиқ элчингиз жаноб Жозеф Дэвис Сан-Францискодаги митингга русларга ёрдам беришни ёқлаб нутқ сўзлаши керак бўлган, аммо у айна шу кунларда ларингит билан оғриб қолган. Шунда ҳукуматингизнинг ғоят уддабурон вакиллари менга мурожаат қилиб, жаноб Дэвиснинг ўрнига сўзга чиқишимни қаттиқ илтимос қилишган. Ана ўшандан бери бошим шунақа ғалвалардан чиқмайди.

Сўроқ яна уч соат давом этди. Ҳафта ўтгач, улар яна кўнғироқ қилиб, департаментга бир келиб-кетишингиз керак, дейишди. Адвокатим улар яна сўроқ қилмоқчидир, деган фикрда мен билан бирга борди.

¹ Пулсиз, иложсиз одам.

Лекин департаментда мени кутилмаган самимият билан қарши олишди. Департамент раҳбари ўрта ёшли, хушмуомала киши экан, у бизни қарши оларкан, айбдорона оҳангда гап бошлади:

– Афсуски, биз сизнинг вақтингизни анчагина олиб қолдик, жаноб Чаплин. Ҳозирда Лос-Анжелесда департаментимизнинг бўлими ташкил этилган, энди турли сабаблар билан Вашингтонга қатнашингизга ҳожат йўқ. Ишни иложи борида ҳал этиш ҳаракатидамиз, фақат бизнинг сизга аниқланмаган биргина саволимиз қолди, жаноб Чаплин. Хорижда қанча вақт бўлишни мўлжаллаяпсиз?

– Олти ойдан кўп эмас, – дедим мен. – Биз шунчаки дам олгани кетяпмиз.

– Мабодо ундан ортиқ қолиб кетсангиз, узайтиришни сўраб яна мурожаат қилишингизга тўғри келади.

У стол устидаги ҳужжатларни қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Адвокатим вараққа қарашга улгурди.

– Визангиз тайёр! – деди у.

Департамент бошлиғи қўлида авторучка билан кириб келди.

– Имзо чекинг, жаноб Чаплин. Ўйлашимча, сиз ҳали йўл ҳужжатларини ҳам тайёрлашингиз керак.

Имзо чеккач, у елкамга оҳиста қоқиб қўйди.

– Мана визангиз, Чарли. Яхши дам олинг ва тезроқ уйингизга қайтинг!

Бу воқеа шанба куни содир бўлганди. Биз якшанба куни тонгдаёқ Нью-Йорк поездига шошилдик. Мен ҳар эҳтимолга қарши Унага ишончнома тайёрлаб бермоқчи эдим. Агар менга нимадир бўлса, банкда бор-будим сақланаётган сейфимдан фойдаланиши ва эгалик қилиши учун керак бўлади.

Уна керакли ҳужжатларни тайёрлаб қўйганди. Лос-Анжелесдаги охириги кунимизда жуда шошилиб қолдик. Банк ёпилишига оз вақт қолганди.

– Ўн дақиқа вақтимиз бор, шошилишимиз керак, – дедим мен.

Аммо Уна айни шу ишни пайсалга солишга уринарди.

– Шу иш кутиб турса-чи, биз ҳали қайтамыз-ку, – дерди у.

Яхшики, мен унга қулоқ солмай, келажакда юз бериши муқаррар бўлган турли жанжаллардан вақтида ўзимни асраб қолдим.

Нью-Йоркка кетар кунимиз бироз қайғули бўлди. Уна уйни хизматчиларга топширар экан, мен ҳовлидаги майсазор ўртасида ғалати бир кайфият оғушида туриб қолдим. Қадрдон уйимни тарк этаётганимдан юрагимнинг аллақасери сим-сим оғрирди. Бу ерда не бахтиёр ва ҳасратли кунларимиз ўтмади.

Хизматчиларимиз Элен ва тоғлик Генри билан хайрлашиб бўлиб, ошпазимиз Анна билан хушлашгани ошхонага ўтдим. Тўлачадан келган кўркам бу аёл қаршисида бирам хижолат бўлдимки! Аннанинг қулоғи оғирроқ эди. Такроран “яхши қолинг” дея унга қўл узатдим. Уйдан чиққанимиздан сўнг Уна Анна стулда ўтирганча узоқ йиғлаганини айтди. Бизни вокзалга ёрдамчим Жерри Эпстайн кузатиб қўйди.

Биз то пароходда жўнагунимизча Нью-Йоркда бир ҳафтани ўтказдик. Болалар билан шаҳар айланиб, бироз кўнглимни ёзмоқчи бўлганимда адвокатим Чарльз Шварц кўнғироқ қилиб қолди. “Юнайтед артистс”нинг собиқ ходимларидан бири бир неча долларлик ҳақ талаб қилиб судга даъво қилибди. “Бу қуруқ даъво, Чарли, лекин суддан қақирик олсангиз, саёҳатиингизни тўхтатишингизга тўғри келиши мумкин”, деди.

Шундан кейин тўрт кунни ҳам ўз номеримда ўтказдим. Уна ва болалар билан Нью-Йоркни айланиш ҳам кўнглимга сиғмади. Аммо “Рампа ёруғи” фильмнинг матбуотчилар учун бўладиган намоёнишига боришга қарор қилдим. Бундан олдин реклама бўйича агентим Кроккер “Тайм” ва “Лайф” журналлари ходимлари билан учрашув ташкил қилганди. Тахририятнинг бўм-бўш оқ деворлари учрашувнинг совуқ муҳитига уйғун эди. Штатларнинг фахри бўлган “Тайм” нашрининг шафқатсиз мухбирлари олдида ўзимни имкон қадар вазмин ва қувноқ тутишга уриндим. Шоҳона столда бизга тортилган таом ҳам муҳит каби бемаза эди. На менинг ташрифим, на таом, умуман, бизнинг ҳеч бир уринишларимиздан айтарли наф бўлмади. “Тайм”чилар “Рампа ёруғи” рекламасига ёрдам беришдан кўра, аксинча, уни аёвсиз танқид қилишди. Фильмнинг тақдиротида ҳам залда нохуш кайфият ҳукм сурди. Шунга қарамай, айрим нуфузли газеталар ичида фильмга хайрихоҳлар ҳам бор экан. Уларнинг тақризларни ўқиб, очиғи, хайрон бўлдим.

* * *

Тонгги соат бешда “Куин Элизабет” лайнерига кўтарилдим – бу лаҳзалар қанчалар завқли бўлиши мумкин эди-я. Афсуски, суд чақириғидан қочиб, бу саёҳат лаззатидан бебаҳра ўтирибман. Шунча кунларим ўтди, суд қачон чақириб қолар экан деб ўтиришга тоқатим қолмади ва яширинча мамлакатдан чиқиб кетишга аҳд қилдим. Адвокатимни мени шунча пайт йўлдан олиб қолгани учун айбладим. Аллақачон ҳеч кимга билдирмай, пароходга чиқиб жўнаб кетишим керак эди. Ўн йилдирки, менга қилинган айбловлардан яхшилик кутмай қўйганман. Эссиз, мен Уна ва болалар билан палубанинг юқорисида туриб, пароходнинг жўнаб кетишини, янги ҳаётнинг ҳаяжонли онларини туйишни орзу қилгандим. Мана энди буларнинг ўрнига эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, дарчадан яширинча мўралаганча каютада ёлғиз ўзим ўтирибман.

Шу маҳал каюта эшигини қимдир қокди.

– Бу менман, – деди Уна паст овозда.

Эшикни очдим.

– Жим Эжи бизни кузатгани келибди. У пристанда турибди. Мен яширинча кетаётганимизни, унга сен иллюминатордан қўл силташингни айтдим. Ана у пирс ортида турибди.

Уна каюта дарчасидан менга уни кўрсатди. Жим бир тўда одамлардан нарироқда ёлғиз ўзи турганини кўрдим. У қуёш остида кўзларини қисганча пароход томонга қараб турарди. Мен дарров шляпамни олдим-у қўлимни иллюминатордан чиқариб унга силқитдим. Уна бошқа дарчадан Эжига тикилди.

– Йўк, у сени кўрмаяпти, – деди у.

Жим мени кўрмади. Мен эса уни ўша – озғин жисми бир нуқтага қадалган, хаёллари дунёдан узилгандек узоқларга кўз тикиб, кимнидир, ниманидир ахтараётган ҳолида сўнгги бор кўргандим. Икки йилдан сўнг эшитдимки, у юрак хуружидан вафот этибди...

Ниҳоят, лайнер қирғоқдан кўзғалгандан сўнггина мен эшикни очиб, одамга ўхшаб палубага чиқдим. Мана кўз олдимда Нью-Йоркнинг бепарво ва улуғвор қиёфаси мендан узоқлашиб бормоқда. Бошим узра қуёш

порламоқда, қандайдир омонат ва гўзал лаҳзалар... Бу улкан қитъа кўз ўнгимда туманга дўниб борар экан, юрагимни ғалати бир туйғу камраб олди. Мен орадан шунча йил ўтиб, оилам билан Англияга бораётганимдан қаттиқ ҳаяжонланардим. Бепоеън Атлантика кенгликлари қалбни то-залайди. Пароход океан бағрида илгарилаб боргани сайин ўзимни енгил, бутунлай ўзга одамдек сеза бошладим. Энди мен кино дунёсининг зар-балардан зада бўлган афсонаси эмас, ҳамма каби рафиқаси ва болалари бағрида ҳордик чиқаргани йўл олган бир оила боши эдим. Болалар па-луба тепасига чиқиб ўйнашди, Уна иккимиз шезлонгда ўтириб, уларни томоша қилдик. Ўша лаҳзаларда бутун вужудимда бир чети ғамгинликка туташ чинакам бахтни туйдим. Биз штатларда қолган дўстларимизни бир-бир эсга олдик, иммиграция департаментининг бизга қилган ях-шилиги ҳақида гаплашдик. Яхшиликнинг кичик бир учқуни ҳам руҳни кўтара олади, инсон табиатида ёвузликни кўзғатиш қийин аслида.

Биз фақат дам олиш ҳақида ўйладик, бирга ўтган ҳар онимиздан завқ олишга ҳаракат қилдик. Оилам билан биргалигим руҳимга тетиклик бағишлади. Ҳар тонгда ўзгача ҳаётгай куч билан уйғонардик. Лекин бу пайтда Европа экранларида “Рампа ёруғи” намоёиш этилиши керак эди. Биз эса бўлиб ўтган ғавғолар сабабли кеч қолдик. Бир тонгда Адольф Грин, Артур Рубинштейн ва унинг рафиқаси биз билан бирга нонушта қилгани келишди. Овқатланиш пайтида Гарри Крокерга радиогамма келиб қолди. Гарри уни чўнтагига солмоқчи эди, хабарчи, “Улар радио-дан жавоб кутмоқда”, деди. Гарри радиогаммани жимгина ўкиди-ю, негадир ковоғини солганча узр сўраб столдан туриб кетди. Кейинроқ у мени ўз каютасига чакириб, радиогаммани ўқиб берди. Унда мен учун Қўшма Штатларга кириш тақиқлангани ёзилган эди. Мен руҳсат олиш учун аввал Иммиграция департаментининг бирқанча сиёсий ва ахлоқий саволларига жавоб беришим керак экан. “Юнайтед пресс” ходимлари ушбу масала бўйича бирор баёнот бериш-бермаслигимга қизиқа бош-лади. Асабларим шу қадар қақшаб кетдики! Шу лаҳзалардан менга бу бахтсизлик юртига яна қайтаманми-йўқми, барибир эди. Мен уларга у ернинг ҳавосидан нафас олмаётганим, машмашаларидан узоклашганим ва Америка ҳукуматининг бўғзимга келган ҳақоратлари-ю, иккиюзлама-чилигидан, умуман барча-барчасидан чарчаганимни жон-жон деб ёзиб юборган бўлардим. Яна шуни айтмоқчи эдимки, мен ҳали бу мамлакат-га албатта қайтаман ва уларнинг барча айбловларига жавоб бера оламан. Департаментнинг менга берган қайтиш визаси эса аллақандай қоғоз пар-часими ё Қўшма Штатлар ҳукуматининг кучга эга ҳужжатими – шуни аниқлаштириб оламан.

Аммо менинг бор-будим штатларда қолганди, улар мулкимни мусода-ра қилиш учун яна нимадир ўйлаб топсалар-чи, деган ўй мени тўхтатиб қолди. Мен энди улардан қонунга зид ҳар қандай қабиҳона ҳаракатни кутардим.

Ўша лаҳзалардан яна ҳаловатим йўқолди. Газеталар баёнот бери-шимни сўраб радиогаммалар юборди. Саутгемптон олдидаги бирин-чи бекат Шербурга етганимизда бортга Европа газеталарининг юзлаб мухбирлари ёпирилиб чиқди. Мен нонуштадан кейин ресторанда уларга бир соат интервью берадиган бўлдим. Аммо қизиққон мухбирлар мени жуда чарчатди.

Лондонгача йўл бўйи мени безовталиқ тарқ этмади. Уна ва болаларим Англияга илк бора бораётгани, улар бу ердаги турмушни қандай қабул қилиши Қўшма Штатлардан ҳайдалганимдан ҳам кўпроқ хавотирга солаётганди. Мен уларга Англиянинг жанубий-ғарбий қисмларидаги гўзал жойларни кўп мақтаганман. Ҳозир эса пароход кўчалари тор, тикилинч қизғиш уйлар ёнидан ўтиб борарди. Бу манзара кишида маъюслиқ уйғотарди.

– Ҳаммаси бир-бирига ўхшаш уйлар, – деди Уна кўз узмай.

– Хулоса қилишга шошилма, биз ҳали Саутгемптондан чиқмадик, – дедим.

Пароход анча юргандан сўнг гўзал манзаралар кўзга ташлана бошлади. Ватерлоо вокзалига етганимизда, мени сон-саноксиз мухлисларим қарши олди. То жўнаб кетганимизча улар мен томон қўлларини силкитиб, қувониб кичкиришарди, “Қаранглар, Чаплинни улар қандай кузатяпти”, кичкирди кимдир. Бундан, албатта, одамнинг кўнгли ёришади.

Уна иккимиз пароход меҳмонхонаси ойнаси ёнида атрофни томоша қилдик, мен унга Ватерлоо кўпригини кўрсатдим. У жуда гўзал эди. Шу тобда юрагим болалиқ йилларим қайтгандек тез урарди. Биз дунёдаги энг гўзал шаҳарга тикилганча узоқ жим кетдик. Темза манзаралари бор гўзаллиги билан қалбимнинг тубида ажиб ҳис уйғотиб борарди. Мен бу ерларга йигирма йил аввал келгандим.

Мен шу тобда ойна олдида тик турганча қараб қетаётган Унани кузатар эканман, унинг юзида ҳаяжон балкиб турарди. Йигирма етти ёшли бу нафис аёл мен билан яшаётганидан бери не азобларни кўрмади. Унинг куёш нурида жилваланиб турган қора сочларига боқиб, илк бор унда оқ толалар пайдо бўлганини кўрдим. Уна ёнимга келар экан, “Лондон менга ёқди”, деди шивирлаб. Мен жим қолдим ва ичимда унга нисбатан сўнгсиз садоқат ҳиссини туйдим...

Лондонга келиб, меҳмонхонага жойлашдик. Уна билан Лейстер хиёбони ва Пикадиллини айланар эканмиз, бу ерда кўп нарсалар ўзгариб кетганини кўрдим. Кўча ва майдонлар америкача қалбакилик билан тўла – тик туриб тамадди қилинадиган буфетчалар, сосискахоналар... Шляпасиз йигитлар, кўк жинси шим кийган қизлар – одамлар ҳам ўзгача. Ёшлиқ давримдаги ҳаётдан асар ҳам йўқ. Ҳаммаси ўтмишда қолган, ўшал дунёнинг ўрнини бошқа нигоҳлар, бошқа ҳис билан яшаётган юраклар, ўзгача дунёқарашлар эгаллаган. Жаз тинглаб йиғлайдиган эркаклар энди йўқ. Вақт эса фақат олдинга қараб юради. Мен Унани ўзим билган бошқа кадрдон жойларга олиб бордим. Аммо ҳамма нарса ўзгариб кетган эди.

Бизнинг олдимизда ҳали талай муаммолар бор эди. Биринчи навбатда Штатларда қолган пулларимни олиб келишимиз керак эди. Уна ҳисобимдаги бор маблағни олиб келиш учун Калифорнияга учадиган бўлди ва у ерда ўн кун қолиб кетди. У қайтгач, ҳаммасини батафсил гапириб берди. У банкка борганида унинг имзосини яхшилаб ўрганишган, ўзини ҳам обдон кузатишган, кейин ходим бошлиғи олдига кириб кетиб, тўрт соатлаб уни куттирган. Уна банкдан пулларни бир амаллаб олгач, Беверли-Хилздаги уйимизга борибди.

– У ерда ҳамма нарса жойида, боғда гуллар очилиб турибди, – деди у. – Меҳмонхонага чиқиб бироз нафас ростламоқчи бўлдим, аммо юрагимни маъюслиқ камраб олди. Кейин хизматчимиз Генри билан гап-

лашдим, биз кетганимиздан сўнг уйга икки марта Федерал бюродан одам келиб, уни сўроққа тутган. Улар бу уйга суюқоёқ аёллар келадими-йўқми, шу ҳақида сўрабди. Генри бу уйда биз болалар билан тинч яшаганимизни айтганида, улар унинг ўзи Штатларда қачондан бери яшадини суриштира кетибди, паспортни кўрсатишини талаб қилиб кўрқитмоқчи бўлибди. Элен мен билан хайрлашаётиб, уйга тезроқ қайтишимизни сўраб ўқсиб-ўқсиб йиғлади.

Дўстларим мендан тез-тез қандай қилиб сен америкаликларни ўзингга душман қилиб олдинг, деб сўрашади. Аслида, менинг бирдан-бир айбим ҳамиша ўзлимизни сақлаб қолишга интилганим ва буни ҳеч кимдан яширмаганим бўлди. Мен ҳеч қачон коммунист бўлмаганман, аммо улар билан яхши муносабатда бўлганим кўпчилигининг ғазабини келтирган. Америка легиони аъзоларининг кўпчилиги шунинг учун мендан нафратланишган. Мен уларнинг ҳеч бир ташкилотларига қарши бўлмаганман, аммо уларнинг ишларига, мақсадларига эътироз билдирганман. Легионерлар ватанпарварлик байроғи остида бошқаларнинг ҳуқуқларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади, Американи емираётганлар – ўзларининг одамлари.

Иккинчидан, мени Америкага қарши ҳаракатларда айблаган ташкилот – Федерал Бюро комиссиясига қарши чиқдим. Учинчидан, Америка фуқаролигини олмадим. Лекин Англияда ишловчи қанча америкаликлар ҳам Британия фуқаролигини олмайди. Ҳафтасига миллион долларлаб даромад қилувчи “Метро Голдвин-Майер” компанияси раҳбари ҳам ўттиз беш йилдан бери Британия фуқаролигини олмасдан Англияда яшайди. Бунинг учун инглизлар уни таҳқирлаган эмас. Буларни ўзимни оқлаш учун айтаётганим йўқ. Мен ушбу китобни ёзар эканман, бунга мени ким мажбур қилди, ундади, деб ўз-ўзимга савол берганман. Мен бирқанча сабабларни келтиришим мумкин, лекин бу асло ўзимни оқлаш учун эмас. Хуллас, қисқа қилиб айтганда, мен муваффақиятларим туфайли ҳукуматнинг махфий фактлари асосида миллатпараст душманга чиқдим ва энг афсусланарлиси, Америкада ўз томошабинларимни йўқотдим.

Лейстер-сквердаги “Одеон” кинотеатрида “Рампа ёруғи” фильмнинг премьераси ўтказилиши керак. Бу фильм одатдаги чаплинча комедия эмасди, шунинг учун уни томошабин қандай қабул қиларкин, деб ҳаяжонланардим. Премьерадан аввал матбуотчилар учун намоиш ўтказдик. Фильм олинганига анча бўлган, мен уни эндиликда холисона кўз билан кўриб, қайсидир эпизодларидан хурсанд бўлган бўлсам, баъзи ўринларда кўнглим тўлмади.

Мен баъзи мухбирлар кўпиртириб ёзганидек, тақдимотларда ҳеч қачон йиғлаган эмасман. Аммо йиғлаганимда ҳам нима бўпти, аҳмоқлик бўладими? Агар асар муаллифнинг ўзини ҳаяжонлантира олмаса, томошабиндан нимани кутиш мумкин? Очигини айтсам, менга омманинг эътиборидан кўра, ўз фильмларим кўпроқ завқ берган.

Ўша кеча “Рампа ёруғи”нинг премьерасига шаҳзода Маргарэт ташриф буюрди. Кейинги кун ҳам кинотеатрга жуда кўп томошабин йиғилди. Фильм хусусида турли танқидий мақолалар босилиб чиқди. “Рампа ёруғи”га Америкада бойкот эълон қилинган бўлса-да, бу ерда мисли кўрилмаган томошабин келди ва ҳатто, бошқа фильмларимга қараганда анча кўп даромад тўплади.

Уна билан Парижга жўнашимиздан олдин бизни лорд Страболь Лордлар палатасига меҳмон сифатида таклиф этди. Мен социалист Герберт Моррисон билан ёнма-ён ўтириб қолдим ва у атом қуролини қўллаб-қувватлашини эшитиб ҳайрон бўлдим. Англия атом қуролини ҳар қанча кучайтиргани билан барибир қалтис жой бўлиб қолаверади. Англия кичик бир орол бўлса, уни йўқ қилиб юбориш кийин эмас, аммо уни мустаҳкам ҳимоя қилишнинг ягона стратегияси – бу бетарафликдир. Ишончим комилки, уни атом билан асраб бўлмайди.

Менинг мулоҳазаларим Моррисоннинг қарашлари билан қовушмади. Умуман, мени у каби кўплаб интеллигентларнинг атом қуроли тарафдори эканлиги ҳайрон қолдиради. Айни вақтда дунёнинг умумий аҳволини қандай тасаввур қилаётганимни айтишни хоҳлардим. Замонавий ҳаётнинг мураккаблашиб бораётгани XX аср одами кинетик босим остида қолаётгани туфайлидир. Гигант ташкилотлар пўписаси иқтисодни, фан ва сиёсатни ўз йўриқларига юргизмоқда. Биз ихтиёрий равишда бундай жазога рози бўлдик. Кўр-кўрона ўзлимиздан, инсоний мартабамиздан олислаб кетмоқдамиз. Ҳаётимизнинг асл маъноси бойлик талвасаси, дунёга устунлик қилиш пойгаси тўзонида хира тортди. Бу куч бизни маҳф этишига ўзимиз рухсат бердик. Ҳукуматлар паноҳидаги илф-фан ўзининг асл вазифасини унутиб, сиёсатчиларни қўллаб, ҳарбий қуролларни тараққий эттиришга бор кучини сарфламоқда ва ер юзидаги барча тирик жонзотларнинг тақдирини ўз қўлига олиб бўлди. Урушлар заминдаги тирикликка, ўз ҳаётимизга хавф солаётганини билсак-да, барибир кўзларимизни чирт юмганча шу йўлдан кетиб бормоқдамиз.

Доктор Роберт Оппенгеймер, “Инсонлар билиш иштиёқида ҳаракатланади”, деганди. Аммо кўплаб салбий нарсалар оқибати ўйланмасдан содир бўляпти. Инсон аввало фаҳмлаш, ҳис этиш қобилиятига эга жонзот. Унда энг аввал сезги, кейин руҳ такомил топган. Бугун инсон ақлининг маҳсули бўлган фан ахлоқни яқсон этди. Қачондир атом инсонни ночор аҳволга келтириб, бир чеккага сиқиб қўяди ва у шундагина надомат ила ўйлашга мажбур бўлади. Ҳозир инсониятнинг олдида икки йўл бор: ё ўзини вайрон қилиш, ё вақтида эс-ҳушини йиғиб олиш. Умид қиламанки, тез орада инсон ўз-ўзига яхшилик тилаб, ўз ҳаракатлари ҳақида ўйлаб, ижобий йўлни танлайди.

Америкадан кетгач, ҳаётимиз бошқа томонга ўзгарди. Париж ва Римда бизни худди қаҳрамонлардек кутиб олишди. Франция президенти Винсент Ориоль инглиз элчихонаси орқали ўзининг Елисейдаги кошонасига таклиф этди. Франция ҳукумати мени Легион фахрий кавалери унвони билан тақдирлади ва шу куннинг ўзида француз композиторлар ва драматурглар жамияти аъзоси бўлдим. Мен жамиятнинг раиси месье Роже Фердинанднинг мактубидан жуда таъсирландим. Мана ўша мактуб:

“Муҳтарам Чаплин жаноблари!

Агар сизни жамиятимиз аъзоси сифатида қабул қилганимиздан ҳайрон бўлгувчилар топилаётган бўлса, билингики, улар биз сизни нима учун бу қадар севиб, ардоқлашимизни билишмайди. Демак, улар инсонийлик қадрини ва сиз сўнги қирқ йил ичида бизга тақдим этган бахтнинг қийматини баҳолай олмайди. Сиз буюк санъатингиз билан бизни нималарга ўргатганингизни, қандай ҳис-туйғулар улашганингизни ва сизга

бўлган меҳримиз нақадар юксаклигини тасаввур қила олмасангиз керак. Сиздек инсонларни билмаслик нодонлик бўлур эди.

Сиз давримизнинг энг илғор инсонларидан бирисиз ва сизнинг хизматларингиз сўзсиз ҳурматга сазовор. Аввало, сиз даҳосиз. Биз бу “даҳо” сўзини кўпинча, асл маъносига қарамасдан ишлатамиз. Аммо сизни даҳо деб аташ билан – қойилмақом актёр, режиссёр, фильм муаллифи, композитор ва ниҳоят буюк қалб эгаси, олижаноб инсонни ҳақли эътироф этган бўламиз. Сизда бу қобилиятларнинг барчаси мужассам ва қиёс этиб бўлмас оддийликка эга. Сизнинг инсониятга бўлган меҳрингиз, ақлингиз ва кучингиз ҳаммада ҳам топилавермайди. Сизга эҳтиром кўрсатишимиз юксак муҳаббатимизнинг боиси фақат шуларгина эмас. Умуман, муҳаббат биргина туйғуни ифодалайдиган сўз, эҳтимол, у бизнинг сизга бўлган олий ҳурматимиз ва асл муносабатимизни тўла акс эттира олмас.

“Рампа ёруғи” фильмингиз бизда катта таассурот қолдирди. У бизни чин дилдан кулдириб, астойдил самимий кўзёшлар тўкишига мажбур этди. Бу кўзёшлар сиз бизга инъом этган бебаҳо совгадир. Асл шоншарафга ноҳақ йўллар билан эришиб бўлмайди, у эзгуликка қаратилган фикрлару, инсоний қадр-қиммат билан мангуликка дахлдор бўлади.

Сизнинг галабангиз шундаки, сиз санъатнинг қандайдир усул ва воқиталарига таяниб эмас, ўз теран инсоний нигоҳингиз ила одамларнинг изтироб ва қувончини, орзу-умидларини кўрсатиб бердингиз. Буларни англаган киши изтироб чекади, аммо умидларини йўқотмай, яна бахтли яшаиш учун ўзида иштиёқ ва куч ҳис этади.

Бизларга шунча эзгулик улашган фильмларингизга, албатта, умрингиз кетган, ҳар бир сониясига ўзингизни сарфлагансиз. Тасаввур қилинг, агар биз буларни англамасак, сизнинг сеҳрли асарларингизнинг қиймати қанчалик бўларди.

Сиз буюк хотира эгасисиз. Болалигингизни борича, изтироби-ю софдиллиги билан ўзингизда асраб қола олгансиз. Халос бўлишни истаган дардларингизнинг ҳар бири сизга ҳаёт сабогини берган. Сиз ўз ёшлигингизни сотмагансиз. Жаҳоний шон-шухрат ҳам сизни ўтмиш хотираларингиздан узиб ололмаган.

Сизнинг ўз хотираларингизга ишончингиз, эҳтимол, сизга шараф келтирган энг буюк, энг қимматли фазилатингиздир. Сизнинг нафис ижроларингиз томошабинга тез таъсир этади – менимча, сиз инсон қалбининг нозик сирларини биласиз. Аслида, бир инсонда муаллиф, актёр, режиссёр иқтидорининг уйғунлашиши ҳамда улар бир бўлиб эзгуликка хизмат қилиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Мана нима учун сиз ўз санъатингизда доим саҳийсиз. Унга техника ҳам, ҳар қандай назария ҳам халақит беролмайди. Ва фильмингизни кўргувчи ҳар бир одам худди сиздек ўйлайди ва сиздек ҳис этади. Сизнинг яна бир қобилиятингиз шуки, ўз танқидчиларингизни ҳам асарларингизга асир этдингиз. Бу осон иш эмас. Улар ҳеч қачон мафтункор санъатингизни тўла қабул қилолмаганидек, ўзгача оламингиздан ҳам олисга кетолмайдилар.

Сиз ҳеч кимга тақлид қилмадингиз, ўхшашга интилмадингиз. Бу ҳам буюклигингиз сиридир.

Бу кун бизнинг драматурглар жамиятимиз аъзолари сиз билан учрашганидан чексиз ифтихор ва қувончга тўлди. Агар рози бўлсангиз, биз сиз

билан яна бир бор учрашиш умидидамиз. Сиз ажойиб фильмларга сценарий ёзгансиз, шу боис ҳам биз каби қалам аҳлининг бир вакилисиз. Биздан фарқли равишда режиссёр, бастакор ва биринчи тоифали комиксиз.

Бу ерда барча француз драматурглари, композитор ва режиссёрлари сиз билан фахрланади. Улар ҳам инсонларга хизмат қилишдан, уларнинг руҳиятини кўтаришига кўмаклашишдек машаққатли меҳнат азобидан асло қочмайди.

Сизга яна бир бор ташаккур, жаноб Чаплин.

Эҳтиром ила,

Рожэ Фердинанд”.

* * *

Парижда “Рампа ёруғи” фильмнинг премьерасига Франция вазирлари, элчихоналар вакиллари билан иборат нуфузли томошабинлар йиғилди. Фақатгина Америка элчиси келмади.

“Комеди Франсез” театрида бизнинг шарафимизга машҳур актёрлар иштирокида Мольернинг “Дон Жуан” асарини намойиш этишди. Поле-Роял фонтанлари биз учун ишга тушди. Уна иккимиз “Комеди Франсез” театрининг маҳорат мактаби ўқувчилари билан учрашдик. Улар XIX асрга хос либосларда кўлларида шам кўтариб, бизни Европанинг энг гўзал хонимлари йиғилган улкан залга бошлаб боришди.

Римда ҳам бизни шундай қизгин қарши олишди. Мени президент ва вазирлар кутиб олиб, орден билан тақдирлашди. Бу ерда ҳам фильм тақдироти катта шов-шув билан ўтди. Вазир мени театрга бошлаб борар экан, кўп сонли одамлардан холи, махсус хизмат эшигидан олиб кирмоқчи бўлганида, мени кўриш учун келган одамлардан қочиб ўтиш ноқулайлигини айтдим.

Тақдирот кутилгандай кўтаринки руҳда ўтди. Ташқарига чиқар эканмиз, кўча одамлар билан тўлиб кетганини кўрдим. Мен кўча ўртасида машинани тўхтатишларини сўраб, одамлар орасига тушдим. Улар билан саломлашаётим, менга табассум ила боқиб турган чехрани учратдим, у де Голл эди. У боши узра кўлини кўтариб қўйди. Шу пайтда қаердандир мен томонга помидор ва карам бошлари учиб кела бошлади. Каминага таржимонлик қилаётган итальян дўстим кулоғимга, “бунақаси фақат бизнинг юртда бўлмайди”, деганини тушундим, холос. Аммо биронта ҳам помидор менга тегмади. Бир амаллаб театрга қайтиб келдик. Ўзимни тутолмай кўчадаги аҳволимга кула бошладим, итальян дўстимнинг кайфияти эса бузилганди.

Кейин билдикки, ўша безорилар ёш неофашистлар экан. Тан олиш керак, уларнинг уринишлари тез орада намойишга айланиб кетиши ҳеч гап эмасди. Улардан тўрттасини қамашибди. Полиция мендан айблов эълон қиласизми, деб сўради.

– Албатта, йўқ, ахир улар ёш болалар-ку, – дедим мен.

Ростаданам улар ўн тўрт-ўн олти ёшлардаги йигитчалар эди.

Бу воқеа шу билан ёпилди.

Париждан Римга жўнашимдан аввал менга “Леттр франсез” газетаси муҳаррири, шоир Луи Арагон кўнғироқ қилди ва Жан-Поль Сартр

Пикассо мен билан танишмоқчи эканини айтди. Мен уларни бирор ресторанга тушликка таклиф қилмоқчи бўлдим, аммо улар камтарона учрашувни хоҳладилар. Уларни меҳмонхонада, ўз номеримда кутадиган бўлдим. Бироқ, реклама агентим Гарри Кроккер бу ҳақида эшитгач, сал бўлмаса у билан жанжал чиқаёзди.

– Бу биз Штатларни тарк этганимиздан бери эришган ҳамма нарсани барбод қилади, – деди у.

– Лекин бу ер Европа, Гарри, Штатлар эмас, ахир гап дунёга машхур шахслар ҳақида боряпти, – дедим.

Аслида мен Гаррига ҳам, бошқаларга ҳам энди Америкага қайтиш ниятим йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилардим – ҳали у ёқда тасаруфимдаги мулк қолиб кетган эди.

Гарри шунчалар асабийлашдики, сал қолса, ўзим ҳам Арагон, Пикассо ва Сартр билан учрашиш Ғарб демократиясига қарши фитнада иштирок этишга тенг иш эканлигига ишониб қолаёздим. Аммо Гаррининг талабларига қарамай, учрашадиган бўлдим. Аслида бу кечадан ўзим кўп нарса кутмагандим. Улардан фақат Арагон инглизча гапира оларкан, таржимон орқали суҳбатлашиш барибир орада масофа бор дегани – мақсадингни тўғри етиб бордими-йўқми, билгунингча узоқ кутишингга тўғри келади.

Арагон – тўғри инсонлиги юз-кўзидан маълум, келишган киши. Пикассонинг юзи айёр ва кулгили, рассом эмас, кўпроқ цирк масхарабозларини эслатади. Сартр эса думалоқ юзли, яқиндан яхшилаб тикилсанг кўполроқ, аммо ўзига хос киёфа соҳиби. У деярли гапирмай, вазминлик билан тинглаб ўтирди. Тушликдан сўнг Пикассо ўзининг Сенанинг чап қирғоғида жойлашган студиясига олиб борди. Унинг студияси остидаги эшикка шундай эълон ёзиб қўйилган эди: “Пикассонинг студияси бу эмас! Юқори қаватга чиқинг, илтимос.”

Биз зинадан кўтарилиб, исқирт бир кулбага кириб бордик. Михга абажурсиз лампочка осиб қўйилган, эски темир каравот, бузилган печка хонани яна ҳам бетартиб кўрсатади. Девор тагида чанг босган бир уюм эски холстлар қалашиб ётарди. Пикассо улардан бирини олди – бу буюк Сезанн эди. У бошқа картиналарни ҳам кўрсата бошлади. Биз шу тариқа элликтача шедеврни кўриб чиқдик. Шу тобда хаёлимдан катта пул таклиф этиб, студия соҳибини хонадаги кераксиз ахлатлардан халос қилиш истаги ўтди.

* * *

Париж ва Римда премьерани ўтказиб, Англияга қайтдик. Лондонда бир неча ҳафта яшадик. Биз энди қаергадир доимий кўчиб ўтишимиз керак эди. Албатта, мен Лондонда қолишни танлаган бўлардим, аммо у ернинг иклими болаларга салбий таъсир кўрсатади деб кўрқдим, қолаверса, валюта чекловлари бу ерда яхшигина роль ўйнади. Дўстларимдан кимдир Швейцарияга боришни маслаҳат берди. Биз нарсаларимизни йиғиштириб, тўрт фарзандимиз билан бирга Швейцарияга жўнадик. Вақтинчалик Лозаннада, шундоқ кўл бўйидаги “Бо-Риваж” меҳмонхонасига жойлашдик. Сокин куз бошланган, у ердан қорли тоғлар чиройли кўринарди.

Биз тўрт ҳафта ўзимизга мос уй қидирдик. Бу пайтда Уна бешинчи фарзандимизни кутаётганди. У “туғруқхонадан яна меҳмонхонага келмоқчи

эмасман”, деб туриб олди. Шошилишимга тўғри келди ва охири Мануарде Бандаги Корсье қишлоғидан бир уй топиб, кўчиб ўтдик. Кейин билсак, бу уйнинг ўттиз етти акрлик боғи ҳам бор экан. Олча, олма, нок дарахтлари билан тўла катта мевазор ортида, қулупнай полизи ва жўхоризор, тоғ ва кўл кўриниб турадиган пешайвон ёнида кенг яшил майсазор ҳам бор эди. Хўжалик ишларига бизга жаноб Речел Форд ёрдам берди, у кейинчалик менга маъмурилик қилди, Бюрнье хоним эса менда таржимон ва котиба бўлиб ишлади. Биз бу уйда роҳат қилиб яшай бошладик. Фақат мени биргина нарса – бу бепоён мулкнинг ижара тўлови кўп бўлмасмикан деган хавотир қийнади. Лекин хўжайин бизга ортиқча харажат юкламаслигини айтиб мени хотиржам қилди. Шундай қилиб, биз аҳолиси минг уч юз эллик кишилиқ Корсьеда яшаб қолдик.

Янги муҳитга кўникканимизча ярим йил ўтди. Аввалига болаларни шу ердаги маҳаллий мактабга жойлаштирдик. У ерда барча фанлар француз тилида ўқитилгани учун аввалига улар жуда қийналишди. Аммо тез орада французчада эркин сўзлашишни ўрганиб олишди. Улар швейцарча ҳаёт тарзига бизга қараганда тез мослашди. Ҳатто кичкиналарнинг энагалари Кей-Кей ва Пинни ҳам французчани эплаб кетишди.

Бизни Қўшма Штатлар билан боғлаб турган ришталар узила бошлади. Бу албатта анча вақтимизни олди. Мен Америка консулига бориб, яшаш жойимни ўзгартирганимни айтиб, қайтиш визамни топширдим.

– Сиз Қўшма Штатларга қайтмоқчи эмасмисиз, Чарли? – деди консул.

– Йўқ, – дедим узрнамо оҳангда. – Мен у ернинг машмашаларга тоқат қилишга анча қариб қолдим.

У бошқа тортишиб ўтирмади.

– Майли, агар қачондир қайтмоқчи бўлсангиз, одатий виза олиб боришингиз мумкин.

Мен жилмайиб қўйдим.

– Раҳмат. Мен Швейцарияда доимий қолишга қарор қилдим.

Биз консул билан қўл беришиб хайрлашдик.

Уна ҳам Америка фуқаролигидан воз кечишга қарор қилди. Биз Лондонда эканимиздаёқ у бу ҳақида Америка элчихонасига хабар берганди. Улар бунинг расмиятчилиги уч-тўрт соат вақт олишини айтишган.

– Қандай бемаънилик! Шунчалик кўп вақт кетиши кулгили. Мен ўзим сен билан бораман, – дедим Унага.

Элчихона остонасидан киришимиз билан бирдан кўрган таҳқирларим, оғриқларим эсимга тушиб, авзойим бузилди. Овозимни баландлатганча иммиграция бўлими қаерда, деб сўрадим. Ўзимни бунақа тутишимдан Уна хижолат бўла бошлади. Шу чоғ эшиклардан бири очилди-ю, бир киши чиқиб келди.

– Салом Чарли! Келинг, менинг хонамга кираверинг.

У менинг кайфиятимни кўриб, гапни тушунтиришдан бошлади:

– Америка фуқаролигидан воз кечаётган ҳар бир америкалик, бу ишни соғлом ақл билан қиялпими-йўқми, аввал яхшилаб ўйлаб кўриши керак. Мана шунинг учун ва қолаверса, мамлакатмиз фуқароларини химоя қилиш учун сўровнома тартибини ишга солганмиз.

Мен ўзимни бироз босиб олдим.

Бу кишининг ёши олтмишларда эди.

– Мен сизни 1911 йилда Денверда, эски “Эмприсс” театрда кўрганман, – деди у менга гинали қараб.

Мен анча ҳовуримдан тушдим, ҳатто у билан эски даврларни эслаб анча гаплашиб қолдик. Ниҳоят, сарсонгарчиликлар тугади. У ҳужжатларни имзолаганидан сўнг, бир-биримизга узр-маъзур айтиб хайрлашдик. Аммо негадир бу лаҳзаларда ҳеч нарсани ҳис қилмаганимдан ичимда ўзимдан ранжидим.

Мен ва дўстларим вақти-вақти билан Лондонда кўришиб турардик. Улар Сидней Бернстайн, Айвор Монтегю, Эдуард Беддингтон-Беренс, Дональд Огден Стюарт, Элла Уинтер, Грэхем Грин, Жон Батист Пристли, Макс Рейнхардт ва бошқалар эди.

Бир кун Уна билан “Савой” меҳмонхонаси ресторанида овқатланиб ўтирсак, жаноб Уинстон Черчелль рафиқаси билан келиб қолди. Мен жаноб Черчеллни 1931 йилдан бери кўрмагандим. “Рампа ёруғи” фильмнинг Лондондаги премьерасидан сўнг “Юнайтед артистс” компаниясидан хат келиб, улар мендан фильмни жаноб Черчеллга уйда кўрсатишга ижозат беришимни сўраганди. Албатта, бунга бажонидил розилик бергандим. Бир неча кун ўтгач, улар менга жаноб фильмни кўриб қанчалик хурсанд бўлганини ёзишганди.

Мана энди жаноб Уинстоннинг ўзи қаршимда турибди.

– Хўш, – дея гап бошлади жаноб. Унинг гап оҳанги қандайдир гинали туюлди.

Мен дарҳол ўрнимдан туриб, очик юз ила саломлашдим ва Уна билан таништирдим. Унани жўнатиб юбориб, у кишини қаҳвага таклиф этдим. Жаноб Уинстон истамайроқ рози бўлганини сездим. Албатта, 1931 йилдан буён қанча сувлар оқиб кетди. У ўзининг енгилмас қатъияти ва оташин нотиклиги билан Англияни кутқариб қолди, лекин унинг Фултондаги нутқи “темир парда” ортида эълон қилинди ва ҳеч қандай яхшилик келтирмади, аксинча, совук урушни кучайтирди.

Сухбат менинг “Рампа ёруғи” фильмим устида борар экан, у шундай деди:

– Икки йил аввал сизни табриклаб мактуб юборгандим. Сизга етиб келганмиди?

– О, албатта, – дедим мамнуният билан.

– Негадир жавоб мактуби ёзмадингиз?

– Бунга ҳожат йўқ деб ўйлагандим, – дедим ҳижолат бўлиб.

Аммо Черчеллни алдаш қийин.

– Ҳммм, – деди у норози боқиб, – мен буни таъна деб тушундим.

– Йўқ, йўқ, асло ундай эмас, – мен шоша-пиша уни ишонтиришга уриндим.

– Аммо барибир, фильмларингиз менга ҳар доим ёқади, – қўшиб кўйди у гапи сўнггида.

Бу буюк инсоннинг камтарлиги ва икки йил аввалги эски хатни эслаётганига лол эдим. Аммо унинг сиёсий қарашларини ҳеч қачон ёқлаган эмасман. “Мен бу ерда Британия империясининг парчаланишига кўмаклашиш учун юрганим йўқ”, деганди у. Бу жуда кескин айтилган гапдек туюлиши мумкин, ҳақиқатда эса шунчаки ичи бўш иборадек тутаъсир қиларди.

Империянинг парчаланиши сиёсий фитналар, коммунистик тарғибот, армия инқилоби, оммавий намоиш ё кўча нотикларининг даъвати натижасида юз бермайди. Халқаро фирмалардан чиқадиган ўша

ташвиқотчилар ва намоишчилар аслида ўз маҳсулотларини тарғибот қиладилар, радио, телевидение, кино ҳам, автомобиллару тракторлар, фаннинг янги ютуқлари бутун дунёда алоқани тезлаштирувчи воситалар бўлиб қолди. Мана ўшалар империяни парчаланишга олиб келувчи инқилоб омилларидир.

Швейцарияга қайтганимизда мен Нерудан хат олдим, маунтбеттенлик хонимнинг тавсия хати ҳам илова қилинганди. Хоним Неру билан фикрларимиз тўғри келишини, шунингдек, яқинда унинг Корсьедан ўтишини, имкон бўлса у билан учрашишим мумкинлиги ёзганди. Неру ҳар йили Люцернда ўтказиладиган кенгашда қатнашиш учун келар экан. Неру хатида агар мен Люцернга бориб, у билан кўришсам, қайтишда каминани Мануар-де Банга элтиб кўйишга ваъда берганди. Мен Люцернга йўл олдим.

Неру бўйи қарийб меникидек бир инсон эди. Унинг ёнида қизи Ганди хоним бор эди. У мафтункор ва сокин аёл эди. Неру менда шиддаткор, мудом тафаккур ила яшаган инсон сифатида таассурот қолдирди. Люцерндан Мануар-де Банга қайтиш олдидан уни нонуштага таклиф қилдим. У рози бўлмаслигини айтиб, узр сўради. Чунки қизи Женевага жўнаши лозим экан. Ганди хоним бошқа машинада ортимиздан кетди. Нерунинг машинасида биз йўл бўйи суҳбатлашиб кетдик. Неру Ҳиндистоннинг бўлғуси вице кироли лорд Луис Маунтбеттеннинг фаолиятига юқори баҳо берди. Мен Нерудан Ҳиндистоннинг сиёсий аҳволи ҳақида гапириб беришини сўрадим.

У тушунарли ва тиниқ гапирар, аммо ҳайдовчиси тоғ йўлидан соати-га етмиш миль юриб, машинани бошқаришга қийналарди. Неру менга Ҳиндистондаги сиёсат ҳақида сўзлаб борар экан, барибир хаёли йўлда эди, у ҳар гапи орасида ҳайдовчисига машинани қаердан олиб ўтишни маслаҳат бериб борарди. Машиналар бир чораҳада тўхтаганда Неру уловдан тушиб, қизи билан хайрлашди. У ажойиб ота эканлиги кўриниб турарди. Қизини бағрига босиб, “Ўзингни эҳтиёт қил”, деди. Қизи ҳам унга ушбу сўзларни такрорлади.

* * *

Швецарияда оилам билан жуда яхши яшадик. Қўшнилармиз орасида Испания кироличаси, граф ва графинья Шевро д’Антрэг бизга жуда илтифотли эди. Шунингдек, кўплаб киноюлдузлару ёзувчилар бизга яқин яшашарди. Бенит Сендерс, Ноэле Коуардлар билар тез-тез кўришиб турардик. Баҳорда эса бу ерларга кўп инглиз ва америкалик дўстларимиз келишарди. Швейцарияда ишлайдиган Трумен Капоте кўпинча бизникида меҳмон бўларди.

Пасха таътилида болаларни олиб, Ирландия жанубида дам олиб қайтдик. Ёзда айвонда ўтириб кечки соат ўнгача тоза ҳавода атрофни кузатиб ҳордиқ олар эканман, ўша лаҳзаларда хаёлимга гоҳ Лондон, Парижга, гоҳ Венеция ё Римга бориш фикри келарди.

Дўстларим мендан Кўшма Штатларни соғинасизми, деб кўп сўрайди. Очиғини айтсам – йўқ. Америка жуда ўзгариб кетди, айниқса, Нью-Йорк. Йирик саноат ташкилотлари, матбуот, телевидение, реклама тижорати – буларнинг бари менга тўғри келмас Америка ҳаётининг образи бўлиб

қолди. Мен энди оддий ва тинч ҳаёт кечиришни истар, осмонўпар бинолару зич авенюлар, бизнес ҳам, унинг машаққатли меҳнати ҳам абадий хотира бўлиб қолгани маъқул эди. Аммо Қўшма Штатларга боғлиқ ҳамма ишларимни якунига етказгунимча анча йил керак бўлди.

Солиқ департаменти Америкада 1952 йилгача доимий яшаганим ва меҳнат қилганимни рўкач қилиб, 1955 йилда “Рампа ёруғи” фильмимнинг Европадаги прокатидан тушган даромадлардан ҳам солиқ ундиришни истаб қолди. Адвокатим ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида Америка судига мурожаат қилолмаслигимни айтди. Шунинг учун Америкага боришимдан маъно йўқ эди.

Мен бу вақтда Америка кинокомпанияларидан чиқиб, улар билан боғлиқ барча ишларимни ҳал қилгандим. Бошқа мамлакат ҳимояси остида, унга қарам бўлишни истамасдим. Мен улар талаб қилгандан оз миқдорда пул беришга келишдим. Аммо адолат юзасидан қараганда, ўша сумма ҳам кўп эди. Америка билан алоқаларни бутунлай узганим барибир менга оғир ва оғриқли бўлди. Бизнинг Беверли-хилсдаги хизматчимиз Элен энди уйга қайтмаслигимизни эшитгач, мана бу мактубни йўллабди:

“Қадрли бекам ва жаноб Чаплин!

Мен сизларга жуда ҳам кўп мактуб ёздим, аммо биронтасини ҳам юбора олмадим. Сизлар кетганингизга ҳалигача ишонолмайман. Ҳаётимда ҳеч қачон ўз яқинларим ва сизлардан бўлак бировни бунчалик соғинган эмасман. Ҳаммаси ноҳақ, нотўғри ва ўйловсиз ишлар туфайли бўлди, ҳатто мен буларни нима билан ўлчашни ҳам билмайман. Биз бу нохуш хабарни эшитгач, кетишимиз кераклигини тушундик – изҳозат берсангиз, энди биз ҳам нарсаларимизни йиғиштирсак.

Аммо бу жуда қийин, хаёлга келмаган иш... Биз ҳамма нарсани йиғлай-йиғлай йиғиштирамиз. Қийналганимдан бошим шу қадар оғрияптики, одамлар бунга қандай чидашар экан, билмайман. Хоним, илтимос, агар мумкин бўлса, жаноб Чаплин уйни сотишига йўл қўйманг. Бу уйнинг ҳар бир хонасида, гиламларда ҳам, пардаларда ҳам сизларнинг меҳрингиз яшайди, мен бу уйда бошқа биров яшашини сира тасаввур қила олмайман. Агар менинг пулим бўлганда эди, уни ўзим сақлаб қолган бўлардим. Аммо бу қўлимдан келмайдиган аҳмоқона бир истак.

Ҳамма харажатларни қисқартиришингиз мумкин, фақат илтимос, бу уйни сотманг. Албатта, сизларга буни айтишига ҳақим йўқ, лекин мен қачонлардир бу уйга қайтишингиздан ҳали ҳам умид узолмаяпман. Ҳаммаси учун сизлардан миннатдорман. Чаплин хоним, мен сизга яна учта хат юбормоқчи эдим, лекин бунинг учун катта конвертлар керак бўлади. Ҳаммага менинг саломимни етказиб қўйсангиз. Бу ёгини қаламда ёзаётганим учун узр сўрайман, негаки ҳозир қўлимдаги ручкам ҳам синиб қолди.

Садоқат ила Эленингиз”.

Ҳовли хизматчимиз швейцар Генридан ҳам хат келди:

“Ҳурматли Чаплин хоним ва Чаплин жаноблари!

Менинг сизларга кўпдан бери хат ёзмаганимнинг боиси, инглизчада фикримни тушунарли баён этишим қийин. Бир неча ҳафта илгари менга “Рампа ёруғи” фильмингизни кўриш бахти насиб этди. Тақдирот бир кишининг уйида бўлди, мени у ерга жаноб Рансер таклиф қилди. У ерга йиғирматадан ортиқ одам тўпланди, улар орасида фақатгина мисс Ран-

сер Ролли ва Сидней Чаплин ва унинг рафиқаси менга таниш эди. Мен иложига борича ўз ўйларим билан қолиш учун бир бурчакка ўтирдим. Фильм бунга арзирди. Эҳтимол, камина ҳаммадан баландроқ кулиб, ҳаммадан аччиқроқ йиғлагандирман. Бу ҳаётимда кўришга муваффақ бўлган энг яхши фильмларнинг бири эди.

Лос-Анжелесда уни бирор марта ҳам кўрсатишмади. Тўғри, “Рампа ёруғи”нинг мусиқаси пластинкаларга ёзилган, бир неча бор радиода кўйилди ҳам. Аммо радио бирор марта унинг муаллифи Чарли Чаплин эканлигини айтгани йўқ. Мен болаларга Швейцария ёққанини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Албатта, катталарга бегона юртга кўникиб кетишлари учун бироз вақт керак бўлади. Лекин мен Швейцария дунёдаги энг яхши мамлакатлардан бири эканлигига ишонаман. У ер юзидаги энг қадимий – 1191 йилдан бери республика бўлиб келаётган макон. Яна дунёдаги энг яхши мактаблар ҳам ўша ерда. Биринчи август – Мустақиллик куни. Улар бу кунни нишонламайдилар, аммо ҳар бир тоғнинг чўққисидо олов ёнганини кўрасиз. Умуман, Швейцария тараққий этган ва ўзлигини сақлаган саноқли давлатлардан биридир. Мен у ердан 1918 йилда жанубий Америкага келганман. Шу пайтгача икки бор у ёққа бордим ва швейцар армиясида хизмат қилдим. Тузилган ерим Швейцариянинг шарқий қисмидаги Сент-Галлене шаҳарчаси. Укаларимнинг биттаси Сент-Галленеда, бошқаси Бернеда яшайди.

Сизларга энг яхши тилакларимни йўллаб қоламан.

Эҳтиром билан,
сизнинг **Генрингиз**”.

Калифорнияда ким менга хизмат қилган бўлса, барчасини маош билан таъминлаб турдим. Аммо Швейцарияга бутунлай жойлашганимиздан сўнг буни давом эттиролмадим. Мен уларнинг ҳар бирига рухсат беришдан аввал чек ёзиб юбордим. Жами саксон минг долларни уларга бўлиб бердим. Фақат Эдна Первиэнс чекни олгач, умринг сўнгги кунигача бизга садоқат билан қолди.

Бир пайтлар “Мсье Верду”га актёр танлаётганимда, Эднани қаҳрамонлардан бири Гроснейга мўлжаллаганман. Аммо мен уни тўсатдан ўн икки йилга йўқотиб қўйдим. Контора унга почта орқали ҳафталик маошини ҳам юборди, аммо у бирон марта студияда кўринмади. Кейинчалик унинг ўзи менга тан олиб айтдики, унга студиядан кўнғироқ бўлганда, у қанча қувонган бўлса, шунча кўрққан. Эдна келганда операторим Ролли гримхонамга югуриб кирди. У ҳам Эднани ўн икки йилдан буён кўрмаганди.

– Келди, – қичқириб юборди у кўзлари чақнаб. – Албатта, аввалги Эдна эмас, аммо кўриниши ажойиб!

У мени гримхона олдидаги майсазорда кутаётганини айтди.

Мен ҳиссиётга берилишдан чўчиб, уни худди бир-икки ҳафта олдин кўргандек, ўзимни расмий қиёфага солиб олдим.

– Қани! Қани! Ниҳоят сени кўрадиган кун келди-я! – дедим қувноклик билан.

У жилмайди, куёш нурида лаблари титраётганини пайқадим. Ўшанда мен уни нега студияга чақиртирганимни тушунтирдим ва сценарийни гапириб бердим.

– Менимча, бу жуда ажойиб, – деди у.

Эдна доим шавкқа тўла эди. У ролдан озгина парча ўқиб берди. У менга кинодаги илк муваффақиятларимни, ҳали ҳаммаси олдинда бўлган ўша соғинчли кунларни эслатиб юборди.

Эдна иштиёқ билан ишга киришиб кетди, аммо бундан ҳеч нарса чиқмади. Образ европача соф нафисликни талаб қиларди, бу эса Эднада ҳеч қачон бўлмаган. У билан уч-тўрт кун ишладим, аммо у бу ролга тушмаганини айтишга мажбур бўлдим. Эдна ҳам хафа бўлишдан кўра, ўзини енгил ҳис қилганини айтди. Шу-шу мен уни бошқа кўрмадим, у ҳам жим бўлиб кетди. Унинг номига Швейцариядан чек юборганимдан сўнг ўзи менга миннатдорлик хати ёзди:

“Азизим Чарли!

Узоқ йиллик дўстлигинг, менга қилган яхшиликларинг учун сенга ҳаётимда илк бор миннатдорлик мактубини ёзаяман. Ёшликни бебоиш фасл дейишади, аммо мен сен туфайли кўп нарсани ўргандим. Ишонманки, сен латофатли рафиқанг ва болаларинг билан бахтиёрсан...

(У ўзининг хасталиги, докторларга сарфлаган пуллари, опаси ҳақида ёзган. Охирида эса ҳар доимгидек ҳазиллашганди.)

Кўндан бери эшитмаган бир латифани айтиб берсам: ракетада ўтирган учувчи қанча юқорига уча олишини билмоқчи бўлибди ва ракетани пломбалаб ҳавога кўтарилибди. Кўрсаткич рақамлари борган сари юқорилаб кетаверибди. У ҳаммасини ҳисоблаб бораверибди: 25 минг, 30 минг, 100 минг... 500 минг... у ўзининг шу қадар юксакликка чиққанидан ҳайратланиб, ўзига-ўзи “О, улуғ Исо!” деган экан, шу пайт қаердандир “Ҳой” деган майин овоз эшитилганмиш...

Илтимос, Чарли, менга икки қатор бўлса ҳам ўзинг ҳақингда ёзиб юбор, иложи борича тезроқ. Илтимос, қайтгин, сенинг ўрнинг бу ёқда!

Чексиз самимият ила сени ўпиб қолгувчи қадрдонинг

Эдна”.

Лекин мен йил бўйи Эднага биронта ҳам хат ёзганим йўқ. Унинг менга ёзган сўнги мактуби шундай эди:

“Азизим Чарли!

Мана яна менинг қалбим сенга бўлган миннатдорлик тўйғуси билан тўлди. Ва яна шифохонада бўйнимга рентген ва кобальт нурларини беришди. Сенга айтсам, булардан кейин дўзах даҳшатлари ҳеч кўрқинчли эмас. Аммо инсон то тирик экан, барибир чидайди. Бу ҳозирда менинг дардимга ўхшаган хасталикларнинг энг яхши давоси. Умид қиламанки, менга бир ҳафтадан сўнг уйга рухсат беришади ва амбулатор бемор бўламан (Бу қандай бахт!). Лекин барибир ички органларим зарарланганидан мамнунман. Буларнинг бари менга 7-авенюнинг бурчагида турадиган йигит ҳақидаги ҳикояни эслатади. У негадир қозғони тўрт бўлакка бўлиб, ҳар тарафга сочиб юборибди. Шу пайт полициячи келиб, нима, сен бу ишинг билан жанжал чиқармоқчимисан, деб сўрабди. Йигит эса: “Филларни ҳайдаяпман”, деб жавоб берибди. Полициячи эса унга қараб: “Менга тегишли ҳудудда ҳеч қандай фил йўқ!”, дебди. “Кўрдингизми, – деган экан йигит, – менинг даволанишим иш беради!”.

Мана сенга менинг бугунги аҳмоқона ҳаётим. Кечир мени. Умид қиламанки, сен умр бўйи ишлашингга имкон берган ўз соғлигининг қадрига етасан.

Сенга чексиз муҳаббат билан,

Эдна”.

1956 йил 13 ноябрь

Бу мактубдан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг вафот этгани ҳақида хабар келди. Дунё ёшаришни яхши кўради, биз эса яшаганимиз сайин эскириб, ёлғизлашиб бораверамиз...

Мана мен ҳам ўз “одессий”имнинг поёнига етай деб қолдим. Биламан, вақт менга етарлича имконлар инъом этди. Дунёга суюкли бўлдим, мени севдилар ва нафратландилар. Аммо барибир ёмонликдан кўра яхшиликни кўп кўрдим. Тақдир ҳар қанча бевафо бўлмасин, бахтни ҳам, бахтсизликни ҳам инъом этади. Худди шамол очик осмонга булут олиб келгандек. Энг муҳими, ғам қачон келишини билмаганим каби, кутилмаган бахтдан ҳам қувона оламан. Мен ҳеч қачон аниқ режа билан яшамаганман, ҳаётий шиор ва фалсафам ҳам йўқ. Бизга ҳамма нарсани, донишмандликни ҳам, аҳмоқликни ҳам ҳаётий курашлар ўргатади. Мен доим ҳам мантиқ билан яшолмаганман: баъзан ўта оддий, майда нарсалар учун қуйиб-ёнаман, баъзида эса катта ҳалокатларга ҳам бепарво қарай оламан.

Ҳозирги ҳаётим аввалгидан завқирокдек туюлади. Мен ҳали саломатман, яна ижод қилишга тайёрман. Эҳтимол, энди ўзим роль ўйнамасман, аммо сценарий ёзишим, болаларим иштирокида фильм суратга олишим мумкин. Улар менга яхши актёр бўламиз, деб ваъда беришади.

Мен азалдан шуҳратталаб инсонман ва бу туйғу ҳалигача қалбимни тарк этмаганини биламан. Ҳали қилмоқчи бўлган ишларим кўп – бир неча сценарийларимни ёзиб тугатишим зарур. Агар вақтим етса, опера учун пьеса ёзиш ниятим бор.

Шопенгауэр “бахт – бу салбий тушунча”, деганди. Менимча ундай эмас. Сўнгги йигирма йил ичида мен бахт нима эканлигини яхшироқ тушуниб етдим. Тақдирим менга бетимсол аёлни тортиқ қилди. Уна ҳақида батафсил ёзишни истардим, лекин бунинг учун асл севги ҳақида гапиришга тўғри келади. Асл севгини борича ёзиб кўрсатиш қўлимдан келмайди. Мен йигирма йил ичида ҳар куни Унанинг оламидан сирли теранлик ва мукамалликни ўзим учун кашф этиб яшадим. Эслаيمان, бир сафар у билан Веведаги тор йўлакда кетиб борар эканмиз, ўзимдан олдинда кетиб бораётган Унанинг гўзал ва тик қомаги, елкаси узра тушиб турган қора сочларига қараб, қалбимни ифодага сиғмас бир ҳис чулғаб олди. Бутун вужудимда унга нисбатан адо бўлмас муҳаббатни туйдим. Мен уни қандай бўлса шундайлигича умрбод севишимни англадим. Нақадар ноёб бахт соҳиби эканлигимни ҳис этганим сайин беихтиёр кўзларимга ёш қуйилиб келарди... Ва мен бу бахтни ҳамон, ҳар сафар уйимнинг пешайвонида у билан ўтириб, соатлаб яшил далаларни, олис тоғлар, қўл ва ботаётган қуёшни томоша қилаётганимда ҳис этаман.



ГЕНРИ ЛОНГФЕЛЛО ИЖОДИДА ИНСОН РУҲИЯТИ МАНЗАРАЛАРИ

Генри Водсворт Лонгфелло Атлантика океани қирғоғидаги кичикрок шаҳар – Портлендда (Мэн штати) адвокат оиласида туғилди.

Шоирнинг она томонидан бобоси – генерал Лонгфелло мустақиллик учун олиб борилган уруш қаҳрамони, тоғаси – Генри Лонгфелло ҳарбий денгизчи бўлган. 1804 йили кемасининг душманлар қўлига тушиши-ни хоҳламай чўктириб юборган ва жамоаси билан бирга ўзи ҳам ҳалок бўлган. Бу оилада жанговар анъаналар бардавом бўлган ва улар бўлажак шоирга кучли таъсир ўтказган.

Бойдоин коллежи талабаси бўлган кезларидаёқ Лонгфелло шеърлар ва насрий асарлар ёза бошлаган. Коллежни битиргач, у биринчи марта хорижий тилларни ўрганиш мақсадида Европага отланади, 1826 – 1829 йилларда у ерда яшаб, Франция, Испания, Италия ва Германияда бўлади. Адиб “Денгиз ортида” номли очерклар китобида адиб ана шу саёхати ҳақида ёзади. Қайтиб келгач, Бойдоин коллежида янги тиллар ўқитувчиси бўлиб ишлайди; 1834 йили Гарвард университетига профессор лавозими-га ишга таклиф этишади ва ўн саккиз йил мобайнида адабиёт бўйича маърузалар ўқийди, тарихий-адабий мақолалар ёзади, француз, испан, итальян тилларини ўрганувчилар учун дарсликлар тузади ва шу тиллардан шеърлар таржима қилади.

1835 йили иккинчи марта Европада (Германия ва Швейцарияда) бўлиб қайтгач, Лонгфелло 1895 йили “Гиперион” номли романини ва “Оқшом овози” (“Voices of the Night”) шеърлар тўпламини чоп эттиради. Орандан яна икки йил ўтиб, “Балладалар ва бошқа шеърлар” китоби нашр қилинади. 1842 йили Европага учинчи бор саёхатидан қайтиб келганидан сўнг Лонгфелло ўзининг машҳур “Эркислик қўшиқлари” китобини нашр эттиради, ундаги шеърлари орқали ўз даврининг улкан ахлоқий-сиёсий муаммоларига муносабатини билдиради.

Лонгфеллонинг кейинги ҳаёти бутунлигича Кембриж билан боғлиқ. У оиласи ва дўстлари даврасида одамови ҳаёт кечиради; китобларининг чоп этилиши ва болаларининг туғилиши бу ҳаётнинг энг муҳим белгилари эди.

40-йилларда шоир таржима билан машғул бўлади ва “Европа шоирлари” (1845) антологиясини яратади, унга Лонгфелло ва бошқа америкалик шоирлар таржима қилишган барча европа халқларининг шеърлари кирган эди. Бу иш уни шу қадар қизиқтирганки, бу борадаги изланишларни шоир чорак аср давом эттиради ва 70-йиллар охирида АҚШда чоп этилган жамики антологияларнинг энг мукаммали бўлган “Барча мамлакатлар поэзияси” номли ўттиз бир жилддан таркиб топган китоблар туркумини нашр эттиради.

1846 йили “Брюггедаги минора ва бошқа шеърлар” тўплами чиқади, унда муаллифнинг сеvimли “Ўқ ва кўшиқ” асари ҳам бор эди. Орадан кўп ўтмай америка адабиётида улкан аҳамият касб этган асар – “Евангелина” ёзилади, унинг сюжети Лонгфеллога Готорн сўзлаб берган; бу поэма таъсирида кейинчалик беҳисоб сентиментал оҳангдаги таклидлар ва талайгина пародиялар юзага келади. Лонгфелло бу асари билан қадимги юнон ва рицарлик романларидан, Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” фожеаси мавзуларидан маълум бўлган, жаҳон адабиёти абадий мавзуларининг америкача талқинидан иборат намунасини тақдим этади. Мусаддас усулида (олти мисрали шеър) ёзилган асарда тўй куни куёвини йўқотиб қўйган, куёви аскарликка олинган ва узок қидирувлардан сўнг жон бераётган севгилисини госпиталдан топган Евангелинанинг садоқати ва муҳаббати куйланади. Ўттиз йиллар мобайнида бу сентиментал тақдир тарихи баёни америкалик ўқувчилар орасида сеvimли ва машҳур бўлди.

1849 йилда Лонгфелло насрни ташлаб қўймайди, ҳаракатлар ривожини сусти, воқеалари камчил, иштирокчи шахслар доираси тор “интеллектуал роман” намунаси – “Кавана”ни ёзади. Турли тилларда ёзилган шеърлари “Денгиз ва учоқ бошида” номли тўпламга жамланган. Тўплам “Кемани қуриш” номли таъсирчан-жўшқин шеър билан бошланади. Бу шеър шов-шувли ютуққа эришади; шоир уни ўқиганда ўттиз мингли аудитория йиғлаб тинглаган эди. Мазкур шеърлар президент Линкольнга совға қилинганида, у ҳаяжонланиб: “Қандай ғаройиб истеъдод – одамлар қалбини бунчалик ҳаяжонга солиш!”, дея хитоб қилган экан.

Лонгфелло ижодида кейинчалик ўтмишга бағишланган йирик жанрлардаги асарлар муҳим аҳамиятга касб эта бошлайди. 1851 йилда “Олтин афсона” поэмаси яратилади; бу поэма Гартман дер Ауенинг ўрта асрлардаги машҳур “Бечора Генрих” поэмасининг қайта ишланган намунаси эди. Шундан кейин машҳур “Гайавата ҳақида кўшиқ” яратилади. 1858 йилда эса “Майлз Стендишнинг совчилиги” поэмаси юзага келади, унда шоирнинг аждодлари содда улуғвор, олийжаноб, қадим урф-одатлар, расм-русмлар содиқ кишилар сифатида гавдалантирилган. Поэмада эпик асарларга хос улуғвор оҳангни сақлаш учун муаллифга гекзаметр (олти мисрали шеър) ва мифологик образлилик қўл келади.

1858 йили “Кўчманчи қушлар” номли лирик тўплам босмадан чиқади. Бу китоб Лонгфелло ижодининг чўққиси дея тан олинган. Ундаги шеърлар, чиндан ҳам, ижтимоий моҳиятга кўра теран ва фалсафий, жозибали ва дилтортардир.

Лонгфелло умрининг охиригача тинимсиз ишлади – шеърлар, балладалар, драмалар ёзди, бошқа тиллардан таржималар қилди. Кексайган Лонгфелло машҳур америка сонетчисига айланди; сонетлар шеъриятининг дурдоналари (“Чосер”, “Шекспир”, “Мильтон”, “Шоирлар”, “Кайфият” ва б.к.) ҳисобланади. Ҳаётининг сўнгги ўн йилида “Уч кўшиқ китоби” (1872) “Иуда Маккавей”, “Пандора ниқоби” (1875) номли апокрифик трагедиялари чоп этилди. “Ташқарида” номли сўнгги шеърлар китоби Горацийнинг: “Менга соғлик берки, токи мен эришган ютуқларим билан қувонай, қарилик давримни шарманда бўлмай яшай, ақлим тиниқ бўлсин ва созим жаранглаб турсин” (“Аполлонга қасида”), деган эпитаф билан бошланади. “Микеланжело” драматик поэмаси тугалланмай қолган,

унда Шекспирнинг “Бўрон”идагидек, санъаткор учун энг муҳим масала – санъат ва ҳаёт муносабатлари қаламга олинган.

Лонгорелло ижодида, унинг достони алоҳида ўрин эгаллайди “Гайавата ҳақида қўшиқ”.¹ “Агар менинг юзта қўлим бўлганида эди, уларнинг ҳаммаси “Гайавата” билан банд бўларди”, – деб ёзганди шоир бу асарини яратаётган пайтда. “Гайавата” Лонгфеллога жаҳоний шуҳрат олиб келди. Ҳиндулар ижодига қизиқиш унда поэманинг ёзилишидан ўттиз йилча бурун пайдо бўлган эди. Талабалик йилларидаёқ у ёзилажак асарига мавзусига дахлдор кўплаб манбаларни ўрганиб чиққан, кейинчалик ожибуэлар қабиласи йўлбошчиси билан учрашган, ҳиндулар иши бўйича ҳукумат агенти – Скулкрафт томонидан қоғозга туширилган ҳинду афсоналари, ривоятлари, қўшиқлари ва урф-одат, расм-русмларини ўрганган эди. Бу афсоналарда ҳиндуларни санъат ва хунарларга ўргатган ярим ҳаётий, ярим афсонавий авлиё ва устоз ҳақида ҳикоя қилинади. Бирок Лонгфеллонинг Гайавата образи – нафақат ҳинду тимсоли. Унда антик дунё қаҳрамонлари ва тангриларига (Орфей, Геркулес, Прометей, Дионис), европа халқлари эпосларига (Зигфрид, Беовульф, рус баҳодирлари, финларнинг “Калевала”си қаҳрамонлари) хос хусусиятлар жамланган ва қаламга олинган; Поэма босилиб чиққанидан сўнг унинг муаллифи шафқатсиз танқид остида қолади. Бостонда чиқадиған обрўли газеталар “Гайавата”ни “ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайдиган ёввойи аборигенларнинг афсоналари” сифатида тавсифлашди. Либерал танқид эса Лонгфеллони “тамаддун самараларини” саёз тасвирлаганликда айблади. Поэманинг хотимаси, чиндан ҳам бирёклама: оқ танли мустамлакачилар ҳиндуларнинг биродарлари сифатида тасвирланган. Лонгфелло умри сўнггида ўз халқига ўзи чайладан жой берган оқ танлиларга ғамхўрлик кўрсатишни васият қилади: “шуки... улар учун доимо бошпана, турар жой ва озиқ-овқат тайёр турсин”. Шоирга асар якунидаги бундай муросасозликнинг маъноси нима эди? Ахир, унинг ўзи “Майлз Стендиш совчилиги” поэмасида ҳиндуларнинг оқ танли мустамлакачиларга нафрати ҳақида ёзгандики! “Гавайата” босилиб чиққанидан сўнг уч йил ўтиб эълон қилган бир шеърда шундай сатр бор:

Мазмуни:

*In his war paint and his beads,²
Like a bison among the reeds,
In ambush the sitting bull
Lay with three thousand braves
Crouched in the clefts and caves,
Savage, unmerciful!*

*Сойликдаги бу пистирмага
Уч юз чоғли жангчини олиб келди
Сариқ сочли оқлар сардори,
Шу ерда бариси жон таслим қилди,
Бегона ерлардан уй-уйларига
Тирик қайтишни орзу қилганлар.*

Афтидан, Лонгфелло агар биринчи бўлиб келган оқ танлилар ҳиндуларни таламаганида ва ўлдира бошламаганида икки ирқ Америка ҳудудида тинч-тотув яшаб кетарди, деб чин дилдан ишонган. Шу билан бирга, Янги Дунёга интилган барча европаликларни рағбатлантирган омил ва мақсад – талончилик экани унутилган. Олтин, кумуш, мўйна, тамаки, пахта, серҳосил ерлар – мана, уларни Америка сари ундаган бойликлар.

Шоир оқ танлилар билан ҳиндуларнинг “биродарлиги” лавҳаларини битаётганида унинг яна бир мўлжали бўлган дея фараз қилиш мумкин. XIX аср ўрталарида америкада миллий адабиёт шаклланди. Лонгфелло “Гайавата ҳақида қўшиқ”ни миллий эпос яратиш йўлидаги илк қадам сифатида ёзган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Унинг учун ҳиндуларнинг фольклори ўзига хос америка маданиятининг бир қисми ва шу маданиятнинг ўзига хос ёрқин қирралари ҳисобланган.

Лонгфелло халқ эпосига хос анъанавий бадиий усулларга қатъий риоя қилади: Гайавата теварагидаги ҳамма нарса – шамол, булут, қушлар, ҳайвонлар, ўт-ўланлар жонли, одам қиёфасига кирган. Манс олтин тусли кўнғироқсоч ўсмир сифатида гавдалантирилган, у билан Гайавата курашади ва ғолиб бўлади. Пирогларни (ҳиндуларнинг узун тор қайиғи) яшаш жараёни эртақнамо жозибали: Гайавата ёш оққайиндан – пўстлок, навқирон гужумдан – устун ва томирлар, қарағайдан – қатрон, жайрадан – сих сўрайди, уларни ўт-ўланлар ва данак шарбати билан тиниқ қилиб бўяйди. Инсон меҳнатининг бошқа турлари: экиш ва уни парваришлаш, балиқ овлаш, овчилик жозибали тарзда тасвирланган. Гайавата – ярим-худо ўз халқига билим ва санъат қувончини етказади. У ҳиндуларни дондунга, терига ишлов беришга, қайиқлар яшаш, ўтлоқдан ёввойи гуруч териб олиш, байрамлар уюштириш, қўшиқ ва рақслардан роҳатланиш, ўғрилар ва душманлардан сақланиш учун дуо ўқиш, аждодларни хотирлаб туришга ўргатади. Шунингдек, у ёзув ва расм чизиш санъатининг яратувчиси, биринчи даволовчи табиб ҳам эди.

Одам – табиатнинг гултожи, меҳнаткашлиги, ақл идроки, ва ғалабага ишончи билан тенгсиз. Поэманинг асосий фалсафий мазмун-моҳияти шунда. Гайаватанинг ўз отаси Межекивис билан жанги тасвирланган эпик саҳна теран матносни мазмунига эга: фақат одамгина табиат кучларини жиловлашга ва уларни ўзига хизмат қилдиришга қодирдир.

Поэмада инсон ҳаётидаги асосий жиҳатлар: туғилиш ва ўлим, хурсандчилик ва меҳнат, муҳаббат, дўстлик, душманлар билан жанглар гавдалантирилган. Муаллиф дидактизми шунчаки панд-насихатдан иборат эмас.

Ҳиндулар тилининг метафорага бойлиги, поэтик муболағалар, кўтаринки руҳдаги насихату киноялар, қиёсларнинг серҳашамлиги – булар барчаси ўқувчига теран ва тиниқ қониқиш бағишлайди. Поэманинг И.А.Бунин амалга оширган рус тилига мукамал таржимасида мумтоз асарнинг руҳи ва услуби тўла сақланган. Шунингдек, уни русча таржима матнидан ўзбекчага ўгирган шоир Азиз Абдураззоқ ҳам асар мазмуни ва шаклини тилимизда қайта ярата олган.

*Умида ЭЛОВА,
Самарқанд давлат
чет тиллар институти
таянч докторанти*

Шарлотта БРОНТЕ

(1816–1855)

ЖЕЙН ЭЙР

Роман¹

*Рус тилидан
Шахло АХРОРОВА
таржимаси*

Жоржиана ёнимда ясан-тусан қилиб ўтирмаган пайтлари кўп вақтини диванда – уйдаги тушкун муҳитдан фигони кўкка ўрлаб, Гибсон холам мени Лондонга таклиф этиб қолса қанийди, дея орзуга берилганча ўтказарди.

– Шу ғалвалар тугагунча, икки ойга бирор жойга кетсам, айна кўнглимдаги иш бўларди, – деди у бир ғал.

Мен ундан “шу ғалвалар тугагунча”, деганда нимани назарда тутганини сўрамадим, чунки у онасининг ўлими ва мотам маросимига ишора қилмоқда эди. Элиза, одатда, сингисининг кунни нукул оҳ-воҳ чекиб, бекор ўтказишига парво қилмас, гўё унинг учун бу зада, йиғлоқи киз йўқдек эди. Аммо бир куни ҳисоб-китоб дафтарини ёпиб, қўлига каштасини олганда, бирдан Жоржианага дея ташланиб қолди:

– Жоржиана! – деди у жаҳли чиқиб. – Бу дунёда сендан такаббурроқ ва аҳмоқроқ қиз бўлмаса керак! Аслида, туғилмай кўя қолганинг дуруст эди, негаки, умрингни бекорга совуриб юрибсан. Ор-номусли одамлардек ўз ақлига таяниб, мустақил яшаш ўрнига нукул бирор кучли одамни топиб, бўйнига осилиб олсам, дейсан, сендек хомсемиз, ожиз, бўшанг, ялқов бандани ҳеч ким ўзига юк қилгиси келмаса, мен – бахтиқароман, мени ёмон кўришади, назар-писанд этишмайди, деб дод-вой қиласан. Қолаверса, ҳаёт сени ҳар куни янги-янги кўнгилхушлик, янги-янги таассуротлар билан сийлаши керак; акс ҳолда дунё кўзингга зиндон бўлиб кўринади. Ҳамма сендан лол қолиши, атрофингда парвона бўлиши, хушомад сўзлар айтиши, қаерда бўлма, сени куй, ракс, ҳазил-хузул қуршаб олиши керак, агар булар бўлмаса, дарров ғамга ботиб, тушкунликка тушасан. Наҳотки, ҳаётингни ўзганинг эмас, ўзингнинг раъйинг ва хоҳишингга қараб қура олмасанг?

Агар кунни қандай ўтказишни билмасанг, уни бўлакларга бўлиб чик, ҳар бир бўлагида бирор ишни қил, чорак соат, ўн дақиқа, ҳатто бир онни беҳуда кетказма, шунда кунинг шунақаям тез ўтадики, у қандай тугаганини сезмай қоласан. Шунда ҳеч кимга тобе бўлиб қолмайсан, вақтимни

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.

ким билан ўтказсам экан ҳам демайсан. Ҳар хил давра ва суҳбатларни излашга, кимдандир ҳамдардлик ва мадад кутишга ҳожат қолмайди, бир сўз билан айтганда, эркин одам бўлиб яшай бошлайсан.

Менинг маслаҳатимга кир – дарвоқе, бу сенга ҳам биринчи, ҳам охириги маслаҳатим – шунда сен на менга ва на бошқага муҳтож бўласан. Агар маслаҳатимга қулоқ осмасанг, йиғлоқилик, ношукурлик ва бекорчиликни ташламасанг, ўз аҳмоқлигинг касрига қолиб, ҳар қанча оғир, азобли бўлсин, бошинг ғам-кулфатдан чиқмайди. Сенга тўғриси айтман; айни чоғда, огоҳлантираман ҳам: сенга бу гапларни бошқа қайтариб ўтирмайман, лекин бу ёғига сен билан шунга қараб муомала қиламан. Онамнинг вафотидан сўнг, сен билан алоқани буткул узаман; унинг тобути Гейстхэд бутхонасида сағанага қўйилган онданок иккимиз етти ёт бегонадек, бир-биримиздан ажралишамиз. Бир қориндан таллашиб тушганимиз учун опам даъволаримга озгина бўлса-да, ён беради деган хаёлга бориб юрма. Яна сенга тўғриси айтман: агар бутун инсониятга қирон етиб, ер юзида фақат иккалаамиз қолсак ҳам, сени эски дунё билан бирга ўлган, деб ҳисоблаб, янги дунёга бир ўзим қадам қўяман.

У жим бўлиб қолди.

– Бунақа баландпарвоз сўзларни тикиштирмасанг ҳам бўларди, – деб жавоб берди Жоржиана. – Сен дунёдаги энг худбин ва бағритош одам эканингни билмайманми?! Бундан ташқари, мени кўришга кўзинг йўқлигини ҳам биламан. Сен буни лорд Эдвин Вирга хунук найранг ишлатганинг билан ҳам исботлагансан. Сендан обрўйим ортиб, мартабам кўтарилиб кетишига, мени сен ҳатто бурнингни ҳам тика олмайдиган давралар қабул қилишига чидолмайсан. Шунинг учун жосуслик ва сотқинлик қилиб, бутун орзуларимни барбод этдинг.

Жоржиана шундан сўнг дастрўмолини олиб, бир соатча пиқиллаб, ўксиб-ўксиб йиғлади. Элиза эса аввалгидек совуққонлик ва тиришқоқлик билан ишини давом эттирди.

Айрим одамлар учун олийжаноб ҳиссиётларнинг писта пўчоғича ҳам кадри йўқ; бироқ қаршимда ҳозир тамоман икки хил табиатли одам турарди: бири ҳаддан ташқари тахир бўлса, бошқаси ҳаддан ташқари чучмал эди. Ҳолбуки, ақлга бегона ҳиссиёт қанчалик яроқсиз бўлса, ҳиссиётга бегона ақл ҳам шунчалик яроқсиздир.

Кун кечга оға бошлади. Ҳаво намчил, шамол эсиб турарди. Жоржиана қайсидир бир романи ўқиганча, диванда ухлаб қолди. Элиза эса янги тикланган черковга ибодат қилгани кетди. Дин бобида у жуда ҳарис эди: ҳеч қандай об-ҳаво Яратганнинг фарзларини адо этишида унга тўсқинлик қилолмасди; ҳар қандай шароитда ҳам, у якшанба кунлари уч марта черковга борар, ҳафта давомида ҳам барча маросимларни қанда қилмасди.

Мен юқори қаватга чиқиб, аксар қаровсиз қолдириладиган бемор холамнинг ҳолидан хабар олмоқчи бўлдим: ҳатто хизматкорлар ҳам унга жон қойитиб қарамас, ёнида ўтириш учун ёлланган ҳамшира эса, уни ҳеч ким тергамаганидан, имкони бўлди дегунча, хонадан ташқарига чопарди. Тўғри, Бессига ишонса бўларди-ю, аммо унинг ҳам оиласи бор, шу сабаб эри ва болаларидан ортиб, ахён-ахёнда кела оларди, холос. Худди ўзим кутганимдек, беморнинг олдида ҳеч ким йўқ, ҳамшира ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди. Рид хоним қилт этмас, афтидан беҳуш ётар, сўлғин

юзи ёстикқа ботиб турарди. Каминда эса олов ўчай-ўчай деб қолган эди. Оловга кўмир ташладим, чойшабни текислаб кўйдим, беморнинг юзига боқдим-да, дераза ёнига бордим.

Ёмғир ойнани савалар, шамол увиллар эди. “Мана, бир инсон бетоб холда ётибди, – деб ўйладим мен, – ҳадемай унинг ҳаёт шами ўчади. Унинг руҳи танадан чиқиб, қаерга боради? Ниҳоят, қафасдан чикқач, қаёққа парвоз қилади?”

Шу буюк сир ҳақида ўйлар экан, Элен Бернсни, унинг сўнгги сўзларини эсга олдим. Мен хаёлан унинг дардчил, аммо хотиржам овозини яна эшитгандек, ўлим олдидаги рангпар фаришта чеҳрасини, ҳолсизликдан юмилиб-юмилиб кетаётган қобокларини, узоқ-узоқларга қадалган дардчил қорачиқларини кўргандек бўлдим: у ўрин-тўшагида қимир этмай ётганча, Худо даргоҳида ором топишини шивирлаб айтганди.

Шу пайт қулоғимга заиф овоз эшитилди:

– Ким бу?

Рид хоним ҳалигина беҳуш ётган эди. Наҳот унга ҳаёт асари қайтган бўлса? Мен каравот ёнига бордим.

– Бу мен, Рид хола.

– Ким дедингиз мени? – деб сўради у беҳол. – Ўзингиз-чи, ўзингиз кимсиз? – У менга бироз таажжуб ва ҳадик билан қаради, аммо кўзлари тийрак эди. – Сизни танимайман. Бесси қани?

– У ўз уйида, хола.

– Хола, – дея сўзимни такрорлади у. – Ким мени хола деяпти? Сиз Гибсонлардан эмассиз, аммо сизни танигандекман: бу юз, бу кўз, бу манглай жуда таниш; ҳа, сиз... Жейн Эйрга ўхшайсиз!

Мен индамадим. Ҳа, мен – Жейн Эйрман, десам, талвасага тушиб қолмасин, деб кўрқдим.

– Ҳа, – дея давом этди у, – балки адашгандирман. Кўзларимга шундай кўриниб кетди. Мен Жейн Эйрни кўрмоқчиман, шунданми, ҳар кимни унга ўхшатяпман. Қайдам, у саккиз йил ичида ўзгариб кетган бўлса ҳам керак.

Ўзи кўрмоқчи бўлган одам менлигимни унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлдим. Унинг ҳуши жойидалиги ва мени тушуна олишига амин бўлгач, Бесси мени Торнфильддан олиб келгани эрини юборгани ҳақида сўзлаб бердим.

– Аҳволим оғир, буни билиб турибман, – деди Рид хоним бироз жимликдан сўнг. – Бирозгина олдин бошқа тарафимга ағдарилмоқчи бўлдим-у, лекин на кўл, на оёғимни қимирлата олмадим. Мен ажалим етмай туриб, кўнглимни бўшатиб олишим керак. Соғломлигингда кўзимизга арзимасдек кўринган нарсалар ҳам касаллигингда юрагингга тошдек қаттиқ бо-таркан. Ҳамшира ҳам шу ердами ёки иккимиз холосми?

Иккимиз холос деб, уни тинчланттирдим.

– Гап бундай. Мен олдинда икки ҳисса гуноҳқорман, ҳозир бундан қаттиқ афсус чекаман. Биринчи гуноҳим шуки, сенга ўз боламдек қарайман, деб эримга ичган қасамимни буздим; иккинчи гуноҳим эса... – У бироз жимиб қолди-да, сўнг, – балки энди бу муҳим ҳам эмасдир, – деб гўлдиради ўзича. – Қолаверса... ҳали тузалиб кетишим ҳам мумкин, унинг олдида ўзимни ерга уришим шартми?

Рид хоним бошқа ёнбошига ағдарилмоқчи бўлди-ю, аммо бунга кучмадори етмади. Бирдан унинг юз ифодаси ўзгарди. Гўё у ажал яқинлигидан дарак берувчи қандайдир аломатга кулоқ тутаётгандек эди.

– Ҳа, буни бир ёқли қилиш керак. Мен нариги дунё остонасида турибман; унга бор гапни айтмасам бўлмайди. Жавоним олдига бор-да, тортмасини очиб кара, ўша ердаги хат бор, уни менга олиб кел.

Мен хатни олиб келдим.

– Уни ўқи, – деб буюрди холам.

Хат қисқа бўлиб, шундай мазмунда эди:

“Хоним!

Илтимос, жияним Жейн Эйрнинг манзилини менга юбориб, унинг қандай яшаётгани ҳақида хабар берсангиз. Мен ундан Мадейрага, ёнимга келишини сўраб, хат ёзмоқчийдим. Парвардигор июноти-ла меҳнатларим зое кетмади, мол-давлат орттирдим. Ўзим уйланолмадим, илло, болам ҳам йўқ. Мен уни фарзандликка олиб, кўзим тиригида меросхўрим дея эълон қилмоқчи эдим.

Ҳурматимни қабул этгайсиз, хоним, ва ҳоказо ва ҳоказо.

Жон Эйр. Мадейра”.

Хат остидаги сана у бундан уч йил олдин ёзилганини кўрсатарди.

– Нега бу хатдан мени хабардор қилмадингиз? – деб сўрадим мен.

– Негаки, сени ёмон кўрардим, аҳволинг яхшиланишини истамасдим. Жейн, сен менга бир гал қандай қўпол муомала қилганинг, кўзинг ғазабдан совуқ чакнаб, бирдан менга ташланиб қолганинг, бу дунёда энг ёмон кўрган одамим – сизсиз, деб нафратингни сочганинг, сиз эсимга тушган захотингиз кўнглим беҳузур бўлади, чунки менга нисбатан ноҳақлик ва бешафқатлик қиялмасиз, деб кичқирганинг ва ўша пайтда нигоҳингу овозинг болаларга хос бўлмаган қандайдир дўриллаб чиққанини ҳечам унутолмадим. Қўлимдан юлқиниб чиқиб, кўнглингдаги сафрони сочган пайттингда ўзим қандай аҳволга тушганимни унутолмадим: бу – ўзим таёқ билан туртган ё урган ҳайвон бирдан менга инсон нигоҳи билан боқиб, инсон овози билан дуоибатд қилгандек бир гап эди. Менга сув бер. О, фақат тезроқ!

– Азиз Рид хоним, – дедим мен лабига сув тутаётиб, – буларнинг ҳаммасини унутинг, миянғиздан чиқариб ташланг. Жаҳл билан айтиб юборган ўша гапларим учун мени кечиринг, ахир, у пайтлар мен ёш бола эдим, бу гаплардан бери саккиз ё тўққиз йил ўтиб кетди.

У жавоб бермади, бироқ сувни ичиб, нафас ростлагач, сўзида давом этди:

– Шунинг кулоғингга қўйиб ол, мен ўша воқеани унутишга қодир эмас эдим, шунинг учун ҳам сендан қасос олдим. Мен сени амакингга фарзанд тутиниб, бойлик ва дабдаба ичида яшашингга йўл қўёлмасдим. “Жуда афсусдаман, – деб жавоб ёздим унинг хатига, – сизни хафа қилишга мажбурман, Жейн Эйр Ловудда ўлат эпидемисидан ҳалоқ бўлди”. Мана, энди ўзинг хоҳлаганингдек йўл тут. Унга хат ёзиб, сўзларимни инкор эт. Ўша ёлғонимни тезроқ фош қил. Сен, чамаси, бошимга бало бўлиш учун туғилгансан, умримнинг сўнгги соатлари ҳам сенга қилган гуноҳларимни эслаш билан дилим хуфтон бўлиб ўтяпти.

– Холажон, қўйинг, шулар ҳақида ўйламанг, менга бир бор табассум қилинг, сени кечирдим деб айтинг...

– Сенинг феълинг жуда расво, шунга сени тушунишга тобим йўк. Сен тўққиз йил шунча азобга қандай чидадинг? Охири занжирларни бирдан парчалаб, қандай кутилиб чиқдинг? Қани бунга ақлим етса?!

– Феълим сиз ўйлаганчалик ёмон эмас, хола. Тўғри, қизиққонман, аммо кекчи эмасман. Болалик пайтимда ҳам, агар мени салгина аясангиз, бас, сизни яхши кўришга тайёр эдим. Ҳозир ҳам сиз билан ярашишни астойдил хохлаяпман. Мени ўпиб кўйинг, хола.

Юзимни унинг лабларига тутдим, аммо у мени ўпишни хохламади. Бунинг ўрнига, устимда энгашиб турганинг учун нафас олишга қийналяпман, деб нолиди-да, яна сув бер, деб сўради. Бошини кўтариб сув ичирдим-у, яна ёстикка кўйгач, муздек кўлини кафтларим орасига олдим. Ҳолсиз бармоқлар кўлларимдан сирғалиб чиқишга уринарди. Хира тортиб бораётган кўзлар мендан ўзини олиб қочарди.

– Мени яхши кўрасизми ёки ёмонми, ўзингизга ҳавола, – дедим ниҳоят, – аммо сизни чин юракдан кечираман. Худодан ҳам мағфират сўранг, токи руҳингиз ҳаловат топсин.

Шўрлик аламдийда! У ақлини йиғишга кеч қолган эди. У бир умр мендан нафратланиб яшади ва шу туйғу билан оламдан кўз юмди.

Ҳамшира, унинг ортидан эса Бесси кирди. Мен яна ярим соатча беморнинг ёнида қолдим, унинг юзида менга аталган меҳр аломатини кўриш илинжида эдим. Аммо беҳуда кутган эканман. Рид хоним тез орада яна ҳушини йўқотди ва қайтиб ўзига келмади. Тун ярмида унинг жони узилди. Ўша пайтда мен унинг ёнида эмас эдим. Жони узилаётганда қизлари ҳам онасининг ёнида бўлишмади. Бизга фақат эртаси тонгдагина у омонатини топширганини айтишди. Элиза билан бирга ёнига кирганимизда, у столга ётқизиб қўйилган эди. Жоржиана, ойимнинг ёнига киришдан кўрқаман, деб уввос солиб йиғлаганча, эшик оғзида қолди. Мана, шундоқ олдимда Сара Риднинг кучли ва серғайрат танаси жонсиз ётибди. Унинг қаҳрли кўзларини совуқ ковоқлар ёпиб қўйган, бироқ манглайи ва юзида ашаддий қайсарлик аломатлари қотиб қолганди. Бу жонсиз тана менда ғалати, оғир ҳиссиёт уйғотди. Мен унга қайғу-алам билан боқиб турардим. Унга кўнглимдан бошқа илиқроқ туйғулар – шафқат, умид, кўмсовни беҳуда излардим. Мен холамдан айрилганимга куйинмас, балки унинг тақдирига ачинардим. Кўзимда бир томчи ҳам ёшсиз, бу мурдани даҳшат-ла кузатардим!

Элиза онасига лоқайд боқди. Бироз сукут сақлаб тургач, бундай деди:

– Шу куч-қуввати билан юзга кириши мумкин эди. Лекин ғам-аламлар унинг умрини кемириб қўйди. – Элизанинг лаблари бир он титради, аммо бу дарҳол барҳам топди, у кескин бурилди-ю, хонадан чиқиб кетди. Мен унинг ортидан чиқдим. Иккимиз ҳам Рид хонимга кўзёш тўкмадик.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Жаноб Рочестер менга фақат бир ҳафтага рухсат берганди. Аммо Гейтсхэдда бир ой қолиб кетишимга тўғри келди. Мотам маросими ўтиши биланоқ йўлга чиқмоқчи бўлгандим, Жоржиана Лондонга кетгунича шу ерда қолишимни илтимос қилди. У ниҳоят ўз орзусига эришган – синглисининг дафн маросимига келиб, барча расм-русумларнинг бошида турган тоғаси жаноб Гибсон ўзи билан Лондонга олиб кетаётган эди. Жоржиана менга, Элиза билан асло бирга қолмайман, чунки у менинг қайғумга

хамдард, кўркувимга ҳимоячи ва сафаримда ёрдамчи бўлолмайдим, деб айтди; мен ноилоҳ унинг ожизларча илтимоси ва худбинларча зорланишига кўндим ва кўлимдан келганича кийим-кечаклару пардоз буюмларини жомадонга жойладим. Бироқ Жоржиана ҳамма ишни менга ташлаб қўйиб, ўзи кўлини совуқ сувга ҳам урмади. Шунда хаёлимдан бундай гап ўтди: “Агар тақдирдан бўлиб, сен билан доим бирга яшасам, қариндош, бундай тараллабеод юришингга йўл қўймасдим. Ювош ҳожатбарор родини ўйнашдан воз кечиб, ўзингга ҳам ишнинг бир қисмини ажратиб берардим-да, ҳоли жонингга қўймай, уни албатта бажартирардим. Агар шунда ҳам оёқ тираб туриб олсанг, чала қолиб кетсин эди ўша иш сабил. Қолаверса, одамнинг кўнглини оздирувчи сохта нолишларингдан ҳам, жиллакурса, бир қисми ўзингга сийлов бўлсин, дердим. Бир тарафдан, бу юмушлар ҳадемай тугайди, бошқа тарафдан, бошингга кулфат ёғилиб турибди, шунинг учун ҳар қанча инжиқлигингни кўтаряпман”.

Ниҳоят, Жоржиана Лондонга жўнади; бироқ энди Элиза яна бир ҳафта қолинг, деб оёқ тираб туриб олди. Ўзининг айтишича, ўйлаб қўйган режаси бутун вақти ва диққатини олиб қўяётган экан; у жуда узоқ бир ўлкага кетишни хоҳлар, эрта-ю кеч хонасини ичдан кулфлаб ўтирарди. У ўзига тегишли буюмларини ажратар, уларни жомадонга жойлаштирар, кераксиз қоғозларни ёқар, ҳеч ким билан кўришмасди. У мендан хўжалик ишларини бошқариб туриш, таъзияга келаётганларни кутиб олиб кузатиш, ҳамдардлик билдириб ёзилган хатларга жавоб қайтаришни илтимос қилди.

Ахийри, бир кун тонгда у менга, энди бўшсиз, деди.

– Бизга катта ёрдам кўрсатганингиз ва ўзингизни гоят баодоб тутганингиз учун сиздан қарздорман, – деб қўшимча қилди у. – Менга Жоржиана билан яшаш қаёқда-ю, сиз билан яшаш қаёқда: сиз ўз ишингизни қилиб юраверасиз, бировнинг устига оғирингизни ташламайсиз. Мен эртага, – дея давом этди у, – Англияни тарк этаман. Лиллга яқин бир жойга кўчиб бормоқчиман – бу монастирга ўхшаш диний бир муассаса. Ўша ерда тинч ва хотиржам яшашни дилга тукканман. Ўз умримни католик черковининг ақида ва урф-одатларини ўрганишга сарфласам, дейман. Агар бу дин муносиб ва батартиб ҳаёт кечиришга бўлган хоҳишимни қаноатлантирса, Рим черкови эътиқодини қабул қилиб, монастирга кетаман.

Унинг ниятидан таажжубланмадим, фикрини ўзгартиришга ҳам уринмадим. “Аслида ҳам, сенинг жойинг – ўша ер, – деб ўйладим мен, – нима ҳам дердим, оқ йўл сенга!”

Хайрлашув онларида у менга бундай деди:

– Алвидо, жияним – Жейн Эйр. Сизга доим омад ёр бўлсин. Чунки сиз эсли-хушли қизсиз.

Мен эса унга бундай жавоб қилдим:

– Сизга ҳам алвидо, жияним Элиза. Бир-икки йилдан сўнг бирор француз монастири сизни тириклингизча қабрдек ютиб юборади. Аммо менинг бу ишга аралашингизга ҳақим йўқ. Модомики, сиз шуни хоҳлар экансиз, майли, ўз йўлингиздан қолманг.

– Сиз буткул ҳақсиз, – деди Элиза ўйчангина.

Шундай дея иккимиз ўз йўлимизга кетдик.

Бу икки опа-сингилни эслашга бошқа фурсат бўлмайдим, шу сабаб ҳозирданок айтиб қўя қолай: Жоржиананинг ўзига жуфт топишда анча

омади чошиб, у жуда бадавлат, лекин ўта қирриқ бир жентльменга турмушга чиқди; Элиза эса роҳибаликни қабул этди ва ҳозир монастирға бошчилик қилмоқда. У илгари худди шу монастирда шогирд бўлган ва унга ўз мол-мулкини бутунлай эҳсон қилган эди.

Одамлар бир қанча вақт сафарда бўлиб, ўз уйига қайтаётганда кўнглидан қандай ҳислар ўтказишини билмасдим, чунки бошимга ҳеч қачон бундай вазият тушмаган эди. Болалигимда узоқ сайр қилиб Гейтс-хэдга қайтганимда, совқотган ё ўшшайган афт-ангоримга қараб, мени ҳозир қаттиқ койишади, деб юрак ҳовучлар эдим. Ўсмирлигимда эса черковдан Ловудга қайтганимда, ширин овқат билан илиқ меҳр кутиб турган бўлсайди, деб орзу қилсам-да, бироқ униси ҳам, буниси ҳам йўқлигини алам билан тан олардим. Бундай сайру сафарлардан қайтишлар на ёқимли ва на ардоқли эди; ҳеч қандай куч мени бирор гўшага тезроқ қайтишга чорлаб, оҳанрабодек тортмас, унинг жозибаси ўша гўшага қанча яқинлашганим сари шунча кучайиб бормас эди. Энди Торнфильдга қайтишим қандоқ бўларкин?

Йўл мен учун ҳаддан ташқари зерикарли бўлди. Биринчи куни эллик миль йўл босиб, меҳмонхонада тунаб қолдим, иккинчи куни ҳам яна эллик миль йўл юрдим. Биринчи куни Рид хонимнинг жон таслим қилиш онлари хаёлимдан ҳеч нари кетмади: унинг сўлгин рангпар юзи кўз олдимда гавдаланар, бўғиқ титроқ овози қулоғим остида жарангларди. Дафн маросими ҳам хаёлимда қайта-қайта жонланарди: тобут, тиловат, қора либосдаги ижарачи ва хизматкорлар – қариндош-уруғлар жуда кам келганди – ғамгин мазор, сокин черков, тантанавор жаноза. Сўнгра хаёлимга Жоржиана ва Элиза келди; бирини бал залининг қоқ ўртасида, бошқасини роҳиба хужрасида кўрдим; уларни бир-биридан шунчалар фарқли одамларга айлантирган феъл-атвору орзу-интилишлари ҳақида ўйлаб кетдим. Қуёш ботаётганда қатта бир шаҳарга етиб келдим-у, бу хаёллар ўз-ўзидан тўзғиб кетди. Кечаси эса миямга буткул ўзга хаёллар ёпирилди. Уйқуға ётар эканман, энди бўлиб ўтган воқеаларни эсламас, ўз-ўзимдан мени олдинда нималар кутяпти, деб сўрардим.

Хуллас, мана, Торнфильдга қайтяпман. Аммо бу гўшада яна қанча яшар эканман? Унча кўп эмас, бунга ишончим комил. Фэйрфакс хонимнинг ёзишича, мен йўғимда меҳмонлар тарқалишибди; Жаноб Рочестер уч ҳафта бурун Лондонга жўнабди. У Торнфильдга ўтган ҳафта қайтиши керак экан-у, лекин қандайдир иш билан ушланиб қолибди. Фэйрфакс хонимнинг тахминича, у Лондонга тўй ташвишлари билан кетибди – жаноб Рочестернинг, янги фойтун сотиб олмоқчиман, деган гапи қулоғига чалинган эмиш. Бироқ, шунга қарамай, хўжайиннинг Ингрэм хонимга уйланиш нияти ҳалиям унга, барибир, ғалати туюлаётганмиш. Аммо, одамларнинг миш-миши ва ўзининг кузатишларига қараганда, улар тез орада никоҳдан ўтиши мумкин эмиш. “Бунга шубҳа қилиш бемаънилик бўларди, – деган фикр ўтди хаёлимдан. – Ўзим уларнинг никоҳига заррача шубҳа қилмайман”.

Олдимда, мен каерга бораман, деган савол кўндаланг турарди. Тун бўйи Ингрэм хонимни туш кўриб чиқдим, тонгга яқин эса у Торнфильд дарвозасини юзимга ёпиб, қандайдир нотаниш йўлни кўрсатаётгани тушимга кирди; жаноб Рочестер эса ўша ерда қўлларини чалкаштирганча, мен ва қайлиғининг устидан кулгандек, истехзоли жилмайиб турарди.

Фэйрфакс хонимга қайси куни қайтишимни ёзмагандим, шунинг учун у Милкотга арава жўнатмади. Мен ҳар доим бир ўзим хаёл сурганча, сайр қилишни ёқтирганман. Мана, бугун ҳам июннинг сокин оқшомида, соат тахминан олтиларда, жомадонимни меҳмонхонада қолдириб, Торнфильд йўлига чиқдим; у далалар оралаб ўтар, одатда, камқатнов бўларди.

Ёзининг бу оқшомида на ой ва на юлдузлар кўринарди. Бироқ у илик ва сокин эди. Йўлнинг икки ёғига ҳам ўроқчилар пичан ғарамлаб ташлаганди. Осмон гарчи булутли бўлса-да, очиқ ҳаводан дарак берарди; унинг кўнғир булутлар орасидан кўринган мовий туби, айниқса, ёруғ ва сокин туюларди. Ғарбда уфқ ол рангда нурланиб турар, ҳали булутлар уни мавҳ этолмаганди. Шу булутлар орасида, черков меҳробдаги шамлардек, шафақ алангаланиб турар, сарғиш-қизғиш шуъла таратарди.

Торнфильдга қанча оз қолгани сари қалбим шунча қувончга тўлиб борарди. Бундан ҳайратга тушганча, кўкқис юришдан тўхтадим-да, ўзимга шундай савол бердим: бу қувонч нимани англатади? Ахир, мен ўз уйимга, ўлан тўшагимга, яқин кишиларим жуда соғинганча, қайта қолсайди, деб йўлимга кўз тикиб ўтирган гўшага қайтаётганим йўқ-ку?! “Албатта, Фэйрфакс хоним сени вазмин ва мулойим табассум билан кутиб олади, – дедим ўзимга-ўзим, – жажжи Адель эса чапак чалганча, атрофингда сакраб ўйнайди; аммо, барибир, ўзингни алдамай қўяқол, сен ҳозир улар ҳақида эмас, бошқа одам ҳақида ўйлаяпсан, ҳолбуки, ўша одам сени эслаб ҳам қўйгани йўқ”.

Ахир, ёшлик деганлари ўжарлик ва бебошлик эмасми? Ана шу ўжарлик ва бебошлик қулоғимга, жаноб Рочестерни яна кўриш – у сенга қиё боқиши ёки боқмаслигидан қатъи назар – қалбингни беҳад қувончга тўлдиради, деб шивирлар эди. У яна шундай деб шивиларди: “Чопсангчи, шошсангчи, ҳозирча бунинг иложи бор экан, унинг ёнида бўлсангчи, ахир, бир неча кун, нари борса, бир неча ҳафтадан сўнг ундан бутунлай ажраласан”. Мен қалбимга бош кўтарган ноумидлик ва хавотир ҳиссини бетоқатлик билан шошганча бостирдим-да, одимимни тезлатдим. Бу туйғуга қалбимдан жой беролмас, зотан, буни ҳечам хоҳламас эдим.

Эҳтимол шу пайт Торнфильд ўтлоқларида ҳам ўроқчилар пичан ўраётгандир ёки бугунги ишини яқунлаб, елкасига ҳаскашни қўйганча, мендек уйларига қайтаётгандир. Олдинда яна бир-икки дала бор, кейин эса йўлни кесиб ўтаман-да, Торнфильд дарвозасига тўқнаш келаман. Бу йил наъматак шунақаям барқ уриб гуллаптики! Лекин гулдаста ясашга вақт йўқ, ахир, уйга шошишим керак. Мен сўқмоққа чаман гуллаган шохини эгиб турган наъматак ёнидан ўтдим. Ўша таниш тўсиқ ёнига келганимда, бирдан жаноб Рочестерни кўриб қолдим: у ёндафтарига қалам билан нималарнидир ёзиб ўтирарди.

Йўқ, бу хулё эмасди, лекин, барибир, титроқ босди. Бир лаҳзага ўзимни йўқотиб қўйдим. Бу нима деган гап ўзи? Уни кўрганимда титроққа тушаман, тилим калимага келмай қолади, қаттиқ ҳаяжон ичида қоламан, деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим. Шу тобдаёқ ортимга қайтаман, бундай телбалikka йўл қўёлмайман. Ахир, уйга бошқа йўл ҳам бор-ку! Лекин энди бари бефойда, чунки у мени кўриб бўлганди.

– Ҳой! – деб қичқирди у қалам ва қоғозини қўяркан. – Ниҳоят, қайтибсиз-да! Бу ёққа келинг, илтимос!

Унга қараб юряпман-у, лекин ҳушим ўзимда эмас. Йўл-йўлакай фақат бир фикрни такрорлайман: ўзимни иложи борида бепарво тутишим ке-

рак; бу бепарволик, айниқса, юзимда якқол кўриниб турсин! Бироқ юзим қайсарларча буйруғимга итоат этмай, қалбимдаги ҳаяжонни фош қилиб қўяётганини пайқаб қолдим. Ҳайриятки, юзга тутиладиган тўрим бор – шуни тушириб оламан-қўяман. Балки шунда ўзимни ўнглаб олиб, бу вазиятдан эсон-омон чиқиб кетарман!

– Бу сизмисиз, Жейн Эйр? Нима, Милкотдан пиёда келяпсизми? Ҳа, дарвоқе, буни сиздан кутса бўлади! Тарақ-туруқ аравани чақиритиб кўнглингиз тусаманган, уйга ғира-ширада рўё ёки соядек бешарпа кириб олмоқчи бўлгансиз. Бир ой қаёқларда йўқ бўлиб кетдингиз, жин урсин сизни?

– Мен холамникида эдим, жаноб, у Худога омонатини топширди.

– Жейн Эйрга жуда муносиб жавоб! О, Худонинг азиз-авлиёлари-ю, фаришта-малойикалари! Бу пари бошқа дунёдан, мотам тутган уйдан учиб келди-ю, шу ғира-ширада мени мусибатдан огоҳ этмоқда. О, пари, қани эди сиз бир шарпа эмас, жонли вужуд эканингизга ишониб учун бармоғимни теккизишга журъат этолсам!.. Бироқ қўлим сизга эмас, саробга тегадими, деб қўрқаман. Эҳ, сиз – хиёнаткор, хиёнаткор! – дея давом этди у бироз жим қолгач. – Роса бир ой мендан узоқда бўлди-я! Онт ичаманки, мени эсдан ҳам чиқариб юборган!

Ҳадемай у мени мураббияликдан озод этади, деган азобли кўркув ва унинг олдида ҳеч қандай кадр-қимматим йўқ, деган қатъий ишончимга қарамай, жаноб Рочестер билан учрашиш қалбимни, барибир, қувончга тўлдиришини билардим. Бу киши ён-атрофидаги одамларга қувонч улашиш қобилиятига эга эди (ҳар ҳолда менга шундай туюларди) ва шу қувончининг кичик бир ушқоқчаси менга – шу жойлардан учиб ўтаётган ғариб кушчага тегиб қолса ҳам, уни шоҳона зиёфат ўрнида қабул қилардим. Жаноб Рочестернинг сўнги сўзлари менга гўё шифобахш малҳамдек таъсир қилди. Бу сўзлардан аниқ бўлдики, мен уни унутиб юбордимми ёки йўқми, хўжайиним бунга бепарво эмас экан. Қолаверса, у Торнфильдни менинг уйим, деб атади. О, қанийди у меники бўлса!

Жаноб Рочестер сўқмоқни тўсиб ўтирар, мен эса унга, йўл беринг, деб айтолмас эдим. Ундан Лондонда боргани ҳақида сўрадим.

– Ҳа. Қаердан билдингиз, ё фолбинмисиз?

– Фэйрфакс хоним хатида ёзганди.

– У нега борганимни ҳам ёзгандир?

– Ҳа, жаноб. Бу ҳеч кимга сир эмас.

– Жейн, сиз фойтунни албатта кўришингиз ва у Рочестер хонимга муносибми ёки йўқми, айтишингиз лозим. Менинг қаллиғим қирмизи ёстиққа суянганида, чинакам кироличадек кўринармикан? Бундан ташқари, Жейн, ўз ташки кўринишим бироз бўлса-да уникага мос келса, дейман. Айтинг-чи, пари, мени бирор сеҳрли дамлама ёки шунга ўхшаш нарса билан кўркам эркакка айлантириб қўёлмайсизми?

– Ҳеч қандай дамлама ёрдам беролмайди, жаноб.

Хаёлимга шундай фикр келди: “Ягона таъсир этувчи сеҳр бу – севгувчи юрак. Бунинг учун эса сиз қанча керак бўлса, шунча кўркамсиз. Янаям аниқроғи, сиздаги салобат ҳар қандай гўзалликдан мафтункор”.

Жаноб Рочестер баъзан ғайритабиий бир қобилият билан хаёлимни ўқиб оларди. Бу гал ҳам у менинг сўзларимга диққат қилмади, аммо менга ўзгача бир табассум қилди – у фақат аҳён-аҳёндагина шундай жил-

майиб кўярди. Ваҳоланки, бундай табассум кундалик ҳаётда жуда-жуда асқотган бўларди. Жаноб Рочестернинг жилмайишида мени шу он или-тиб турган куёш нуридек меҳр мужассам эди.

– Ута қолинг, Жейн, – деди у, менга йўл бериб. – Уйга боринг-да, оёқларингизга дам беринг.

Унга сўзсиз бўйсуннишдан бошқа илож қолмади. Энди суҳбатни давом эттиришга ҳожат йўқ эди. Аммо сирли бир куч мени тўхтаб, унга ўгирилиб қарашга мажбур этди. Мен эмас, ичимдаги одам хошиш-иродамга бўйсунмай, қуйидаги сўзларни айтди:

– Самимий сўзларингиз учун сиздан миннатдорман, жаноб Рочестер. Мен сизнинг ёнингизга қайтаётганимдан хурсандман. Сиз бор жой – менинг уйим, ягона бошпанам.

Сўнгра шундай тез юриб кетдимки, у ҳатто хоҳлаганида ҳам, мени қувиб етолмасди.

Мени остонада кўриб, жажжи Адель ҳайратга тушди, Фэйрфакс хоним эса одатдагидек табассум билан пешвоз чиқди. Лиза жилмайиб қўйди, ҳатто Софи ҳам мулойим оҳангда: “Bon soir!”¹ деди. Бу жуда ҳам ёқимли эди. Одамлар сени яхши кўриши ва ташрифингдан қувонишини ҳис этишдан улканроқ бахт борми оламда!

Бу оқшом мен келажакка назар ташламасликка, айрилиқ ва изтироб яқинлигини эслатувчи ўша овозга қулоқ осмасликка аҳд қилдим. Биз чой ичиб ўтирган пайтимизда Фэйрфакс хоним яна каштасини қўлига олди; мен унинг ёнидаги пастаккина ўриндикка чўқдим, Адель эса тиззалаб олганча, пинжимга суқилиб олди. Бизлар кўзга кўринмас ип билан бир-биримизга боғлаб ташланган эдик. Мен кўнглимда, айрилиқ онлари тез-да келмасин, бизни ҳар ёққа тарқатиб юбормасин, деб дуолар қилардим. Тасодифан жаноб Рочестер кириб қолди-ю, бизлар дўстона чакчаклашиб, ширингина ўтирганимизга ҳаваси келгани, ниҳоят тутинган қизи Торнфильдга қайтганидан Фэйрфакс хонимнинг хавотири аригани, жажжи Адель эса *est prete a croquer sa petite maman Anglaise*² ҳақида гап қистириб ўтдики, бундан қалбимда у никоҳдан сўнг бизга бирор жойдан бошпана топиб берар ва ўзи билан гоҳо-гоҳо кўришиб туриш бахтидан бенасиб этмас, деган заифгина умид уйғонди.

Мен қайтганимдан кейинги дастлабки икки ҳафта анча тинч-хотиржам ўтди. Ҳеч ким яқин орада хўжайиннинг тўйи бўлишини эсимга солмади, ўзим ҳам бу маросимга ҳеч қандай тараддудни пайқамадим. Мен ҳар куни Фэйрфакс хонимдан тўй қачонлиги аниқ бўлибдими, деб сўрар, бироқ ҳар гал ундан, бу менга ҳам номаълум, деган жавоб олардим. Бир кун хоним жаноб Рочестердан, ёш хотинингизни яқин орада олиб келасизми, деб рўй-рост сўраганида, у қандайдир ҳазил билан жавоб бергани ва кўзи билан ғалати имо-ишора қилгани, ўзи эса бунинг маъносини тушунмай, боши қотиб юрганини айтиб қолди.

Бир янгилик мени, айниқса, таажжубга солди: Ингрэм-паркка бўлган барча ташрифлар, у ёқдан-бу ёққа бориш-келишлар қўққис барҳам топди. Тўғри, Ингрэмлар ер-мулкигача йигирма миль бўлиб, у нариги графлик билан чегарада жойлашганди, аммо эҳтиросли ошиқ учун бу масофа нима деган гап бўпти! Жаноб Рочестердек моҳир ва эпчил чавандоз ўша ерга бир тонгдаёқ етиб олиши мумкин эди. Мени гарчи асоссиз бўлса-да,

¹ Хайрли оқшом! – (фр.)

² Инглиз онасидан бир қадам силжимаё қолгани – (фр.)

бир умид чулғай бошлади: балки оралари бузилгандир? Ё миш-мишлар ёлғондир? Ё бўлмаса, келин куёвга, куёв эса келинга ёқмай қолгандир? Мен, одатда, хўжайиннинг юзига боққанда, алам ёки ғазаб изларини кўрардим. Аммо ҳеч қачон унинг юзи шу икки ҳафтадагидек сокин, ёруғ ва мулойим бўлмаганди. Агар қўққис ғамгин бўлиб қолса ҳам, биз Адель билан унинг ёнида ўйнасак, дарров қувноқ тортиб қоларди. У ҳеч қачон мени шу кунлардагидек ёнига кўп чакиртирмаган, ҳеч қачон менга шу кунлардагидек мулойим момала қилмаган, ва, афсуски, мен ҳам уни ҳеч қачон шу кунлардагидек кучли севмаган эдим!

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Англияда ёзнинг иссиқ кунлари давом этарди. Пойини денгиз ювиб тургувчи мамлакатимизда ҳалигача шунча кун кетма-кет осмон типтиник турган, куёш мўл-кўл нур сочган бошқа бир йилни кўрмаган эдим. Бироқ ушбу иссиқ кунлар, тўппа-тўғри Италиядан гала-гала бўлиб учиб келган ва Альбион қояларига ҳордиқ чиқариш учун қўнган ғаройиб ўтар кушлардек, омонат эди. Аллақачон пичанлар ҳам йиғиб олинган бўлиб, энди Торнфильд далалари сочи киртишланган каллага ўхшаб қолганди. Йўлларда майин тупроқ кўпчиб ётар, оёқ босганингизда куёш тафтини сезар, дарахтлар ёзнинг кўркем либосида савлат тўкиб турар, куюк баргли ўрмон ва дарахтзорлар, гўзал яшил ҳошиядек, куёш нури жилваланган сайхонликларни қуршаб олганди.

Кун бўйи кулупнай терган Адель окшомда уйқуга барвақт ётди. У ухлагунча кутиб турдим-да, сўнг ҳовлига чиқиб, боғ сари йўналдим.

Бундай дамлар ниҳоятда ҳузурбахш бўлади. Кун бўйи қиздирган куёш уфққа ёнбошлаган, ташна далалару жизғанак қир-адирларга шабнам томчилари ёғилганди. Уфқда бир парча ҳам булут кўринмас, ғарб тарафда алвон шафақ ловуларди. Шафақ қирлар узра бир нуқтада гулхандек гуриллар, унинг яллиғи осмонга ёйилганча, ғарбий қисми қамраб олиб, секин-аста пасайиб, сўниб борарди. Шарқ тарафнинг ҳам ўз хусн-таровати бор эди. Бу ёқда осмон тўқ кўк тусга кирган, уни танҳо бир юлдуз одми тўғноғичдек безаб турарди; хадемай ой ҳам юз кўрсатиши керак эди-ю, аммо у ҳали уфқ ортида яшириниб турарди.

Мен боғдаги айвонда бир муддат у ёқдан-бу ёққа юрдим; аммо кўп ўтмай деразадан димоғимга менга яхши таниш бўй – сигара хиди урилди; мен кутубхонанинг айвонга чиқиладиган эшиги қия очиклигини кўрдим. Балки ўша ердан бирортаси мени кузатиб тургандир? Шундай ҳадик ичида мен мевали боғ тарафга юрдим. Бу хиёбондаги энг чекка ва энг ажойиб гўша эди. Унда жуда кўп дарахт ва гуллар ўсиб ётарди; боғнинг бир тарафи баланд девор билан тўсилган, бошқа тарафида эса қора қайинлар саф тортганди – улар боғни кичик майсазордан ажратиб турарди. Ағанаб ётган тўсиқ бу майсазор ва сокин далалар орсидаги бирдан-бир тўсиқ эди. Шу тўсиққа икки четига дафна дарахти экилган иланг-биланг йўлка олиб борар, йўлка сўнггидаги баланд каштан дарахти остида ўриндиқ бор эди. Бу ерда бир ўзинг одамлардан холи сайр қилсанг бўларди. Шабнам қўнган майса-ғиёҳлардан хушбўй таралар, куюклашаётган ғира-ширалик бағрида сукунат ҳукм сураар, бу ердан сира ҳам кетгим келмас эди. Бироқ самога кўтарилаётган ой нурига чўмган гулчечагу мевали боғлар оралаб

кезиб юрганимда аллақандай нарса мени тўхташга мажбур этди. Бу на сас-садо, на соя-кўланка, балки яна ўша яхши таниш ҳид эди.

Мени наъматак ва ясмин гуллари хиди ўраб олган бўлса-да, аммо бу хид на барг ва на гуллардан тараларди, мен уни дарров танидим – бу жаноб Рочестернинг сигараси хиди! Мен атрофга аланглаб, қулоғимни динг қилдим. Бироқ кўрганим – мўл мева тукканидан ерга эгилиб қолган новдалар, эшитганим – ярим милча наридаги қайинзордан келган булбул овози бўлди. Лекин одам зотига кўзим тушмади, йўлкада ҳеч ким кўринмасди. Ҳид эса тобора кучаярди. Дарров қочиб қолиш лозимлигини англаб, ўзимни боғнинг пастаккина эшикчасига урдим, ундан ёш кўчатлар экилган майдонга чиқилар эди. Шу он боққа қараб келаётган жаноб Рочестерга кўзим тушди-ю, арчалар орасига беркиниб олдим. У, чамаси, бир неча дақиқага келган, демак, овоз чиқармасам, мени сезмай, ўтиб кетиши мумкин, деб ўйладим.

Аммо бундай бўлмади: окшомда сайр қилиш, менга ёққанидек, унга ҳам ёқарди чоғи. Қолаверса, шу эски боғни у ҳам кўнглига яқин оларди.

У йўлкада шошмай юриб бораркан, гоҳ крижовникнинг олхўридек йирик-йирик мевадан эгилган шохларини кўтариб кўяр, гоҳ олча дарахтидан бир-икита мева узар, гоҳ гуллаб ётган буталар олдида тўхтаб, уларнинг хидидан тўйиб хидлар ёки новдаларга кўнган шабнамни томоша қиларди. Шу дам унинг ёнидан йирик тунги капалак учиб ўтиб, оёғи остидаги майсазорга келиб қўнди. Жаноб Рочестер хиёл эгилиб, капалакни томоша қила бошлади.

Энди у менга орқа ўтирганча, тунги капалакни кўз узмай кузатарди; балки оёғимнинг учида юриб, бесас чикиб кетсам бўлар, деб ўйладим мен.

Шағал тошлар мени сотиб кўяди, деб майсалар устида бир неча қадам босдим. Жаноб Рочестер мен ўтадиган жойдан тўрт-беш нарида, гуллар орасида турарди. Тунги капалак унинг бутун диққатини ўзига қаратиб олгандек эди. Шунинг учун: “Билдирмай ўтиб кета оламан”, деб ўйладим мен. Аммо унинг ой ёруғида йўлкага тушган узун соясини босиб ўтаётганимда менга ўтирилмай, хотиржам деди:

– Жейн, бу ёққа келинг, мана бу капалакни кўринг.

Ахир, оёғим учида юрган эдим-ку, наҳот унинг сояси пайқаган бўлса? Мен бир чўчиб тушдим-да, секин ёнига бордим.

– Унинг қанотларига қаранг, – деди у. – Бундай капалаклар Фарбий Ҳиндистонда кўп. Лекин Англияда бунақа йирик ва рангдор тунги капалак онда-сонда учрайди. Мана, у қанотини қоқяпти.

Капалак енгил учиб кетди. Мен ҳам чўчибгина бир неча одим ташладим, аммо жаноб Рочестер ортимдан эргашди-да, пастак эшикчага етганимизда бундай деди:

– Боққа қайтинг, Жейн. Шундай ажойиб тунда уйда ўтириш уят бўлар. Қуёшнинг ботиши-ю, ойнинг чиқиши бир-бири билан тўқнашган пайтда кўнгили уйқуни тусаши мумкинми?

Одатда, мен – ҳозиржавобман, аммо тилим калимага келмай қоладиган пайтлар ҳам бўлади. Аксига олгандек, биргина жўяли сўз ёки асосли сабаб билан қутулиб қолсам бўладиган пайтда шунақа аҳволга тушиб қоламан. Бундай окшомда жаноб Рочестер билан коп-қоронғи боғда сайр этишни хоҳламас эдим. Лекин мен кўккис саросимага тушиб қолдим-да, каловланганча унинг ортидан эргашдим – йўл-йўлакай бу ердан кетиш учун

баҳона топаман деб беҳуда уринардим. Жаноб Рочестер эса ўзини шу қадар хотиржам ва вазмин тутар эдики, саросимага тушганим учун бирдан ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Агар бу вазиятда бирор ножўялик бўлса, у ҳам фақат ўзимда эди. Жаноб Рочестер ҳеч нарсадан шубҳа қилмас ва буткул хотиржам эди.

– Жейн, – деди у биз дафна дарахтлари оралаб ўтган йўлкага чиқиб, қулаган тўсиқ ва баланд каштан томон юра бошлаганимизда, – Торнфильдда ёзда яшаш жуда ҳузурли-я, шундайми?

– Ҳа, жаноб.

– Сиз бу уйга, ҳар қалай, кўникиб қолган бўлсангиз керак? Айниқса, табиат гўзаллигини ҳис этувчи ва унга тез боғланиб қолавчи сиздек бир инсон...

– Ҳа, мен бу уйга боғланиб қолганман.

– Бундан ташқари, шу енгилтак кизалоқ – Адельга ҳам боғланиб қолдингиз. Ҳатто содда Фэйрфакс хонимга ҳам.

– Ҳа, жаноб, бир-бирига ўхшамас меҳр билан бўлса-да, ҳар икковини ҳам яхши кўраман.

– Улардан ажралишни истамайсиз, шундайми?

– Ҳа.

– Афсус, – деди у чуқур тин олиб, сўнг эса жимиб қолди. – Ҳаётда ўзи доим шунақа бўлади, – давом этди у сукутни бузиб. – Бирор дилбар, сокин гўшани топиб, эндигина ҳузур қила бошлаганингда, ҳордиқ соати тугади, қани, ўрнингдан тур-у, бу ерни тарк эт, – деб қисти-бастига олишади.

– Мен кетишим керакми, жаноб? – деб сўрадим титраб. – Торнфильдни тарк этишим керакми?

– Менимча, шундай, Жейн. Жуда афсусдаман, Жейн... Аммо, чамаси, кетишингизга тўғри келади.

Бу – менга қўққис берилган кучли зарба эди. Аммо бу зарба мени “қулатиш”ига йўл қўймадим.

– Начора, жаноб, буйруқ берсангиз бас, жўнаш тарадудини кўраман.

– Буйруқ бериб бўлинг. Бугун тунда кўлингизга тегади.

– Демак, барибир, уйланаётган экансиз-да, жаноб?

– Ҳа, худди шундай. Сиз зийраклик билан қоқ нишонга урдингиз.

– Тез кунлардами, жаноб?

– Жуда тез кунларда, менинг... яъни, Эйр хоним. Сиз камина ўз бўйнига олаҳуржун илмоқчилиги ва оилавий ҳузур-ҳаловатга етишмоқчилиги, яъни Ингрэм хонимни бағрига босмоқчилиги ҳақида илк эшитган пайтингизда қилган ўша суҳбатимизни эслайсизми, Жейн? (Тўғри, уни кучгани узун қўллар керак; лекин бунинг ҳеч боиси йўқ: бундай гўзал ҳилқат, соҳибжамол Бланшим каби, қанча дўндик бўлса, шунча соз).

Хуллас, шунақа гаплар. Менинг наздимда... Қулоқ солинг, Жейн! Нега яна бошқа ёққа ўгирилиб олдингиз? Ёки яна битта тунги капалакни қидириясизми?.. Хуллас, агар Ингрэм хонимга уйланадиган бўлсам, жажжи Адель билан икковингиз бу ердан кетганингиз маъқул – эсингизда бўлса, мендан ҳам бурун ўзингиз шу гапни айтган эдингиз. Сиз бу гапни камина ғоят қадрловчи зийраклигингиз, яна мураббиялик касбингизни безовчи башоратгўйлик, эҳтиёткорлик ва ювошлик билан арз қилгандингиз. Шу тарика сиз севгилим шаънига ҳурматсизлик қилганингиз ҳақида, майли,

чурқ этмай кўя қолай. Бу ердан жуда олисларга кетганингизда, Жейнет, буни эсдан чиқаришга ҳаракат қиламан. Аммо мен сиз берган маслаҳат доно бўлганини ҳар доим ёдда тутаман. Адель мактабга боради, сизга эса, Эйр хоним, янги жой топасиз.

– Яхши, жаноб. Мен ҳозирок эълон бераман, унгача эса, умид қиламанки... – Мен ўзимга янги бошпана топгунимча, шу ерда яшаб туришимга ижозат этинг, демоқчи эдим. Лекин бундай узун жумлани айтишга кучим етмади: ўз овозим ўзимга бўйсунмади.

– Бир ойлاردан сўнг, чамаси, уйланган бўламан, – деб давом этди жаноб Рочестер. – Шу орада сизга ўзим бошпана ва иш излайман.

– Миннатдорман, жаноб, сизни хизматга кўйганимдан афсусдаман.

– О, илтимос, кечирим сўраманг! Ўз ишига сиздек виждонан ёндашадиган ҳар бир хизматчимнинг бу борада мендан ёрдам кутишга ҳақи бор. Айтганча, бўлғувси қайнонам менга сизбоп бир жойни топиб қўйипти: Ирландия Коннотидаги Биттерн-ложлик Дионайзиус О’Голл хонимнинг беш фарзандига мураббия бўласиз. Ирландия сизга ёқади, деб умид қиламан; айтишларича, ўша ернинг одамлари жуда меҳрибон бўлармиш.

– У жой жуда узоқ, жаноб.

– Ҳечкиси йўқ. Сиздака қизлар узоқдан ҳам, саёҳатдан ҳам чўчимаса керак?

– Саёҳат-ку ўз йўлига, лекин, барибир, узоқ-да! Қолаверса, ўртада денгиз бор. Бу – шундай тўсиқки...

– Нима ўртасидаги тўсиқ, Жейн?

– Мен билан... Англия ўртасидаги... Торнфильд ўртасидаги ҳам, яна...

– Яна нима?

– Сиз билан менинг ўртамиздаги, жаноб.

Бу гап оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди, бу ҳам камдек, бирдан кўзимдан ёш қуйила кетди. Албатта, мен овоз чиқармай йиғлар, ҳиқилламасликка интилар эдим, аммо Биттерн-ложлик О’Голл хоним ҳақидаги гап муздек панжаси билан юрагимни эзарди. Шу топда ўзим ёнма-ён бораётган хўжайиним билан мени жардек ажратувчи қутурган тўлқинлар ҳақидаги ўй эса кўксимни баттар ғижимларди; лекин баридан ҳам катта жар бўлган бошқа ўй ҳам бор эдики, бу – бойлик, табақа ва одамлар фикри эди: улар мен ҳар қанча қарши курашсам ҳам, барибир, мени ўзим интилаётган инсондан айириб турарди.

– У ер жуда узоқ, – деб такрорладим мен.

– Ҳа, узоқ, буни тан оламан. Сиз Ирландиянинг Коннотидаги Биттерн-ложга кетсангиз, сизни ҳеч қачон кўрмайман, Жейн. Шуниси қизиқки, бу мамлакат мени ҳеч қачон ўзига тортган эмас. Биз, ахир, сиз билан самий дўст бўлиб қолганмиз, тўғрими, Жейн?

– Ҳа, жаноб.

– Дўстларга айрилиқ хавф солганда улар қолган озгина вақтни ҳам бирга ўтказишни хоҳлайди. Келинг, юлдузлар осмонда бодрегунча айрилиқ ва саёҳат ҳақида ярим соат бамайлихотир суҳбатлашайлик. Мана, каштан, мана унинг қари танаси атрофига ўрнатилган ўриндик. Келинг, шу ерда бироз суҳбатлашиб ўтирамыз, ахир, шундай бирга ўтириш бизга бошқа насиб этмайди. – У ўриндикқа чўқди, мени ҳам ўтказди.

– Ирландия жуда узоқ, Жейнет, сизни шундай узоқ сафарга кузатаётганимдан жуда афсусдаман; лекин бошқа илож бўлмаса, начора? Нима деб ўйлайсиз, Жейн, сиз ва менинг қалбимизда бирор яқинлик борми?

Бу дақиқада жавоб беролмасдим, кўзёшларим мени бўғиб келарди.

– Баъзан сизга нисбатан қалбимда, – дея давом этди у, – ўзгача бир хиссиётни туяман. Айниқса, сиз ҳозиргидек ёнимда бўлган пайтларингизда. Гўё менинг қалбимдан сизнинг қалбингизга нозик ришта тортилгандек туюлади. Бироқ орамизда кутурган денгиз ва икки юз миль масофа ястанса, бу ришта узилиб кетмасмикан, деб кўрқаман. Агар шундай бўлса, юрагимдан қон силқийди, мени шу қайғуга солади. Сизга келсак, мени унутиб юборасиз.

– Мен сизни ҳеч қачон унутмайман, жаноб, буни ўзингиз ҳам биласиз... Мен гапимни тугатолмай, жим бўлиб қолдим.

– Жейн, дарахтзорда булбул сайраяпти! Эшитинг-а!

Булбул овозига қулоқ тутдим-у, бирдан ўксиб йиғлаб юбордим. Мен хис-туйғуларимни босиб туришга ожиз эдим. Кўзёшларимга эрк бермасам бўлмасди, чунки ноумидлик бутун вужудимни ларзага солганди. Бирор гап айтмасам бўлмасди, шунинг учун ҳам дедим:

– Мен туғилмай қўя қолганим, жиллақурса, Торнфильдга қадам босмаганим маъқул эди!

– Ундан кеткингиз йўқ – шунинг учунми?

Мени кучли ҳаяжон қаттиқ исқанжага олди, у менинг иродамни енгиб, кўксимни ёриб чиққиси, қафасдан озод бўлгач эса, ўзимнинг устимда ҳукм юритгиси келди. У баралла овоз билан ҳайқиришни истарди!

– Торнфильддан кетиш менга жуда оғир! Чунки Торнфильдга кўнгил қўйиб қолганман. Нега, дея сўрасангиз, бу ерда, ҳатто, баъзан-баъзан бўлса ҳам, меҳр ва қувонч топдим. Торнфильдда мен шу вақтгача қалбимни кемирган кўрқувдан озод бўлдим, бачкана кимсалар орасида бемақсад яшашга мажбур қилинмадим, ёруғлик ва ҳарорат, юксак туйғу ва фикрлар дунёсидан маҳрум этилмадим. Ўзим ҳурмат қилган, эъзозлаган кишилар билан тенгма-тенг сўзлаша олдим; меҳрибон ва иродали, ғоят ақлли бир инсон билан ҳамсуҳбат бўлдим. Мен сизни танидим, жаноб Рочестер; энди сиздан бир умр айрилиб қоламан, деган фикр мени азобга ва даҳшатга солмоқда. Мен кетишим кераклигини тушунаман, аммо бу мен учун, барибир, ўлим билан баравар.

– Нега энди кетишингиз керак экан? – деб сўради у тўсатдан.

– Нега дейсизми? Ахир, боягина ўзингиз айтдингиз-ку!

– Сизга қандай сабаб келтирдим?

– Сабаб – Ингрэм хоним-да: ўша гўзал асилзода, яъни сизнинг қаллиғингиз!

– Қаллиғингиз, дейсизми! Қанақа қаллиқ? Ҳеч қандай қаллиғим йўқ!

– Аммо қачондир қаллиғингиз бўлади-ку!

– Ҳа, қаллиғим бўлади! Бўлади! – У оғзини аранг юмиб қолди.

– Демак, кетишим керак; ўзингиз ҳам шундай дедингиз.

– Йўқ, сиз қоласиз! Онт ичаман, қоласиз! Шундай бўлади ҳам!

– Мен барибир кетмасдан қўймайман! – дея эътироз билдирдим қизишиб. – Наҳотки шу ерда қолсам-у, сиз учун ҳеч кимга айлансам? Ёки мени қалби йўқ машина, автомат деб ҳисоблайсизми; нима, мендан бир бурда нону бир қултум сувни тортиб олиш ҳеч гап эмасми? Сизнингча, мен бой ва оқсуяк бўлмасам, бўйим паст-у, ўзим хунук бўлсам, менда юрак, кўнгил йўқ деганими бу? Қаттиқ янглишасиз, жаноб! Менда ҳам худди сизникидек юрак, сизникидек кўнгил бор. Агар Худо менга озгина

гўзаллик ва кўпгина бойлик берганида, менга сиздан айрилиш қанча қийин бўлса, сизга ҳам мендан ажралиш шунча қийин бўларди. Мен шу топда сиз билан урф-одат ва расм-русумларни назар-писанд қилмай, ҳатто дунёвий бор ҳой-ҳавасларни бир четга суриб қўйиб гаплашяпман; ҳозир менинг руҳим сизнинг руҳингиз билан тиллашяпти, гўё биз ҳозир қабр эшигидан чиқиб, Яратган даргоҳига келгандекмиз: сиз ҳам тенг, мен ҳам тенг, аслида, ҳам ўзи шундай!

– Ҳа, шундай, – деб такрорлади жаноб Рочестер, сўнг мени кучди-да, бағрига торгди ва лабимдан ўпди, – ҳа, шундай, Жейн!

– Ҳа, шундай, жаноб, – дея унинг гапини илиб кетдим мен, – лекин шундай бўлмайдими: негаки, сиз уйланган одамсиз ёки яқинда уйланидиган одам, хуллас, нима фарқи бор бунинг; сиз бир аёл билан никоҳ ришталарини боғлаяпсиз, лекин у сизга муносиб эмас, имоним комил, сиз уни ростакамига севмайсиз. Ахир, унинг устидан кулганингизни шу кўзларим билан кўрганман. Мен бунақа риштани сўзсиз узган бўлардим! Шу жиҳатим билан мен сиздан афзалроқман! Мени қўйворинг!

– Қаёққа, Жейн? Ирландияга эмасми?

– Ирландияга бўлса нима? Сизга кўнглимдагини тўкиб солдим, энди хоҳлаган тарафимга кетишим мумкин.

– Жейн, тинчланинг, чўқишаман деб, пати юлинган ёввойи қушчага ўхшаб питирламанг.

– Мен қушча эмасман, мени ҳеч қандай тўр тутиб қололмайди, мен эрки ўзида бўлган одамман ва шунинг учун ҳам сизни ташлаб кетаман.

Мен куч билан унинг қучоғидан чиқдим. Энди унинг қаршисида адл турардим.

– Унда ўша эркингиз сизнинг тақдирингизни ҳал этсин, – деди у. – Мен сизга қўлим ва юрагимни, бутун мол-мулкимни таклиф этаман.

– Бу қанақа ҳазил бўлди, жаноб, сизни эшитишнинг ўзи ғалати.

– Сизга ҳаёт йўлини бирга босиб ўтишни, менинг иккинчи ярим, умр йўлдошим бўлишни таклиф этаман.

– Ўзингизга умр йўлдош танлаб бўлгансиз, бу гапни ўшанга бориб айта қолинг.

– Жейн, бир дақиқа жим туринг, жуда қизишиб кетдингиз. Майли, мен ҳам жим бўламан.

Шу пайт бирдан йўлкада шамол турди-да, каштан япроқларини шитирлатиб юборди. Шамол, узоқ-узоқлар – чексиз кенгликларга талпинди-ю, ўша ёқларда тўхтади-тинди. Энди сукунатни биргина овоз – булбулнинг чаҳ-чаҳи бузиб турарди. Уни эшита туриб, яна кўзимга ёш олдим. Жаноб Рочестер эса менга меҳр билан вазмин бокқанча, индамай ўтирарди. Бироз вақт ўтгач, у тилга кириб, бундай деди:

– Ёнимга кел, Жейн. Кел, бир-биримизга дардларимизни тўкиб солайлик, бир-биримизни тушунишга уриниб кўрайлик.

– Энди ҳеч қачон ёнингизга бормайман. Ўртамизда катта жарлик пайдо бўлди. Афсуски, энди ёнингизга қайта олмайман.

– Аммо, Жейн, мен сизни ўз қаллигим сифатида чақиряпман, мен ёлғиз сизга уйланишни хоҳлаганман.

Мен турган жойимдан жилмадим, у устимдан куляпти, деб ўйладим.

– Бу ёққа кел, Жейн, кела қол ёнимга.

– Ўртамизда қаллигингиз турибди, жаноб.

У ўрнидан туриб, ёнимга келди-да, кучоқлаб олди.

– Мана менинг каллигим, – деди у яна мени бағрига тортиб. – Менинг тақдирим, менинг севгим шу ерда. Жейн, менга турмушга чиқишга рози-мисиз?

Мен яна ҳеч нарса демадим, фақат кучоғидан сирғалиб чиқдим. Мен хали ҳам унга ишонмасдим.

– Мендан шубҳаланиясанми, Жейн?

– Ҳа!

– Наҳот ишонмаётган бўлсанг?

– Шундай!

– Демак, мен – ёлғончи эканман-да? – дея қизишиб давом этди жаноб Рочестер. – Бадгумон қиз, барибир, сени ишонтираман. Сенингча, Ингрэм хонимни севаманми? Ҳечам-да, буни ўзинг ҳам биласан. Хўш, у-чи, мени севадими? Уям севмайди. Буни аниқлашим қийин бўлмади: менинг мол-давлатим одамлар ўйлаганидан уч баробар камлиги ҳақида миш-миш тарқатдим. Сўнгра, қани, бунга қандай қараркин, деб унинг ёнига бордим. У ҳам, онаси ҳам мен билан совуқ муомала қилди. Хуллас, Ингрэм хонимга уйланишни истамайман, ҳеч қачон уйланмайман ҳам. Сен эса, бошқа одамларга ўхшамайсан, гўё ўзга сайёрадан келгансан, шунинг учун сени бу дунёда ҳаммадан кўпроқ севаман. Сени – қимматбаҳо сарпоси ҳам, олий насаби ҳам йўқ, ўзинг айтганингдек, хунук жиннивойни менга тегишга таклиф этаман.

– Қандай қилиб? Мени-я? – деб ғўлдирадидим унинг чин юракдан, очик-ойдин айтган сўзларига ишона бошлаб. – Бу дунёда сиздан бошқа бирор дўсти йўқ, ўзингиз тўлаётган маошдан бўлак бирор чақаси ҳам йўқ мени-я?

– Ҳа, сени, Жейн. Сен меники, фақат меники бўлишингни хоҳлайман. Сен-чи, сен шуни истайсанми? Ҳа, дегин, тезроқ!

– Жаноб Рочестер, юзингизга боқсам, майлими, мана шундай туринг, унга ой нури тушсин.

– Нега, Жейн?

– Чунки юзингиз алдамайди. Мана шундай ўгирилинг.

– Хўп, мана ўгирилдим. Лекин сиз қора сиёх тўкилган, ғижимлаб ташланган қоғозни кўрасиз, холос. Ўқинг, фақат тезроқ. Мени азобламанг, Жейн!

Унинг юзи ҳаяжон ўтида ловуллаб ёнар, ёноғи гоҳо-гоҳо беихтиёр учиб кўяр, кўзларида ғалати учкун чақнарди.

– О, Жейн! Мени азоблаяпсан! – дея хитоб қилди у. – Бундай синовчан қарашинг юрагимни ўртаб юборяпти.

– Нега ўртанар экан? Агарда сиз мени алдамаётган, чин дилдан сўзлаётган бўлсангиз, унда мен сизга фақат миннатдорлик ва садоқат билан жавоб қайтараман.

– Миннатдорлик эмиш! – дея хитоб қилди у ва қизишиб давом этди: – Жейн, таклифимни қабул эт. Айт: Эдвард, – мени исмим билан чақир, – сенга рафиқа бўлишга розиман, де.

– Шу сўзларингиз жиддийми? Мени ростдан севасизми? Рафиқангиз бўлишимни чиндан хоҳлайсизми?

– Ҳа, хоҳлайман! Онт ичиш керак бўлса, майли, бунисигаям тайёрман.

– Унда сизга турмушга чиқишга розиман, жаноб.

– Эдвард, де! О, менинг жажжигина қайлигим!

– Азизим Эдвард!

– Ёнимга кел, индамай, ёнимга кел, – деди у ва юзини юзимга босганча, шивирлаб давом этди: – Сен мени бахтли қил, мен ҳам сени бахтли этай. Худонинг ўзи ёрлақасин мени! – деди у бир сония жим қолгач. – Одамларнинг биз билан иши бўлмасин. Мен сени бағримга босдимми, энди ҳечам қўйиб юбормайман.

– Кимнинг ҳам иши бўларди? Менинг қариндошларим йўқ.

– Йўқ бўлгани соз-да? – деди у.

Агар уни шу қадар кучли севмасам эди, сўзида қайғу ва юзидаги тундликни пайқаган бўлардим. Аммо шу топда мен у билан ёнма-ён ўтирган ва айрилиқ азобидан висол шодлигига қайтганча, у менга сахийлик билан тортиқ этган ҳузур-ҳаловатни ўйлардим. Жаноб Рочестер эса қайта ва қайта такрорларди:

– Айт, бахтлимисан, Жейн?

Мен ҳам қайта ва қайта жавоб берардим:

– Ҳа, ҳа, ҳа!

– Бу – мени барча гуноҳлардан фориғ этади, барча гуноҳлардан фориғ этади, – деб шивирлади у ўзига-ўзи. – Ахир, ёлғиз, бошпанасиз, химоясиз шу қизни излаб топган мен эмасми?! Ахир, мен эмасми уни асраб, ардоқлаб, авайлашни дилига туккан?! Наҳот юрагимда ишқ олови гури-лаётганига, унга уйланишга бўлган аҳдим қатъийлигига шубҳа бўлса?! Буларнинг бари мени Худо олдида гуноҳлардан поклайди. Имоним комил, Яратган Эгам бу никоҳни алқайди. Одамлар нима деса, деяверсин! Уларнинг фикрини сариқ чақага олмайман!

Ажабо, осмонга нима бўлди? Ой ботишига ҳали эрта, бироқ ҳалитдан зулмат чўкяпти. Жаноб Рочестернинг юзи яқин бўлса-да, ундаги ифодаларни зўрға илғардим. Дарвоқе, каштанга нима бўлди? У шовқин солиб, гувиллай бошлади; узун йўлкада шамол уввос тортди.

– Тезроқ кетмасак бўлмайди, – деди жаноб Рочестер. – Ҳавонинг авзойи бузук. Қанийди, шу ерда сен билан тонггача қолсам, Жейн.

“Мен ҳам, – дея хаёлимдан ўтказдим, – мен ҳам”. Буни овоз чиқариб ҳам айтган бўлардим-у, аммо шу дамда булутни чакмоқ кесиб ўтди, яқингинада момақалди роқ гумбурлади – мен кўрқиб жаноб Рочестернинг пинжига сукилдим.

Ёмғир савалай бошлади. Биз хиёбон орқали уйга чопдик. Аммо остонага етиб бормасдан иккимиз ҳам шалаббо бўлдик. Даҳлизда у рўмолимни тезда ечиб олди-да, сочимдан сувни сиқа бошлади. Шу пайт Фэйрфакс хоним ўз хонасидан чиқиб қолди, бироқ на мен, на жаноб Рочестер уни пайқадик. Чироқ ёниб турар, соат ярим кеча бўлганидан дарак берарди.

– Тезда хонангга кириб, ҳўл кийимингни алмаштир, – деди у. – Хайрли тун, хайрли тун, менинг кабутарим!

У мени қайта-қайта ўпди. Ниҳоят, унинг кучоғидан чиқиб, бошимни кўтардим-у, юзи оқарган, қаттиқ ранжиб, жаҳли чиққан Фэйрфакс хонимга кўзим тушди. Мен унга кулиб қўйдим-да, юқорига чопқиллаб кетдим. “Изоҳни эртага қолдирса ҳам бўлади”, деган фикр ўтди хаёлимдан. Бироқ хонамга киргач, у нотўғри гумонга борса-чи, деган ўйдан юрагим сиқилди. Аммо қувонч тез орадаёқ бу хиссиётни босиб юборди. Шундоқ томнинг устида шамол увлаши, момақалди роқ гулдураши, чакмоқ чақиши ва ёмғир қуйишига қарамай, мен на кўрқув ва на ҳадик

туйдим. Бўрон тинмаган ўша икки соат ичида жаноб Рочестер уч марта эшигим ёнига келиб, аҳволингиз яхшими, деб сўраб кетди. Бу эса менга ҳар қандай вазиятда ҳам хотиржамлик ва ишонч бахш этарди.

Эртаси куни тонгда ҳали ўрнимдан турмай, ёнимга Адель чошиб келди-да, хиебондаги баланд каштанни яшин уриб, иккига бўлиб ташлабди, деган хабар етказди.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

Ўрнимдан туриб кийингунча, кечаги воқеани хаёлга келтирдим-да, ўзимга, туш эмасмиди бу, дея савол бердим. Мен жаноб Рочестер билан яна юзма-юз келиб, ундан, сени севаман ва сенга уйланаман, деган гапни яна эшитмагунча бунга ишонмасдим.

Сочимни тараётиб, ойнага бокқандим, бу тонг юзим рангпар эмаслигини кўрдим – у умиддан порлар, ёноғим кип-қизил, кўзларим эса қувончдан чакнард эди. Илгари юзимга боқиш уни қувонтирмайди, деб ўйлаганимдан хўжайинимга бошимни кўтариб қарашга чўчирдим. Ҳозир эса, ишончим комилки, у юзимга боқса, севгиси янада алангаланарди. Мен эгнимга ёрқин рангли одми ёзги кўйлагимни илдим. Чамамда, ҳеч бир кўйлак менга бу қадар ярашмаганди, зотан, мен уларнинг ҳеч бирини бугунгидек масъуд кайфиятда киймагандим.

Пастки қават даҳлизига чошиб тушганимда, кечаги бўрон ўрнини ёруғ тонг эгаллаган, мен тушмасдан аввал очиб қўйилган ойнаванд эшикдан мусаффо ва хушбўй шаббода кириб турарди. Ҳамонки, мен бахтли эканман, табиат ҳам қувнаши керак-да! Кўчадан қашшоқ бир аёл юзи оппоқ оқарган, кўйлак-иштони йиртиқ-ямоқ болакайни етаклаб уй томон келмоқда эди. Мен уларнинг олдига югуриб чиқдим-да, ҳамёнимда қанча пул бўлса – унда, чамаси, тўрт шиллингча бор эди, – ҳаммасини қўлларига тутқаздим. Бугун ҳар қандай одам, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, менинг шодлигимдан баҳра олишини хоҳлардим. Гўнқарғалар кичкирар, қушчалар сайрар, лекин юрагимда таралаётган оҳанг баридан ҳам янгроқ эди.

Фэйрфакс хоним деразадан мўралади-да, хафа бўлгандек қиёфада деди:

– Эйр хоним, нонуштага келасизми?

Нонуштада у ўзини хотиржам, аммо сувуққина тутди. Лекин мен унга ҳеч нима дея олмадим. Хўжайиннинг ўзи бор гапни айтиб бергани маъкул туюлди: унгача хоним сабр қила қолсин! Томоғимдан фақат бир-икки бурда нон ўтди, холос; сўнг яна юқорига шошилдим. Синф хонасига етганимда, ичкаридан Адель югуриб чиқди.

– Қаёққа кетяпсан? Машғулот ўтмаймизми?

– Жаноб Рочестер менга, болалар хонасига бор, дедилар.

– Ўзи қаерда?

– Синф хонасида. – У менга эшикни кўрсатди. Хонага кирсам, шу ерда экан.

– Ёнимга кел-да, мен билан кўриш, – деди у.

Мен қувониб, ёнига бордим. Энди у мени шунчаки лоқайд сўзлар ёки қўлни қисиб қўйиш билан қарши олмади – бағрига босиб, ўпиб қўйди. Унинг учун шундай сеvimли ва ардоқли бўлиш ўзимга ҳам мутлақо табиийдек туюлди.

– Жейн, бугун жуда очилиб кетибсан. Кўзларинг ҳам жилмайиб турибди. Ҳеч қачон ҳозиргидек жозибадор бўлмагансан, – деди у. – Ростдан ҳам жуда жозибадор бўлиб кетибсан. Мен жажжигина, рангпар фариштамни танитай қоляпман. Бу чиндан ҳам ўзимнинг жимитойимми? Юзи порлаб, ловуллаб турган, лаблари қирмизи, жигарранг сочли, кулранг кўзли мана шу қиз-а? (Менинг кўзларим кўк, азиз ўқувчи, уни хатоси учун кечиринг. Бу тонг менинг кўзларим ўзгача товланмоқда эди.)

– Бу, ҳар қалай, ўша Жейн Эйр, жаноб.

– Бироқ яқинда Жейн Рочестер бўлади, – деб қўшимча қилди у. – Тўрт ҳафтадан сўнг, Жейнет, бир кун олдин ҳам кейин ҳам эмас! Эшитяпсанми мени?

Мен эшитган эдим-у, лекин маъносини чақолмасдим. Бирдан бошим айланиб кетди. Вужудимни ғалати ҳиссиёт камради: ажабо, бу сўзлар мени гангитиб, қарахт қилиб қўйди-ю, лекин негадир қаттиқ шодлантирмади; мени қамраб олган ҳиссиёт кўркувга ўхшарди.

– Қизил ёнокларинг оқариб кетди. Жейн, нима бўлди сенга?

– Мени янги ном билан Жейн Рочестер деб атадингиз. У менга жуда ғалати эшитилди.

– Ҳа, Рочестер хоним, – деди у. – Ёш Рочестер хоним, Фэйрфакс Рочестернинг қайлиғи.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, жаноб. Бу сўзлар менга шубҳали эшитилипти. Бу дунёда ҳеч кимнинг бахти тўкис бўлмаган, демак, менинг пешонамга ҳам тўкис бахт ёзилган эмас. Мен бошимга кўнган бу бахтни хаёлимга келтирсам, у сеҳрли эртақдек, ажойиб тушдек туюляпти.

– Мен уни ҳақиқатга айлантиришни истайман, шундай қилиш кўлимдан келади ҳам. Бу масала билан шу бугунданок шуғулланишга киришаман. Мен эрталаб Лондондаги банкир дўстимга хат ёзиб, кўлингизда сақланаётган айрим қимматбаҳо буюмларимни юборсангиз, деб илтимос қилдим. Бу қанақа буюмлар экан, деб хайрон бўлма, улар Торнфильд эгаларининг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган мероси. Бир-икки кундан кейин уларни кўлингга тутқазаман. Мен агарда пэрнинг қизига уйлансам-у, унга қанча иззат-икром, меҳр-муҳаббат кўрсатсам, сенга ҳам шунча иззат-икром, меҳр-муҳаббат кўрсатишни хоҳлайман.

– О, жаноб, зеб-зийнатлар керак эмас! Улар ҳақида эшитишни ҳам истамайман. Жейн Эйр ва тилла тақинчоқлар – бу иккиси бир-бирига ҳечам ёпишмайди. Яхшиси, уларни совға қилмай қўя қолинг!

– Йўқ, бўйнингга олмос маржон, бошингга олтин чамбарни ўзим тақиб қўяман: улар сенга жуда ярашади, юзинг худди оқсуяларникидек, Жейн. Шу нозик кўлларингга билагузук, нафис бармоқларингга тилла узукни ҳам ўзим тақиб қўяман.

– Йўқ, йўқ, жаноб! Келинг, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик! Менга оқсуяк аёлга илтифот қилгандек муносабатда бўлманг. Мен сизнинг кўлингизда оддий оқсоч, оддий мураббияман, холос.

– Сен мен учун хурилиқосан, кўнглимнинг суюкли малагисан. Ҳам нозик, ҳам назокатлисан.

– Оддий ва фақир, десангиз-чи. Сиз ё туш кўряпсиз, ё мазах қияпсиз, жаноб. Худо ҳақи, киноянинг мавриди эмас.

– Сени бутун дунёга гўзал деб тан олдираман, – дея давом этди у. Мен эса шу тобда у ё ўзи, ё мени алдаяпти, деган фикрдан ҳижолат тортаётган

эдим. – Мен ўз Жейнимни шоҳи-ипакка буркайман, сочларини атиргул билан безайман. Ўзим суйган шу бошга эса бебаҳо тўрпарда ташлайман.

– Унда мени таниёлмай қоласиз, жаноб. Мен унда сизнинг Жейн Эйрингиз эмас, масхарабоз либосидаги маймун ёки товус патли қарға бўлиб қоламан. Сизни бирор театр томошаси иштирокчиси либосида кўришдек, ўзимни ҳам сарой хонимлари кўйлагига кўриш ғалати туюлади. Мен сизни жудаям, жудаям қаттиқ севсам-да, аммо тилёғламалик қилиб, сизни чиройли, деб овоза қилмайман. Илтимос, сиз ҳам менга тилёғмалик қилманг.

Аммо у эътирозимга парво қилмай, ўша аввалги оҳангда давом этди:

– Мен сени бугуноқ Милкотга олиб бораман. Сен кўйлак учун ўзинга мато танлашинг керак. Шуни кулоғингга қуйиб ол, бир ойдан сўнг никоҳдан ўтамиз. Никоҳимизни камтаргина қилиб, анави черковда ўқитамиз, сўнг ўша жойнинг ўзиданоқ сени шаҳарга олиб кетаман, бир неча кундан сўнг эса сен – азизам билан серкуёшроқ мамлакатларга жўнаймиз; сен Франция узумзорлари-ю, Италия далаларини кўрасан; сенга ҳам қадимги давр, ҳам ҳозирги замоннинг энг зўр ажойиботларини кўрсатаман; катта шаҳарлар ҳаёти билан танишасан, ўзингни бошқалар билан солиштириб, кадр-қимматингни билишни ўрганасан.

– Мен саёҳатга чиқаманми? Сиз билан-а, жаноб?

– Ҳа, Париж, Рим, Неаполь, Флоренция, Венеция ва Венани – мен кезиб чиққан барча йўлларни кўрасан, биз уларни энди биргаликда босиб ўтамиз. Менинг қадамим етган жойларга энди сенинг қадаминг ҳам етади. Мен Европада телбалардек чопиб юрган, ўзимга алам, ғазаб ва нафратни ҳамроҳ тутган вақтларга ҳам ўн йилча бўлибди. Энди мен ўша жойларга шифо топган ва покланган ҳолда нажот фариштам билан бирга бораман.

Унинг сўзларини эшитиб, кулиб юбордим.

– Мен фаришта эмасман, – дея хитоб қилдим мен, – тирик эканман, бўлмайман ҳам! Ҳозиргача қандай бўлсам, шундай қоламан. Жаноб Рочестер, илтимос, мендан фаришталикни талаб этманг, буни кутманг ҳам. Бу сизга ярашмаганидек, менга ҳам ярашмайди. Ахир, мен сиздан фаришта бўлишингизни кутаётганим йўқ-ку.

– Хўш, нимани кутяпсан мендан?

– Бир муддат ҳозиргидек бўлиб турасиз, лекин кўп эмас; кейин ҳовурингиздан тушасиз-да, инжиқликни бошлайсиз, сўнг зарда қилишга ўтасиз, мен эса кўнглингизни тополмай қийналаман. Лекин менга обдон кўниксангиз, балки яна боғланиб қоларсиз. Мен севиб қоласиз эмас, боғланиб қоласиз, деяпман. Менимча, бу севгингиз ярим йилга етади, лекин ҳатто шундай бўлса ҳам, бу – анча яхши, дегани. Мен эркак ёзувчилар ёзган китоблардан ўқишимча, сизлардаги кучли эҳтирос фақат шунчага етар экан, холос. Бироқ, умидим борки, мен дўст ва ҳамроҳ сифатида сизни ҳеч қачон зериктириб қўймайман.

– Сени севмай қолар эканманми? Сенга яна боғланар эканманми? Албатта, сенга янада кўпроқ боғланиб бораман. Мен нафақат кун сайин боғланиб боришим, балки ҳақиқий, чанқоқ муҳаббат билан сева боришимни сенга исбот қиламан.

– Ахир, жуда инжиқ одамсиз-ку, жаноб!

– Тўғри, фақат чиройи билан ўзига тортган аёллар билан суҳбатлаша туриб, агар уларда юрак, қалб йўқлигини пайқаб қолсам, бирдан иблисга

айланаман-қоламан. Ахир, улардаги сийкалик, бефахмлик, кўполлик ва бежаёлик кўзимга лоп этиб ташланиб қолади-да. Аммо кўзида ҳаё, сўзида самимият, қалбида аланга ва феълида қатъият бор, зийрак ва субутли аёлни мен сўзсиз ардоқлайман, унга доим садоқатли бўламан.

– Шунақа аёлни ҳеч учратганмисиз, жаноб? Шунақа аёлни ҳеч севганмисиз?

– Мана, севиб турибман-ку уни.

– Сизнинг юксак дидингизга жавоб берсам, бу – катта бахт, лекин менгача-чи?

– Сенга ўхшашини ҳеч қачон учратмаганман, Жейн. Сен мени жиловлай оласан, измингга сола биласан. Сен ўзингни менга ён босгандек тутасан-у, дарров юмшоқлик билан жодулайсан-қўясан. Майин сочинг толасини бармоғимга ўраганимда, қўлларим ва юрагимда титроқ туяман. Сен мени сеҳрлаб оласан-да, мағлуб этасан. Аммо бу афсун лаззати ҳар қанча таъриф-тавсифга ҳам сиғмайди, сендан топган шу мағлубиятим эса эришган барча зафарларимдан устун туради. Нега кулаяпсан, Жейн? Юзингдаги бу ғалати, айёр ифода нимани англатади?

– Шу тобда бирдан Ҳеркулес ва Самсон эсимга тушиб қолди...

– Эсимга тушди, дейсанми, муғомбир фариштам...

– Аччиғингиз чиқмасин, жаноб, жаҳлингизни босинг. Менимча, улар сиздан кўра ақллироқ йўл тутарди. Зеро, никоҳгача бой берган инон-ихтиёрини никоҳдан сўнг каттиққўллик билан қайтариб оларди. Мен бир йилдан кейин сиздан бир нарсани илтимос қилсам-у, бу илтимос сиз учун ноқулайлик туғдирса, ёки уни қондиришни истамасангиз, менга қандай жавоб берар эдингиз, ана шуни билгим келяпти.

– Мендан ўша нарсани ҳозир сўра, Жейнет. Қандай нарса бўлса ҳам майли, фақат сўрасанг кифоя...

– Сўрайман ҳам, жаноб. Илтимосим тап-тайёр.

– Айта қол! Агар менга шунақа термилсанг-у, шунақа жилмайсанг, Худо ҳақи, олдинданок рози бўламан-да, мени хоҳлаганингча аҳмоқ қиласан.

– Асло, жаноб. Сиздан бир нарсани сўрайман, холос: Милкотдан такинчоқларни олиб келтирманг, сочимга атиргуллар ҳам тақманг. Чунки бу кўлингизда ушлаб турган мана шу дастрўмолингизга зар ип билан кашта тиккандек бир иш бўлади.

– Зарга зар на ҳожат, демоқчисан? Бунга ақлим етади. Хўп, майли. Илтимосинг бажо келтирилади: банкирга бошқа буйруқ юбораман. Лекин ҳали ҳеч нарса сўраганинг йўқ, фақат совғамни рад этдинг, холос. Ана энди сўра.

– Унда, жаноб, менга қизиқ бўлган бир масалани аниқлаштириб берсангиз, илтимос.

У эсанкираб қолди.

– Нима экан у? – деди у шошилиб. – Қизиқиш – хавfli одат. Майли, айта қол, сўзсиз адо этаман, деб қасам ичганман, ахир...

– Бу ерда ҳеч қандай хавф йўқ, жаноб.

– Тезроқ айтақол, Жейн. Мендан, фалон сириггни ошкор қил, деб сўрагандан, ярим мулкингни бер, деб сўраганинг афзалроқ эди.

– Қулоқ солинг, шоҳ Артаксеркс, ярим давлатингизни бошимга урамми? Мени мўмай фойда кетидан қувган судхўр жўхид деб ўйлаётган

бўлманг тагин! Менга ярим бойлигингизга эмас, тўлиқ ишончингизга эга бўлишни афзал кўраман. Ҳамонки, мени севар экансиз, демак, менга ишонишингиз ҳам керак, шундай эмасми?

– Ҳа, Жейн, нимани сўраманг, ростини айтаман. Бироқ, Худо ҳақи, ўзингизга кийин қилманг, захарга қўл узатманг.

– Нега энди, жаноб? Ҳозиргина ўзингиз, сенга жон деб бўйсунаман, бу ўзимга ҳам ёқади, деб айтмадингизми? Сизнинг бу эътирофингиздан нега энди фойдаланмаслигим керак экан? Қани, устингиздан ҳукмронманми ёки йўқми, буни синаш учун хархаша қилишим, талаб этишим, ҳатто йиғлашим ва аразлашим ҳам мумкин.

– Ўҳ-ҳў! Шундай қилиб кўринг-чи! Хархаша қилинг, талаб этинг – ўйин тамом-вассалом.

– Ўйин дарров тугадими? Сабрингиз тугаб қолдими? Нега ковок-тумшук қияпсиз? Шу тобда қошларингиз бирам чимирилди, пешонангиз эса шунақаям тиришдики! Тўйдан кейин, менимча, шунақа бўлиб қолсангиз керак?

– Агар ўзингизни доим ҳозиргидек тутсангиз, мен бир насроний сифатида, сиздек пари билан муомалани тўхтатаман. Хўш, нимани сўрамоқчи эдингиз, терс қизалоқ? Тезроқ айта қолинг.

– Мана, энди кўпол муомалага ўтдингиз. Аммо каминага хушомаддан чўрткесарлик маъкулроқ кўринади. Мен оппоқ фаришта бўлишдан терс қизалоқ бўлишни афзал кўраман. Фақат бир нарсани сўрамоқчи эдим: нега Ингрэм хоним билан турмуш кураётганингизга мени бунчалар ишонтироқчи бўлдингиз?

– Шу, холосми? Эҳ-ҳе, хаёлим қаерларга кетмади! – Унинг пешонасидаги ажинлар ёйилди. Менга жилмайиб боқди-да, сочларимни силай кетди – у бир хавфдан қутулгандек, жуда мамнун эди. – Начора, гарчи бундан жаҳлинг чиқса ҳам, майли, таваккал қилиб, тан оламан. Жейн, ахир, кўрдим-ку, ғазабинг қайнаганда қанчалар қизишиб кетишингни. Кеча окшом ой нурида қисматга қарши исён кўтарганингизда, ўзингизнинг мен билан тенглигингни тушунтирганингизда нақ оловдек ловуллаб ёндинг. Дарвоқе, Жейнет, бу жазаванг билан сен менга севги изҳор қилдинг!

– Майли, шундай ҳам бўлсин. Энди эса жавобга ўтинг, жаноб, Ингрэм хоним бобида нима дейсиз?

– Мен Ингрэм хонимга шунинг учун хушомад қилдимки, бу билан мен сени қанчалик кучли севсам, сен ҳам мени шунчалик кучли севишингга эришмоқчи бўлдим. Бунда менинг жонимга рашк аро киришини фаҳмлаб қолдим.

– Жуда соз! Мана энди сизнинг майдакаш худбин эканингизни ҳам кўрдим! Одам ўзини шундай номуносиб тутиши – уят-ку! Ингрэм хонимнинг ҳис-туйғулари ҳақида ўйламадингизми, жаноб?

– Унинг ҳар бир ҳис-туйғуси тагида такаббурлик ётади. Такаббурликни эса албатта жиловлаш керак. Нима, мени ундан рашк қилдингми, Жейн?

– Гап бундамас, жаноб Рочестер. Бунинг сизга сира алоқаси йўқ. Энди яна рўй-рост жавоб беринг: Ингрэм хоним ўша енгилтаклигингиздан азият чекмайдими? Ўзини алданган ва таҳқирланган, деб ҳис этмайдими?

– Асло! Ахир, сенга айтдим-ку, у, аксинча, менга беписанд қаради деб. Менинг хонавайрон бўлаётганим ҳақидаги фикр уни бирпасда советдикўйди. Аниқроғи, калбидаги алангани ўчирди-қўйди.

– Сиз жудаям маккор одамсиз, жаноб Рочестер. Тутумларингиз ҳам бироз ғалатими, деб кўрқаман.

– Менинг тутумларим ҳеч кимни қизиқтирмаган, Жейн. Балки эътиборсиз қолганидан бироз ёввойилашиб кетгандир.

– Йўқ, жиддий айтяпман, ўзим яқингача бошдан кечирган алам ва азобни энди бошқа бир одам бошдан кечириб турса, Худо менга раво кўрган бу қувончдан қандай қилиб бемалол лаззатлана оламан?

– Лаззатлана оласан, меҳрибон фариштам. Бу дунёда ҳеч ким мени сенчалик соф қалб билан севмаган, Жейн. Мен сенинг шу севгингни юрагим ярасига малҳамдек босдим.

У елкамга ташлаб турган кўлини ўпиб қўйдим. Мен уни жуда кучли севар, бу ҳис-туйғум сўзга, таърифга сиғмас эди.

– Яна бирор нарса сўра, – деди у. – Сен мендан сўрасанг-у, мен уни адо этсам, бу – менга жуда ёқади.

Менда яна бир илтимос тап-тайёр турганди.

– Бизнинг аҳд-паймонимиздан Фэйрфакс хонимни хабардор қилсангиз, жаноб. У кеча тунда мени сиз билан даҳлизда кўриб, дили каттиқ ранжиди. Биз у билан яна кўришмай туриб, ўзингиз бор гапни айтиб беринг. Фэйрфакс хоним мен ҳақимда ёмон хаёлга боришини хоҳламайман.

– Тез хонангга киргин-да, шляпангни кийиб чиқ. Бугун мен билан Милкотга борасан. Сен кийиниб чиққунча, мен кампирга тушунтириб қўяман. Менимча, у сени муҳаббатдан эс-ҳушини йўқотган, деб ўйлаяпти.

– Чамаси, у мен ҳақимда: бу киз қайси табақадан эканини унутиб қўйган, деб ўйлаяпти, жаноб.

– Табақа, табақа! Сенинг табақанг – менинг қалбимда; кимки сени ҳозир ҳам, кейин ҳам таҳқирламоқчи бўлса, бу қилмиши учун каттиқ жазоланади. Энди борақол.

Мен шляпамни кийиб чиқдим. Жаноб Рочестер ҳозиргина Фэйрфакс хонимнинг хонасидан чиққанини эшитиб, ўша ёққа бурилдим. Онахон ҳар куни тонгда Инжил ўқир, ҳозир ҳам олдида Инжил очик турар, китоб устида кўзойнаги ялтирарди. Чамаси, жаноб Рочестердан эшитган хабари таъсирида у мутолаани ҳам унутиб қўйганди. Бу ногоҳоний хабар уни хаяжонга солиб, ҳайрон қолдирган, у қилт этмай, деворга қараб ўтирарди. Мени кўриб, ўрнидан турди, базўр жилмайиб, табриклаган бўлди. Аммо табассуми ҳам, табриги ҳам самимий чиқмади. У кўзойнагини тақиб, Инжилни ёпди-да, креслосини столдан нарироқ сурди.

– Мен ҳайрон қолдим, Эйр хоним, – дея гап бошлади у, – сизга нима дейишни ҳам билмайман. Буни тушимда кўрмадиммикин ишқилиб? Гоҳида ёлғиз қолсам, бирдан уйку босади-ю, қаёқдаги нарсалар тушимга киради. Мана шундай мудраб кетганимда, кўп марта ўн беш йил олдин ўлган эрим тушимга кирган: у ёнимга келиб ўтиради-да, одатдагидек, мени Алиса, деб чақиради. Энди эса айтинг-чи, жаноб Рочестер кўлингизни сўрагани ростми? Илтимос, мен қари кампирни алдамай, тўғриси айтинг: у беш дақиқа аввал олдимга кирди-да, бир ойда сўнг сиз билан никоҳдан ўтишини айтди.

– У менга ҳам шундай деди, – деб жавоб бердим мен.

– Шундай дедими? Сиз эса ишондингиз. Розилик ҳам бердингиз, шундайми?

– Ҳа.

Унинг кўзларида саросима акс этди.

– Бундай бўлиши хаёлимга ҳам келмаганди. У жуда мағрур одам. Ҳамма Рочестерлар ҳам мағрур эди. Отаси эса пулни жуда яхши кўрарди. Жаноб Рочестернинг ўзиниям ҳисоб-китобли одам, дейишади. Шундай бўлса ҳам, барибир, сизга уйланишга қарор қилибди-да?

– Менга ўзи шундай деди.

Фэйрфакс хоним юзимга синчков боқди. Гўё бу қизда қандай сеҳр-жоду борки, жаноб Рочестерни домига илинтирса, деб кузатар, бироқ бу саволига жавоб тополмасди.

– Ғалати, жудаям ғалати, – дея сўзида давом этди у. – Бироқ ўзингиз тасдиқлаяпсизми, демак, бу – ҳақиқат. Бунинг оқибати қандай бўлишини билмайман: бирор нима дейиш қийин. Оила қурганда табақа ва мол-мулкда тенглик бўлгани маъқул эди, бундан ташқари, орангизда йигирма йил фарқ бор. У – отангиз тенги одам.

– Ундай эмас, Фэйрфакс хоним! – деб хитоб қилдим мен дилим оғриб. – У менга ота қатори эмас! Бизни бирга кўрган одамнинг хаёлига бунақа гап келмайди! Жаноб Рочестерга бор-йўғи йигирма беш ёш бериш мумкин; ўзи ҳам ҳали қариб қолган эмас.

– У сизга ростдан ҳам севиб уйланыптими? – деб сўради Фэйрфакс хоним.

Мен унинг совуққонлиги ва шубҳакорлигидан жуда хафа бўлиб кетдим-у, кўзларимга ўз-ўзидан ёш қуйилиб келди.

– Сизни хафа қилмоқчи эмас эдим, – дея сўзида давом этди хоним, – сиз – ёшсиз, эркакларни яхши билмайсиз. Шунинг учун сизни авайлаш – менинг бурчим. Ялтираган ҳар нарса олтин бўлавермайди, деган мақол бор. Бу никоҳ ҳам мену сиз истагандек бўлиб чиқмаса-чи, деб кўрқаман.

– Нега энди? Мен – таскараманми? – деб сўрадим мен. – Жаноб Рочестер мени севиб қолиши мумкин эмасми?

– Йўқ, сиз – ёқимтой қизсиз, кейинги вақтда янаям очилиб кетдингиз. Жаноб Рочестерга ёқиб қолганингиз кўриниб турибди. У сизни ардоқлашини илгари ҳам сезардим. Сизга бошқалардан яхшироқ муомала қилиши мени хавотирга соларди. Сизни ўз қизимдек кўрганимдан шу ҳақда сўз очмоқчи бўлдим. Лекин ҳатто имо-ишора билан ҳам дилимдагини сизга етказа олмадим. Бу тахминим сизни ҳайрон қолдириши, хафа қилиши мумкин, деб кўрқардим. Сиз эса ўзингизни шу қадар камтар, ақлли ва баодоб тутдингизки, охири, бу қиз ўзи учун ўзи жавоб бера олади, дея умид қила бошладим. Кечаги оқшом бутун уйни кидириб, сизни тополмаганимда, қандай аҳволга тушганимни қани билсангиз. Бунинг устига, хўжайин ҳам уйда йўқ эди; ярим тунда эса икковингиз бирга кириб келдингиз.

– Энди бу муҳим эмас, – дея унинг гапини бўлдим тоқатсизланиб. – Хавотирга арзийдиган ҳеч гап йўқ.

– Қайнийди охиригача бари шундай яхши бўлса, – деди у. – Аммо, ишонинг, ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш керак. Жаноб Рочестерни ўзингизга жудаям яқин йўлатманг, ўзингизга ҳам, унга ҳам ишонманг: унинг мавқеидаги одамлар, одатда, мураббияларга уйланмайди.

Жудаям жаҳлим чиқа бошлаганди, хайриятки, Адель чопқиллаб кириб қолди.

– Милкотга мениям олиб кетинг, мениям олиб кетинг! – дея қичқирарди у ҳовлиқиб. – Янги фойтунда жой кўп бўлсаям, жаноб Рочестер олиб кетишга кўнмаяпти. Унга айтинг, мадемуазель, сиз билан борай!

– Яхши, Адель! – дедим мен хонимнинг ваъзларидан кутулганимдан суюниб, сўнг эса у билан бирга жаноб Рочестернинг ёнига югуриб кетдим. Фойтунни эндигина эшик олдига олиб келишмоқда эди. Хўжайин уни кутганча, у ёқдан – бу ёққа юрар, Пилот ҳам изма-из бориб келарди.

– Адель ҳам Милкотга борса бўладими, жаноб?

– Мен, йўқ, дедим унга. Нима қилади бола у ерда? Фақат сиз борасиз, холос.

– Униям олиб кетайлик, жаноб. Илтимос қиламан сиздан. Шундай қилсак маъкул бўлади.

– Ҳечам маъкул бўлмайди. Ҳалақит беради, холос.

Унинг кўз қараши-ю, гап оҳангидан, менинг айтганим бўлади, деган маъно чиқар эди. Фэйрфакс хоним билан суҳбатимиздан дилимга оғир шубҳа ва нохуш кайфият чўккан, қувончимга эса раҳна етганди. Бирдан кўзимга бутун орзу-умидим ҳавойи ва асоссиз кўриниб кетди. Жаноб Рочестернинг севгиси менга ато этган унинг устидан ҳукмронлик ҳисси бирдан йўқолди. Мен энди ҳеч бир эътирозсиз унга бўйсунушга шай эдим. Бироқ у фойтунга ўтиргач, юзимга боқди-да:

– Сизга нима бўлди? – деб сўради. – Нега бунча тумшайиб олдингиз? Қизалоқ ҳам боришини шунчалик хоҳлаяписизми? Агар у қолса, бундан хафа бўласизми?

– Уни ҳам олиб кетсангиз, дегандим, жаноб.

– Майли, ўқдек учиб боргин-да, шляпангни кийиб кел! – деб қичқирди у Аделга.

Адель қувонганидан елдек учиб кетди.

– Тез орада бутун хаёлингиз, суҳбатингиз, меҳрингиз фақат меники бўлади. Шундай ажойиб айём олдидан битта тонгни бой берсам, шунга ҳам қайғуга ботиб ўтирайми, – деди у жилмайиб.

Адель фойтунга чиқиб олгач, мени шошиб ўпа кетди, бу билан у ўз ташаккурини изҳор қилмоқда эди. Аммо жаноб Рочестер уни дарров бир чеккага, ўз ёнига ўтказиб қўйди: Адель эса бунга жавобан менга шикоят-муз қараб қўйди, холос. У қаттиққўл жаноб Рочестердан ҳайиқмоқда эди. Хўжайиннинг кайфияти бузук пайтларда Адель унга ўз кўрганларини сўзлаб бериш ёки бирор савол билан мурожаат қилишга ботинолмасди.

– Адель ёнимда ўтира қолсин, жаноб, – дея таклиф қилдим мен, – балки у сизга ҳалақит қилаётгандир? Бу ерда эса жой иккимизга ҳам етади.

Жаноб Рочестер, гўё хонаки кучукни узатгандек, менга Аделни узатди.

– Уни албатта мактабга жўнатаман, – деб қўйди у бу гал кулиб.

Адель, бу гапни эшитиб, мактабга мадемуазелсиз – ўзим бораманми, деб сўради.

– Ҳа, – жавоб берди жаноб Рочестер, – мадемуазелсиз – ўзинг борасан. Мен мадемуазелни ойга олиб кетаман, ойдаги оппоқ водийлар ва вулкон кратерлари орасидан бир ғор топаман. У ерда мадемуазель мен билан, фақат мен билан бирга бўлади.

– Ойда нима ёйди? Очликдан ўлади-ку, – деди Адель.

– Ойга осмондан таом ёғилади. Эрталаб ва кечқурун уларни йиғаман. Ойда бунақа таом тўлиб ётипти, Адель.

– Агар совқотиб қолса, уни қандай иситасиз?

– Тоғлар ўт пуркаб ётипти: агар Жейн совқотса, тоққа олиб чиқаман-да, кратернинг четига ўтказиб қўяман.

– Эйр хонимга шунақаям ачиниб кетяпманки! Кўйлаги эскирса-чи, янгисини ким беради? Ойда янгисини топиб бўлмади-ку!

Жаноб Рочестер ўзини ҳижолат бўлганга солди.

– Ҳм... – деди у, – ўзинг нима қилган бўлардинг, Адель? Қани, бир фикрлаб кўр-чи! Оқ ё пушти булутлар кўйлақликка яраб қолар? Камалақдан эса тузуккина шарф чиқармиди?..

– Мадемуазель шу туришида яхшироқ, – деди Адель бироз ўйлаб олгач. – Қолаверса, Ойда ёлғиз сиз билан яшаш жонига тегади. Мен хонимнинг ўрнида бўлганимда, Ойга кетишга ҳечам кўнмасдим.

– У эса рози бўлди, менга сўз берди.

– Аммо сизлар Ойга чиқолмайсиз-ку! Ойга йўл йўқ, фақат учиб борса бўлади. Лекин сизда ҳам, хонимда ҳам қанот йўқ.

– Далаларга бок, Адель! – деди жаноб Рочестер Торнфильд дарвозасидан чиқиб, текис йўлдан Милкот сари елиб бораётганимизда; кечаги ёмғир чанг-губорни босган, ўнгу сўлда паст бута ва тик қарағайлар қуёш нурида кўм-кўк товланиб турарди. – Бундан икки ҳафта бурун, сен мен билан боғда пичан тўплаган кун, оқшом пайти шу даладан ўтиб бораётгандим. Меҳнат қилиб ҳориганимдан нафас ростлагани тош супага ўтирдим-да, ёндафтар ва қалам олиб, ёза бошладим. Мен кўп йиллар аввал бошимга бир кулфат тушгани-ю, эндиликда бахтли кунларим келишини жуда соғинаётганим ҳақида ёзардим. Кун ботиб бўлган, варақ аранг кўринар, мен эса шоша-пиша битардим. Шу пайт йўлда кимдир пайдо бўлди-да, мендан икки қадам нарида тўхтади. Мен бош кўтариб қарадим: унинг бўйи пастроқ, юзига тўрпарда тутганди. Уни ёнимга чақиргандим, аста олдимга келди. Иккимиз ҳам оғиз очиб, бир сўз демадик, чунки иккимизнинг ҳам кўзларимиз сўзлаб турарди. Бизнинг унсиз суҳбатимиздан эса мана шулар аён бўлди.

Ўша хилқат – парилар диёридан тушган малак бўлиб, менга бахт келтирган экан. Мен бу пари билан бирга Ердаги ҳаётдан воз кечиб, Ойга ўхшаш кимсасиз гўшага бош олиб кетишим керак экан. Пари менга, худди шундай, дегандек бош ирғади-да, дарахтлар ортидан кўтарилиб келатган янги Ойни кўрсатди. Унинг кўзлари бизга бошпана берувчи кумуш водий ва оппоқ ғордан сўйлаб турарди. Мен унга, жон деб бораман-у, аммо қанотим йўқ-да, уча олмайман, деб шикоят қилдим. “О, – деб жавоб берди пари, – қанот шарт эмас! Мана сизга тумор, у барча мушкулни осон ҳал этади! – Пари менга шундай деди-ю, чиройли олтин узук тутқазди. – Бу узукни, – деди у, – чап қўлингизнинг исмсиз бармоғига тақинг. Шунда сиз меники, мен эса сизники бўламан. Ва биз Ердан бош олиб кетамиз-да, Ойда ўзимиз учун жаннат яратамиз”. У яна Ойга ишора қилди. Ўша узук ҳозир чўнтагимда тилла танга бўлиб турибди, лекин ҳадемай у яна олтин узукка айланади.

– Аммо бу воқеанинг мадемуазелга қандай алоқаси бор? Нега энди ўша парини деб бош қотиришим керак экан? Сиз боягина Ойга мадемуазель билан бирга кетаман, деб айтган эдингиз-ку!

– Ўша пари мана шу мадемуазел-да, – деди жаноб Рочестер унинг қулоғига секин шивирлаб.

Мен Аделга, қўй, хўжайиннинг ҳазилларига парво қилма, деб маслаҳат бердим; қизча эса, французча мулоҳазакорлик билан, унинг гапига заррачаям ишонганим йўқ, чунки парилар фақат эртақда бўлади, деб жавоб

қайтарди. Қолаверса, улар ҳаётда бўлса ҳам, бирортаси жанобнинг ёнига келмайди, унга узук совға қилмайди, у билан Ойга ҳам кетмайди, деб кўйди.

Биз Милкотда атиги бир соат бўлдик, лекин шу бир соат ҳам мени жуда толиқтирди. Жаноб Рочестер ипак матолар сотилувчи энг олди бир дўконга судраб олиб кирди. Ўзингга олти кийимлик шоҳи мато танла, деб қайсарлик қилиб туриб олди. Менинг эса бунга ҳечам ҳушим йўқ эди, шунинг учун, харидни бошқа вақтга қолдирсак, деб ялиндим. Бироқ у эътирозимга кулоқ солиб ҳам ўтирмади. Унга ҳадеб ялиниб-ёлворавергач, охири олтитамас, иккита кийимлик олишга уни кўндирдим. Бироқ энди у, икки кўйлақлик матони сенга ўзим танлаб бераман, деб шарт кўйди. У фақат ёрқин рангли матоларни кўздан кечираётганини кўриб, юрагимда ҳадик ўрмалай бошлади. Ниҳоят, у кўкиш-сафсар гўзал шоҳи газлама ва тўқпушти ажойиб атлас матони танлади. Мен тағин унинг кулоғига шивирлаб, бир йўла олтин кўйлақ билан кумуш шляпа сотиб ола қолинг; бироқ шунда ҳам мен сиз танлаган кийимни, барибир, эгнимга илмайман, деб тихирлик қилдим. У тўнкадек қимир этмай туриб олган бўлса-да, узок тортишувдан сўнг бу икки матони қора атлас ва кулранг шоҳи билан алмаштиришга кўндирдим. “Хўп, майли”, деди жаноб Рочестер охири паст келиб. У ўзича мени гулзордек товлантирмоқчи бўлган эди-да!

Мен аввал шоҳи газламалар, сўнг заргарлик буюмлари дўконидан чиққанимизда шунақаям хурсанд бўлдимки! У менга атаб қанча кўп нарса сотиб олса, ёнокларим ўкинч ва таҳқирдан шунча кучли ловуларди. Биз фойтунга қайтганимизда, тинка мадорим куриб, ўзимни ўриндиққа ташладим-да, сўнгги кунларда қувончли-ю қайғули воқеаларга ўралашиб, амаким Жон Эйр мени фарзандликка олиш ва меросхўр қилиб тайинлаш ҳақида Рид хонимга ёзган хат буткул эсимдан чиққанини бирдан эслаб қолдим. “Озрок бўлса ҳам, ўз мулким бўлса, қанийди, – дея хаёлдан ўтказдим мен, – ҳозир менга жуда асқотган бўларди-да! Нима қилай, жаноб Рочестер мени кўғирчоқдек ясантиришига тоқат қилолмайман. Мен Даная¹ эмасманки, устимдан олтин ёмғир ёғдиришса. Уйга қайтган ҳамоно Мадейрага, амаким Жонга хат ёзаман-да, турмушга чиқаётганимни, куёв кимлигини маълум қиламан. Агар бир кун жаноб Рочестерга, озрок бўлса-да, сепимни олиб келишимни билсам, ҳозирча унинг мол-мулки ҳисобидан яшаб турганимга виждоним қийналмасди”. Бу хаёл мени анча тинчлантирди (ўша кун чиндан ҳам амакимга хат ёздим), сўнг эса бошимни кўтариб, севгилимнинг кўзига тик қарадим – у анчадан бери мендан кўз узмай турарди. Жаноб Рочестер менга жимгина табассум қилди. Менимча, жориясига қимматбаҳо совға бериб, бундан кўнгли тўлган султонлар шундай жилмайса керак. Унинг билагимга чўзилган қўлини қаттиқ қисдим: у кизариб кетди-да, қўлини тортиб олди.

– Илтимос, менга бундай қараманг, – дедим мен, – акс ҳолда то ўлгунимча эски мактаб кийимимда ўтаман! Мен никоҳ маросимига ҳам бинафшаранг чит кўйлақда бораман, ўзингиз эса кўнглингиз тусаганча шоҳи-ю атласга бурканаверинг.

Жаноб Рочестер кафтларини бир-бирига ишқалаб кулди.

– Бу қиз чиндан ғалати! – дея хитоб қилди у. – У бетакрор ва ажойиб! Мен уни қуралайкўз, сарвқад канизларга тўла бутун бошли ҳарамга алишмайман.

¹ Қадимий юнон афсонасига кўра, Агресс шоҳи Акрасийнинг қизи.

Бу шаркона ўхшатиш баттар иззат-нафсимга тегди.

– Бир дақиқа ҳам ҳарамингиз ўрнини босиш ниятим йўқ, бу ташбеҳингиз жуда беўхшоқ чиқди. Агар сизга шу ёкса, бир илтифот кўрсатинг – Истанбул бозорига одам юборинг-да, бу ерда мағор босиб ётган пулларингизга ўша ёқдан хоҳлаганча канизак сотиб олинг.

– Мен дуркун сийналар-у, оху кўзларнинг савдосини қилиб турганда, сиз қандай иш билан машғул бўласиз, Жейнет?

– Мен Исо Масих умматини барча қулларни, энг аввало, ҳарамингиз чўриларини озодликка чиқариш учун миссионерликка ҳозирлик кўраман. Ҳарамингизга кириб, кўзғолон кўтараман. Сиздек мустабид пошшонинг қўлига кишан ураман. Сиз бир замонлардаги тиранлар¹дек, либерал манифестга имзо чексангизгина озодликка чиқараман.

– Майли, мени нима қилсангиз, хоҳишингиз, Жейн.

– Агар менга шундай кўз билан қарар экансиз, жаноб Рочестер, сира марҳаматимдан умид қилмай кўяверинг. Тахминимча, сиз зарурат тақозоси-ла қандай фармон чиқарманг, озод бўлгач, қиладиган биринчи ишингиз шартларни бузиш бўлади.

– Нимани хоҳлайсиз ўзи, Жейн? Никоҳ маросимимизни нафақат черковда, балки нотариус идорасида ҳам ўтказишга мажбур қиласизми, деб кўрқаман. Олдимга шартлар кўймоқчимисиз? Улар қандай шартлар ўзи?

– Жаноб, мен фақат кўнгилимни хотиржам қилиш ва қарздор бўлиб қолмасликни хоҳлайман, холос. Селина Варанс ва унга ҳадя қилган шоҳию олмосларингиз ҳақида айтганларингиз эсингиздами? Мен сизнинг инглиз Селина Варансингиз бўлмоқчи эмасман. Аввалгидек, Аделнинг мураббияси бўлиб қоламан-да, шу ерда яшаб, йилига ўттиз фунт ҳақ оламан. Мана шу пулимга кийинаман, сиздан эса талаб қиламанки...

– Нимани?..

– Хурматни. Мен ҳам сизга ҳурмат билан жавоб қайтараман-у, шу билан иккаламининг орамиз очиқ бўлади.

– Жейнет, шунақаям шарттаки, шунақам димоғдорсизки, бу иккисида сизга тенг келадигани йўқ, – деди жаноб Рочестер. Бу пайтда биз Торнфильдга яқинлашиб қолгандик. – Дарвоқе, менга лутф кўрсатиб, бирга тушлик қилоласизми? – деб сўради у дарвозадан қираётганимизда.

– Йўқ, миннатдорман, жаноб.

– Нега энди, билсам бўладими?

– Шу вақтгача сиз билан ҳеч қачон тушлик қилмаганман; ҳозирча бу одатни тарк этишга сабаб кўрмаяпман, токи...

– Нима токи? Гапни чала айтишни жуда хуш кўрасиз-да.

– Ҳозирча бундан бошқасига умид қилманг.

– Балки мени одамхўр ё мечкайлардек овқатланар, деб ўйлаб, бир столда ўтиришдан кўрқаётгандирсиз?

– Мен сираям бундай деб ўйлаганим йўқ, жаноб. Фақат шу ойда аввалгидек яшамокчиман, холос.

– Сиз ҳозироқ мураббияликни бас қиласиз.

– Асло, йўқ! Узр сўрайман, жаноб, бас қилолмайман. Мен ўзимнинг ҳар кунги ишларимни давом эттираман. Биз сиз билан аввалгидек кун бўйи кўришмаймиз. Оқшомда эса мени кўргингиз келса, бирор оқсочни жўнатинг, дарров ёнингизга чиқаман. Бироқ куннинг бошқа вақтида эмас.

¹ Қадимда Юнонистонда зўрлик йўли билан ҳокимиятни қўлга олганлар

– Бу гаплардан ўзимга келиб олиш учун ё чекиб олишим, ё тамаки хидлашим керак, Жейн. Адель буни pour me donner une contenance¹, деб атаган бўларди. Бироқ ҳозир ёнимда, аксига олиб, на сигара. на тамакидон бор. Кулоғингизни тутинг, бир гап айтаман. Ҳозирча ҳокимият сизнинг кўлингизда, золим мустабид, аммо кўп ўтмай у менинг кўлимга ўтади, ўшанда сизни, рамзий маънода, занжирга соламан (у шундай дея туриб, соати занжирини кўрсатди).

Жаноб Рочестер бу гапни фойтундан тушишимга ёрдам бераётиб айтди. У фойтондан Адельни ҳам туширгунча мен юқорига, ўз хонамга чопиб чиқдим.

Оқшомда у мени хонасига чақиртирди. Мен эса оқшом учун машғулот топиб кўйган, зеро, бутун вақтни бир-биримизнинг кўзимизга бокиб, бир-биримизга эркаловчи сўзлар айтиб ўтказишни хоҳламасдим. Мен унинг ширали овози борлигини эсимга олдим, қолаверса, барча яхши хонандалардек ўз кўшиқларини эшитишни ёқтирса керак, деб тахмин қилдим. Ўзимда эса кўшиқ куйлаш, на рояль чалиш истеъдоди бор, лекин гўзал ижро этилган куй-кўшиқларни жон деб эшитаман. Чор-атрофни ғира-ширалик қоплаши ва осмонга юлдузлар бодраб чиқиши билан ўрнимдан турдим-да, рояль қопқоғини очиб, ундан кўшиқ айтиб беришини илтимос қилдим. У менга, қайсар жодугар, дея пўписа қилиб кўйди-да, яхши-си бошқа пайт айтиб берарман, деб унамади. Аммо мен уни ҳозир куй-кўшиқнинг айна мавриди эканига кўндирдим.

– Сизга овозим ёқадими? – деб сўради у.

– Жуда.

Жаноб Рочестер – ниҳоятда иззатгалаб, бу – унинг ожиз томони, шуни билганим учун уни ҳеч мақтамасдим; лекин ҳозир, баъзи сабабларга кўра, истисно тариқасида, мақтамасам бўлмасди.

– У ҳолда, Жейн, сиз куй чалиб турасиз.

– Хўп, жаноб, жоним билан.

Аммо энди куйни чала бошлаган эдим, укувсиз косиб, дея мени роялдан турғизиб юборди. Сўнг бетакаллуф четга суриб, – ўзим ҳам асли шуни хоҳлаб тургандим, – ўрнимга ўтирди-да, ўзи куй чалиб, ўзи кўшиқ айта бошлади: у кўшиқни қанчалар яхши айтса, куйни ҳам шунчалар яхши чаларди. Мен дераза тоқчасига ўтириб олдим-да, шу ердан сокин дарахтлар ва туманли ўтлоққа боқдим. Бу пайтда у бахмал овозда гўзал романс ижро этарди:

*Мўҳаббат шундай туйғу,
Мўҳаббат шундай тилсим.
Қалбнинг оташ тубидан
Юлқиб ололмас ҳеч ким.*

*У тўлқиндай кўпириб
Олов қуяр қонимга,
У қуёш тафти бўлиб
Оқар хонумонимда.*

¹ Бироз енгил тортиш учун – фр.

Таширфи – умид, ҳузур,
Кетмоғи бўлгай алам,
Кечикса – илимас нур,
Муз қоплагай дилни ҳам.

Оч ва басир қалб билан
Талтинаман фалакка,
Қандай яхши, севилмоқ
Ўзинг севган юракка.

Лек ҳаётимиз айро,
Кенг бўшлиққа айланган.
Гўё бешафқат тўфон
Ёвузликка шайланган.

Гўё овлоқ сўқмоқнинг
Қароқчиси сингари –
Адоват-у Ҳукумат,
Қонун, Оломон – бари.

Айирдилар бизларни...
Говлар солади зулмат,
Ғамлар ўлчар изларни,
Дилда озорлар – қат-қат...

Теграм таҳқир ва бало,
Қора туш дўнар чинга,
Буларнинг бари аро
Талтинавердим унга...

Шунда ёмғир, нур қизи –
Камалак енгил кулиб,
Мени ярим уйқуда
Тундан чиқарди олиб.

Зулмат булуту узра
Тонг қилади тантана,
Гарчи фақирмиз, лекин
Кўнгил хотиржам, мана.

Дил хотиржам. О, бу он!
Ҳаммасин олиб йўлдан,
Бўронлар қаноти-ла
Жазо элтаман қўлда.

Адоват, йўқликка от!
Қонун, келтир кундангни!
Қани, ўша Ҳукумат,
Қаттол газаби қани?

Энди кўрқмасман, чунки
Ёрим менга тутди қўл.
Бузилмас бирлигимиз
Боглагай илоҳий йўл.

Менга ҳамроҳ бўлмоққа
Бўса-ла ичди қасам,
Йўли ўзга, лек ўзи
Мен-ла абадий ҳамдам...

Ниҳоят орзу бирла
Учиб кетдим фалакка.
Менинг девона севгим
Малҳам бўлгай юракка...

Кўшиқ тугаши билан жаноб Рочестер ўрнидан турди-да, ёнимга келди; мен унинг юзидаги ҳаяжон, қирғий кўзларидаги аланга, бутун вужудидаги меҳр ва эҳтиросдан уялиб кетдим. Аввалига ўзимни йўқотиб қўйдим, бироқ кейин ҳушимни йиғиб олдим. Мен шу топда бахт саҳнаси-ю қайноқ изҳорларни хоҳламас, лекин иккиси ҳам менга хавф солиб турарди. Мен ўзимга ҳимоя кулоли ҳозирлаб қўйишим лозим эди. Мен тилимни чархладим-да, ўзимга яқинлашганида мағрур туриб, сиз қандай қизга уйланыпсиз, деб сўрадим.

Севгилиси Жейннинг бу саволи ғалати-ку?

Йўқ, ҳечам ғалати эмас, мутлақо оддий ва зўринли савол бу. Ахир, ҳозиргина у севгилиси ўзи билан бирга ўлиши кераклиги ҳақида кўшиқ куйлади. Шу соф маъжусий ғоя орқали нима демоқчи ўзи у? Мен сиз билан бирга ўлишга ҳечам рози эмасман, бунга умид қилмай кўя қолинг.

У мендан фақат бир нарсани – уни тирик ҳолида севишни сўрасин, мендан фақат шуни умид қилсин. Севиклиси билан бирга ўлиш менинг қўлимдан келмайди.

Яна бир гап! Мен ҳам унингдек ажалим етганда ўламан, аммо ўлим сари талпинишни эмас, уни жим қарши олишни афзал кўраман.

Мен уни бу худбин истаги учун кечираманми ва кечирганимни бўса билан тасдиқлайманми?

Йўқ, маъзур тутсин!

Шунда у мени, баджаҳл қизалоқ, деб атади-да, яна шундай деб кўшиб қўйди:

– Бу романсни бошқа аёлга атаб куйласам, у албатта ёғдек эриб кетарди.

Мен унга, начора, шунақа бераҳм ва кўрсман, ҳали бунга кўп бор амин бўласиз, деб айтдим. Дарҳақиқат, мен шу бир ой ичида феъл-атворимдаги барча салбий томонларни унга кўрсатиб қўймоқчи эдим. Токи у ҳали кеч бўлмай туриб, қандай қайлиқ танлаганини билиб қўйсин.

Ўзингизни босиб олиб, ақл билан сўзласанг, дейсизми?

Ўзимни-ку босиб оларман-а, бироқ ақл билан сўзлашга келсак, менимча, ҳозир ҳам ақл билан сўзляпман!

Унинг жаҳли чиқиб, тўнғиллади-да, жин урсин, деб сўқинди. “Жуда соз, – дедим мен ичимда, – майли, ғазаб отига мининг, майли, жаҳлингиз чиқсин. Аммо, ишончим комилки, сиз билан муомалада энг тўғри йўл – шу, бундан

яхшисини топиш иложсиз. Сизни шунчалар қаттиқ севаманки, буни тил билан изҳор этиб бўлмайди. Аммо жуда чучмаллашиб кетгим йўқ, мен чаёндек сергаклигим билан сизни жар ёқасида тутиб турмоқчиман. Мен ўртада зарур масофани сақлайман, бу – сизга ҳам, менга ҳам фойдали”.


Мен уни секин-аста зардаси қайнашгача олиб бордим. Охири у жаҳл чиққиб, хонанинг нариги бошига кетди, мен эса ўрнимдан туриб, “Хайрли тун, жаноб!” дея, ҳар кунгидек хотиржам хайрлашдим-да, ён эшикдан сирғалиб чиқиб кетдим.

Мен тўйгача қолган бир ойда ўзимни у билан шундай тутдим ва анчамунча натижани қўлга киритдим. Тўғри, жаноб Рочестер ҳар гал жаҳл қилар ва норози бўларди, лекин, умуман олганда, бу “ўйин” ўзини ҳам қизиқтириб қўйганди; ахир, қўйдек итоаткор ва каптардек ювош бўлсам, ундаги мустабидликни кучайтириб қўярдим, бу эса зийрак ақли ва соф туйғуларини сусайтирар, демакки, ўз таъбига ҳам мос келмасди.

Бошқаларнинг олдида ўзимни, аввалгидек, илтифотли ва камтар тутардим: бундай вазиятда бошқача йўл тутиб ҳам бўлмасди-да. Бирок окшомлари ёлғиз учрашганда унинг ғашига тегиб, жаҳлини чиқаришни бошлардим. Ҳар куни соат етти бўлиши билан у менга оқсоч юбориб, хонасига чақиртирарди. Энди у мени илгаригидек, “ўзимнинг суюклигим”, “ўзимнинг кабутарим” деган эркаловчи сўзлар билан қарши олмасди. Аксар ҳолларда, мени “қўпол шайтонча”, “ҳийлакор пари”, “мазахчи”, “афсунгар” деган лақаблар билан атарди. Энди меҳр билан термилишлар ўрнини афтни буриштиришлар; қўлни сиқишлар ўрнини юзимдан чимчиллашлар; ёноғимдан ўпишлар ўрнини кулоғимдан чўзишлар эгаллаганди. Нима ҳам қилардим – шунисига ҳам шукур, дердим. Ва шу қўпол хатти-ҳаракатларни ҳар қандай ширин муомаладан афзал кўрардим. Энди Фэйр-факс хоним ҳам мени қўллаб-қувватлар, аввалги ташвишлари ариб бўлган эди – демак, ўзимни айни кўнгилдагидек тутмоқда эдим. Аммо жаноб Рочестер, сен мени ваҳшиёна абгор этдинг, бунинг учун сендан бешафқат ўч оламан, ўша вақтга эса жуда оз қолди, деб қасам ичарди. Мен унинг пўписасига фақат қулиб қўя қолардим. “Энди сизни одоб доирасида тутиб туроламан, – дея хаёлдан ўтказдим мен, – буни кейин ҳам давом эттираман, агар бир усул кучини йўқотса, бошқасини ўйлаб топаман”.

Аммо буларга қийинчилик билан эришардим; гоҳо-гоҳо унинг ғазабини қўзғамай, эркалаб гапиришни хоҳлаб қолардим. Бўлғуси эрим менинг жону жаҳоним, ҳатто ундан ҳам зиёд – жаннатий ҳузур-ҳаловатим эди. У қуёш ва одамлар ўртасида парда бўлган булутдек, ўзим ва эътиқодим ўртасида парда бўлиб турарди. Мен севгилим ортида энди Худони кўрмас, зеро, ундан ўзим учун илоҳ ясаб олган эдим.

(Давоми келгуси сонда)



БАХТЛИ ҲАЁТ ХОТИРАЛАРИ

Англиялик рассом Марианна Норт (1830–1890) Европа тарихида “виктория даври” деб аталувчи, яъни, Британия кироличаси Виктория хукмронлик қилган даврда (1837–1901) яшаб ўтган. Ла-Манш соҳилидаги Гастингс шаҳрида Англия парламентининг аъзоси Фредерик Норт оила-сида дунёга келган.

Бу тарихий давр аёллар учун жуда мураккаб кечган бўлиб, қаттиқ ижтимоий ахлоқ қоидалари уларнинг фаолиятини чеклаб, асосан, уй юмушлари билан шуғулланишни ва фақат оилавий ҳаёт билан чегаранишни тақозо этган. Камдан-кам бадавлат аёлларгина жамиятнинг бу талабига зид равишда турмуш ўртоғи ёки бирор-бир васий ҳамроҳлигида саёҳатга бора олганлар. Аёллар ўзлари қизиққан кўшиқ айтиш, расм чизиш, актёрлик каби машғулотлар билан фақат оилавий доирада шуғуллана олганлар. Шунга қарамай, айрим истеъдодли аёллар ўзларини намоён қилишга муваффақ бўлган. Баъзилари эркаклар таҳаллуси остида китоблар, мақолалар ёзган. Ёки оиласини тарқ этиш эвазига орзулари ортидан кетишган ва уларнинг истеъдодигина жамият нафратини енгишга ёрдам берган. Марианна Норт ҳам ўз даври чекловларини ёриб чиқишга муваффақ бўлган матонатли рассомлардан биридир.

Марианна гулларни севарди. Унинг отаси кўп саёҳат қилган, Европа ва Яқин Шарқ бўйлаб сафарларида уни ўзи билан олиб юради. Марианна болалигида кўшиқ айтишга, расм чизишга ва адабиётга қизиққан, ажойиб овозга эга бўлган. Кейинчалик касаллик туфайли нафақат овозини, балки эшитиш қобилиятини ҳам йўқотиб боради. Шу тариқа тасвирий санъат унинг ягона машғулотига айланади. У профессионал рассомлардан тасвирий санъат бўйича сабоқ олади. Ҳатто киролича Викториянинг ўзи унга флорачи-рассомларни тавсия этади. Ўша даврда англияликлар денгизлар ҳукмдори – Буюк Британияга қарашли денгиз орти мустамлакаларидан кемаларда келтирилган экзотик ўсимликларга ниҳоятда ишқибоз бўлишган.

1870 йилда отаси вафот этгач, Марианна уйларини сотиб, саёҳатларини давом эттиришга аҳд қилади ва ўзининг севимли гулларини реал шароитда чизишга ўтади. У 1871 йилда ўзининг илк мустақил саёҳатига жўнаб кетади. Дастлаб Ямайка орқали АҚШ ва Канадага саёҳат қилади. Сўнгра

умри давомида Бразилия чакалакзорлари, Япония, Индонезия ороллари, Ҳиндистоннинг Шри-Ланка шаҳрига, Сейшел ороллари ва Чилига сафар қилиб, ўсимликлар, манзаралар, архитектура гўзалликлари ва нодир гулларни чизади.

У бешта китъа ва ўн еттита мамлакатни кезиб, виктория даври тўсиқлари ва ўз соғлиғидаги муаммоларга қарамай, энг олис маконлардаги экзотик ўсимликларни тасвирлашга муваффақ бўлади. Мазкур узок сафарларда яратилган 900 дан зиёд гул ва ўсимликлар портрети, 1000 га яқин жанрли асарлар Марианна Нортни мусаввир сифатида дунёга танитади.

Марианна Сейшел оролларида уруғлари рухонийлар ёпинчиғини эслатувчи ғаройиб дарахт – капуцинни чизади ва бу уруғларни ботаникларга юборади. Улар ўзгарини лол қилган бу дарахтни Марианна Нортнинг шарафига “Nortia Horney” деб номлаган. Виктория даврида Англия табиатшунослари орасида рододендрон гулига “сиғиниш” даражасида ишқибозлик бўлган. Бу ҳам аслида Марианнанинг асарларидан кейин бошланган. Мусаввир ўз асарларида ҳайратланарли даражада тез ўзгарувчи бу гулнинг хилма-хил турларини шу қадар нафис акс эттиради. Унинг асарлари тез фурсатда кўпгина салонларнинг беазагига айланади. Ҳаётлик пайтида Лондонда унинг асарлари кўргазмаси ташкил этилади. Норт ҳатто, ўз ҳисобидан асарларининг экспозицияси учун махсус бино курдиради.

Рассом 1884 йили Чилига сўнгги сафаридан сўнг, чизишни тўхтатиб, ўзининг кундаликлари устида ишлай бошлайди. Ревматизм ва эшитиш қобилиятининг бутунлай йўқолиб бораётганидан у умри поёнига етаётганини англайди. Олтмиш йиллик умрини ёлғиз яшаб, табиат синоатларини суратларига муҳрлаш билан ўтказган Марианна Норт 1890 йилда Англиянинг Глостершир графлигида вафот этади. Унинг икки бобдан иборат “Бахтли ҳаёт ҳақидаги хотиралар – Марианна Норт биографияси” деб номланувчи автобиографик китоби ўлиmidан сўнг синглизис томонидан нашр этирилгач, мусаввирнинг шуҳрати яна ҳам ортиб кетади.

Марианна Нортнинг ғайрат ва истеъдоди бугун ўз эътирофини топиши унинг улкан меҳнатларининг микёси билан боғлиқ, албатта. Ҳозирги фанга маълум кўпгина ўсимликлар, Қизил китобга киритилган бир нечта экзотик гуллар унинг номи билан аталади.

Британия пойтахтидаги машҳур Кью ботаника боғидаги “Марианна Норт галереяси” деб номланган галереяда унинг ноёб асарлари сақланади. Қолаверса, ўша боғда 40 мингдан ортиқ ўсимлик турлари, гербарий кўринишида дунёнинг турли чеккаларидан келтирилган етти миллиондан зиёд флора намуналари мавжуд бўлиб, у дунёдаги энг йирик гербарийлардан бири ҳисобланади. Ва бу рассомнинг авлодларга қолдирган энг улкан совғасидир.

Виктория даврининг нимжон, хастаҳол ледиси бундай улкан ишларни адо этишга фақатгина букилмас иродаси боис муваффақ бўлди.

*Шаҳноза ҚОСИМОВА,
Қамолiddин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институтини катта ўқитувчиси*



РЕЗЮМЕ



••• Художественное произведение воспринимается читателями по-разному, исходя из своего понимания жизни и мировоззрение. Газели, публикующиеся в рубрике “Уроки Навои”, многократно анализировались известными учеными навоиоведами, на этот раз читателю предлагается толкование взялся поэт и переводчик Матназара Абдулхакима.

••• Роман выдающегося арабского писателя Ибрагима ан-Насыра “Свет в ночной тьме” занимает достойное место в истории арабской литературы XX века. В нем нашли свое отражение отношения между взрослыми и детьми, а также вопросы долга потомков перед родителями, роли женщины в обществе и семье, чувства патриотизма. Роман переведен с арабского языка Муртазо Сайдумаровым.

••• Трудно представить американскую поэзию XIX века без творчества Генри Лонгфелло. Он занимает достойное место в истории страны не только как плодовитый поэт, но и как борец, известный своими просветительскими идеями, призывающими представителей разных рас и религий к солидарности. Исследовательница Умида Элова в своей статье “Панорама человеческой психологии в творчестве Генри Лонгфелло” приводит интересные наблюдения и факты о жизни и деятельности знаменитого поэта.

••• Польская поэзия XX века богата разнообразием авторских голосов, различием направлений и стилей. Можно наблюдать, как в поэзии рассматриваемого периода традиционный классический стиль соединяется с модернистским, чисто народные мотивы с современным поэтическим мышлением. В этом номере журнала публикуются подборки стихов известных представителей польской поэзии XX века в переводе поэта Даврона Раджаба.



RESUME



••• Literary works can be understood and interpreted in different manners as people who have various characters. Especially when scientists and writers interpret one literary work they do it in different ways. The ghazals given in rubric “Lessons by Navoiy” were commented by many scientists. In this issue another ghazal by Navoiy was commented by deceased poet and translator Matnazar Abdulhakim.

••• The novel by popular Arabian writer Ibrohim an-Nosir named “The Light in Darkness” was a very important work in development of Arabian literature in XX century. The author describes relation between adults and kids, children’s duty, the place of woman in a family and society, the first love, love for the motherland and other feelings and views. Murtazo Saydumarov translated it from Arabian into Uzbek.

••• It is hard to imagine American poetry of XIX century without creativity of Henry Longfellow. He was a great figure in history of America not only by his literary works, but by his ideas of enlightenment, by his calling for the equal rights of various religions and races. A young researcher Umida Elova in her article “A Landscape of Human Spirit in Creativity of Henry Longfellow” wrote interesting facts of life of this great poet.

••• Polish poetry of XX century is reach of different voices, various ways and styles. Classical and new styles, traditional and modernistic views are mixed in poetry of this period. Poet and translator Davron Rajab chose and translated some works of Polish poetry of XX century.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: А.ОТАБОЕВ
Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ
Мусаххих: Я.ЭМИНОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 раками билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адидлар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 18.06.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.


Адади 1630 нусха. 15 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
теририб, “PRINT REBEL” МЧЖда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент ш. Олмозор т. Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Марианна Норт.
"Кудук"



Марианна Норт.
“Килпуз кўчасидаги отлик”

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси,
2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқоламизда:
Марианна Норт.
“Шимолий Стажсиорни
одамлари”